# SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**
академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдураҳим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Ғаффоров
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.д. Акрам Ҳасанов
проф.Камолиддин Ғаниев
т.ф.н.доц. Матлуба Тўраева
т.ф.д.Фахриддин Раҳмонов
т.ф.ф.д. Раъно Тўхтаева

**Бош муҳаррир:**
Очил Бўриев
**Нашр учун масъуллар:**
Равшан Тўхтамишев
Илҳом Тоғаев
**Саҳифаловчи:**
Баҳодир Мусаев

**МУАССИС:**
SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.
Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 12 мартда 14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 маротаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.
**Манзилимиз:**
Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй. Телефон: 91.466-80-32
Теришга 16.01.2024 йилда берилди.
Босишга 29.02.2024 йилда рухсат этилди. 06.03.2024 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16.15,04 босма табоқ.
Адади 30 нусха. Буюртма №59
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш корхонаси босмахонасида чоп этилди.
**Босмахона манзили:**
Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси,22-уй.
**Электрон манзилимиз:**
sohibqiron_jurnali@mail.ru

**2024 йил №1 сон (54)**



## 2024 йил «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев ташаббуси билан ташкил этилган. 2010 йилдан чоп этилади.

# MUNDARIJA

## TEMURSHUNOSLIK

Ma'murjon Rasulov, O‘ZBEKISTONDA XALQARO TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI MADANIY MEROS OBYEKTLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI.....4
Umurzoq Alibekov, AMIR TEMUR VA CHINGIZXON SHAJARALARIDAGI ALAN-QUVA.....10
Matluba Raxmankulova,AMIR TEMUR XUKMRONLIGI DAVRIDA ISLOM KITOBAT SAN'ATI RIVOJI TARIXIDAN.....18

## TADQIQOT

Lola Azimova, LIRIK MISRALARDA DINIY G'OYALARNING BADIIY TALQINI (XVII-XVIII ASRLAR MISOLIDA).....22
Shoislov Akmalov, TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR.....26
Xurshid Ahmadov, O`ZBEKISTON SSRDA LOTIN ALIFBOSINI JORIY ETILISHIGA OID SIYOSIY JARAYONLAR.....32
F.B.Qanoatova, QASHQADARYO VILOYATIDA AYOLLAR TADBIRKORLIGINING RIVOJLANISHINING AHAMIYATI.....40
Khushnudbek Mamadaliev, URBANIZATION PROCESSES IN FERGANA VALLEY.....47
Feruz Narmanov, XX- ASRNING 40-60-YILLARIDA TARIX FANI O'QITILISHIDA YUZ BERGAN O'ZGARISHLAR.....57
Mirsaid Jalilov, QIZILQUMNING INSONIYAT TOMONIDAN O'ZLASHTIRILISHI.....65
Oksana Rahmonkulova, UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI ASOS SOLINAYOTGAN BIR DAVRDA OILA INSTITUTINI MUSTAHKAMLASH DAVR TALABI.....72
Samariddin MARDONOV. MAHMUD KOSHG'ARIY "DEVONU LUG'OTUT-TURK" ASARINING ARAB TILSHUNOSLIGIDA ILMIY-NAZARIY O'RGANILISHI.....77
Shaxlo Ubaydullayeva. O'ZBEKISTONDA TIBBIYOTNING AKUSHER-GINEKOLOGIYA YO'NALISHI TARAQQIYOTIDA XOTIN-QIZLARNING O'RNI.....82
Ra'no Xatamova, O'ZBEKISTONDA GILAMDO'ZLIK SOHASINING RIVOJLANISHI.....86
Akbar Zamonov, SHAHRISABZ TOPONIMI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR.....89
Akmalxon AKMALXONOV, ARAB TILI SINTAKSISI HAQIDA QARASHLAR ("MIFTAHU-L-ULUM" ASARI ASOSIDA).....94
Nodirabegim Vaisova, IKKINCHI JAHON URUSHIDAN SO'NG MISR TASHQI SIYOSATIDAGI O'ZGARISHLAR.....105
Dilorom Vasiyeva, OLIY TA'LIMDA PEDAGOGIK INNOVATSIYA -TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING MUHIM OMILI.....112
G'ulom Yaqubov, O'ZBEKISTONDA HARBIY TA'LIM TUSHUNCHASI VA UNING MAZMUNI.....118
Nurbek GULLIYEV, O'RTA OSIYONING ILK O'RTA ASRLARDAGI XALQARO ALOQALARINING ARAB MUARRIXLARI MANBALARDA YORITILISHI..122

# MUNDARIJA

Shaxlo Jumayeva, BIOETIKA VA UNING TAMOYILLARI.....125
B.X. Imamov, O'ZBEKISTON VA TURKIYA DAVLATLARI O'RTASIDA SAN'ATNING TURLI SOHALARIDAGI ALOQALARI.....130
Dilafro'z Karimova, MARKAZIY OSIYO YODGORLIKLARIDA BUDDAVIYLIK DININING AKS ETISHI.....138
Dilrabo Kurbanova, ВОПРОСЫ ПОЛИТИЧЕСКОГО ЛИДЕРСТВА ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ.....143
Marg‘uba Qurbonova, MAHMUDXO'JA BEHBUDIY YOSHLARNI DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHDA TILLARNI O'RGANISHNING AHAMIYATI HAQIDA.....147
Salamat Sulaymanov, Malika Kayupova, QORAQALPOG'ISTONDA TURIZMNING RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....153
Ne'matullo NASRULLAYEV, UBAYDULLOH IBN MAS'UD SADRUSH SHARI'ANING "TA'DILUL ULUM" ASARI HAQIDA.....159
P.P. Norbo‘tayev, ETNOLOGIYA VA ETNOFOLKLORISTIKA.....165
Jahongir Turdialiyev, ILK O'RTA ASRLAR SUG'DDA MUSIQA VA RAQS SAN'ATI.....174
Sherxon QORAYEV, AMIR MUZAFFARNING IJODKOR FARZANDLARI VA BUXORO ADABIY MUHITI TARIXI.....180
Ergasheva Yulduz Alimovna, O'ZBEKISTONDA TARIXIY-MADANIY TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR.....190
Oydinoy Ochilova, ISTIQLOL SHAROITIDA XALQ TABOBATI VAKILLARI FAOLIYATI.....198
Omadjon Qodirjonov, O‘ZBEKISTON SUD TIZIMI TARIXIDAN.....202
Malakat Qodirova, O`RTA OSIYO XALQLARI SHAKLLANISHIDA BUYUK IPAK YO`LINING AHAMIYATI.....206
Baxritdin Turdiyev, XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON MAORIF TIZIMIDAGI AHVOL VA UNING YUKSALISHIDA JADIDCHILIK G'OYALARINING AHAMIYATI.....210
J.I.Maxmatqulov, O'ZBEKISTONDA NARKOLOGIYA XIZMATINI TASHKIL ETISH TARIXIDAN.....216
M.N.Ibragimova, ИСТОРИЯ УРУС ХАНА В ТЕМУРИДСКИХ ИСТОЧНИКАХ.....222
Munisa Muxamedova, ВЗГЛЯД НА ТВОРЧЕСТВО ХУДОЖНИКА ТЕМУРГАЛИБА ДЖАМАЛИДДИНОВА.....232
Otabek Po‘latov, TEMURIYLAR DAVRI HUNARMANDCHILIK AN'ANALARI.....237
Gulmira Turdiboyeva, O‘ZBEKISTONDA YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI OLISH BO'YICHA DAVLAT SIYOSATI.....246
Baxodir Mamadiyev, SOHIBQIRON AMIR TEMURNING OLTIN O‘RDA XONI TO'XTAMISH BILAN JANGI PANORAMASI.....252
Sanabar Djurayeva, O'ZBEKISTON JANUBIY XUDUDLARIDAGI ZIYORATGOHLARNING MANBASHUNOSLIK TARIXI.....260
Abbos Qurbonov, MUSTAQILLIK DAVRIDA O'ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARI SANOAT SOHASI TARIXINING O'RGANILISHI.....268
Muhabbat Zokirova, MAMLAKATIMIZDA INTELLEKTUAL MULK HUQUQINI TA'MINLASHDA XORIJIY TASHKILOTLAR VA KONVENSIYALAR O`RNI....274

# O‘ZBEKISTONDA XALQARO TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI MADANIY MEROS OBYEKTLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI

**Rasulov Ma'murjon Foziljonovich**
Farg‘ona davlat universiteti

**Kalit so‘zlar:** madaniy meros obyektlari, "mayin kuch", me'moriy inshootlar, shahriston, hisori, gumbaz, madrasa, maqbara, rasadxona, qal'a, xandak.

O'zbekiston istiqlolga erishgandan so'ng, xalqaro maydonda siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy imkoniyatlari bilan o'z o'rniga ega bo'ldi. Keyingi yillarda mamlakat xalqaro diplomatik faoliyatini ilmiy, madaniy-ma'rifiy sohalarda ham kengaytirishga intilmoqda. Xalqaro amaliyotda bunday siyosat "mayin kuch" ("soft power") deb yuritiladi. Bunda ilm-fan, madaniy-ma'rifiy va sayyohlik sohalaridagi xalqaro hamkorlik muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada O'zbekistonda salmoqli tajriba to'plandi. Jumladan, Xiva (1990-yil), Buxoro (1993-yil), Shahrisabz (2000-yil), Samarqand (2001-yil) shaharlari YuNESKOning Butun jahon madaniy merosi ro'yxatiga kiritilganligi, shaharlar, tarixiy shaxslar va buyuk allomalar yubileylarining xalqaro miqyosda nishonlanishi, turli xalqaro festivallar mamlakatning xalqaro maydonda madaniy-ma'rifiy hamda xalqaro sayyohlik sohasida faoliyat doirasi kengayib va mustahkamlanib borayotganligini ko'rsatadi. Bunda, birinchi navbatda, respublikadagi tarixiy shaharlar va madaniy meros obyektlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi kunda respublikada 8208 ta madaniy meros obyektlari davlat muhofazasiga olingan bo'lib, shundan 2250 tasi me'morchilik, 4748 tasi arxeologik yodgorliklar, 678 tasi mahobatli san'at (monumental) obyektlari, 532 tasi diqqatga sazovor joylardir. Bu madaniy meros obyektlaridan 4000 dan ortig'i YuNESKOning Butun jahon merosi ro'yxatiga kiritilgan [1].

O'zbekistondagi 180 dan ortiq xalqaro sayyohlik yo'nalishlarining 140 dan ziyodi aynan madaniy meros obyektlari bilan bog'liq. Shuning uchun, moddiy madaniy meros obyektlarini ta'mirlash va tiklash ishlariga keyingi yillarda mamlakat hukumati tomonidan alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, 2016-yilda 67 ta, 2017-yilda 45 ta, 2018-yilda 72 ta madaniy meros obyektlarida keng ko'lamli ta'mirlash-tiklash ishlari respublika byudjeti mablag'lari hisobidan bajarildi [2]. Bu jarayon hozirgi kunda ham uzluksiz ravishda amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, Turizm va madaniy meros vazirligining ma'lumotlariga ko'ra, madaniy meros obyektlarining restavratsiya, ta'mirlash-tiklash hamda konservatsiya ishlariga

2019-yilda jami 73 ta obyektga 59,9 mlrd so'm, 2020-yilda 75 ta obyektga 63,6 mlrd so'm, 2021-yilda jami 56 ta obyektga 45,7 mlrd so'm, 2022-yilda jami 69 ta obyektga 164,9 mlrd so'm mablag' ajratilgan.

Bu boradagi ishlar 2023-yilda ham davom ettirilib, respublikadagi 57 ta madaniy meros obyektlarini ta'mirlash uchun 100 mlrd so'mdan ziyod mablag' yo'naltirish ko'zda tutilmoqda. Shuningdek, Dalvarzintepa, Mingtepa, Chilonzor Oqtepasi, Sherozqal'a, Qo'yqirilganqal'a kabi yirik arxeologiya yodgorliklarini ilmiy tadqiq etish va muzeylashtirish ishlarini olib borish rejalashtirilgan. Vazirlik ma'lumotiga ko'ra, madaniy meros obyektlarini asrash sohasida Koreya, Yaponiya, Fransiya, Italiya, Turkiya, Eron va Rossiya kabi mamlakatlar bilan dastlabki kelishuvlarga erishilgan [3].

O'zbekistondagi xalqaro maydonda e'tirof etilayotgan hamda sayyohlarni ko'proq qiziqtirayotgan madaniy meros obyektlarining asosiy qismi Amir Temur va temuriylar davrida bunyod etilgan me'moriy inshootlardir. Xususan, Samarqand viloyatida 1607 ta madaniy meros obyektlari mavjud [4] bo'lib, 2022-yilda obidalarning ta'mirlash va qayta tiklash uchun jami 28,7 mlrd so'm mablag' sarflangan hamda 14 ta madaniy meros obyektlari qayta ta'mirlangan. Jumladan, Registon, Shohizinda va Bibixonim majmualari, Amir Temur maqbarasi, Ulug'bek rasadxonasi kabi tarixiy inshootlar qayta ta'mirlangan [5].

Amir Temur va temuriylar davri me'moriy inshootlari qanday jihatlari bilan hozirgi kungacha dunyo ahlini lol qoldirib kelmoqda? Buning uchun o'sha davr tarixiy jarayonlarini biroz tahlil qilish zarur bo'ladi. Amir Temur va temuriylar davrida nafaqat me'moriy inshootlar balki, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy sohalarning barcha yo'nalishlarida o'sha davrda rivojlangan ilm-fan yutuqlariga, turli innovatsion loyihalarga asoslangan edi. Oqsaroy peshtoqida bitilgan "Qudratimizni ko'rmoq istasang - binolarimizga boq!" degan yozuv Amir Temur davlatining siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatini ham anglatar edi. Amir Temur davrida Movarounnahr shaharsozlik an'analarida istehkomlar, shoh ko'chalar, me'moriy majmualar qurilishi muhim ahamiyat kasb etdi. Bu davr shaharsozlik sohasida alohida yangi yo'nalishlar, o'z davri uchun innovatsion loyihalar yaratildi. Ilk o'rta asrlardagi shaharning asosiy qismi bo'lgan "shahriston"dan ko'lam va mazmun jihatdan farq qiluvchi "hisori"* qurilish an'anasi shakllandi. Bunday shaharsozlik namunasini Samarqand va Shahrisabzda kuzatish mumkin [6: - 107.].

Amir Temur poytaxt Samarqandni bezatishga alohida e'tibor qaratdi. Shaharda "hisori", qal'a, ulug'vor inshootlar va tillakor saroylar bunyod ettirdi. Uning davrida Samarqand Afrosiyobdan janubda mo'g'ullar davridagi ichki va tashqi shahar o'rnida qurila boshlandi hamda bu maydon qal'a devori va xandak bilan o'ralib (1371-yil) "hisori" deb ataldi. Hisori 500 gektar bo'lib devor bilan o'ralgan va shaharga kirish uchun oltita darvoza qurilgan.

Shaharda me'moriy majmualar shakllanishi Amir Temur va temuriylar davrining eng katta yutug'i bo'ldi. Me'morchilik taraqqiyotning yangi bosqichiga ko'tarildi, inshootlar ko'lami bilan birga ularning shakli ham ulkanlashdi. Bu jarayon muhandislar, me'morlar va naqqoshlar zimmasiga yangi vazifalarni qo'ydi. Amir Temur davrida gumbazlar tuzilishida qirralar oralig'i kengaydi. Ikki qavatli

gumbazlar qurishda ichkaridan yoysimon qovurg'alarga tayangan tashqi gumbazni ko'tarib turuvchi poy gumbazning balandligi oshdi. Ulug'bek davrida gumbaz osti tuzilmalarning yangi xillari ishlab chiqildi. Aniq fanlardagi yutuqlar me'morchilik inshootlari (Shohizinda, Ahmad Yassaviy, Go'ri Amir maqbaralari, Bibixonim masjidi, Ulug'bek madrasasi)da o'z aksini topdi [7: – 138.].

XV asrda madrasa me'morchiligi o'zining uzil-kesil qiyofasiga ega bo'ldi. Madrasa qurilishi yagona tizim bo'yicha rejalashtirilsa-da, asosiy shakllari, ularning o'zaro nisbatlari va bezaklariga ko'ra har biri o'z qiyofasiga ega edi.

Temuriylar davridan qolgan maqbara, din arboblari, ruhoniylar va avliyolar qadamjolari, dahmalar qurilishida ham alohida me'moriy yechimlar ishlab chiqildi. Samarqandda Amir Temur davrida qurilgan shayx Burhoniddin Sag'orjiy xilxonasi – Ruhobod maqbarasi va Temuriylar xilxonasi – Go'ri Amir ana shunday me'moriy yechimlar asosida barpo etildi.

Temuriylar davrida qurilgan saroylar ikki xil bo'lgan. Birinchisi – ma'muriy-siyosiy maqsadda bo'lib, qal'a yoki shahar ichida qurilgan. Ikkinchisi – shahar tashqarisidagi bog'larda qurilgan qarorgohlarda qabul marosimlari, majlislar o'tkazilgan va xordiq chiqarilgan [7: – 139.].

Amir Temur shaxsiyati, davlatchilik borasidagi faoliyati, temuriylar davrida siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayot istiqlol sharofati bilan qayta tadqiq etildi. 1993-yil 31-avgust kuni Toshkent shahrida buyuk sarkardaning haykali tantanali ravishda ochildi. Vazirlar Mahkamasi qarori [8]ga asosan, Amir Temur davri bilan bog'liq madaniy meros obyektlari saqlanib qolgan shahar va qishloqlarda keng ko'lamli ta'mirlash-tiklash ishlari amalga oshirildi.

Vazirlar Mahkamasining Ulug'bek tavalludi 600 yilligini o'tkazish to'g'risidagi qarori [9]ga asosan, Samarqand, Buxoro, G'ijduvon va Shahrisabzdagi me'moriy yodgorliklarda ta'mirlash ishlari olib borildi. Jumladan, Samarqandda Ulug'bek madrasasi, Ulug'bek rasadxonasi, Go'ri Amir majmuasi; Buxoroda Ulug'bek madrasasi; G'ijduvonda Ulug'bek madrasasi; Shahrisabzda Ko'k-Gumbaz masjidi, Gumbazi Sayyidon, Dorut-Tilovat majmuasidagi Shamsiddin Kulol maqbaralarida ta'mirlash-tiklash ishlari uchun 120,9 mln so'm mablag' ajratildi [10].

1995-yilda Amir Temur tavalludining 660 yilligiga bag'ishlab Samarqand viloyati bo'yicha 11 ta, Qashqadaryo viloyati bo'yicha 11 ta, Surxondaryo viloyati bo'yicha 1 ta Amir Temur va temuriylar davri me'moriy yodgorliklarda ta'mirlash-tiklash ishlari olib borildi [11]. Shu jumladan, Samarqanddagi Bibixonim masjidi, Amir Temur maqbarasi, Shohi Zinda, Registon majmualari va boshqa obyektlarda, Qashqadaryo viloyatining Shahrisabz shahridagi Dorus-Saodat, Dorut-Tilovat, Oq Saroy arki, Chubin madrasasi, Qal'a devorida va Qarshi shahridagi Ko'k Gumbaz masjidi, qadimgi ko'prik va hammom, Qilichboy madrasasida, Surxondaryo viloyati Termiz shahridagi Sulton-Saodat me'moriy majmuasida keng ko'lamli ta'mirlash-tiklash ishlari, "O'zbekta'mirshunoslik" institutida ilmiy-tadqiqot va loyiha ishlari, "Qadriyat" Davlat korxonasi tomonidan me'moriy bezaklarni ilmiy ta'mirlash ishlari bajarildi [12]. 1995-yil dekabr oyida O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti tomonidan "1996-yilni Amir Temur yili" deb atash to'g'risidagi Farmon qabul qilindi [13].

Mazkur farmonda belgilangan vazifalar yuzasidan 1996-yilda keng ko'lamli ta'mirlash-tiklash ishlari bajarildi [14]. Shahrisabzdagi Oq Saroy, Dorut-Tilovat va Dorus-Saodat me'moriy majmualarida 1995-yilda ham katta hajmdagi ta'mirlash-tiklash ishlari olib borilgan edi. 1996-yil 18-oktyabr kuni poytaxtda Temuriylar tarixi davlat muzeyi ochildi.

1996-yilning 22-24-aprel kunlari Parijda YuNESKO doirasida "Temuriylar davrida fan, madaniyat va maorifning gullab-yashnashi" mavzusida xalqaro konferensiya hamda tadbirlarning o'tkazilishi o'zbek xalqi tarixiy qadriyatlarining nafaqat milliy, balki umumbashariy ahamiyat kasb etayotganligini yana bir bor tasdiqladi.

1991-2001-yillar mobaynida respublikadagi 69 ta me'moriy obidalar ta'mirlanib, o'zligiga qaytarildi. Jumladan, Buxoro viloyatida 25 ta, Samarqand viloyatida 14 ta, Xorazm viloyatida 10 ta, Surxondaryo viloyatida 3 ta, Navoiy viloyatida 2 ta, Toshkent shahrida 5 ta, Qo'qonda 2 ta, Shahrisabzda 8 ta [15: - 20-23.].

Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2014-yilda qabul qilingan qaror [16]ga asosan, Qashqadaryo viloyatida joylashgan Oq Saroy, Dorus-Saodat, Dorut-Tilovat, Chubin madrasasi, Chorsu, Koba karvonsaroyi, o'rta asr hammomi, Abdushukur Og'alik, Tarixiy devorlar, Samarqand darvoza, Kitob darvoza kabi madaniy meros obyektlarida keng ko'lamli ta'mirlash-tiklash ishlar olib borildi.

Vazirlar Mahkamasining "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivali to'g'risida"gi qarori [17]ga asosan, 1997-yilning 25-avgust - 2-sentyabr kunlarida Samarqand shahrining Registon maydonida birinchi xalqaro musiqa festivali bo'lib o'tdi. Festivalda dunyoning 40 dan ortiq mamlakatidan san'atkorlar qatnashdi. Festival geografiyasi yillar davomida kengayib bordi. Masalan, 2005-yilda dunyoning 51 mamlakatdan, 2007-yilda 53 mamlakatidan, 2009-yilda 50 mamlakatidan, 2011-yilda 56 mamlakatdan, 2013-yilda 56 mamlakatidan, 2017-yilga kelib esa, 58 mamlakatidan vakillar qatnashdi [18].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti hamda Vazirlar Mahkamasining qarorlari [19]ga asosan 2019-yil 26-30-avgustda "Sharq taronalari" navbatdagi XII festivali o'tkazildi. Festivalda 75 mamlakatdan 340 nafar vakillar qatnashdi [20]. Prezident Sh.M.Mirziyoev festivalning ochilish marosimida nutq so'zlab, quyidagi fikrlarni bildirdi: "Ushbu festival sababli bugungi kunda afsonaviy Samarqandning uzoq o'tmishini aks ettiradigan munavvar koshonalari, muattar havosi bilan birga, bu muqaddas zamindan taralayotgan dilbar va maftunkor taronalar ham dunyo ahlini o'ziga chorlamoqda. O'tgan salkam chorak asr davomida Samarqandning moviy gumbazlari, yulduzli osmoni ostida qanchadan-qancha sehrli navolar, hayotbaxsh ohanglar yangradi" [20].

YuNESKO Bosh direktori Odri Azule o'z chiqishida festival o'tayotgan Samarqand Amir Temurning buyuk davlati, Registon maydoni esa Mirzo Ulug'bek merosidan dalolat berishini, bu meros asrlar davomida olimlar, hunarmandlar, san'atkorlarni bu yerga yetaklaganligini qayd etdi [20].

Yuqorida keltirilgan Prezident Sh.M.Mirziyoev va YuNESKO Bosh direktorining fikrlaridan shunday xulosa chiqarish mumkinki, festivalning asosiy tashrif qog'ozi sifatida Samarqandning moviy gumbazlari hamda Registon maydoni e'tirof

etilmoqda. Bu holat respublikadagi madaniy meros obyektlaridan madaniy-ma'rifiy maqsadlarda foydalanish geografiyasi xalqaro miqyosda kengayayotganligidan darak beradi.

Amir Temur va temuriylar davrida bunyod etilgan me'moriy inshootlardan hozirgi kunda madaniy-ma'rifiy, xalqaro turizm maqasadlarida foydalanilishi O'zbekistonning xalqaro hamkorlikda "mayin kuch" ("soft power") tamoyillarini qo'llashda muhim vosita bo'lib xizmat qilishi bilan birgalikda, respublikaga sezilarli darajada moddiy manfaat ham keltirmoqda. Bu holat nafaqat Amir Temur va temuriylar davri me'moriy inshootlari, balki butun respublikadagi madaniy meros obyektlarini ilmiy tadqiq etish, muhofaza qilish, saqlash hamda ta'mirlash-tiklash ishlarini muntazam ravishda olib borilishini taqozo etadi.

**Foydalanilgan manba va adabiyotlar:**

1.https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-royxati-tasdiqlandi

2.Маданий мерос департаментида 2016-2018 йилларда олиб борилган таъмирлаш-тиклаш ишлари ?а?идаги электрон маълумотидан.

3.https://uza.uz/uz/posts/madaniy-meros-obektlari-konstituciya-darazhasida-himoyalangan_432940?q=%2Fposts%2 Fmadaniy-meros-obektlari-konstituciya-darazhasida-himoyalangan_432940

4.https://samarkand.uz/press/news/samarqanddagi-1607-ta-obekt-ozbekistondagi-kochmas-madaniy-meros-obektlarining -milliy-royxatidan-joy-oldi

5.https://qalampir.uz/news/2022-yilda-samark-anddagi-tarikhiy-obidalar-restavratsiyasi-k-anchaga-tushdi-74856

6.Абдураҳмонов М., Рахмон Н., Гулметов Э. Маданияттшунослик (дарслик). - Тошкент. 2007. - Б. 107.

7.Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи (дарслик). - Тошкент. 2019. - Б. 138; 139.

8."Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1994. 29 декабрь. 630-сон.

9."Аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1993. 19 апрель. 182-сон.

10.ЎзМА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 107-108-варақлар.

11.ЎзМА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 10-15-варақлар.

12.ЎзМА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 367-иш, 182-183-варақлар.

13.1996 йилни "Амир Темур йили" деб эълон қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1995. 26 декабрь. ПФ-1333-сон.

14.ЎзМА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 27-варақ.

15.Таъмирланиб, ўзлигига қайтарилган обидалар // Мозийдан садо. 2001. 3-сон. - Б. 20-23.

16.Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги объектларни қуриш

ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлари дастури тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2014. 20 февраль. 31-сон.

17."Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали тўғрисида". Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1997. 11 март. 132-сон.

18. https://uz24.uz/culture/sharu-taronalari-xi-haluaro-musiua-festivali-yakunlandi

19."Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 2019. 26 февраль. ПҚ-4214-сон; "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида". Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2019. 25 апрель. 354-сон.

20. https://kun.uz/news/2019/08/26/prezident-samarqandda-sharq-taronalari-xalqaro-musiqa-festivalini-ochib-berdi

Annotatsiya: maqola Amir Temur va temuriylar davri me'moriy inshootlaridan sayyohlik maqsadlarida foydalanish masalalari borasida O?zbekiston hukumati tomonidan amalga oshirilayotgan faoliyat tahlil etilgan.

Аннотация: В статье анализируется деятельность правительства Узбекистана по использованию архитектурных сооружений эпохи Амира Темура и Тимуридов в туристических целях.

Abstract: The article analyzes the activities carried out by the government of Uzbekistan regarding the use of Amir Temur and Timurid era architectural structures for tourism purposes.

# AMIR TEMUR VA CHINGIZXON SHAJARALARIDAGI ALAN-QUVA

**Umurzoq ALIBEKOV,**
Guliston davlat universiteti

**Калит сўзлар:** shajara, turkiy xalqlar, mo'g'ullar, Alan-Quva, "Shajarayi turk", "Sirli tarix", Borte-Chino, Chingizxon, Amir Temur.

**Kirish.** Shajara - arabcha daraxt degan ma'noni anglatib, kishilarning kelib chiqishi, ajdodlari va qon-qarindoshlik aloqalari majmuidir. Uni tarix ilmining bir tarmog'i - genealogiya fani o'rganadi. Podshohlar, hukmdorlar, afsonaviy qahramonlarning nasl-nasabiga qiziqish qadim zamonlardayoq bo'lgan, lekin o'rta asrlarda shajara imtiyozli tabaqalarning paydo bo'lishi va ularning ajdod-avlodlarini rasmiylashtirish uchun xizmat qilgan, qiziqishning kuchayishi bilan alohida ahamiyat kasb etgan. Oliy unvon egalariga berilgan shajaralar bir necha holatlarda avloddan-avlodga yetkazib kelingan. Shajara bitiklari hayvonlar terisiga, qog'ozga tushirilgan, ba'zan esa toshga, yog'ochga o'yib yozilgan.

Avvalgi davrlarda kishilar o'zlarining qaysi tabaqaga mansubligidan tashqari "yetti ota"sini bilishi farz deb hisoblangan. Shajaralarni ba'zan yetti pusht nomi bilan bog'lab, bir tizimga solish asosida avlodlarga yetkazish hozirgi kunda meros sifatida keng tarqalmoqda. Buni ham o'zlikni anglash jarayonidagi bir xususiyatning namunasi deb e?tirof etsa bo'ladi.

Nasroniylarda, ya'ni xristianlarda nikoh marosimlarini rasmiy tartibda ro'yxatdan o?tkazganligi bois, bu masalaga ko'p ham jiddiy tus bermaydilar. Ma?lumki, nikoh tartibi xristian urf-odatiga ko'ra, cherkovda maxsus kitobga qadim zamonlardan qayd etib boriladi. Shuning uchun kishi istagan vaqtda o'z ajdodlari to'g'risida ma'lumotni olishi mumkin. Musulmon dunyosida esa nikoh munosabatlari guvohlar ishtirokida og'zaki ravishda bayon qilinib, rasmiylashtirilganligi sababli avlodlarni yodda xotirlashga katta e'tibor berilgan bo'lsa, ajab emas [12]. Bizningcha, bu - shajaraga ehtiyoj paydo qilgan omillardan biridir.

Biz o'z tadqiqotimizda, o'rta asrlardagi ikki jahongir, buyuk sarkarda Chingizxon va Amir Temurning shajaralarida tilga olingan Alan-Quva haqida so?z yuritamiz. Alan-Quva haqiqatan tarixiy shaxs bo'lganmi yoki afsonaviy shaxsmi - bu haqda bugungi kungacha turlicha fikrlar bildirilmoqda. Muammoni o?rganish davomida bir qator tarixiy manbalar va zamonaviy ilmiy adabiyotlardan foydalandik.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Chingizxon shajarasiga, ajdodlariga oid ma'lumotlar bitilgan manbalar jumlasiga "Mo'g'ullarning yashirin tarixi" (1228 y.), Rashid ad-Dinning "Jomi' at-tavorix" (1310 y.) nomli asarlar kiradi. Rashid-ad-Din asarining uchinchi qismi "Shuabi panjgona"da turkiy podshohlar shajaralari berilgan. Muallifi noma'lum bo'lgan "Muizz al-ansob" asarida Rashid-ad-Dinning asaridagi ma'lumotlarga Amir Temur ajdodlari va temuriylar xonadoni to'g'risida

ma'lumotlar qo/shimcha qilingan [1, b.4]. Shuningdek, Amir Temur ajdodlari haqida ma'lumot beruvchi yana bir manba Hofizi Abruning "Zubdat at-tavorixi Boysung'uriy" asaridir. Bu asar "Majma' at-tavorixi sultoniya" nomli 4 jildlik asarning (1423-1427 yillarda yozilgan) to'rtinchi jildidir. Nizomiddin Shomiyning "Zafarnoma", Sharafuddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Fasih Ahmad Havofiyning "Mujmali Fasihiy", Abdurazzoq Samarqandiyning "Matla as-Sa'dayn...", ibn Arabshohning "Ajoyib al-maqdur..." kabi asarlar o'rta asrlar davrining qimmatli yozma manbalari hisoblanadi. Hofiz Tanish Buxoriy, Abulg'oziy Bahodirxon, Mirzo Ulug'bek va boshqa mualliflar ham turkiy xalqlar shajarasida Alan-Quvani tilga oladilar. Mazkur asarlarda, va keyingi davlarda yozilgan kitoblarda, ilmiy-ommabop risolalarda, maqolalarda, masalan, A.Z.V.To'g'on, J.E.Vuds, A.A.Semyonov maqolalarida Amir Temur va Temuriylarning shajaralari haqida ma'lumotlar bor.

So'nggi yillarda bir qator o'zbekistonlik va xorijiy olimlar Chingizxon va Amir Temur shajaralarini o'rganishgan va o'z xulosalarini ilmiy ishlarida bildirishgan. Jumladan, Rossiyalik olim B.R.Zoriktuyev Chingiz-xon mansub bo'lgan Borjigin urug'ining tashkil topishi muammosini manbalardagi shajaralarni o'rganish va solishtirish orqali tadqiq qilgan [10; 11]. Yana shuni qayd etish lozimki, manbalarda va ilmiy tadqiqotlarda shajaralardagi nomlar transkriptsiyasi bir-birlaridan birmuncha ajralib tursa-da, ajdodlar qatori o'xshash ko'rsatilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Mazkur maqolani yozish jarayonida Chingizxon va Amir Temur shajaralari bilan bog'liq o'rta asrlarga oid tarixiy manbalar, hozirgi zamon tadqiqotlari o?rganildi va tahlil qilindi. Tadqiqot jarayonida umumlashtirish, tizimlilik, qiyosiy tarixiy tahlil kabi usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. B.R.Zoriktuyev yozma manbalarni tahlil qilib, shuni ta'kidlaydiki, Rashid-ad-dinga ko'ra, borjigin urug'i Alan-Quvaning o'g'illaridan biri bo'lgan Bodonchardan kelib chiqqan: "Chingizxonning sof urug'i (nasabi) unga borib taqaladi", deb yozilgan manbada [3,1952b, s.14]. S.A.Kozin ham "Mo'g'ullarning sirli tarixi"ni tarjima qilganida: "Bodonchar Borchjigin avlodining urug'iga asos solgan edi", deb yozadi [14, §42]. Biroq, U.Erdenebatning fikricha, Borjiginlar urug'iga Bodonchar emas, balki Chingizxonning yanada qadimiyroq ajdodi Borjigiday Mergan asos solgan. Bodonchar esa faqat borjiginlar urug'ining yetakchisi bo'lgan, xolos [18, s.25]. B.R.Zoriktuyev Chingizxon shajarasi 2 qismdan iborat bo'lib, biri chino urug'idagi ajdodlarini, ikkinchisi esa borjigin urug'idan bo'lgan ajdodlarini o'z ichiga kiritadi, deydi [11, c.83]. Uning fikricha, afsonaviy Borjigiday Mergandan (uning xotini afsonaviy Mo'g'ulchjin-quva bo'lgan) bosh ajdodi hisoblangan shajarani afsonaviy Borte-Chino ochadi (uning xotini Xoay-Maral bo'lgan). Borte-Chino Chingizxonning totem ajdodi hisoblanadi [10, s.13,61,62]. Borjigiday Mergan Chingizxonning afsonaviy ajdodi, urug' asoschisi bo'lsa, shajaradagi qolgan ajdodlarning barchasi haqiqiy ajdodlar bo'lgan. Manbalarda Borjigiday Mergandan oldin borjigin urug'i tilga olinmaydi, shuning uchun ushbu etnik jamoani undan boshlab hisoblash kerak, P.Pellyo va L.Ambilar ham "Borjigiday eponimi tufayli borjigin urug'i va butun mo'g'ul xalqining uzoq o'tmishi saqlanib qolmoqda", degan fikrni bildirishgan [20, p.118].

Chingizxonning yuksalishidan so'ng, XII asr oxiri-XIII asr boshlarida u tuzgan davlat Yeke Mongyol Ulus mafkurasiga mos ravishda borjigin urug'ining

g'ayritabiiy, Osmondan kelib chiqqanligini asoslash va Chingizxon hokimiyatini legitimatsiya qilish kerak bo'ldi. Buning uchun mo'g'ullar jamiyatiga borjiginlar shajarasi taqdim etildi. Bu shajarada chino urug'i va borjigin urug'i shajaralari birlashtirildi. Bunday sinkretizm natijasida Chingizxonning uzundan-uzun shajarasining qoq o'rtasida, uni 2ta qismga bo'lib, bir tomondan darlekin va nirun urug'larini, boshqa tomondan Chingizxonning chino va borjigin urug'laridan bo'lgan ajdodlarini chegaralab, Borjigiday Mergan turgan. U o'ylab chiqilgan personaj bo'lsa-da, mo'g'ullar tomonidan borjiginlar etnik bo'linmasining asoschisi, haqiqatdan yashagan inson, deb tushunilgan. "Mo'g'ullarning sirli tarixi"ga ko'ra, Chingizxondan oldin 22ta avlod bo'lgan. O'ylab chiqilgan Borte-Chino va Borjigiday Merganlar olib tashlansa, 20ta avlod qoladi. Yangi tarixiy sharoitlarda Borte-Chino bilan qarindoshlik aloqasi yetarli emasdi, shuning uchun Chingizxonning Borjiginlar urug'idan kelib chiqqan yangi afsonaviy ajdodi o'ylab chiqildi, ya'ni Alan-Quva Osmonning ishtirokida Bodoncharni tug'di. Bodonchar borjiginlarning ajdodi-asoschisi deb e'lon qilindi, bu haqda Rashid-ad-din ham yozgan [11, s.85]. "Osmon bilan Yer kelishib, Temuchinni, Osmondan kelib chiqqan Bodoncharning avlodini, dunyoning yakkayu yagona, qonuniy hukmdori, shohlarning shohi deb belgilashdi. Shu tariqa Chingizxon Xudoning marhamati bilan hukmdordir. Mana shu g'oya, ya'ni Chingizxon chegarasiz yerdagi imperiyaga hukmronlik qilish huquqiga egaligi, uning hokimiyati Osmondan ato etilganligi haqidagi g'oya mo'g/ullar davlatining mafkurasiga aylandi [13, s.177-178].

Ilmiy adabiyotlarda Alan-Quva borjiginlar urug'ining asoschisi degan fikr ko'p uchraydi. Biroq, B.R.Zoriktuyevning fikricha, agar Alan-Quva borjiginlar urug'ining asoschisi bo'lganida, qarindoshlikning matrilineal (ona tomon) hisobiga duch kelardik, ya'ni shajara a'zolari ona tomonidan belgilanardi. Bunday holatda Bodonchar Alan-Quva kelib chiqqan Xorilar urug'iga mansub bo'lishi kerak bo'lardi. Ammo u patrilineal (ota tomon) qarindoshlik hisobiga mos ravishda, mo'g'ullar odatiga ko'ra, Alan-Quvaning eri Dobun-Mergan mansub bo'lgan Borjiginlar urug'ida qolgan [10, s.71]. Devid Xyuning yozishicha, Alan-Quvaning ona tomonidan bobosi Barguday bo'lgan. Onasi Bargujin-Quva Xitoyda tug'ilgan, otasi Xorilarday-mergan Mo'g'ulistonda tug'ilgan. Alan-Quvaning turmush o'rtog'i Dobu-Mergan bo'lib, ularning Buxatu-Salchji, Bugu-Xadagi, Bugunotay, Belgunotay va Bodonchar-Altan ismli o'g'illari bo'lgan. Bodonchar-Altan 930 yilda tug'ilgan bo'lib, uning 4ta o'g'li bo'lgan [21].

M.Yunusov: "Amir Temur turkiy barlos naslidan bo'lgan. Maqbaradagi qabrlar yozuvlari esa Mirzo Shoxruh buyrug'i bilan temuriylar hokimiyatining legitimligini ko'rsatish maqsadida yozdirilgan", deb yozadi [19].

Endi manbalarda keltirilgan Alan-Quvaning ta'rifiga o'tamiz. Sharafuddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma" asarida quyidagilar keltirilgan: "Bo'zunjarlar davlatining tashkil topishi va ularning ahvoli" faslida Alan-Quvaning ta'rifi keltirilgan: Bo'zunjar Alonquvoning o'g'li, Alonquvo esa Yulduzning qizi - Jo'binadan (tug'ilgan) edi, qiyot urug'idan; husnu jamol va iffatu kamolda tengsiz bir malika edi. **Nazm:**

*Barlos urug'idan nasabi o'zi,*
*Sochlari tugilgan, oy misol yuzi.*
*Chiroyda tengi yo'q, ko'rganda kishi,*

*Hayrat barmog'iga qadalar tishi.*
*Lablar so'z ochganda jon ato qilur,*
*Yuzlar tiniqligi ruh paydo qilur.*
*Ikki taram sochdan taralar anbar,*
*Ko'zlari suzilgan kofirdan asar.*
*Xalqadek buralgan ikki zulfi bor,*
*Ikki ko'zi jodu uyquga xumor.*
*Guli sunbuldan olmish tarovat,*
*Sunbuli guldan topmishdur ziynat.*
*Yuzini ko'rgan kishi de, bu oy,*
*Tangri san'ati ochmishdir chiroy.*
*Bo'yi oldida sarv ham lol erur,*
*O'tira olmas, tik behol erur.*

Uni amakisining o'g'li Divun-Boyonga turmushga chiqardilar, u mo'g'ullarning hokimi va xoni edi. Ul xotindan ikki o'g'il tug'ildi; biri - Ilgidi, ikkinchisi - Ilchigdi. (Alonquvo) eri vafotidan so'ng hokimiyatni boshqarish va farzandlarini parvarish qilish bilan mashg'ul bo'ldi. O'shanday holatda tangri irodasi bilan shunday bo'ldiki, bir kuni ul (husnda) tengsiz malika to'shakda dam olib mudrab yotganda nogoh ul qorong'u uyga yorug'lik tushganini ko'rib qoladi. Yorug' nur uning og'ziga kirib ketdi va u o'zida homiladorlik holatini sezdi. Chunki Maryam Imron qizi Jabroilning dami bilan, hech qanday otasiz homilador bo'lgan. Har ikkalasi ham tangri qudratidan va g'aroyib (voqea) emas.

**Bayt:**

*Gar Maryam qissasini eshitgan bo'lsang,*
*Alonquvoda ham shunday bo'lgan dersan.*

U (Alonquvo) ko'zi yorib uch o'g'il ko'rdi. (Ulardan) biriga Yo'qi-Qatig'an ism qo'ydi va qatig'an urug'i uning naslidandir; ikkinchisini Bu-Qoji-Solji (atadi) va soljiyuut uning naslidandir; uchinchisiga Bo'zunjar (nom berdi), qaysikim kenjasi edi va butun turk sultonlari undan kelib chiqqan. Jami mo'g'ul xonlari (ham) uning naslidan. Bu uchchala o'g'ilning naslini, ularning paydo bo'lishiga nur sabab bo'lganligi uchun niyrun deydilar. Divun-Boyondan bo'lgan ul ikki o'g'ilning naslini duralgin derlar va ular nasabda nirundan pastroq turadilar... Bo'zunjarxon, qaysikim Chingizxonning to'qqizinchi bobosidir, va hazrat Sohibqiron (Amir Temur) ning o'n to'rtinchi bobosidir... " [1, b.14-15].

Hofiz Tanish Buxoriy ham "Alan-Quva dostoni va uning farzandlaridan tarqalgan tarmoqlar" nomli faslda Alan-Quvaning voqeasi ajib va g'arib hikoyalardan ekanligini ta'kidlab o'tadi. Alan-Quvaning ta'rifini quyidagicha keltiradi: "...rivoyat egalari va hikoyat ahllarining aytishicha, malohat va sabohat mamlakatining podshohi Alan-Quvadirki, (u) baxtiyorlik daraxtining mevasi, shahriyorlik va komkorlik shajarasining samarasi, qurlos qabilasining shamchirog'i va dorlaqin jamoasining bahor va bog'i bo'lgan. (U) husn va go'zallik osmonida bir oy ediki, jahonni yorituvchi oftob uning yuzining shami ravshanligidan nur olardi; latofat va mahbublik chamanida ozod sarv uning sanubarxirom qomatiga banda bo'lardi; og'zining g'oyatda tangligidan hech qanday nozik ma'noli so'z mo'y uchiga ham nishon berolmas edi va (uning) beli shu qadar ingichka ediki,

har qanday qilni qoq yoradigan daqiqshunos kishi ham uning (boisini) yecholmas edi" [5, b.48]. Bu ta'rifdan so'ng Alan-Quvaning nurdan homila bo'lganligini bayon qiladi va bu nurdan tug'ilgan uchta o'g'illari haqidagi hikoyasini davom ettiradi.

XIII-XIV asrlarda turkiy tilli muhitda vujudga kelgan "Chingiznoma" eposida: "Alan-Quva erga tegmay homilador bo'ldi. U: "menga Quyoshning nuri tushdi, mendan Bo'ri chiqib ketdi", deydi. Atrofdagilar buni tekshirmoqchi bo'lishibdi. Uchta erkak Alan-Quvaning o'tovi yonida poylab turishdi. Hali tong otmasdan turib, osmondan yaltiroq oq nur (yorug'lik) tushganini payqashdi. Bir oz vaqt o'tgach bu nur oq yolli Bo'z (ko'k) Bo'riga aylandi", deb yozilgan [7; 17, s.15; 15, s.75]. Xullas, barcha afsona va rivoyatlarda ma'lum o'xshashlik borligini ko'rish mumkin. 1220-40 yillarda yozilgan "Sirli tarix" nomli solnomada Chingizxonning ajdodi Borte-Chino bo'lgan, u Ko'kdagi Osmon ijozati bilan tug'ilgan. Uning xotini Goa-Maral bo'lgan", deb yozilgan [14, s.79]. Bu afsonaga birinchi bo'lib Rashid ad-din e'tibor qaratgan [9, s.148]. Mo'g'ul tilidan "Burtechino" tarjimasi "kulrang bo'ri" demakdir. Goa-Maral esa "go'zal lan (ohu)" deb tarjima qilinadi [9, c.148-149; 6].

Frantsuz yozuvchisi Jan-Pol Ru Amir Temur shajarasini o'ylab chiqilgan, soxta shajara deb, Sohibqiron va uning farzandlari mo'g'ullar turkiy qabilalardan biri bo'lgan deb isbotlashga, o'zlarini esa Chingizxon bilan bog'lashga harakat qilishgan, deya ta'kidlaydi. Mo'g'ul etnik-lingvistik omilining inkor etilishi mo'g'ul Elxonlarining vaziri, tarixchi Rashid-ad-din asarida ham namoyon bo'ladi. U na Mo'g'ulistonda, na Sibirda turkiy va mo'g'ul irqlari birgalikda yashamaganligini, balki hamma zamonlarda faqat bitta irq - turkiy mavjud bo'lgan deb ta'kidlagan va mo'g'ullar turkiy xalqlardan birini bildiradi degan. Boshqa turkiy qabilalar bu laqabni mo'g'ullar erishgan shon-shuhrat va qudrat tufayli olishgan, hamda tatarlar esa turkiy qabilalar ichida eng katta shuhrat qozongan qabilalardan bo'lgan, deb yozgan edi. Ana shu tenglashtirish Temuriylarga Chingizxon bilan qon-qarindoshlikni o'rnatish vazifasini yengillashtirgan. Ular Qorachar-no'yon degan ajdodni o'ylab chiqarishgan, uning bobosining otasi Chingizxonning ukasi bo'lgan deyishgan. Qorachar-no'yon haqiqatdan ham yashagan bo'lishi mumkin, chunki Rashid-ad-din uning ismini bilgan. Temuriylar uning shajarasini tuzib, tarixini buyuk ishlar bilan bezatishgan, deb yozadi J.-P. Ru [16, s.178]. Bundan tashqari, J.-P. Ru Go'ri Amirdagi qabrtoshga o'yib yozilgan yozuvni original mifga tayanib yozilgan hamda turkiy-mo'g'ul shamanizm mentalligiga xos, deb hisoblaydi. Go'ri Amirda Temur qabridagi yozuv Chingizxon va Amir Temur ajdodlarining shajarasi bo'lib, Bodonchargacha (yoki Bozonjar) yetkazilgan. Bodoncharni onasi Alan-Quva bo'lgan. Alan-Quva Qur'oni Karimda ham tilga olingan (19,17). Shuningdek, Jan-Pol Ru tarixchi Sharofiddin Ali Yazdiyning so'zlarini ham keltiradi: "Chingizxon turkiylar mamlakatini o'g'li Chig'atoyga berganda, uni xonlik va qo'shin bilan birga amakilaridan birining avlodi bo'lgan Qorachor no'yon qo'liga topshirgan edi...: Chig'atoy vafot etganidan keyin, Qorachor turkiy mamlakatni boshqarishni davom ettirdi... Bir necha yil o'tgach, u davlatni boshqarish uchun Qora-Xulaguni tanladi.... Hijriy 652 yilda Qorachor-no'yonning ruhi uchib ketdi" [16,s.179]. Jan-Pol Ru kitobining ruscha tarjimasida quyidagi shajara keltirilgan:




Amir Temurning qabri ustidagi yozuvlar bizgacha to'liq yetib kelgan. Pastdagi haqiqiy qabrtoshiga arab tilida quyidagi so'zlar bitilgan: "Bu qabr – sultoni a'zam, hoqoni akram, osoyishtalik va himoya yo'llovchi, Amir Temur "ko'ragon" ibn amir Tarag'oy, ibn amir Barg'ul, ibn amir Aylangir, ibn amir Ijili, ibn amir Qorajar No'yon, ibn amir So'g'ujijini, ibn amir Irdamchi barlos, ibn amir Qochulay, ibn amir Tumanay, so'ngra Chingizxon, ibn amir Yesuqay bahodur, ibn amir Burtan bahodur, ibn amir Qobilxon ibn amir Boysunqur, ibn amir Qaydu, ibn amir Tumanay, ibn amir Buka, ibn amir Buzanjirnikidir...". Yozuvning davomida xuddi Mironshohning qabrtoshidagidek, amir Buzanjirning onasi Alan Quva uni otasiz, iffatli qolgani holda, nurdan homilador bo'lib tuqqanligi aytilgan [8, б.48 ].

Xulosa. Hozirgacha Amir Temur ajdodlari shajarasi xususida ikki xil qarash mavjud. Ko'pchilik Amir Temur va Chingizxon bitta ildizga ega deb hisoblaydi, ya'ni Amir Temur ham mo'g'ullardan, deb hisoblanadi. Bunga asos qilib Amir Temur maqbarasidagi Amir Temur qabrtoshiga bitilgan shajara ko'rsatiladi. Yozuvda ajdodlar orasida Chingizxon ham ko'rsatilgan, so'ng bir qator ajdodlardan keyin Buzanjir ko'rsatilib, "uning otasi noma'lum, onasi esa Alan Quvadir. Aytishlaricha, ul sharifa iffatli bo'lib, buzuqi emasdi, ul tuynukdan nur sifatida kirib, so'ngra komil inson sifatida namoyon bo'lgan kishidan homilador bo'lgan. Ul zoti oliyaning aytishlaricha, bu Abu Tolibning o'g'li musulmonlar hukmdori Alining o'g'illaridan biri ekan...". M.Yunusov yuqoridagi fikrlarni inkor etuvchi quyidagi jihatlarni ko'rsatadi [19]:

Birinchidan, agar Amir Temur chingiziylar naslidan bo'lganida u taxtga o'tirganida boshqa mo'g'ul shahzodalari kabi Temurxon sifatida o'tirardi. Ya'ni, ismiga "xon" qo'shimchasi qo'shilardi. Amir Temur turkiy barlos bo'lgani uchun ham Temurxon emas, Amir Temur sifatida hokimiyatga keldi.

Ikkinchidan, Amir Temur chingiziylardan bo'lsa, mo'g'ullar naslidan bo'lgan soxta xonlarni taxtga o'tqazib ularning nomidan davlatni boshqarishiga hojat qolmasdi. Chingizxon o'rnatgan tartib-taomilga ko'ra, oliy hokimiyatga faqatgina

Chingizxon naslidan bo'lgan xonzodalar da'vo qilishi mumkinligi qonuniylashtirib qo'yildi. Chingiziy nasldan bo'lmagan Amir Temur Chingizxon naslidan bo'lmish Suyurg'otmish (1370–1388) va uning o'g'li Mahmud (1388–1402) nomidan davlatni idora qilgan edi.

Uchinchidan, Amir Temur va uning nevarasi Mirzo Ulug'bek Chingizxon naslidan bo'lgan malikalarga uylanganlari uchun ham ularning ismlariga "ko'ragon", ya'ni "xonning kuyovi" rutbasi qo'shilgan.

Go'ri Amirdagi qabrlardagi yozuvlar Amir Temurning kenja o'g'li Shoxruh buyrug'i bilan temuriylarning oliy hokimiyatda qonuniy turganligini uqtirish maqsadida ana shunday ko'rinishdan yozdirilgan. Amir Temur hayotligida qurilgan bironta yodgorlikda yuqoridagi kabi shajara mavjud emas. 1399–1404 yillarda Samarqandda bunyod qilingan Amir Temur jome masjidining XX asr boshlaridagi holatini tasvirlovchi hujjatlarga ko'ra, bosh masjidga kirish peshtoqi ustida bizgacha yetib kelmagan quyidagi shajara bitilgan edi: "Ushbu jome masjidining qurilishi buyuk sulton, Amir Temur "ko'ragon" ibn amir Tarag'oy, ibn amir Barqul, ibn amir Aylangir, ibn amir Ijili, ibn amir Qorajar No'yon buyrug'i bilan hijriy 806 yilda tugatildi". Balkim, Mahmudxon Yunusov va boshqa olimlarning: "Amir Temur turkiy barlos naslidan bo'lgan. Maqbaradagi qabrlar yozuvlari esa Mirzo Shoxruh buyrug'i bilan temuriylar hokimiyatining legitimligini ko'rsatish maqsadida yozdirilgan", degan fikrlari to'g'ridir.

Hech bo'lmaganda, tarixiy manbalarda va ko'pchilik zamonaviy adabiyotlarda tilga olingan Chingizxon va Amir Temur shajaralarida ularning nasl–nasablari Alan–Quvaning o'g'li Bodonchar avlodlaridan bo'lgan Tumanaydan boshlab ikkita shoxga bo'linib ketishini ko'rish mumkin. Shuning uchun, mo'g'ullarni ham turkiy xalqlarga mansub bo'lgan, yoki ko'p asrlar davomida aralash nikohlar tufayli mo'g'ul–turk qavmi paydo bo'lgan, desak to'g'ri bo'larmi.

## ADABIYOTLAR:

1.Амир Темур аждодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан терма–таржима). Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. Т.:Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. 33 бет.

2.Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.:Чўлпон, 1994.

3.Рашид ад–Дин. Сборник летописей / Перевод с персидского Л. А. Хетагурова, ред. проф. А. А. Семенова. – М., 1952. – Т. 1, кн. 1, кн.2.

4.Сокровенное сказание / А. Милехин, А. Жемерова. – 2016. – 480 с.

5.Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. "Шарафномайи шоҳий". Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 1999. 416 б.

6.Алибеков У., Умарова А. Туркий халқларнинг тотемистик ва этномифологик қарашларида бўри тимсоли. // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations – Special Issue – 5 (2021) / ISSN 2181–1415. – 39–48 бб. – Б.42–43. https://cyberleninka.ru/article/n/obraz-volka-v-totemisticheskih-i-etnomifologicheskih-vozzreniyah-tyurkskih-narodov

7.Байрамуков У. З. Кладезь народной памяти. Анализ легенд в поисках истока. – Черкесск, 1993. – С.2.

8.Бердимуродов А. ГҒри Амир мақбараси / Т.Ширинов таҳририда. –

Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 80 б. http://ilmiy.bmti.uz/blib/files/86/ГГри%20Амир%20мақбараси.PDF

9.Березин Н.И. Сборник летописей. История монголов. Соч. Рашид-Эддина. История Чингис-хана до восшествия его на престол. / "Труды Восточного отделения Императорского Археологического Общества". Часть ХШ. – СПб., 1868. – С.148-149.

10. Зориктуев Б. Р. Актуальные проблемы этнической истории монголов и бурят. – М.: Вост.лит., 2011. 278 с.

11. Зориктуев Б.Р. Образование монгольского рода Борджигин // Новые исследования Тувы. 2014. №4(24). С.80-87.

12. Калонов К. Аслинг – наслинг. Биринчи мақола. // "Жаннатмакон" журнали. 2007 йил октябрь сони.

13. Кляшторный С. Г., Султанов Т. И. Государства и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. – СПб., 2000.

14. Козин С.А. Сокровенное сказание. Монгольская хроника 1240 года. – М.-Л., 1941. – С.79.

15.Короглы Х. Огузский героический эпос. – М., 1976. – С.75.

16.Ру Жан-Поль. Тамерлан. Пер. с фр.Е.Соколов. – М.: Молодая гвардия, 2012. – 296 с. – С.178-179.

17.Урманчеев Ф. По следам Белого Волка. // Советская тюркология, 1978 №6. С. 12-23. – С.15.

18. Эрдэнэбат, У. (1997) "Монголын нууц товчооны"-ны Алан-гоа эхийн домгийн учир. Улаанбаатар. (На монг. яз.).

19. Юнусов М. Амир Темур туркий барлос наслиданми ёки мўғуллардан / https://zarnews.uz/post/amir-temur-turkiy-barlos-naslidanmi-yoki-mogullardan

20.Pelliot P., Hambis L. Histoire des campagnes de Gengis Khan. Chen-wu ts intcheng lou. Traduit et annote par Paul Pelliot et Louis Hambis. T.1. – Leiden, 1951.

21.The Tartars, David Hughes 2006 – Alana Qo-ai daughter of Khorilartai and Barkujin Qo-ai of China https://ru.rodovid.org/wk

**Abstract**

The parallels in the genealogies of Amir Temur and Genghis Khan are analyzed. The place of Alan-Kuva in the genealogy of the Turkic peoples is considered on the basis of written sources.

**Annotatsiya**

Amir Temur va Chingizxon shajaralaridagi parallellar tahlil qilinadi. Alan-Quvaning turkiy xalqlar sharasidagi o'rni yozma manbalar asosida qarab chiqiladi.

TADQIQOT

# AMIR TEMUR XUKMRONLIGI DAVRIDA ISLOM KITOBAT SAN'ATI RIVOJI TARIXIDAN

**Matluba Raxmankulova,**
O'zbekistondagi Islom sivilizatsiyasi markazi
katta ilmiy xodimi,tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**Калит сўзлар:** Amir Temur, kitobat, xattotlik, Umar Aqta, Mir Ali Tabriziy

Qo'lyozma kitoblar tayyorlash jarayoniga nisbatan dastlab "kitobat ishi" atamasidan foydalanilgan. XIV-XV asrlardan boshlab Markaziy Osiyoning yirik madaniy markazlarida oddiy qo'lyozmalarga nisbatan ko'proq badiiy bezakli qo'lyozmalar tayyorlash taraqqiy eta boshladi, xuddi shu davrdan kitobat ishi kitobat san'ati darajasiga ko'tarildi [7:129]. Bu davrda kitobatning rivojlanishi Amir Temur va temuriy hukmdorlarning ma'naviy merosni e'zozlash va ehtiyot qilishga intilishi, kitobga qiziqishining ortishi, turli davlatlar madaniy markazlari bilan doimiy aloqalarning keng yo'lga qo'yilgani hamda shahar madaniyatidagi yuksalish bilan chambarchas bog'liq.

XIV asr oxiri - XV asr davomida Markaziy Osiyoda qudratli markazlashgan davlatning yuzaga kelishi iqtisodiyot rivojiga, karvon yo'llarining tiklanishiga, savdo-sotiqning kengayishiga, xunarmandchilik va qishloq xo'jaligining o'sishiga, madaniy-ma'naviy yuksalishga, jumladan, qo'lyozma kitoblarni tayyorlash Movarounnahr va Xuroson madaniy-ma'naviy hayotida muhim ahamiyat kasb etishiga turtki bo'ldi. Bu davrda badavlat kishilar bezatilgan qo'lyozma kitoblarga ega bo'lishga alohida e'tibor berishgan. Badiiy qo'lyozmani yaratuvchilar - turli soha ustalaridan iborat bir guruh saroy kutubxonalaridagi ustaxonalarga jalb etilgan holda faoliyat yuritgan bo'lsa, kitobat jarayonida ishtirok etuvchi ustalarning boshqa bir guruhlari alohida birlashib, ziyolilar va oddiy aholidan iborat kitobxonlar uchun shaxsiy tartibda ishlagani ma'lum.

XIV asr oxirlaridan mamlakat poytaxti Samarqandda kitobat shakllanishi va rivojlanishida Amir Temur tomonidan olib kelingan va mazkur shaharda faoliyat yuritgan mohir ustalarning hissasi katta bo'lgan. O'sha davrda Samarqandda yagona mutaxassislikka xos ustalar yashaydigan mahallalar, masalan, Kuyi naqqoshon [5:6.] kabi ko'chalar bo'lgan. Tarixiy manbalarda keltirilishicha, XIV asr oxiri - XV asr boshlarida Samarqandda Amir Temur kutubxonasining ko'p sonli musavvirlariga bag'dodlik mashhur usta Abdulhay boshchilik qilgan. XIV asr musavvirlarining tarjimai holini

ta'riflagan Do'st Muhammad (vaf. 1560): "Xoja Abdulhayning vafotidan keyin hamma ustalar uning ishlariga taqlid etishardi", - deb yozadi [3:174].

Tarixchi Qozi Ahmad Qumiyning (tav. 1546) "Gulistoni hunar" asarida Amir Temurning katta o'lchamdagi kitoblarga qiziqishi o'sha davrning mashhur xattoti Umar Aqta to'g'risidagi hikoyat orqali bayon etiladi. Xattot Qur'oni karimni juda mayda xatda bitib, Amir Temurga hadya qiladi, ammo sohibqiron unga: "Sen Alloh taoloning so'zlarini shunday mayda harflar bilan bitishga qanday jur'at etding", - deydi. Shundan so'ng xattot Qur'oni karimning boshqa bir yirik nusxasini tayyorlagan, undagi har bir harfning kattaligi yarim gazga (gaz - 0,71 metrga teng uzunlik o'lchov birligi) teng bo'lgan. Mushafni tayyorlash nihoyasiga yetgach, xattot uni katta aravaga ortib, Amir Temur huzuriga borganda, sohibqiron o'z ayonlari bilan peshvoz chiqib kutib oladi va munosib hadyalar tuhfa etadi [2:71]. Qozi Ahmad Qumiy mazkur kitobning bir varag'ini Mavlono Malik nomli shaxsda ko'rganligini ham keltirib o'tadi [8]. XVIII asr o'rtalaridan qo'lyozma "Boysung'ur Qur'oni" deb atala boshlangan [4]. Ushbu Qur'oni karim qo'lyozmasi sahifalari bugungi kunda turli kitob xazinalarida [9:22], jumladan, Qatardagi Islom san'ati muzeyida saqlanadi (Doha, Islom san'ati muzeyi, MS.119.2007).

Ibn Arabshoh (1392-1450) o'z kitobida Amir Temur saroyidagi madaniy muhit to'g'risida o'ta qimmatli ma'lumotlarni keltiradi. Uning yozishicha, "Amir Temurning "devoni munshiy"si, "sirlar kotibi" mavlono Shamsiddin zamonasining qozisi, o'z davrining fozili bo'lgan. Qalamining tig'i o'z iqlimlari fathida (Amir Temur) nayzasidan ham o'tkir edi. Temur o'lgandan keyin u (bu ishdan) o'zini chetga olib, adabiyot bisotini yig'ishtirib: "Mening qiymatimni biladigan odam dunyodan o'tdi va endi men boshqalar xizmatida o'z hurmatimni ketkazmayman", - degan ekan [1:82-83]. Ibn Arabshoh Amir Temur davrining eng mohir xattotlari sifatida Ibn Bandgir, Abdulqodir, Tojuddin Salmoniy kabilarni keltirib o'tadi [1:86]. O'sha zamon atoqli xattoti Xoja Mirali Tabriziy (1330-1404) nasx va ta'liq yozuvlari asosida yangi nasta'liq yozuv turini ixtiro etdi va bu yozuv turli mutaxassislar tomonidan "xatlar kelinchagi" deb atalib, she'riy, tarixiy asarlar qo'lyozmalari uchun asosiy yozuv turiga aylanadi.

Xoja Mirali Tabriziy biografiyasiga oid kam ma'lumotlar saqlangan. Amir Temur va Shohruh Mirzo xizmatida xattotlik bilan shug'ullagan. "Qiblatul kuttob" ("Kotiblarning peshqadami") nomi bilan shuhrat qozongan. Mir Ali Tabriziy ko'plab shogirdlar tayyorlagan. Ulardan ikki kishi - biri mavlono Ja'far Shohruh Mirzo zamonida xushxatlikda nom chiqargan. Ikkinchisi - Mirabulhay kitobat san'atida, insho va tahrirda tengi yo'q kotib bo'lib, sulton Abu Said zamonida inshonavislikda peshqadam bo'lgan.

XV asr oxirlarida Mir Ali Tabriziy "nasx" va "ta'liq" xatlarining belgilarini bir-biriga uyg'unlashtirib, nasxta'liq xatini yaratdi. Nasxta'liq atamasi

keyinchalik nasta'liq shaklini oldi. Mir Ali Tabriziy tomonidan yaratilgan nasta'liq xatining qonun-qoidalari bayon etilgan maxsus she'riy risola Xuroson va Movarounnahrda ushbu xat turi bo'yicha qo'llanma sifatida xizmat qilgan.

Xoja Mirali Tabriziy ko'chirgan qo'lyozmalar dunyoning turli kitob xazinalarida, jumladan, Kirmoniyning 1396 yilda ko'chirilgan "Xumoy va Humoyun", "Kamolnoma", "Ravzat al-anvor" dostonlari - Britaniya muzeyida, Sa'diyning 1377 yilda ko'chirilgan "Kulliyot" va "Bo'ston" asarlari, Nizomiy va Dehlaviyning "Xamsa"lari - Eron milliy kutubxonasida va qit'alardan namunalar Sankt-Peterburgdagi Rossiya milliy kutubxonasi fondlarida saqlanmoqda.

Nasta'liq XV asrdan boshlab Movarounnahr, Eron, Ozarbayjon, umuman, arab yozuvidan foydalanuvchi Yaqin va O'rta Sharq xalqlari orasida keng tarqaldi. Shu davrdan boshlab, nodir kitoblar, husnixat namunalari, qit'alar nasta'liqda ham yoziladigan bo'ldi. Keyinroq esa oddiy, kundalik yozuvlarda ham nasta'liqdan foydalanildi.

Amir Temur hukmronligi davrida (1370-1405) bajarilgan dastlabki badiiy bezakli qo'lyozmalarni Temuriy shahzoda Pirmuhammad (1374-1407) homiyligida bajarilgan ikki jild qo'lyozma tashkil etadi. Kitobning birinchi jildi (Dublin, The Chester Beatty Library. Ms. 114) Abulqosim Firdavsiyning (935-1020) "Shohnoma" asari bo'lib, Muhammad Said Hofiz al-Qori tomonidan 800/1397-98 yilda Sherozda ko'chirilgan [10:14]. Kitobning ikkinchi jildidan (London, The British Library. Or. 2780) (8-rasm) Asadiy Tusiyning (XI asr) "Garshaspnoma", Ahmad Tabriziyning "Shohanshohnoma", Hakim Azariy Tusiyning (1380-1462) "Bahmannoma" va Hakim Eronshoh ibn Abulhayning (XI-XII asr) "Qushnoma" dostonlari joy olgan [11: №201].

Amir Temurdan so'ng temuriylar hukmronligi davrida kitobatga e'tibor yanada kuchaydi. Lekin saltanatning Movarounnahr va Xurosonga bo'linishi mintaqadagi madaniy hayotga o'z ta'sirini o'tkazmay qolmadi. Ammo hukmdorlar va shahzodalarning ilm-fan, madaniyat va san'atning turli sohalariga homiyligi madaniy-ma'naviy hayotning rivojlanishiga zamin yaratdi. 1411 yilda Temuriy hukmdor Shohrux Mirzo (1377-1447) o'g'li Ulug'bekni (1394-1449) Movarounnahr va Turkiston hokimi etib tayinlaydi. Ulug'bek Amir Temur tomonidan Samarqandga olib kelingan ustalarning ko'pchiligini o'z vataniga qaytarishga qaror qiladi. Natijada mamlakatning turli viloyatlarida badiiy ustaxonalar faoliyat ko'rsatishi uchun imkoniyat yaratiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар У.Уватовники. 2-китоб. - Тошкент.: Меҳнат, 1992. - Б. 82-83.

2.Кази Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках (1005/1596-7) / Введ., пер. и комм. Б. Заходера. - Москва., -Л.: Искусство, 1947.

3.Костыгова Г. Дуст Мухаммад: Трактат о каллиграфах и художниках / Мастера искусства об искусстве. - Москва., 1965. Т. I.

4.Полосин В. Гигантский "Коран Байсунгура" в свете новых данных и предложений//Письменные памятники Востока.2 (9),2008.-С.34-51.

5.Пугаченкова Г., Галеркина О. Миниатюры Средней Азии в избранных образцах (из советских и зарубежных собраний) - Москва.: Изобразительное искусство, 1979.

6.Сулаймонов Ҳ. Темурий даври бадиий қўлёзмалари ва хаттот-лик санъатини Ғрганиш муаммолари // Темурийлар даври санъатини ўрганиш бўйича ўтказилган ЮНЕСКО Халқаро симпозиуми материаллари. - Самаранд, 1969.

7.Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. - Тошкент: Давр пресс НМУ, 2013.

8.https://qm-qa.libguides.com/c.php?g=700656&p=5045889

9.James D. After Timur: Qur'ans of the 15th and 16th centuries AD (The Nasser D. Khalili Collection of Islamic Art, General Editor Julian Raby, Vol. III,) The Nour Foundation in Association with Azimuth Editions and Oxford University Press, 1992. - p. 22.

10. James D. Islamic masterpieces of The Chester Beatty Library. - London: World of Islam Festival Trust, 1981. - P. 14.

11. Rieu C. Supplement to the Catalogue of Persian manuscripts in the British Museum. - London: British Museum, 1894.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Амир Темур ҳукмронлиги даврида ислом китобатининг ривожи, ўша даврга мансуб қўлёзмаларнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида фикр юритилган.

**Аннотация**: В данной статье рассматривается развитие исламского книжного дела в период правления Амира Темура, а также особенности рукописей этого периода.

**Abstract:** This article examines the development of Islamic bookmaking during the reign of Amir Temur, the features of manuscripts of this period.

TADQIQOT

# LIRIK MISRALARDA DINIY G'OYALARNING BADIIY TALQINI (XVII-XVIII ASRLAR MISOLIDA)

**Лола Азимова**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

**Калит сўзлар:** мисра, бадиийлик, ғазал, сўфиёна, ғоя, анъана, ижодкор, муножот, тасаввуфий, ирфон, мумтоз, диний, сюжет, соқий

Маълумки, XVII–XVIII асрларда ўтган салаф ижодкорлар бўлган Алишер Навоий, Фузулий лирик меросига эргашиш, улардан илҳомланиш ва адабий-бадиий қарашларига мурожаат этиш ҳамда ғазалларига мухаммаслар боғлаш анъанаси юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Улар ижодидан таъсирланиш натижасида мазмунан бой, ғоявий жиҳатдан пишиқ ҳамда ўзида диний тушунча ва қарашларни сўфиёна ғоялар уйғунлигида ифодалаган юқори бадиий савиядаги шеърият юзага келди. Хусусан, Сўфи Оллоёр (1644–1724), Бобораҳим Машраб (1640–1711), Хўжаназар Ҳувайдо (1704–1780), Увайсий (1779–1845), Нодира (1792–1842), Турди Фароғий (XVII аср–1699), Нишотий (XVIII аср), Роқим (1742–1814), Паҳлавонқули Равнақ (1725–1805), Нурмуҳаммад Андалиб (1712–1776/80) ва бошқаларнинг назмий меросида диний ва сўфиёна ғоялар кенг тараннум этилади. Умуман ўзбек мумтоз адабиётини диний-тасаввуфий ғоялардан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Исломий ғоялар ёки сўфиёна қарашлар шу қадар сингиб кетганки, бу жараён, биринчидан, ўша даврдаги диний муҳит, тарбия ҳамда тариқат одоблари ҳақида маълумот берса, иккинчидан, адабий ҳаётда диний-ахлоқий, сўфиёна ғоялар устун бўлганлигини кўрсатади. Диний-ахлоқий қарашларда, панд-насиҳат, шоирнинг гуноҳлардан тавба-тазарру қилиши, Яратганга муножоти устун бўлса, тасаввуфий қарашларда, пир-муридлик муносабатлари, лирик қаҳрамон (ошиқ)нинг Ҳақ васли (маъшуқа)га интилиши, Яратганга муҳаббат боғлаш орқали комиллик касб этиш каби жиҳатларни ўзида ифодалаган.

Шу жиҳатдан, ўзбек мумтоз ижодкорлар лирик меросини мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ҳамд, наът ва муножотлар
2. Тасаввуфий-ирфоний

Таъкидлаш керакки, ҳамду наът ва муножотлар билан бошлаш мумтоз адабиётнинг анъанавий жиҳати, ўзига хос хусусияти ҳисобланган. Зеро, ҳамд ва наътлар банданинг ожизлиги, тоабад Яратган Парвардигорга

муҳтожлигини изҳор қилиш, Аллоҳга ва Пайғамбар (с.а.в.)га яқин бўлиш ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига садоқат изҳор этиш орқали оммани тарбиялашдан иборат бўлган .

Муножотлар мазмунини эса, ибодат, қалб хотиржамлиги, касаллик, ўлим, қабр азоби, қиёматдаги турли ҳолатлар ташкил этиб, бу орқали Аллоҳга илтижо қилиб, Ундан ўз гуноҳлари учун истиғфор айтиб, иймон сўрайди. Муножотлар шоирнинг ўзи учунгина эмас, ҳатто бу шеърни ўқиган, тинглаган киши учун ҳам қалб муолажаси, кўнгил ойнасини тиниқлаштирувчи, иймонни покловчи бир восита бўлиб хизмат қилади . Жумладан, Сўфи Оллоёр ижодида ҳам бу жиҳатлар тасаввуфий-ирфоний ғоялар уйғунлигида юқори даражада тараннум этилади ва ўзига хос фалсафийлик касб этади. Хусусан, "Айласанг" радифли ғазалида шундай ёзади:

Хожатим улдур, худоё, по ишим бош айласанг,
Мунда тавфиқ, онда имонимни йўлдош айласанг.

Илким берсанг асойи ҳиммат, оғзима сано,
Кўнглима ишқ оташин солсанг, кўзима ёш айласанг...

Шоир хожатбарор зот бўлган Аллоҳдан ҳожатини сўраб, тавфиқ беришини, иймонини ҳамроҳу йўлдош қилишини, қўлига ҳиммату саховатни, тилида эса, зикру санони, қалбида Яратганга бўлган ишқу муҳаббатни ва бу муҳаббатдан кўзига ёшни жо қилишини сўфиёна баён этмоқда.

Бобораҳим Машраб лирик меросида эса, асосан тавҳид ғояси учун маънавий кураш олиб борган илоҳсевар ошиқ образи "жунун", "жонон", "ёр", "май", "маъшуқ","парвона" каби мажозий тушунча ва тимсоллар орқали ифодаланишини кўриш мумкин. Машраб "ҳурфикр Насимий ва машҳур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, уларнинг ўзини ҳароратли шогирди деб ҳисоблаган" . Айниқса, у ўз лирик қаҳрамони билан қўшилиб, "мен ичган май, бу оддий май эмас, бу ваҳдат майи бўлиб, бу майдан ичганлар машҳур мутасаввиф Мансур Ҳаллож каби дорга осилса ҳам армоним йўқ, у бахтли, чунки ваҳдат майини ичиш билан унинг вужуди илоҳиёт ила бирлашади" деб, Ҳаллож йўлидан юради.

Маълумки, тасаввуфдаги асосий талаблардан бири ишқ тушунчаси бўлиб, "у инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосдан покловчи, ҳоли этувчи муқаддас олов" дир. Машраб ҳам ана шу "муқаддас олов"дан "жазба" олган ошиқдир. Ана шу "жазба" теккан ошиқлик ва унинг руҳий ҳолати лирик мисраларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан:

Ишқ мазҳабида зуҳду тақво чидаёлмас,
Тасбиҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас .

Дунёга меҳр бермаслик, унинг ўткинчи ҳою ҳавас, нағмаларига алданмаслик, руҳни пок сақлаган ҳолда Яратганга муносиб банда бўлиш каби фалсафий-ахлоқий ғоялар ҳам илгари сурилади:

Кўнгилда дунёнинг заррача меҳри бўлмайин менда,
Сени деб икки оламдин кечиб, безора Машрабман .

Маълумки, Юсуф (а.с.) гўзаллиги шарқ адабиётида кенг куйланган ва турли жанрларда асарлар битилган. Айниқса, ошиқ (муаллиф)лар маъшуқа ҳусну жамолини Юсуф гўзаллигига ташбеҳ этган. Хусусан, Машраб ҳам бу жараённи ўз лирик меросида кенг истеъфода этиб, Пайғамбарларга хос сифатларни талмеҳ санъати орқали маъшуқа таъриф-тавсифига кўчирган. Яъни:

Юсуф сифат ул жилва қилиб чиқса қошимға,
Мен ўргулайин, Каъбау бутхона тасаддуқ... .

Хўжаназар Ҳувайдо лирик меросида ҳам диний-ахлоқий қарашлар уйғунлигида ўзига хос талқин этилади. Ҳувайдо Навоийнинг машҳур ҳикматидан таъсирланиб, шундай ёзади:

Бир бузуқ вайронадур ул уйдаким ёр ўлмаса,
Ёр ила обод эрур ул уйда ағёр ўлмаса...

Бу ўринда уй деганда кўнгил, ёр деганда Аллоҳ назарда тутилмоқда. Ижодкор фалсафий мушоҳадалар орқали кўнглингни Аллоҳ уйи сингари тавофгоҳга айлантир, пок сақла, унга ғубор етказма, агар қалбинг пок бўлса, ёр яъни Аллоҳ бўлади, У бор жойда душман, ёмонлик раҳна сололмайди. Кўнгилнинг ободлиги Аллоҳнинг муҳаббати билан гўзал ва мукаммалдир. Ижодкор ғазал охирида ўзига насиҳат қилиб, шундай дейди:

Аввал ўзунг қил амал, сўнгра насиҳат элга де,
Эй Ҳувайдо, сўзлама санда амал бор ўлмаса.

Кўринадики, шоир ўзига қарата, аввал ўзинг амал қилгин, агар амалинг бўлмаса, насиҳат қилишингдан не наф дейди.

Ҳувайдо лирик меросида ҳам Машраб сингари ошиқлик, Аллоҳ муҳаббатига шайдолик, ишқдан сармаст жунун сифатида Унга дилроз айтиш устунлик қилади. Хусусан, "Сени дардингни айтурман..." деб бошланувчи ғазалида:

Қиёмат кун яқом йиртиб қўпорман дод деб гўрдин,
Қилурман эл аросида сани дардингни айтиб дод.

Юзингни кўрмасам жаннат ичида, эй дилоромим,
Қилур оҳим ўти саккиз беҳиштни куйдуриб барбод.
Ғазаб айлаб Ҳувайдони агар солсанг тамуғ ичра,
Фиғону нолама дўзах чидолмай айлағай фарёд.

Лирик қаҳрамон қиёматда дилороми (Аллоҳ назарда тутилган) жамолини кўришни, агар унинг жамоли жаннатда мушарраф бўлмаса, ўтли ишқининг оҳи саккиз беҳиштни куйдириши ва агар дилороми ғазаб қилиб, дўзах ичра солса, унинг нолаю фиғонидан дўзах ҳам чидолмай фарёд қилиши ташбеҳу муболағалар орқали бадиий бўёқларда тасвирланган. Ҳувайдо шеърларида ҳам май, қадаҳ, ёр, жунун, майхона, соқий, парвона каби

тасаввуфий истилоҳлар ҳамда Юсуф, Зулайхо, Сулаймон, Хизр, Қорун, Кўҳи қоф (тоғ номи), жаннат, дўзах, беҳишт, қиёмат, ҳур, сажда, фаришта каби диний тушунча ва исмлар такрор ва такрор қўлланилади.

Диний-ирфоний характердаги ғазаллар ўзида юксак ахлоқий сифатларни мужассам этадики, инсонийликдан сабоқ беради, Аллоҳга муносиб банда бўлиб, умрни мазмунли ўтказишга даъват этади.

Шоирлар ижодида дунёвий муҳаббат орқали илоҳий ишққа интилиш, мажоз орқали ҳақиқатга бориш концепциясини кўриш мумкин. Муҳаммадниёз Нишотий, Роқим, Паҳлавонқули Равнақ, Турди Фароғий ижодида илоҳий муҳаббат кўпроқ дунёвийлик, реаллик касб этади. Яъни инсонга муҳаббат орқали Илоҳий ишққа қараб борилади.

Хусусан, Роқим ижодида ҳам диний тушунчалар сўфиёна тамсиллар орқали ўзига хос талқин этилади. Ижодкор лирик қаҳрамони Яратганга муҳаббат боғлаган, ҳамиша Унга илтижоли, умр, ҳаёт мазмунидан ризо ошиқдир. Яратган карамига ҳамиша муҳтож бўлган лирик қаҳрамон Унинг раҳмли раҳмон эканлигини ҳар нафасда ҳис қилади ва мудом ёмонликдан паноҳ сўрайди, илтижо ила дуо қилади. Хусусан, "Оҳким, солиб уқубатларга..." деб бошланувчи ғазал сўнггида шундай ёзади:

Қилғайсен, ё раб, ўзинг Роқим дуосин мустажоб,
Қилмағай, вайрон баногаҳ хонумонимни мараз.

Умуман олганда, ўзбек мумтоз лирик мероснинг мазмун-моҳиятини диний тушунча ва қарашлар ҳамда сўфиёна ғоялардан айро тасаввур этиб бўлмайди. Дунёвийлик динийлик билан уйғунликда олиниб, ўзига хос ахлоқий-фалсафий аҳамият касб этади. Назмий меросда илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, диний-ахлоқий томонларини кўрсатиш ва бу орқали тарбиявий жиҳатни амалга ошириш бугунги глобаллашув даврида муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2- китоб. - Т.: Ўқитувчи, 1967.
2. Комилов Н. Тасаввуф. - Т.: Movarounnahr -O'zbekiston, 2009.
3. Ўзбек адабиёти. 4 томлик, 3-том, Ўз.Р. Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т.: 1959.
4. Ҳошимхонов Н. Бобораҳим Машраб ва XVII-XVIII асрларда ижтимоий-ахлоқий фикр ривожи. Автореферат. Самарқанд. 2018.

TADQIQOT

# TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR

Шоислом Акмалов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

**Калит сўзлар:** таълим, технология, педагог, илмий, самарадорлик, метод, тарбия, салоҳият, тадқиқот, ахлоқ, маънавият, кадр, илм, маърифат

Таълим сифатини ошириш, малакали кадрларни тарбиялаш, ўқув жараёнини инновацион ғоялар асосида ташкил этиш ва бу асосида самарадорликка эришиш масаласи долзарб вазифалардан саналади. Дарҳақиқат, таълимда самарадорликнинг талаб даражасига кўтарилганлиги давлат ва жамият илмий-маърифий ҳаётида такомиллашув, шахс маънавий ривожида эса, ақлий, интеллектуал салоҳият юқори бўлишига олиб келади. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда таълим натижадорлигини оширишга қаратилган илмий ва педагогик тадқиқотлар у ёки бу жиҳатдан таълим-тарбия жараёнини сифатли ва тўғри ташкил этишга қаратилган илғор фикрлари билан амалий аҳамият касб этади. Чунончи тадқиқотларнинг муайян қисми педагогнинг ташқи ва ички сифатларини баҳолаш, унда таълим берувчининг ақлий салоҳияти, ахлоқий фазилатларига таҳлилий ёндашув бўлса, қолганлари ўқув жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш масаласига қаратилганлиги билан ўзига хосликка эга. Айниқса, бугунги технологиялар ривожланган, ақлий имкониятлар кенгайган даврда анъанавий таълимдан чекинган ҳолда янги инновацион технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш масаласи самарали усул сифатида баҳоланмоқда. Бу эса, бугунги замон педагогидан кенг дунёқараш, жараёнларга шахсий ва ўта масъулият билан ёндашув, илмий салоҳият, педагогик маҳорат ва психологик хусусиятларни талаб этади.

Албатта, бугунги ахборотлашган давр таълимда янгича ёндашув ва муносабатни тақозо қилади. Чунки таълимда самарали деб топилган янги педагогик технологиялар ҳам тўғри, холис ва мукаммал ўзлаштирилган ҳолда тадбиқ этилсагина, ижобий натижа бериши мумкин. Хориж тажрибасини тўлиғича таълимга жорий этиш - бу миллатнинг менталитети, миллий ва диний хусусиятлари, ижтимоий муҳит, муайян шарт-шароит каби жиҳатларни инобатга олган ҳолдаги ёндашувни талаб қилади. Қачонки, халқаро таълимдаги педагогик технологиялар, илғор ютуқлар миллий хусусиятлар уйғунлигида таълимга олиб кирилса, самарали ва манфаатли бўлиши мумкин. Бинобарин, Шарқ халқларига хос жиҳат бу таълимни тарбия билан уйғунликда олиб бориш тамойилидир. Таълим-тарбия уйғунлиги миллий хусусиятларимизнинг негизи ҳисобланади. Буни таълим

тизимида амалга оширишда педагогда психологик хусусиятлар ҳам шаклланган бўлиши, талаба руҳиятини ҳис қила олиши ўқув жараёнида муҳим саналади. Яъни, педагог ўтаётган мавзусини талаба томонидан қандай қабул қилинаётганлигини, ўзлаштирилиши қай даражада эканлигини билиши ва шу асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириши ва такомиллаштирилиши лозим. Шунингдек, ўтилаётган мавзуни ғоявий жиҳатларини назардан четда қолдирмаган ҳолда мақсад ва натижавийликка эътибор қаратиши керак. Педагог талабага таълим бериш давомида мавзуга боғлиқ ҳаётий мисолларни ҳам уйғунлаштирган ҳолда умумий ғоя бера олиши лозим. Бундан ташқари, ўқув жараёнида қуруқ баён қилиш, қоидалар ёдлаш, мавзуни англанмай кўчириш кабилардан воз кечган ҳолда тушунчалар таҳлили ва мавзу моҳиятини ёритишга аҳамият бериши талабани узоқ вақт хотирасида сақланишига олиб келади.

Мавзуга оид слайд ёки тақдимот материаллар баъзан ўқитувчининг "жонли фонограмма"си сифатида ҳамма вақт ҳам самара беравермайди, қачонки муҳимлари сараланган ҳолда содда ва тушунарли маълумотлар билан бойитилсагина, натижавийлик бўлиши мумкин. Кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда тайёрланган слайдлар мавжуд назарий маълумотлардан иборат бўлиб, уларнинг баъзилари хорижий манбалардан тўғридан тўғри кўчирилган бўлиб, ўқитувчининг ижодий ёндашуви деярли кўринмайди. Баъзан соф илмий-назарий маълумотларни слайдларда, илмий ва таҳлилий ишлов бермасдан тақдим этилиши фан мавзуларини ўзлаштирилиши ва тушунилишига бироз қийинчилик туғдиради. Шу билан бирга, мавзуга алоқадор фақат расмларнинг ўзини бериш ҳам самарали ҳисобланмайди. Уйғунлашган ҳолдаги содда ва тушунарли ифодаланган тақдимот материали самарали усулдир.

Маълумки, кредит-модул тизими бўйича мустақил таълим учун соатлар ажратилган ва талаба тўплаши лозим бўлган балл белгиланган. Бироқ, аксарият ҳолларда талаба томонидан мустақил таълимни бажариш ижодий ёндашув асосида амалга оширилмаётганлиги кузатилади. Аслида, мустақил таълимга илмий ва ижодий ёндашиб, мақола ёки тезис тартибида ёзилса, ўшандагина мавзу самарали ўзлаштирилиши мумкин. Яъни, талаба ўзи танлаган мавзу устида изланади ва керакли адабиётларни топиш, саралаш маҳоратига ҳамда илмий материал тайёрлаш кўникмасига эга бўлади. Шунингдек, таълимнинг бугунги вазифаси талабани мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат бўлиб, бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур бўлади. Шунга кўра, профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги вазифаси нафақат билим бериш, балки таълим олувчиларни мустақил изланиш, ишлаш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, таққослаш, ўзгартириш, ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишга қўллаш, барчага ҳаёт йўли давомида билимларини тезкор янгилаш ва тўлдиришни ўргатиш, жамият ривожланишининг юксалиш даражасига

боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил фаолият кўрсата оладиган ва жамият ривожланишига мослаша оладиган кадрларни тайёрлашдан иборатдир [1].

Шунингдек, мавзуни ўтиш давомида мотивация бера олиш, яъни руҳлантириш ҳам талабада интилувчанлик, изланувчанлик қобилиятини шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Мисол учун, талабага дарс давомида мавзуга оид мустақил равишда илмий ёки ижодий материал тайёрлаб келиш топширилса, бироқ, тайёрланган материал ёки маълумот жўн ёки талабга жавоб бермайдиган тартибда ёзилган бўлса, ўқитувчи уни мутлоқ инкор этиши ёки танқид қилишга шошилмаслиги маъқулдир. Чунки, бу ҳолат талаба руҳиятини синишига сабаб бўлиши мумкин. Албатта, бу ҳолатлар, педагогдан психологик саводхонликни талаб қилади. Руҳий қўллаб-қувватлаш, маънавий рағбат кейинги ижобий ишларга умид бера олишини педагог англаган ҳолда иш юритса, таълим самарадорлигига эришиш баробарида мустақил дунёқарашга эга кадрларни етиштиришга ҳисса қўшган бўлади. Аслида, таълим берувчи қандай материални беришини эмас, балки олдинги ўзлаштирилган ва бериладиган билимларнинг мазмуний хусусиятларини таълим олувчининг шахсий ҳаёт фаолияти билан боғлашни ҳам режалаштириши талаб этилади. Бунда таълим олувчилар таклиф этган фикр ва вариантларнинг муҳокама қилиниши ҳам аҳамиятли бўлиб, фикрлар қатъий ("тўғри", "нотўғри") баҳоланмаслиги, балки тўғри ғоя, фикр ва таклифлар рағбатлантирилиши, номаъқул бўлганлари эса биргаликда тузатилиши ("хато қилишга ҳақи бор - хатоларидан ўргансин")ни назарда тутиши керак. Бу жараёнда таълим берувчи зикр этилган унсурларнинг қайси бирлари дарснинг мақсади ва мазмунига мос келишини таҳлил қилиб бориши, ажратиб кўрсатиши ва қўллаб-қувватлаши алоҳида моҳият касб этади [2]. Албатта, шахсий ҳаёт фаолиятининг мавзу таҳлили билан боғланган ҳолда ёритилиши талаба ички кечинмалари, қизиқишлари, умуман руҳиятини билиш имконини беради. Шу жиҳатдан, талаба психологиясини қуйидаги жиҳатлар орқали ҳам аниқлаш мумкин:

- мавзу юзасидан берилган топшириқни қай тартибда бажаришига қараб, аниқлаш;
- талабанинг дарсда ўзини тутиши, атрофдагиларга муносабати орқали билиш;
- хулқ-атвор ва муомала муносабатини кузатиш орқали аниқлаш;
- баъзан ижтимоий масалалар юзасидан берилган савол ҳам талаба руҳиятини билишда аҳамият касб этиши мумкин.

Шу ўринда, бугунги олий таълим тизимида тютор (устоз, мураббий, бу истилоҳ "ўқувчи ва талабаларга тегишли билим ва кўникмаларни етказиш, сингдириш учун дарсдан ташқари вақтда тегишли фаолият олиб борадиган масъул шахс" сифатида ҳам ишлатилади) лавозими жорий этилганлиги ва унинг фаолияти юзасидан баъзи мулоҳазали фикрларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Дарҳақиқат, олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган гуруҳ мураббийси, замонавий тилда "тютор"лар, айни пайтда, педагог ("бола етакламоқ" дегани) саналади. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик

фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим сифатини такомиллаштириш мақсадида қўшимча тарзда тюторлик лавозими жорий этилганлиги, ижобий ва самарали усул, албатта. Уларнинг асосий вазифаси талабага муайян билим ва кўникмалар беришдан иборат. Шу билан бирга, талабага ўқув жараёни давомида ўз салоҳиятини намоён қилиш, ўзини янада яхшироқ англаш, ўқиш ва ҳаётда тўғри қарор қабул қилиш ва танлашни ўргатади. Улар талабага ҳар бир қадам ва ҳаракатларини англаш, ҳаётда ўз қизиқишларини топишга ёрдам беради [3]. Умумий қилиб айтганда, тюторлар талабанинг олий таълим тизимидаги "маънавий йўлбошчилари" саналади. Шу жиҳатдан, глобаллашув жараёнлари тезлашган ахборот асрида ҳар бир талабанинг ақлий салоҳиятини ошириш, маънавий-руҳий жиҳатларини рўёбга чиқаришда индивидуал муносабат, эътибор ва маслаҳат лозимлигини тақозо қилади. Бу эса, тюторлар зиммасига катта масъулият юклайди. Тюторда педагогик-психологик хусусиятлар тўла шаклланган ҳолда ҳар бир талаба билан мустақил равишда индивидуал шуғулланишни талаб этади. Шундай экан, тютор тизими самарали ва ижобий йўлга қўйилиши учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ саналади:

- талабалар сонини максимал даражада 60 нафардан оширмаслик;
- мақсадли режа асосида таълим-тарбия жараёнини амалга оширилиши;
- тютор педагогик-психологик сифатларга эга бўлиши;
- мунтазам равишда талаба билан индивидуал шуғулланиши;
- талабанинг ижтимоий аҳволи, руҳий кечинмаларидан хабардор бўлиши лозим.

Шунингдек, маънавий йўлбошчи сифатида ўзида ахлоқий фазилатларни шакллантирган, тажриба ва малакага эга, илмий салоҳиятли ва муомала маданияти юқори даражадаги педагог кадрлар тютор лавозимини эгаллаши мумкин.

Маълумки, олий таълим тизимида "Илмий тадқиқот методологияси" фани мутахассислик доирасида ўқитилади. Мазкур фан, одатда илмий-назарий қоида ва тушунчалар асосида олиб борилади. Аммо мазкур фан талабага мураккаблик туғдиради. Чунки ўқитилаётган фан қоидалар, назариялар асосида бўлиб, бироз соддаликдан йироқ. Талаба учун бу фан мавҳумлигича қолаверади (одатда бу жараён ҳозирга қадар давом этмоқда – Ш.А.). Фаннинг мазмунига кириб бора олиш эса, мураккаб тушунчалар моҳиятини тушунмаслик имконини бермоқда. Бу эса, илмий тадқиқот ишининг методологик қисмини ёритишда қийинчиликка олиб келади. Шундай экан, педагог мазкур фанни ўқитишда илмий тадқиқот иши (диссертация ёки илмий материал)ни таҳлил қилган ҳолда содда ва тушунчалар таҳлили орқали мисоллар асосида ёритса, шундагина фан тингловчи томонидан осон ўзлаштирилади. Таъкидлаш лозимки, аксарият талабалар магистрлик даражасида бўла туриб, мустақил равишда бирор илмий ёки ижодий материал (мақола ёки тезис назарда тутилмоқда – Ш.А.) тайёрлаш, керакли адабиётларни танлаш ва илмий маълумотларни саралашга қийналади. Бу

жараён, фақат магистрлик даражасида эмас, балки олий таълимдан кейинги босқичда ҳам кузатиляпти. Чунончи, сўнгги йилларда докторлик диссертацияларининг ёзилишида ҳам ғализликлар, мавзу моҳиятини англамаслик, тадқиқот ишига назарий ёндашмаслик ёки илмийликдан йироқлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Баъзан бу жараёнларга холислик тамойилидан туриб ёндашилмаяпти. Аслида бу жараёнларнинг юзага келиши таълим-тарбиянинг тўғри шаклланмаслигига бориб тақалади. Бу эса, узлуксиз таълим жараёнларининг босқичма босқич амалга оширилиши ва фанларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Чунки олий таълим тизимида ўқитиладиган фанларга умумтаълим тизимининг узвий давоми сифатида қаралади ва давомийлик касб этади. Хусусан мактаб, коллеж ва лицей доирасида "Миллий ғоя" фани кенг ўқитилган. Аммо ўқув жараёнида талабадан ғоя нима эканлигини сўраб кўрсангиз, жўяли фикрни ололмайсиз. Фақат миллий ғоялар назария сифатида ўқитилган ва ёд олинган. Натижада, фан етарли даражада тўлиқ ўзлаштирилмаган. Бу жараён биргина миллий ғоя фанида эмас, бошқа фанлар доирасида ҳам кўринади. Қачонки фан мавзусида мавжуд назарий тушунчаларнинг моҳияти содда тарзда таҳлилий етказилса, шундагина тингловчи томонидан узоқ вақт ёдда сақланишига эришилади. Шунингдек, бугунги технологиялар ривожланган даврда таълим-тарбияни амалга оширилишини фақат тил билиш даражаси билан чеклаб қўйиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Талаба-ёшларнинг ақлий ва илмий салоҳияти муайян тил сертификатига эгалиги билан белгиланмоқда. Ўқувчи олий таълим тизимига келгунга қадар, умумтаълим мактаблари ёки лицейларни эмас, балки тил курсларини битиришяпти. Ўқувчи билиши зарур бўлган умумтаълим фанлари ўзлаштирилмай қолмоқда. Натижада, олий таълим тизимига келган ўқувчида фан мавзуларини билмаслик, етарлича ўзлаштира олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу жараён, кенг миқёсида таълим тизими билан боғлиқ кўплаб муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Тил билиш ижобий ва имкониятлар кенгайган техника асрида самарали жараён, албатта. Бироқ, бу жараён фанлар ҳисобига бўлиши керак эмас. Албатта, бугун илм-фан, техника ривожланган давр таълим-тарбия масаласида натижавийлик ва самарадорликни талаб этади. Инчунин, таълим-тарбия масаласи бугунги маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим асосисми саналади. Қачонки, ёш авлодга етарли таълим-тарбия берилсагина, давлат ва жамият маърифий ҳаётида юксалиш бўлади. Бу борада, Президент Ш.Мирзиёев "Чиндан ҳам, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади. Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик" [4], дея таъкидлаган эдилар. Зеро "Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади"[5], деган илғор ғояларида жамият

тараққиёти учун муҳим маърифий юксалиш мужассамдир.

Умуман олганда, таълим самарадорлигини ошириш, малакали ва маънан етук, ахлоқан баркамол кадрларни тайёрлаш масаласи Янги Ўзбекистоннинг маърифий ривожи йўлида муҳим вазифалардан бири саналади. Давлат ва жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини бугунги ёш авлод камолоти белгилаб беради. Зеро, Янги Ўзбекистонни Учинчи Ренессанс босқичга илму маърифатли, ҳар томонлама етук, баркамол авлодгина олиб чиқа олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Индиаминов Н., Бабажонов Б. Таълим самарадорлигини оширишда шахсга йўналтирилган таълим. Замонавий таълим, электрон журнал. 2014, 8-сон.
2. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. / Б.Ю.Ходиев таҳрири остида. - Т.: "Иқтисодиёт", 2009.
3. Юксак масъулият эгалари - "тюторлар" ҳақида // https://yuz.uz/news/yuksak-masuliyat-egalari-tyutorlar-haqida
4. Таълим-тарбия соҳасида янги давр бошланмоқда - президент // http://axbor.sorbon.ru/cr/Ta_limtarbiasohasidaangidavrboslanmokdamdashprezident_cr/#gsc.tab=0
5. "Янги Ўзбекистон - мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган мутлақо янги ва зарур ғоя ўртага ташланди // https://nuz.uz/uz/zhamoat/1192163-yangi-%D1%9Ezbekiston-maktab-ostonasidan-talim-tarbiya-tizimidan-boshlanadi.html

TADQIQOT

# O`ZBEKISTON SSRDA LOTIN ALIFBOSINI JORIY ETILISHIGA OID SIYOSIY JARAYONLAR

Xurshid Ahmadov
Buxoro Davlat Universiteti tayanch doktoranti

**Kalit so`zlar.** Alifbo, lotinlashtirish, Sovet Ittifoqi, siyosiy jarayonlar, yozuv, imlo, nashriyot, konferensiya, ziyolilar, mahalliy rahbarlar, panislomizm, panturkizm, til siyosati.

O`zbek milliy alifbosining shakllanish bosqichida ahamiyatli va tajribali bosqich hisoblangan davr 1926 - 1940-yillar bo`ldi. Bu davrda mahalliy rahbar va milliy ziyolilar asosiy rolda turdilar va bu bo`yicha bo`lib o`tgan konferensiya, anjuman va boshqa shu kabi tarixiy-siyosiy tadbirlarda o`zlarining ahamiyatli munosabatlarini bildirdilar. O`zbekiston tarixida XX asr davomida ikki marta lotin alifbosiga asoslangan o`zbek yozuvi qabul qilindi. Buning birinchisi bilamizki, 1929 - yilda qabul qilindi va joylarda maxsus kurslar tashkil etilib mahalliy kadrlarga lotin alifbosi o`rgatildi.

Sovet ittifoqining asl maqsadi ittifoqdagi barcha xalqlarning tilini va imlosini birlashtirish bo`lgan va bu jarayonlarning biri lotinlashtirish jarayoni bo`ldi. Sovet rahbarlari til siyosatini chanchalik muhim o`rin egallashini yaxshi tushunishgan. Sovet ittifoqida 100 dan ortiq tilda gaplashadigan xalqlar mavjud bo`lgan. Sovet rejimini o`rnatish va saqlab qolish uchun til siyosatini puxta rejalashtirish lozim edi. 1917-yilda Sovet davlatida hokimiyatga kelgan Leninning asosiy maqsadlaridan biri til siyosati orqali Markaziy Osiyoda panislomizm va panturkizm tahdidini kamaytirish bo`lgan, shu sababdan ham arab alifbosini lotin alifbosiga almashtirishni rejalashtirgan. Lekin bizdagi ziyolilar va mahalliy rahbarlar iloji boricha milliy manfaatlarni ko`zlagan holda islohotlar o`tkazishga harakat qilishgan. [ 1, B. 8 ]

Arab imlosidan lotin alifbosiga o`tish tarixiga nazar solsak, bu jarayon ancha ilgari boshlangan. Bu to`g`risida deyilgan, " Bu masala birinchi marta Ozarbayjon, Turkiya va Tatariston turklari orasida boshlangan. Bundan 68 yil oldin Ozarbayjonning mashhur adibi va yozuvchilaridan biri bo`lgan Mirzo Fatixali Oxundov tomonidan ko`tarilgan. Bu kishi 1857 - yilda arab alifbosini isloh etishni lozim topib, bu to`g`risida ilmiy va kuchli dalillar bilan birga loyiha tuzdi. Bundan keyin yana 1863 - yilda shu yangi imlo bilan "Yusuf shoh" hikoyasini yozib Turkiya ilmiy muassasalariga uni ma`qul etish uchun Istanbulga bordi. Unda chor hukumati safarotxonasi vositasi bilan Turkiya bosh vaziri bo`lib turgan Fuad poshoga bir ariza bilan mazkur hikoyani yubordi. Fuad poshoning buyrug`i bilan Turkiya hukumatining ilmiy jamiyati bu loyiha va imloni takshirib, uni har tomondan munosib topdi, lekin matbuotga chiqarish uchun ruxsat bermadi va bu loyiha amalga oshmadi. Shundan so`ng Mirzo Fatixali Eron hukumati uchun

tehronga yubordi, lekin Tehron hukumati ham buni rad edi. Bundan so`ng bu masala bilan Malkumjon degan kishi shug`ullandi. U o`zining "Shayx va vazir" asarida arab alifbosi o`rganish, o`rgatish va umuman g`arb taraqqiyotiga yetishish uchun to`siq deb hisoblagan. Bu to`g`risida ishlagan yana bir kimsa "Mirzo Rizojon" hisoblanadi. Bu kishi turk, fors va arab tillariga tadbiq qilib lotin alifbosi loyihasini tuzdi. Lotin alifbosini loyihasi uistida ishlagan keyingi kishi Faridunbek Ko`chirdi edi. U 1898 – yilda Kavkazdan chiqqan gazetaning 23, 238 va 264– sonlarida arab alifbosini nuqsonlarini aytib, rus tilida mukammal maqola yozgan va arab imlosini isloh qilish dalillarini keltirgan. 1908 – yili Turkiyada "Yosh turklar" harakati tus olgandan so`ng, shu davrda maorif vaziri bo`lib turgan Noilbek alifbo islohoti yuzasidan komissiya tuzishga buyruq berdi, lekin bu komissiya faoliyati jiddiy iz qoldirmadi.Totorlar orasida bu harakat 1911 – yil boshlandi va keng miqyosda ishlar amalga oshirildi. [ 1, B. 3–7 ]

1921 – 1922 – yillarda O`zbekiston hududida arab imlosi islohoti o`tkazilgan bo`lsada milliy ziyolilar yozuv va alifbo islohotini davom ettirishga oid o`zlarining maqolalari bilan davriy matbuotda chiqishlar qilaverdilar. Masalan, "Qizil bayroq" gazetasida M. Shermuhammadning bir maqolasi chop etilgan. Bu maqolada g`arb davlatlarida fan va texnika rivojlanib rivojlanib borayotgani sabablaridan biri sifatida mukammal yozuvi borligini aytgan ya`ni, azaldan bir bo`lgan lotin alifbosiga asoslangan va aksariyat g`arb davlatlarida bo`shqa alifbo joriy etilmay, yagona alifbo asosida yozuv isloh qilinib rivojlantirilgan, bu esa yagona til va imlo mavjud bo`lib fan va texnologiyaning yoshlar tomonidan tezda o`rganilishi texnik pragressiyani keltirib chiqardi degan fikrlar bayon etilgan.

1922 – yil 22 – martda Shokirjon Rahimiyning "O`zbek imlosi to`g`risida asoslar" nomli maqolasi e`lon qilindi. Maqola Turkiston Respublikasi o`zbek madaniyati va maorifi xodimlari qurultoyi munosabati bilan yozilgan bo`lib, shunday so`zlar bilan boshlanadi: "Har qaysi ulusning adabiyotining tugallanmasi shu usulusning til va yozuvining tartiblik va yo`sunlik bo`lishiga bog`liqdir. Tartibsiz va qoidasiz til yozuvi bo`yicha tuzilgan adabiyotning bir kun emas bir kun bitishiga hech shak–shubha yo`qdir. Til jon bo`lsa yozuv uning badanidir. Sog` bo`lmagan bir tanada jonning uzoq yashamog`i qiyindir. Bizning yozuvimiz kasal. Buning ilojiga tezda kirishilmasa ish xavflidir. Buning ilojiga kirishuvchi yana bizning o`zimiz – maorif ahillaridir." [ 2, B. 22 ]

O`zbekiston SSRda lotin imlosi joriy etilgunga qadar respublikada juda ko`plab siyosiy jarayonlar bo`lib o`tgan. Bunda mahalliy rahbarlar va ziyolilar roli beqiyos hisoblanib, asosiy faoliyat ularning zimmasiga tushgan.

Lotin alifbosini joriy etish masalasi 1926 – yilda Bokudagi Sovet Ittifoqi miqyosida bo`lib o`tgan katta siyosiy tadbirda til va imlo masalasi ko`rilganda kun tartibiga bir necha masalalar qo`yilgan edi. Bu tadbir katta va ahamiyatli tadbir hisoblanib, chunki butun turk xalqlari uchun lotin asosida mushtarak alifbo tuzish bilan birga dushmanlarimizning "lotinchilar birlasha olmaydilar, ularning turmushida asos yo`q, ular birlashib lotin asosida bir alifbo tuzolmaydilar"

degan gaplariga barham berilsa, ikkinchidan, turk xalqlari orasidagi madaniy-ilmiy birlashishiga katta yo`l ochiladi.

Butun turk xalqlari uchun mushtarak alifbo tuzishda to`rt asosiy masala bor: birinchisi, birlashtirish asoslari; ikkinchisi, singarmonizm masalasi; uchinchisi, bosma va qo`lyozma, katta va kichik harflar; to`rtinchisi, shakllar masalasidir. Bu masalalarning barchasi Boku plenumida ko`rildi. [ 3, B. 54-60 ]

1926 - yil fevral-mart oylarida bo`lib o`tgan Boku konferensiyasida ko`plab masalalar muhokama etilishi kun tartibiga belgilab qo`yilgan. Quyida faqat til va imloga oid masalalar haqida qisqacha ma`lumot berib o`tamiz.

Qurultoyning beshinchi masalasi: Turk tillarining hozirgi holi va kelgusi tadqiqoti. Ma`ruzachi: Samaylovich, Maluf, Oshmarinlar. Qurultoyning yettinchi masalasi: Umumiy imlo assoslari. Ma`ruzachi: L. A. Sharof, Pishkufskiy, Jirkuf; Turk tillarining imlosi: Olimjon Ibrohimov, Navshiravonuf va Farhod Og`azoda. Qurultoyning sakkizinchi masalasi: Tilni o`rganish vatexnika nuqtai nazardan alifbo tuzilishi. Ma`ruzachi: prof. Yakovlev va prof. Jirkof. Qurultoyning to`qqizinchi masalasi: Turk millatlari alifbosining islohoti. Ma`ruzachi: Muhammadzoda, Olimjon Sharof, Nazir To`raqulov, Tahsin Umar, Bardinev va Mushtariylar. Qurultoyning o`n birinchi masalasi: Turk millatlari adabiy tillarining inkishofi: prof. Kuprizoda. Qurultoyning o`n ikkinchi masalasi: Ona tili o`qitish usulida yangi oqimlar-Orboshkufskiy. Qurultoyning o`n uchinchi masalasi: Turk tillarini o`qitish usullari.-Qurbonaliyev, Fitrat, Jabbor, Afandizoda, Limoniflar bo`ldilar.

Konferensiyada O`zbekistondan quyidagi vakillar saylandilar: Raxim Inog`om o`g`li, Ashurali Zoxiriy, Sh. Raxim, Elbek, B. Rahmoniy, Abdujabborov, Viyatkinlar va alohida chaqiriq bilan Abdurauf Fitrat bordilar. Bularni ikki marta majlislari bo`lib o`tdi va 1926 - yil 20-fevralda Bokuga qarab yo`l oldilar. [ 4, B. 169 ]

Boku konferensiyasining birinchi plenumining asosiy qarorlaridan hisoblangan mushtarak alifbo masalasida bir qancha muvaffaqiyatlarga erishildi. Qozog`iston va Ozarbayjon jumhuriyatlaridan tashqari hamma jumhuriyatlardagi turk millatlari mushtarak alifboga asos yaratdilar.

1928 - yil yanvar oyida Toshkentda Butunittifoq Yangi Alifbo Markaziy Qo`mitasining ikkinchi plenumi bo`lib o`tadi.

Ikkinchi plenum mushtarak alifboni amalga oshirishda ortda qolgan Ozarbayjon va Qozog`istonni tanqid qildi va tezlik bilan Qozog`istonda, sekinlik bilan Ozarbayjonda mushtarak lotin alifbosiga ko`chishga qarorlar berdilar. Ozarbayjonda sekinlik bilan yangi alifboga o`tilishining sababi avalgi alifboda kitoblar ko`p bosilganligi bilan izohlangan.

Qo`mitalarning planlari masalasida plenumda bo`lgan fikrlar shunday bo`ldi, jumhuriyatlar o`zlarining sharoitlariga qarab lotinlashtirish ishlarini maktablarda, matbuot, nashriyotlarda va hukuman idoralarida qaysi suratda o`tkazish va qaysi elda qattiq ish qilish kerakligini belgilasinlar. (Bunday planlar ko`pchilik jumhuriyatlarda, shuningdek, O`zbekistonda ham tuzilgan). Planlar tuzishda

jumhuriyatlar va mahallalarning planlari yig`ilib umumiy plan tuzildi. Markaziy qo`mita hamma jumhuriyatlarni planlarini ko`rib, qaysi jumhuriyatda qay tartibda ish tutishni belgilab oldi. Albatta jumhuriyatlarda lotinlashtirish ishlari budjetsiz bo`lmaydi. Jumhuriyatlar davlat va mahalliy budjetdan lotinlashtirish ishlari uchun alohida fondler ajratishlari lozim. Bundan tashqari ittifoq miqyosida ham umumiy fond bo`lib, jumhuriyatlarning kamchiligini bartaraf etish uchun berilib turilishiga kelishildi.

Ikkinchi plenum singarmonizm masalalarida O`zbekiston, Qozog`iston va Qirg`iziston alohida bo`lib ajralib turilishi, boshqa turk millatlarida singarmonizmga rioya qilish yo`q darajasida bo`lishi belgilandi.

Ikkinchi plenumda O`zbekiston, Tatariston, Turkmaniston, Abxaziya, Yaqutiya va boshqa millatlarda bo`layotgan ishlar haqida hisobot tinglandi va tegishli direktivlar-ta`limotlar berildi.

Ikkinchi plenum diqqatini jalb qilgan masalalardan biri bu ommaviy ishlar bo`ldi, plenumda qayta-qayta "lotinlashtirish ishida ishchilar oldingi safda turmaguncha bu ish bitarlik darajada taraqqiy eta olmaydi", deb uqtirildi. Bizda hali kasaba tashkilotlarini jalb qilish, ishchilardan lotin asosidagi alifbo bilan savodli kishilarni ko`p yetishtirish ishlarida juda oz ishlandi, mana bu nuqtaga ko`proq ahamiyat berib ko`proq ishlar qilinsin. Savodsizlikni tugatish punktlari, alohida kurslari tashkil qilinsin. [ 5, B. 3-7 ]

1928 - yilning kuz faslida Butunittifoq Yangi Alifbosi Markaziy Qo`mitasining uchinchi plenumi bo`lib o`tadi. Unda Markaziy Qo`mita mas`ul kotibi o`rtoq Qamchinbek hisobot ma`ruza bilan chiqadi.

Bu ma`ruzada lotinlashtirishga doir quyidagi fikrlar keltirib o`tilgan: "Yangi alifbeni kirgizish yo`lidagi amaliy ishlar qisqa bir davr ichida katta yutuq va natijalar berdi. Quyida ko`rsatilgusi raqamlar bu inqilobiy ish, bu sho`ro madaniyati boshlang`ichi yo`lidagi muvaffaqiyatlarni isbot qila oladi.

Hozirgi chog`da turk alifbesi bilan o`rgatilgan kishilarni soni butun Kavkazorti bo`yicha 324000, O`rta Osiyodagi jumhuriyatlar bo`yicha 183391, muxtor jumhuriyat va viloyatlar bo`yicha 608182 tani tashkil etadi.

Nashriyot bo`yicha:1927 - 1928-yillarda yangi turk-tatar alefbesida 2, 799500 nusxa 28389 ? matbaa varog`i ta`lim kitoblari, siyosiy va nafis adabiyot nashr qilish o`ylanilg`an edi. Bulardan ko`p qismi bosib chiqarildi. Bu adabiyotlardan tashqari, butun muxtor jumhuriyat va viloyatlarda yolg`iz yangi alifbeda bolalar jurnali va gazitlar chiqarilmoqda va arab harfi bilan bosib chiqaraturg`on hamma gazetalarda yangi alifbe burchaklari-sahifalari ochilib davom etkakda" deb ta`kidlangan. Bundan tashqari yangi lotin alifbosining "jarchisi" bo`lgan O`zbekistonda "Qizil-tamg`a" gazetasining adadi 25000 nusxaga yetganligi Qamchinbekning hisobotida qayd etib o`tilgan. [ 6, B. 14 ]

1926-yildayoq O'zbekiston Markaziy Ijroiya Qo'mitasining IV sessiyasida arab yozuvidan voz kechish va lotin alfavitiga o'tish haqida dastlabki qaror qabul

qilinadi. Respublikada Yangi O'zbek Alifbosi Markaziy Qo'mitasi (YO'A MQ) tuziladi. YO'A MQ tarkibi Y.Oxunboboyev (rais), R.Inog'omov (rais o'rinbosari), Minxo'jayev (rais o'rinb.), A.Ikromov, F.Xo'jayev, Fitrat, Elbek, M.Ramziy kabi mas'il xodimlar hamda olim va ijodkorlardan iborat edi. [ 7, B. 120 ]

Davriy matbuotda Markaziy Qo`mitaning ish tartibi haqida quyidagicha keltirilgan: Qo`mitaning tuzilgan ish rejasi ko`rulib, asosan tasdiq etildi. Rahim Inog`omov va Mo`minxo`ja o`rtoqlariga uni kengaytirib, to`lalashtirib, qaytaddan ishlab chiqishga buyurildi.

Markaziy Ijroqo`m huzuridagi Yangi alifbo qo`mitasining doimiy ish qiladurg`on idorasi to`rt kishidan iborat bo`lub, yangi budjed yilidan boshlab ishga boshlag`usidir.

Hozircha qo`mitaning bosh kotibligiga o`rtoq Elbek belgilandi.

O`zbekiston Ilmiy Markazining raisi o`rtoq Abdujabborov kasalligi sababli muolajaga ketganligidan ilmiy Markaz raisi bo`laroq o`rtoq Otajon Hoshimov belgilandi.

O`zarbayjon qo`mitasining ilmiy sho`rosiga O`zbekiston vakili bo`laroq O`zbekiston Ilmiy Markaz raisi Otajon Hoshimov belgilandi.

Ozarbayjonda sentabr boshlarida bo`lg`usi kengash majlisiga borishiga O`zbekistondan vakil bo`laroq Shokirjon Rahimiy va Otajon Hoshimov o`rtoqlar belbilandi.

Yangi o`zbek alifbosi uchun lotin harflari olish qo`mitaning smetasiga kirgizilganligiga qaramasdan O`zbekiston davlat nashriyotiga o`z matbaalari uchun o`z boshiga yangi harflar (lotin) olishga buyurdi. O`zbekiston ilmiy Markaziga yangi alifbo loyihasi tuzib berish ishi topshirildi.

Tuzulib hozircha qabul qilingan yangi o`zbek alifbo loyihasini qabul etish va uni amalga qo`yish to`g`risida O`zbekistonda bo`lg`usi maslahat majlisini tez bir fursatda chaqirishga va tayyorgarlik ko`rishga Maorif komissarligiga buyurildi.

Yangi o`zbek alifbosi Markazqo`mining avgust-oktabr oylari smetasi19041 so`m 19 ta va 1926 - 1927-yil smetasi 90350 so`m miqdorida tasdiqlandi. [ 8, B. 41 ]

Dekabr boshidan fevral oyigacha markazqo`m kallegiyasida ko`rilgan muhim masalalar quyidagilardan iborat bo`lgan:

I.O`zbek alifbosini lotinlashtirish to`g`risidagi ishlarning borishi.

Kallegiyaga berilgan axborotga qaraganda, o`zbek alifbosini lotinlashtirish to`g`risida qilingan uch oylik ish qanoatlanarlik darajadadir.

O`zbekistonda lotin alifbosini tezda amalga oshirish uchun kallegiya quyidagi choralarni ko`rishni lozim topdi:

1. Yangi o`zbek alifbo kitobi tuzish va bosdirish.
2. Imlo tartiblarini tuzish.
3. Rahbarlar tayyorlash uchun markaziy kurs tashkil etish va mahallalarda lotinchilar tevaraklarini tashkil etish.
4. O`zbek Jumhuriyatining hamma o`rta maktablarida alifboni lotinlashtirishning

majburiy bir dars holiga kirgizilishi uchun reja tuzish.

5. Viloyat yangi alifbo qo`mitalariga ishlash uchun tegishli qo`llanma berib, yaqin orada ularni tartibga qo`yish. [ 9, B. 61]

Yangi o`zbek Alifbosi Markaziy Qo`mitasining birinchi plenumi 1928 - yil mart oyida bo`lib o`tdi. Unda O`zbekiston va Tojikistonda ( Tojikiston bu davrda O`zbekiston SSR tarkibida bo`lgan va 1929 - yil alohida respoblika Tojikiston SSRga o`zgartirilgan ) Boku konferensiyasidan hozirgacha bo`lgan davrda lotin alifbosini joriy etishda qilingan harakatlar haqida munozaralar olib borildi.

Jumladan, " Plenum O`zbekiston va Tojikiston doirasida bo`lgan yangi alifbe harakatining ikki yillik tajribaviy kurashini va bu kurashda bo`lgan kamchilik va yutuqlarini ko`zdan kechirdi. Plenum mahallalardagi kuchlarimizni va ularning hatti-harakat, mavqei, og`irlik-vazminliklarini tarozug`a solib o`lchab ko`rdi, bu sohadagi kuchimizni sinab, tekshirib qaradi.

Oz bir muddat ichida yangi alifbening keng omma toonidan quchoq ochib qarshi olinishi, eski arab alifbesining bu kungi madaniy ehtiyojimizg`a javob bera olmay qolishgani, maydondan surilishi plenumning amaliy ish maydoniga otilishiga yo`l ochdi.

Plenum bir og`izdan arab alifbosiga tantanali fotiha o`qib, yangi alifboni turmushga tadbiq etish masalasini ko`rishdi".

Plenumda shuningdek, Maorif komisari o`rtoq Mannon Ramzning "O`zbekistonda lotinlashtirish ishlari va kelgusi vazifalar" degan muhim va jonli ma`ruzasi plenumda muhim va asosiy o`rinni egalladi. [ 10, B. 5 ]

O`zbekistonda SSRda yangi alifbe markazqo`mi birinchi plenumida qabul qilingan 5 yillik ish plan quyidagicha amalga oshirilgan.

5 yillik ish plani 4 ta qismdan iborat bo`lgan: yangi alifbeni maktabga kiritish, o`qituvchilar tayyorlash, yangi alifbo bilan yoziladigan darsliklar, adabiyotlar va vaqtli matbuotni yangi alifbo yuzasidan tartibga solish, ish yurgizish.

Bunda birinchi qism mazmuni quyidagicha bayon etamiz: barcha shahar va qishloq birinchi bosqish maktablarida 3 snifdan boshlab, ikkinchi bosqich maktablarida, dehqon yoshlari maktablarida, ixtisoslik bilim yurtlarida, maktabgacha tarbiya muasasalarida, yuksalitilgan tipdagi maktablarda, barcha texnikumlarning IV bosqichlarida, turli idoraviy kurslarda, davlat idoralari ishchilarini tayyorlash kurslarida, oliy ta`lim-tarbiya bilim yurtlarida, firqa maktablarida, rus va boshqa mayda millat maktablarida, hukumat idoralari oldida yevropalik xizmatchilar uchun tashkil qilingan o`zbek tilini o`rgatish kurslari va boshqa ta`lim muasasalarda 1927 - 1928 - o`quv yilidan boshlab yangi alifboga o`tishga oid qo`llanmalar va tavsiyalar berilishi, 1928 - 1929-o`quv yilidan boshlab yangi alifboda ish boshlash va 1931 - 1932 - o`quv yilidan boshlab esa majburiy tarzda yangi lotin alifboga o`tilishi belgilab olindi. Maktablarning yangi alifboga o`tish xronologiyasi quyidagi jadvalda berilgan. [ 11, B. 57 ]

| Maktablarning Tiplari | 1929/1930 | 1930/1931 | 1931/1932 |
|---|---|---|---|
| | Sinflar | | |
| 2-bosqich maktablari | I | II-III | V-VI |
| Dehqon yoshlari maktablari | I | II | III |
| Texnikumlar | I | II-III | IV |
| Fabrika-zavod shogirdlik maktablari | I | II | III |

Barcha ta`lim muasasalari yillar kesimida dastlab tavsiyalar bilan, keyin majburiy tarzda yangi alifboga o`tkazilgan, lekin arab alifbosida faoliyat olib borayotgan muasasalar ham bo`lgan. Bunday muasasalar 1941 – yilgacha faoliyat yuritgan.

5 yillik ish planning ikkinchi qismi o`qituvchilar tayyorlash bo`lib, 1927 – 1928 – o`quv yilidan boshlab maktab o`qituvchilarini yangi alifboni o`zlashtirish, qoida va usullarini tushuntirish kurslariga majburiy yo`naltiriladi, ba`zi kursga qatnashib bilmaydigan o`qituvchilar uylarida o`zlari o`rganishlar belgilab berildi

Har bir mahallada mahalla raisining oila, xotin-qizlar va ijtimoiy-ma'naviy masalalar bo'yicha o'rinbosari hamda oila va xotin-qizlar masalalari bo'yicha mutaxassis lavozimi o'rniga xotin-qizlar faoli lavozimi joriy etildi.

O'zbekiston Respublikasi oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi huzurida "Oila va xotin-qizlar" ilmiy-tadqiqot instituti tashkil etilib, uning zimmasiga oilalarga ta'sirchan metodik, konsultativ va amaliy yordam ko'rsatishning samarali tizimini yaratish kabi muhim vazifalar yuklangan [4].

Xotin-qizlar va oilalarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, mahalla va oila institutlarini har tomonlama mustahkamlash bo'yicha davlat siyosatini samarali amalga oshirishning "mahallabay", "xonadonbay" vertikal tizimi yaratildi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilayotgan kambag'allikning oldini olish, ehtiyojmand oilalar, ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlar, yoshlar va barcha toifa fuqarolarni qo'llab-quvvatlash borasida asos solgan "Temir daftar", "Ayollar daftari", "Yoshlar daftari", "Mehr daftari" kabi yangi tizimlarning asl maqsadi ham oilalar moddiy qadriyatlarining yanada barqarorligini ta'minlashga xizmat qiladi.[5]

Farmonga muvofiq, mahalladagi xotin-qizlar faolining quyidagi asosiy vazifalari belgilab berilgan:

1. Xotin-qizlarni oila, mahalla va mehnat jamoalarida ijtimoiy-huquqiy jihatdan qo'llab-quvvatlash, ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ma'naviyatini yuksaltirish, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, zamonaviy namunali oilani shakllantirish, uning ma'naviy-axloqiy muhitini va an'anaviy oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash bo'yicha maqsadli chora-tadbirlarni amalga oshirish.

2. Xotin-qizlarning tadbirkorlik g'oyalarini amalga oshirish, ular faoliyatiga

kredit, subsidiya va boshqa yordam choralarini jalb qilish bo'yicha mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha tuman (shahar) hokim yordamchisi bilan hamkorlik qiladi.

3. "Ayollar maslahat kengashlari" bilan yaqin hamkorlikda ijtimoiy himoyaga muhtoj xotin-qizlarni tadbirkorlikka o'qitish, biznesga oid namunaviy rejalarni ishlab chiqish va kredit olishda ularga ko'maklashish, "Ayollar daftari"ga kiritilgan xotin-qizlar bilan manzilli ishlarni amalga oshirish.

4. Xotin-qizlarning muammolarini o'z vaqtida aniqlash, og'ir ijtimoiy ahvolga tushib qolgan xotin-qizlar, shu jumladan, nogironligi bo'lgan ayollar bilan yakka tartibda hamda aniq maqsadga yo'naltirilgan ishlarni olib borish, ularga ijtimoiy-huquqiy, psixologik va moddiy yordam ko'rsatish ishlarini tashkil etish.

Mahallalardagi xotin-qizlar faolining ushbu vazifalari asosida yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash, zamonaviy namunali oilani shakllantirish, uning ma'naviy-axloqiy muhiti va an'anaviy oilaviy qadriyatlarini mustahkamlash bo'yicha quyidagi ishlar amalga oshiriladi:

1) erta nikohlarning oldini olish, notinch va muammoli oilalar bilan manzilli ishlash tizimini yo'lga qo'yish;

2) mahallada oilaviy kelishmovchilik sababli muammosi bor bo'lgan oilalar ro'yxatini shakllantirish, ularga namunali oilalarni biriktirishda ishtirok etish;

3) oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash komissiyasi a'zosi sifatida ijtimoiy-ma'naviy muhitga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi holatlarni aniqlashda ishtirok etish;

4) notinch va muammoli oilalar bilan o'tkaziladigan profilaktik ishlarda ishtirok etish;

5) oilalar o'rtasida har haftaning shanba kuni - "Ahil oila" kunida namunali oilalar tajribasini oilalarga singdirish bo'yicha tadbirlarni tashkil etish;

6) ota-onalarni "Ota-onalar universiteti" mashg'ulotlariga jalb etish;

7) mahallada noqonuniy nikoh asosida yashayotgan oilalarni aniqlash, ular bilan manzilli yakka tartibda suhbatlar olib borish, qonuniy nikohning afzalliklarini tushuntirish, nikohni qonuniylashtirishga yordam berish;

8) oilaviy hayot mas'uliyati, er-xotin, qaynona-kelin munosabatlari, haqida tushuntirish ishlarini olib borish;

9) balog'atga yetayotgan va turmush qurish arafasida turgan yoshlar ro'yxatini shakllantirish;

10) alohida jadval asosida yigit-qizlarni "Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash markazi" o'quvlariga jalb etish;

11) oilalardagi muammolarni aniqlash, ularning muammolarini hal etishga ko'maklashish, ijtimoiy xizmatlarni mahallada tashkil etish bo'yicha ishlarni muvofiqlashtirish.

Prezident Farmonlariga muvofiq, farovon va barqaror oilalarning hayotiy tajribalarini ommalashtirish maqsadida oila institutini mustahkamlash, oilaviy qadriyatlarni saqlash va rivojlantirishga munosib hissa qo'shgan oilalarga beriladigan "Ibratli oila" ko'krak nishoni ta'sis etilgani va uni 15-may - "Xalqaro oila kuni"da topshirish O'zbekiston davlati tarixidagi muhim voqelikdir.

Ayniqsa, "Yangi O'zbekistonning ibratli oilasi" ko'rik-tanlovi hududlarda va mahallalarda yuqori saviyada tashkil etilayotgani, minglab ibratli oilalarning ijobiy

tajribalari ommalashtirilayotgani ibratli oilalarning safi kengayishida, oila qadriyatlarining mustahkamlanishida muhim omil bo'ladi, deb ishonch bilan ta'kidlash joiz.

4. Xulosalar: Shunday qilib, O'zbekistonda oila institutini takomillashtirish, milliy qadriyatlar vositasida mustahkamlash borasida olib borilayotgan davlat siyosati shaklan va mazmunan ko'pqirrali bo'lib, o'zining ijobiy samarasini bermoqda hamda dunyo hamjamiyati tomonidan yuksak baholanmoqda, e'tirof etilmoqda.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi 2022 yil 28 yanvardagi PF-60- son Farmoni.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oila va xotin-qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2022 yil 1 martdagi PF-81-son Farmoni.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" 2022 yil 1 martdagi PQ-146-son qarori.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2022 yil 7 martdagi PF-87-son Farmoni.

5. Ergasheva, Y., & Rakhmonkulova, O. (2023). From the history of small business and entrepreneurship in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 420, p. 08016). EDP Sciences.

Annotatsiya. Maqolada mustaqillik davrida oila, xotin-qizlar va yoshlarning huquq hamda manfaatlarini himoya qilish, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyatdagi mavqeyini yanada mustahkamlash, bandligini ta'minlash, kambag'allikning oldini olish, davlat va jamiyat taraqqiyotida oilalar uchun keng imkoniyatlar yaratish, ayollarning turli sohalardagi imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish borasida yangi tizimlar va ularning mohiyati o'z aksini topgan.

TADQIQOT

# MAHMUD KOSHG'ARIY "DEVONU LUG'OTUT-TURK" ASARINING ARAB TILSHUNOSLIGIDA ILMIY-NAZARIY O'RGANILISHI

Samariddin MARDONOV
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

**Kalit so'zlar:** arab tili, turk tili, lug'atshunoslik, sarf, nahv, qiyosiy tilshunoslik, manbashunoslik, qomusiy asar.

Bugungi kun talabi nafaqat yangi kashfiyotlar, innovatsiyon g‘oyalarni va fanga butkul noma’lum ilmlarni o‘rganish bilan bir qatorda asrlar osha o‘z qadr-qiymatini yo‘qotmay kelayotgan, balki ilm ahli uchun bebaho xazinaga aylanib ulgurgan qadimiy asarlarni chuqur tadqiq etish, ularni yetarli darajada o‘zlashtirishni ham taqazo etadi. Ayni damda yurtimizdagi qo‘lyozma fondlarida saqlanayotgan manbalarning juda katta qismi arab tilida yozilgan bo‘lib, o‘z navbatida bu arab tili va boshqa tillarni chuqur o‘rganishga bo‘lgan talabni yanada oshiradi. Ayniqsa, yurtimizda ilm-fan qatorida, diniy-ma’rifiy sohani ham rivojlantirishga jiddiy e’tibor qaratilishi natijasida arab tilini ilmiy asosda qiyosiy o‘rganish va qadimiy qo‘lyozma manbalar bilan ishlash zarurati yuzaga keldi. Bu yo‘nalishda olib borilayotgan ishlarning takomillashuviga O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 10.02.2022- yildagi PQ-126-son “Qadimiy yozma manbalarni saqlash va tadqiq etish tizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risidagi”[1] qarori ham muhim o‘rin tutadi.

Prezidentimiz tomonidan bu borada olib borilayotgan misli ko‘rilmagan keng-ko‘lamli islohotlar ushbu soha mutaxassislariga ajdodlarimizning ilmiy merosini o‘sib borayotgan yosh avlod va ilmiy jamoatchilikka yetkazishdek muhim mas’uliyat yuklaydi. Shu kabi amalga oshirilayotgan ishlar doirasida buyuk ajdodimiz Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otut-turk” asarini tadqiq qilish, ushbu asarning fanga noma’lum qirralarini ochib berish ustida muayyan tadqiqotlar olib borish, uni dunyo tilshunosligiga taqdim qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqola asarni metodologik tadqiq qilish va uni arab tilshunosligida tutgan o‘rni haqida ma’lumot berish bilan bir qatorda, arab tilshunos olimlarining “Devonu lug‘otut-turk” haqida bildirgan fikrlarini ham qamrab oladi.

Avvalo, asar haqida qisqacha ma’lumot keltirib o‘tiladigan bo‘lsa , "ديوان لغات الترك" (Turkiy so‘zlar devoni) - Mahmud Koshg‘ariyning turkiy tillar haqidagi qomusiy asari bo‘lib, bu asarda XI asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyo va G‘arbiy Xitoy hududlarida istiqomat qilgan turkiy urug‘ va qabilalar, ularning ijtimoiy ahvoli, tili, tarixi,

[1] https://lex.uz/docs/-5426736?ONDATE2=12.05.2022&action=compare

bu hududning geografiyasi, metrologiyasi va astronomiyasiga oid qimmatli ma'lumotlar yozib qoldirilgan qomusiy asar hisoblanadi.[2]

Ta'kidlash joizki, ushbu asar arab tilida yozilgan bo'lib, unda sakkiz mingga yaqin turkiy so'zlar aynan arab harflari bilan ifodalanadi. Shu bilan bir qatorda, juda ko'p o'rinlarda ushbu so'zlarnining til nuqtayi nazaridan tahlil qilinishida arab tili sarf (morfologik) va nahv (sintaktik) qoidalari asos qilib olinadi. Bu esa ushbu asarni tadqiq qilishda arab tili grammatikasini chuqur bilishni talab qiladi. Lekin bizga ma'lumki, bugungi kunga qadar "Devonu lug'otut-turk" asari ustida o'zbek tilshunoslari olib borilgan bir qancha ilmiy tadqiqotlarda asarning turk tiliga qilingan tarjimasi asosiy manba sifatida olingan. Shuningdek, arab tilida yozilgan asl nusxani o'rgangan olimlar juda kam bo'lib, ularning aksaryati arab tilshunoslari hisoblanadi. Ular asarni faqatgina arab tili nuqtayi nazaridan arab tilshunosligida muhim bo'lgan ma'lum bir chegaralangan mavzular doirasida o'rganib chiqishgan. Quyida ulardan ba'zilari keltirib o'tiladi.

Misrlik mashhur yozuvchi va tarjimon Ahmad Zakariya o'zining ilmiy maqolasida asar va uning muallifi haqida quyidagi fikrlarni keltiradi:

"حتى يومنا هذا، لا يوجد مرجع واحد يحمل نفس أهمية "ديوان لغات الترك"، من حيث تناوله للتفاصيل بالأمثلة على كل الفروق بين اللهجات التركية ومرادفها في العربية، لأن الكاشـــغري كان يتقن جميع هذه اللهجات، ويعد أول من استخدم المنهج المقارن بين اللغات قبل ظهور علم اللغة المقارن بمئات السنين"

Tarjimasi: "Bugungi kunimizga qadar turk tili lahjalari, shevalari orasidagi farqlarni hamda ularning arab tilidagi ekvivalentlarini batafsil ifodalab bergan "Devonu lug'otut-turk" darajasidagi biror bir asar mavjud emas. Negaki, Mahmud Koshg'ariy ushbu lahja va shevalarni juda yaxshi bilgan hamda qiyosiy tilshunoslik fani paydo bo'lishidan yuzlab yillar avval qiyoslash metodidan foydalangan". [3]

Ushbu keltirilgan ta'rifning o'zi ham asarning naqadar ahamiyatga molik ekanligi va tilshunoslik sohasida bebaho manbalardan bir ekanligiga dalolat qiladi. Ayni damda ushbu

[2] 2.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 12 т. 2004. – Б. 263.
[3] https://www.noonpost.com/26489/

omillarni hisobga olgan holda yana bir bor “Devonu lug‘otut turk” asarini yangicha talqinda tadqiq qilishga ehtiyoj borligini ta’kidlab o‘tish joiz.

Arab va turk tillari o‘rtasidagi mustahkam aloqalar vujudga kelishida turkiy davlatlar arablar tomonidan egallanishi asosiy sabablardan biri sifatida ko‘rsatib o‘tiladi. Geografik jihatdan yaqinlik keyinchalik arab va turk tillari o‘rtasidagi tarixiy, madaniy va diniy o‘xshashlikni vujudga keltirdi.[4] Biroq, ushbu ikki til orasidagi asosiy farq ularning turli til oilalariga mansubligidan kelib chiqadi. Shunga qaramasdan, ikki til o‘rtasida umumiy bo‘lgan jihatlar juda ko‘p o‘rinlarda uchraydi. Mahmud Koshg‘ariy “Devonu lug‘otut-turk” asarida ikki til o‘rtasidagi siyosiy, diniy va ijtimoiy o‘xshashlik tufayli arab tiliga xos bo‘lgan ba’zi xususiyatlarni turk tiliga o‘tganligini aytib o‘tadi. Shuningdek, “Devonu lug‘otut-turk” turkcha-arabcha lug‘at bo‘lishi bilan birga unda muallifi tomonidan morfologik, lingvistik va bir vaqtning o‘zida grammatikaga doir muhim masalalar tasniflangan. Mahmud Koshg‘ariy turkiy so‘zlarni izohlar ekan, arab tilidagi manbalarga tayanadi. Muallif asosan ikki tilning o‘xshashligini ko‘rsatishga harakat qiladi, lekin ba’zi qismlarda ularning shaklan farq qilishini keltirib o‘tadi. Arabcha manbalardan ayniqsa, Qur’on oyatlari, hadis, she’r, hikmat va masallardan misollar keltiradi. She’r va hikmatli so‘zlarni misol o‘laroq keltirilishi ushbu asarni boshqa lug‘atshunoslikka doir asarlardan ajratib turadigan muhim xususiyatlaridan hisoblanadi.

Shuningdek, Livan universiteti professori Nada Marashli الاكتمال الشـــ ّ مولىّ في البنية التّكوينيـة للحكم و الأمثـال"(Maqollar va hikmatlardagi har tomonlama tugallik) nomli maqolasida “Devoni lug‘ati-t-turk” asari haqida quyidagi fikrlarni bildiradi:

خصـص محمود كاشـغري (1005-1102) القسـم الرابع من كتابه «ديوان لغات الترك» للأمثلة. وكان كاشـغري قد ألف كتابه هذا بهدف تعليم العرب لغات الترك، وقد كتبه بالعربية الفصيحة ذاكرا فيه أنواع اللغة التركية.

Tarjimasi: Mahmud Koshg‘ariy (1005-1102) “Turkiy so‘zlar devoni” asarining to‘rtinchi bo‘limini masallarga bag‘ishlagan. Koshg‘ariy bu lug‘atni arablarga turkiy

[4] Akün, Ömer Faruk. “Kâşgarlı Mahmud”, TDV İslâm Ansiklopedisi, Ankara: 2002, c.25: 9-15.

tillardagi so‘zlarni o‘rgatish maqsadida arab adabiy tilida yozgan va unda turkiy qabilalarning so‘zlashuv tillari mavjud bo‘lgan so‘zlar keltirib o‘tilgan.[5]

“Devonu lug‘ati-t-turk”ning qo‘lyozma nusxasi kutilmagan holatda topib olingan bo‘lishiga qaramasdan, uning mavjudligi va bu asar haqda ba’zi bir ma’lumotlar boshqa olimlarning ilmiy merosida uchraydi.

XIV asrda yashab ijod etgan qoshg‘arlik olim ibn Muhammadning "تاج السعادة وعنوان السيادة" (*Saodat toji va oliyjanoblik manzili*) kitobida, shuningdek, anduluslik arab va turk tillarining bilimdoni Abu Xayyonning "كتاب الإدراك"(*Idrok kitobi*) asarining bir qancha o‘rinlarida “Devonu lug‘ati-t-turk”dan aynan ko‘chirilgan misralar va havolalar uchraydi. XV asrda yashagan misrlik olim Badriddin Ayniy o‘zinin "عقد الجمان في تاريخ أهل الزمان" ( *Zamona ahli tarixida tizilgan marvarid* ) nomli kitobining “Turk qavmlari qissasi” bobida: “Men bularni Mahmudul Koshg‘ariyning “Devon”ida ko‘rdim”, - degan havolasi bor.[6]

Xulosa o‘rnida aytib o‘tish joizki, yuqorida keltirilgan ma’lumotlar “Devonu lug‘ati-t-turk” asari butun dunyo tilshunoslarini har doim o‘ziga jalb qilib keladigan tarixiy manba hisoblanadi. Ushbu olimlar orasida arab tilshunoslari bu asarga ko‘proq qiziqish bildirib kelishadi. Negaki unda turk va arab tillari orasida muhim bo‘lgan tilshunoslikka doir masalalar mahorat bilan ochib berilgan, shuningdek dunyo tilshunoslari tomonidan XIX asrda paydo bo‘lgan deb tan olinadigan qiyosiy tilshunoslik metodlari asarda mavjud bo‘lib, shunga o‘xshash ko‘plab maslalar hali hanuz o‘z tasdig‘ini topgan emas. Bu o‘z navbatida, salohiyatli va har ikki til(arab va turk tili)ni mukammal bilgan mutaxassislarga hamda ushbu manba asosida juda ko‘p ilmiy yangiliklar qilishga ehtiyoj borligini ko‘rsatib o‘tadi. Bu bir vaqtning o‘zida zamonaviy o‘zbek tili va arab tilida mavjud qoidalarning kelib chiqish tarixi va ikki til lug‘at qatlamining o‘zaro o‘xshash jihatlarini ochib berish imkonini beradi.

---

[5] ندى مرعشـــلي.الاكتمال الشمولي في البنية التكوينية للحكم و الأمثال. المنتدى العربي التركي للتبادل اللغوي . دراسات لسانية بين العربية والتركية تركيا.2021. ص. 24.

[6] Boynazarov Z.M. “Devonu lug‘ati-t-turk” asarining o‘rganilishi// Ilmiy axborotnoma – Samarqand, 2021. 13-16b.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI


1. Akün, Ömer Faruk. “Kâşgarlı Mahmud”, TDV İslâm Ansiklopedisi, Ankara: 2002, c.25: 9-15.
2. Boynazarov Z.M. “Devonu lug‘ati-t-turk” asarining o‘rganilishi// Ilmiy axborotnoma – Samarqand, 2021. 13-16b.
3. “Devonu lug‘atit turk” o‘zbek tilidagi nashri.-T.: “O‘zbekiston Fanlar akademiyasi” nashriyoti.1960. –B. 123.
4. ندى مرعشلي. الاكتمال الشمولي في البنية التكوينية للحكم و الأمثال. المنتدى العربي التركي للتبادل اللغوي . دراسات لسانية بين العربية والتركية تركيا.2021. ص. 24.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 12 т. 2004. – Б. 263.


## INTERNET SAYTLARI


1. https://lex.uz/docs/
2. https://www.noonpost.com/



***Annotatsiya:*** Bu maqolada Mahmud Koshg‘ariyning asli arab tilida yozilgan, turkiy tillar haqidagi qomusiy asari “Devonu lug‘otut-turk”ning bugungi kunga qadar o‘rganilganlik darajasi va uning o‘zbek va arab tilshunosligida tutgan o‘rni to‘g‘risida muhim ma’lumotlar tahlil asosida keltirib o‘tiladi. Ushbu manbani tadqiq qilinishi lozim bo‘lgan, lekin hanuzgacha o‘rganilmagan jihatlari yoritilib beriladi.

***Аннотация.*** В данной статье до сегодняшнего дня изучен энциклопедический труд Махмуда Кошгари по тюркским языкам «Девону Луготут-Тюрк», написанный на арабском языке, и его важная роль в узбекском и арабском языкознании.На основе анализа приводятся данные. Будут освещены аспекты этого источника, которые требуют исследования, но еще не изучены.

TADQIQOT

# O'ZBEKISTONDA TIBBIYOTNING AKUSHER-GINEKOLOGIYA YO'NALISHI TARAQQIYOTIDA XOTIN-QIZLARNING O'RNI

Shaxlo Ubaydullayeva,
O'zbekiston Respublikasi oliy harbiy aviatsiya bilim yurti

**Kalit so'zlar:** akusher-ginekologlar, ayollar kasalliklari, bepushtlikni davolash, ayollar o'rtasidagi ko'krak va bachadon saratonini davolash, malaka oshirish kurslari, onalik va bolalikni muhofaza qilish ishlari

Ma'lumki, statistika ma'lumotlariga ko'ra, 1991 yilda O'zbekistonda doimiy yashovchi aholining 50,6 foizini ayollar tashkil etgan. Bu ko'rsatkich 2022 yilning 1 aprel holatiga ko'ra, 49,7 foizni tashkil etmoqda. 1995 yilda O'zbekiston aholisining umumiy soni 23 mln.dan ziyod bo'lib, 11 mln.dan ortig'ini ayollar tashkil etdi [1]. Bu ko'rsatkich 2019 yilda umumiy aholisi soni 33 mln.dan ziyod bo'lgan bo'lsa, shundan, ayollar soni 16 mln.dan ortiq bo'ldi [2]. Mustaqillikning dastlabki yillaridagi statistik materiallar tahlili shundan dalolat beradiki, yildan-yilga aholining ayollar soni ortib bordi. O'z o'rnida davlat tomonidan ularning salomatligini muhofaza qilish tadbirlari ham uzluksiz olib borildi. Bunda qishloq vrachlik punktlari, shahar va tumanlardagi tug'ruq komplekslari, shifoxonalardagi ginekologiya bo'limlari, tibbiyot institutlari klinikalari va ushbu sohaga tegishli ilmiy-tadqiqot institutlari xodimlarining aksariyati xotin-qizlardan iborat bo'ldi. Bu esa o'z o'rnida O'zbekistonda akusher-ginekologlar sonini ko'paytirishga asos bo'ldi.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida akusher-ginekologlar soni o'zgaruvchanligi qayd etiladi. Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotiga ko'ra, O'zbekistonda akusher-ginekologlar soni 2007 yilda 6 mingta, 2012 yilda 5,8 mingta, 2019 yilda 5,7 mingtani tashkil etdi [2].

Demak, ushbu jarayonda ham ginekologlar, ham akusherlar xizmati muhim ahamiyatga ega bo'ldi. O'zbekistonda ayollar kasalliklari profilaktikasi, bepushtlikni davolash, ayollar o'rtasidagi ko'krak va bachadon saratonini davolash va bu kasalliklarga qarshi kurash tadbirlarida xotin-qiz tibbiyot xodimlari asosiy rol o'ynadi.

Respublikaning har bir tuman va shaharidagi davolash muassasalarida ayollar salomatligini saqlash ishlarida muhim rol o'ynagan fidoyi shifokorlar el nazariga tushdi. Masalan, onalik va bolalik salomatligini muhofaza etishda xotin-qizlarga onalik baxtini ulashib kelgan tajribali akusher-ginekologlardan biri Shoira Ahmedova edi. Shoira Ahmedova Andijon tibbiyot institutini tamomlab, tuman markaziy shifoxonasida ish faoliyatini boshladi. Ustozlari Sadbar Azimova, Adolat Qo'ziboyevalardan akusher-ginekologlik kasbi mahoratlarini puxta egalladi. Tuman

tibbiyot birlashmasi tug'ruq kompleksi mudiri faoliyati davomida tibbiyotdagi yangi texnologiyalarning ilg'or usullaridan foydalanishda doimo izlanishda davom etdi. Sog'lom turmush tarziga rioya etishda yosh hamkasblari va shogirdlari Marhabo Mamatojiyeva va Gavharoy Umarovalar bilan chekka qishloqlardagi xotin-qizlar salomatligi bo'yicha targ'ibot olib bordi [3].

Namangan viloyati Chortoq tumani Markaziy tug'ruqxonasi shifokori Shoiraxon Burxonova ham o'zining mehnati bilan tanildi. Ustozi Muqaddasxon Jo'raboyeva bilan birgalikda ayollardagi bepusht xastaligini davolashning ilmiy-amaliy asosida izlanishlar olib bordi. Chortoqdagi "Shoira-Med-UTT" diagnostika klinikasining bosh shifokori, oliy toifali akusher-ginekolog sifatida faoliyat ko'rsatdi [4].

Toshkent shahar 8-tug'ruqxona vrach akusher-ginekologi Landish Isanbayeva qizlar va o'smirlar reproduktiv salomatligi markazida ilmiy-amaliy ishlar ham olib bordi. U 1999 yil va 2003 yillar Toshkentda o'tkazilgan Akusher-ginekologlarning V-VI syezdlarida nutq so'zladi. Shuningdek, Zuhra Najimova Toshkent shahridagi tug'ruqxonalarda rahbarlik lavozimlarida ish faoliyatini olib bordi. Zuhra Najimovaning ma'lumot berishicha, tug'ruq majmuasida har yili 3 mingga yaqin ayol onalik baxtiga muyassar bo'ladi [5]. Zuhra Najimova Davolash ishlarini yaxshilash, binolarni ta'mirlash, onalar va bolalar salomatligini tiklash ishlarini boshqarib keldi. O'tgan yillar mobaynida Zuhra Najimova tashabbusi va taklifi asosida tug'ruq majmuasining o'zida o'rta tibbiyot xodimlari uchun malaka oshirish kurslari tashkil etildi. Natijada o'rta tibbiyot xodimlari hamda shifokorlarning katta qismi uchun shu yerda o'z malakalarini oshirish imkoniyati yaratildi.

Ma'lumki, Quyi Amudaryo hududlarida yashayotgan ayollarda kamqonlik va boshqa turdagi kasalliklar juda ko'p uchraydi. Natijada, tug'ilajak go'daklar o'rtasida tug'ma nuqsonli va zaif bolalar tug'ilishi kuzatildi. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, bu turdagi kasallik hududdagi homilador ayollarning 90 foizida ko'p uchraydi.

Qoraqalpog'iston Respublikasida ham onalik va bolalikni muhofaza kilish ishlarida xotin-qiz tibbiyot xodimlari muhim ahamiyat kasb etdi. Jumladan, respublikada tug'ish yoshidagi ayollarni sog'lomlashtirish, bemor ayollarni istalmagan homiladorlikdan saqlash, onalar va bolalar o'limini kamaytirish, onalar va bolalar sog'lig'ini tiklash, sog'lom turmush tarzini shakllantirish kabi ilmiy-amaliy ishlarni amalga oshirishda Nuriya Tureyeva faol ishtirok etdi. U Nukusdagi ayollar maslahatxonasida xotin-qizlarning salomatligini muhofaza qilish borasida samarali ishlarni tashkil etishda rahbarlik qildi.

N.Tureyeva Qoraqalpog'iston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining bosh akusher-ginekologi lavozimida faoliyat olib borgan davrda, hududdagi ekologik vaziyat natijasida yuzaga kelgan xotin-qizlar salomatligi muammolarini bosqichma-bosqich bartaraf etish chora-tadbirlarida faol ishtirok etdi. Bunda hukumat tomonidan joriy etilgan Qarorlar, Farmonlar va boshqa meyoriy xujjatlarni respublika hududida tatbiq etilishini ta'minladi. Unga sog'liqni saqlash sohasidagi faolligi uchun Qoraqalpog'iston Respublikasida xizmat ko'rsatgan sog'liqni saqlash

xodimi faxriy unvoni berildi.

1996 yilda N.Tureyeva Qoraqalpog'iston Respublikasida Onalik va bolalikni muhofaza qilish ishlarini yo'lga qo'yish va yanada rivojlantirishning ilmiy-nazariy asoslarini ishlab chiqdi. Nuriya Tureyevaning bergan ma'lumotiga ko'ra, xotin-qizlar o'rtasidagi salomatlik darajasi O'zbekistonning boshqa viloyatlariga nisbatan qoniqarsiz deb baholadi. Bunga asosiy sabab, Orolbo'yi muammolarining ekotizimga salbiy ta'siri natijasida ayollar salomatligida turli xavfli o'sma kasalliklari, allergik va endokrin tizimning buzilishi, shuningdek, genetik omillar xavfliligini isboti qaror topdi. Ayollardagi salbiy holatlarni bartaraf etib, ijobiy ko'rsatkichga erishishda ko'magi uchun "Tibbiyot a'lochisi" nishoniga ega bo'ldi.

Keyingi yillar davomida qabul qilingan Dasturlar asosida Qoraqalpog'istonning barcha hududlarida bolalar va o'smirlar reproduktiv markazlari tashkil etildi. Shuningdek, shahar va tuman FHDYO bo'limlari qoshida nikohga kiruvchi yoshlar uchun sog'lom oilani shakllantirishga tayyorlovchi doimiy kurslar ochilishida ham N.Tureyeva yetakchilik qildi. Nikohga kiruvchi yoshlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish, yosh oilani patronaj qilish, 1 yoshgacha, 1 yoshdan 5 yoshgacha bolalar patronajini yaxshilash tizimlari joriy qilindi. Respublikaning yigirmadan ortiq tug'ruq muassasalari YUNISEF ning "Bolalarga do'stona munosabatdagi shifoxona" sertifikatiga ega bo'ldi. Yuqorida amalga oshirilgan ishlar va "Sog'lom avlod" Davlat dasturida ko'rsatilgan tadbirlarning muvaffaqiyatli amalga oshirilishida sidqidildan mehnat qilganligi sababli 2000 yilda N. Tureyeva II darajali "Sog'lom avlod uchun" ordeni bilan taqdirlandi.

Nuriya Tureyeva O'zbekiston Respublikasida Xotin-qizlar qo'mitasining rayosat a'zoligi ishlarida ham faol bo'ldi. 2002 yilda davlat tomonidan qabul qilingan "Oilada tibbiy madaniyatni oshirish, ayollar salomatligini mustahkamlash, sog'lom avlod tug'ilishi va uni tarbiyalashning ustuvor yo'nalishlarini amalga oshirish chora-tadbirlarining maqsadli dasturi" to'g'risidagi Qarorini amalga oshirish bo'yicha faoliyat ko'rsatgan doimiy ishlovchi Hukumat komissiyasi a'zosi bo'ldi [6]. Onalik va bolalikni muhofaza qilish ishlari bo'yicha respublika va chet davlatlarda o'tkazilgan konferensiya va simpoziumlarda muntazam ishtirok etib bordi.

Xulosa o'rnida, O'zbekistonda akusherlik va ginekologiya sohasini rivojlantirishda asosan xotin-qiz tibbiyot xodimlari muhim rol o'ynadi. O'zbekiston aholisi tarkibining 49,7 foizini xotin-qizlar tashkil etishi tibbiyotning akusher-ginekologiya yo'nalishiga jiddiy e'tibor berishni talab etdi. Respublikadagi qator ilmiy-tadqiqot institutlarida, tibbiyot yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalari klinikalari, tug'ruq komplekslari, QVPlar, poliklinikalarda xotin-qizlarga ginekologik va akusherlik xizmati ko'rsatildi. Har bir hududda bu soha bo'yicha yetuk mutaxassislar yetishib chiqdi va ular o'z mehnatlari bilan el ardog'ida bo'ldi. Shu bilan birga tajribali shifokor ayollar o'zlarining kasb sirlarini shogirdlariga qunt bilan o'rgatib bordi. Ginekologiya sohasi mutaxassislari amaliyot bilan birga fanda ham katta yutuqlarni qo'lga kiritib, tibbiyot fanining dolzarb muammolari bo'yicha shogirdlari bilan birgalikda ilmiy izlanishlarni olib bordi. Shuningdek,

Respublikada Xalqaro anjumanlar, kongresslar tashkil etishda tashabbus ko'rsatdilar. Viloyatlarda tashkil etilgan perinatal va skrining markazlari sog'lom bola tug'ilishida muhim rol o'ynadi. Bunday markaz xodimlarining aksariyati xotin-qizlardan iborat bo'ldi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi statistik to'plami 2004.- Toshkent, 2005.- B.45-55.
2. O'zbekiston demografik yillik to'plami.- Toshkent, 2019.- B.36. (210)
3. Turdiboyeva V. Onalik shodligini ulashib... // Sihat-Salomatlik, 2019 yil, 10-son. -B. 26.
4. Turdiboyeva V. Ezgulik yo'lidan borib. // Sihat-salomatlik, 2019 yil 3-son. -B.7.
5. Muallifning shaxsiy muloqotidan. Zuhra Najimova bilan suhbatdan. 2020 yil yanvar, Toshkent shahri.
6. Karimova M. Ayol yaratgan dunyo. I kitob, Toshkent:. "Sharq", 2005. -B. 378.

Annotatsiya: Ushbu maqolada O'zbekistonda aholi salomatligini muhofaza qilishi va kasalliklarga qarshi kurash tadbirlarida xotin-qizlarning o'rni masalasi yoritilgan. Xususan, tibbiyot taraqqiyotida akusher - ginekologiya sohasi rivojlanishining ahamiyatida ayollarning ulushiga doir ilmiy xulosalar keltirilgan.

Аннотация: в данной статье рассматривается вопрос охраны здоровья населения Узбекистана и роль женщин в мероприятиях по борьбе с заболеваниями. В частности, представлены научные выводы о доле женщин в важности развития области акушерства и гинекологии в развитии медицины.

Abstract: this article examines the issue of protecting the health of the population of Uzbekistan and the role of women in disease control measures. In particular, scientific conclusions are presented on the share of women in the importance of the development of the field of obstetrics and gynecology in the development of medicine.

# O'ZBEKISTONDA GILAMDO'ZLIK SOHASINING RIVOJLANISHI

Xatamova Ra'no Zafarjon qizi
O'zFA O‘zbekiston tarixi davlat muzey bo‘lim mudiri

Sharqning to'qimachilik san'ati haqida so'z yuritilganda, ko'z oldimizga ulug'vor ranglar, ajoyib to'qimalar, qiziqarli naqshlar va ajoyib go'zallik tasviri keladi. Umuman to'qimachilik san'ati, ayniqsa gilamdo'zlik ming yillar davomida insoniyatni hayratga solib kelmoqda . Xonadon ichki dizaynning muhim bezagi bo'lgan gilam asrlar davomida insoniyat sivilizatsiyasining ajralmas qismi bo'lib kelgan. Ushbu to'qimachilik mo'jizasi oddiy to'qilgan qoplamalardan murakkab dizaynlarga qadar rivojlangan bo'lib, qulaylik, iliqlik va estetik joziba bag'ishlaydi. Gilam o'zining boy tarixi, xilma-xil ishlab chiqarish texnikasi va madaniy ahamiyati bilan interyer dizaynining doimiy elementi bo'lib qolmoqda. Uning qadimiy qo'lda to'qilgan qoplamalardan zamonaviy sanoatda ishlab chiqarilgan pol qoplamalarigacha bo'lgan evolyutsiyasi ushbu to'qimachilik mo'jizasining yangiligi va moslashuvchanligini namoyish etadi.

Gilam sanoati Fors, Misr va Xitoy kabi qadimgi sivilizatsiyalarga borib taqaladi. U yerda dastlab jun va ipak kabi tabiiy tolalar yordamida qo'lda to'qilgan. Ushbu dastlabki gilamlar sovuqdan himoyalovchi vazifani ta'minlagan. Vaqt o'tishi bilan gilamchilik texnikasi mintaqalar bo'ylab tarqaldi, har bir madaniyat san'at shaklida o'ziga xos iz qoldirdi. Masalan, fors gilami boylik va ijtimoiy mavqeni anglatuvchi o'zining murakkab naqshlari va jonli ranglari bilan mashhur bo'ldi. O'rta Osiyo xalqlari orasida gilamdo'stlik qachon paydo bo'lgani xaqida aniq ma'lumotlar mavjud emas. Ammo O'rta Osiyoning Xorazm hududida, shimoliy-sharqiy viloyatlar Oltoy va Mo'giliston hududida olib borilgan arxeologik qazilmalarda milloddan avvalgi asrlarga oid manzilgohlarda qoziq gilam namunalari topilgan .

Gilam turli davrlarda madaniyatda muhim ahamiyatga ega bo'lib, maqom, madaniy meros va badiiy ifoda timsoli bo'lib xizmat qildi. Yaqin Sharq madaniyatida gilamlar ko'pincha tarixiy voqealarni tasvirlaydigan yoki hikoya qiluvchi murakkab naqshlar bilan to'qilgan. G'arbda gilamlar qulaylik va hashamatni anglatib, yashash joylari va ofislarni bezash vazifasini bajargan. Bundan tashqari, gilamlar XX asr oxirlarida ijtimoiy va siyosiy ifoda vositasi sifatida ham ishlatilgan. Ular dizaynlari orqali siyosiy xabarlarni etkazgan. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida gilam to?qish eng barqaror yo?nalishlardan biri sifatida tasniflangan .

Markaziy Osiyo gilamlari o'zining murakkab dizayni va yorqin ranglari bilan mashhur. Ular odatda mahalliy qo'ylardan olingan yuqori sifatli jun yordamida tayyorlanadi, keyinchalik o'simliklar va minerallardan tayyorlangan tabiiy bo'yoqlar yordamida bo'yaladi . Gilamlar an'anaviy texnikadan foydalangan holda to'qiladi,

ko'pincha avloddan avlodga o'tuvchi hunarmandlar tomonidan bajarilib kelinmoqda.

Markaziy Osiyo gilamlaridagi naqshlarda ko'pincha O'rta Osiyo madaniyati va merosining turli qirralarini ifodalovchi geometrik naqshlar, o'simlik naqshlari va ramzlar aks ettirilgan. Bu gilamlar nafaqat estetik go'zalligi, balki chidamliligi va og'ir ob-havo sharoitlariga bardosh bera olishi bilan ham qadrlanadi.

Markaziy Osiyo gilamlari boy tarix va madaniy ahamiyatga ega. Ular turli maqsadlarda, jumladan, bezak buyumlari, pol qoplamalari va hatto seplik buyumlari sifatida ishlatilgan. Bugungi kunda ular butun dunyo bo'ylab keng tarqalgan.

Agar siz Markaziy Osiyo gilamini sotib olishga qiziqsangiz, buyumning haqiqiyligi va sifatiga ishonch hosil qilish uchun chuqur o'rgangan xolda xarid qilish lozim.

Markaziy Osiyo gilamlari Turkman gilamlari sifatida ham tanilgan, Markaziy Osiyo mintaqasidan, xususan, Turkmaniston, O'zbekiston, Qirg'iziston va Afg'oniston kabi mamlakatlardan kelib chiqqan an'anaviy qo'lda to'qilgan to'qimachilik turidir. Shu o'rinda O'zbekiston gilamlari o'z o'rni va mavqiega ega.

O?zbek gilamlari O?zbekiston to?qimachilik san?atining an?anaviy turi hisoblanadi. Bu gilamlar o'zining murakkab dizayni, jonli ranglari va yuqori sifatli mahorati bilan mashhur. O'zbekiston gilam to'qishning uzoq tarixiga ega bo'lib, uslubi va naqshlar avloddan-avlodga o'tib kelmoqda.

O?zbek gilamlari odatda vertikal dastgoh yordamida tayyorlanadi va ipak yoki jun yordamida to?qiladi. Dizaynlarda ko'pincha geometrik naqshlar, gul naqshlari va murakkab naqshlar mavjud. O?zbek gilamlarida qo?llaniladigan ranglar odatda qalin va yorqin bo?lib, qizil, ko?k, sariq va yashil ranglar aralashgan.

O?zbek gilamining eng mashhur turlaridan biri Buxoro gilami bo?lib, Buxoro gilamlari o'zining simmetrik dizayni va boy ranglari bilan mashhur. Buxorodan tashqari Qashqadaryo viloyati xam yirik gilamchilik hududlari bo'lgan . Denov gilamlari esa Qarshi gilamlaridan qolishmagan .

O'zbek gilamlari nafaqat badiiy qimmati, balki mustahkamligi bilan ham qadrlanadi. Ular ko'pincha uylarda, ofislarda va mehmonxonalarda bezak buyumlari sifatida ishlatiladi, shuningdek sotish uchun boshqa mamlakatlarga eksport qilinadi. Bundan tashqari gilamlar to'y xadyasi sifatida xam berilgan .

Umuman olganda, o'zbek gilamlari O'zbekistonning boy madaniy merosi va hunarmandchiligining go'zal ifodasidir.

XVIII asrda sanoatlashtirishning boshlanishi gilam ishlab chiqarishda inqilob qildi. Mexanikalarga asoslangan dastgohlar ommaviy ishlab chiqarishni osonlashtirib, barcha uchun gilamlarni olish uchun qulaylik yaratdi. Keyinchalik gilamlar neylon va polyester kabi sintetik materiallardan ishlab chiqarila boshladi. Bu ko'rinishdagi gilamlar chidamliligi bilan ajralib turadi. Tufting mashinalarining joriy etilishi samaradorlikni yanada oshirib, ilmoqli yoki kesilgan gilamlarni yaratish imkonini berdi. Bugungi kunda kompyuter yordamida ilg'or texnologiyalar (SAPR) sanoatga kirib kelishi, gilam ishlab chiqarishda aniqlik va moslashtirish imkonini beradi.

O'rta Osiyo xalqlarining xam gilamga bo'lgan talabini qondirish maqsadida 1960-yil Tojikiston SSRda birinchi yirik gilam fabrikasi qurildi .

Gilam ko'plab afzalliklarga ega bo'lsada, uni ishlab chiqarish atrof-muhitga katta zarar yetqazadi. Sintetik tolalar uchun neft yoki tabiiy tolalar uchun o'rmonlarni kesish kabi xom ashyolarni qazib olish, atrof-muhitning buzilishiga olib keladi. Bundan tashqari, gilam ishlab chiqarishda ishlatiladigan energiyani ko'p talab qiladigan ishlab chiqarish jarayonlari va kimyoviy ishlov berish salbiy ekologik oqibatlarga olib kelishi mumkin. Biroq, xozirgi kunda gilam ishlab chiqarishning atrof-muhitga ta'sirini minimallashtirish uchun qayta ishlangan materiallar va ekologik toza ishlab chiqarish texnikasi kabi barqaror alternativlarni ishlab chiqishga harakat qilinmoqda.

Xozirgi kunda gilam o'zining ko'p qirraliligi, izolyatsiyalash xususiyatlari va estetik jozibasiga ko'ra turlanadi. U insonga qulaylikni ta'minlaydi, shovqin darajasini pasaytiradi va turli xil interyer uslublariga mos keladigan keng dizayn ko'rinishini taklif etadi. Bundan tashqari, gilam issiqlik izolyatori bo'lib, xona haroratini saqlab turish orqali energiya sarfini kamaytiradi. Barqaror ishlab chiqarish amaliyotining paydo bo'lishi va ekologik toza materiallardan foydalanish bilan gilamlar yanada ekologik toza bo'lib, ekologik ong o'sib borayotgan davrda ularning ahamiyati yanada oshmoqda.

Bundan tashqari, texnologik yutuqlar ham innovatsion gilam materiallari va xususiyatlarining rivojlanishiga olib keldi. Misol uchun, tola va tozalash texnologiyalaridagi yutuqlar tufayli dog'ga chidamli va mikroblarga qarshi gilamlar endi keng tarqalgan. Bundan tashqari, 3D bosib chiqarish kabi texnologiyalar gilamning murakkab naqshlari va dizaynlarini yaratish uchun yangi imkoniyatlar ochdi.

Umuman olganda, gilamlarni yaratishda ham, funksionallikda ham texnologiya integratsiyasi ularning imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirdi va foydalanuvchi tajribasini yaxshiladi. Bu esa gilam rivoji uchun muhim hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Michael Franses "An Early Anatolian Animal Carpet and Related Examples".
2. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX - начала XX вв. [Часть 1]. Ташкент, 1970.
3. Е.Г. Царева Ковроделие арабов южных районов Узбекистана. Конец XIX - начало XXI в. (по коллекциям МАЭ и РЭМ).
4. Семенов А.А. Ковры русского Туркестана // Этнографическое обозрение. СПб., 1911. Кн. 88- 89.
5. A. A. Bogolyubov, Carpets of Central Asia, ed. J. M. A. Thompson, Ramsdell, Eng., 1973.

# SHAHRISABZ TOPONIMI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR

Замонов Акбар Турғинович –
Тошкент Кимё халқаро университети

**Таянч сўз ва иборалар:** Кеш, дарё, Қашқадарё, Шаҳрисабз, манбалар, Амир Темур ва темурийлар, яшил шаҳар, уста-бинокор, Оқсарой, қурилиш маркази, топоним, янги шаҳар, маъно.

Қадимги даврларда, хусусан, антик асрларда (мил. авв. IV – милодий II-IV асрлар) бугунги Қашқадарё воҳаси ҳудуди билан учта қадимий вилоят – Наутака ("янги жой" маъносида), Ксениппа ("жой", "ер" маъносида) ва Габаза ("тоғ ерлари") боғланади . Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва ёзма манбаларнинг уйғунлиги Наутака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё воҳаси ерларини ўз ичига олганлигини кўрсатади. Ксениппа Қарши ва унга туташ чўл ҳудудларини ўз ичига олган бўлиб, ҳозирги Қарши ва Косон оралиғидаги Ерқўрғон Ксениппанинг маркази бўлган. Қашқадарё воҳасидаги учинчи вилоят бўлган Габаза ҳозирги Деҳқонобод, Оқработ ва Темир дарвоза атрофидаги ерларни ўз ичига олган. Тарихчиларнинг тадқиқотлари натижасида бу вилоят қадимги Бохтар ва Суғд чегарасида бўлган .

Шаҳрисабз мана шу уч вилоятдан бири – Наутака ҳудудига кирган. Наутака ҳудуди кейинги асрларда Кеш номи билан атала бошлаган. Кеш топоними Қашқадарё гидроними билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Марҳум академик А.Муҳаммаджонов (1928-2016)нинг таъкидлашича, "Қашқа" сўзи аслида "Кашкўҳ" (каш+кўҳ) шаклида ифодаланиб, гидроним (сув билан боғлиқ жой номи)ни эмас, балки ороним (тоғ номи билан боғлиқ)ни, яъни Каштоғи маъносини англатган. Каштоғидан бошланган сой дарёга айлангач, у "Кашкўҳруд" ("руд" дарё маъносида) юзага келган. Аҳоли талаффузида "Кашкўҳруд" шакли фонетик жиҳатдан ўзгариб, Кешкруд, Кешруд ва Қашқаруд каби шаклларда қўлланила бошлаган. Кейинги асрларда гидронимнинг охирги бўғинидаги "руд" "дарё" сўзи билан алмаштирилиб, "Қашқадарё" ҳосил бўлган . Араблар даврида Кашкруд Наҳр ул-Кассорин номи билан юритилган . X асрда яшаган араб географи Ибн Хавқалнинг ёзишича, дарё Сиём тоғидан бош олган .

Шундай қилиб, Қашқадарё гидроними қадимда Сиём, сўнгра Кашкўҳ, яъни Кеш тоғидан бош олган дарё Кашкруд ёки Наҳр ул-Кассорин номлари билан юритилган. Мазкур гидроним кейинчалик дарёнинг юқори оқимидаги ҳудудларнинг Каш, Кэш ёки Кеш деб юритила бошлашига сабаб бўлган.

Қадимги Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида бўлган. X асрдан кейин шаҳар маркази аста-секин жануб томонга, Шаҳрисабз ўрнига кўча бошлаган .

Кеш воҳасига дарёнинг юқори оқимидаги ҳудудлар - бугунги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамашининг бир қисми кирганлиги учун "юқори ҳудуд", дарёнинг қуйи оқимидаги Қарши ва унинг атрофидаги собиқ чўл ҳудудлари эса "қуйи ҳудуд" деб ҳам ажратилган.

Юқоридаги маълумотлар йиғиндисидан келиб чиқиб, масаланинг асосий қисми бўлган Шаҳрисабз топонимига тўхталсак! Кешнинг маркази, яъни бугунги Шаҳрисабз ҳам ўрта асрларда Кеш деб юритилган. Бу шаҳарнинг Шаҳрисабз деб юритилиши Амир Темур ҳукмронлиги давридан, аниқроғи, XIV асрнинг 80-йилларидан бошланди.

Мўғуллар истилоси даврида шаҳар тарихи ёзма манбаларда деярли ёритилмаган. Амир Темур ва темурийлар даврида Шаҳрисабз улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос бекларинингт ёзги қароргоҳига айлантирилган. Шаҳарда кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланган. Шаҳар атрофи мудофаа девори билан ўраб олинган . Шунингдек, Амир Темур ўз ҳокимияти аввалида вафот этган пири Шамсиддин Кулолга, сўнгроқ, ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх мирзоларга, отасига ва ўзига дахмалар қурдирган эди . Шаҳрисабздаги кенг кўламли қурилишларнинг гувоҳи бўлган Испания элчиси Клавихо ўз кундалигида бу ерда кўплаб маҳобатли бинолар ва масжидлар борлигини ва қурилаётганлигини таъкидлайди. Хусусан, Оқсаройнинг қурилиши ҳақида ёзар экан, "бу ерда йигирма йилдан буён усталар ишлагани, шу пайтда ҳам (элчи келган 1404 йилнинг 29 августида) саройда кўплаб ишчилар ишлаб тургани"нинг гувоҳи бўлган . Шунингдек, шаҳарда яна кўплаб меъморий обидалар (Дор ут-тиловат мажмуаси, Кўк гумбаз масжиди ва бошқалар) қурилди . Ўша пайтда Шаҳрисабзнинг 4 дарвозаси: Арк (шимол), Кунчиқар (шарқий), Кушхона (ғарбий), Термиз (жанубий) дарвозалари бўлган. Темурийлар даври муаррихи Шарафуддин Али Йаздий (XV аср) шаҳар тўғрисида қуйидагича ёзган эди: "Шаҳрисабз, уни туркийлар Кеш деб атайдилар... Кешни ўша даврда "Қуббат ул-илм вал адаб" лақаби бўлуб турур. Баҳор вақти ул шаҳарнинг тому тоши кўм-кўк бўлур ва кўк кўрунғон жиҳатидин анга Шаҳрисабз от бўлуб турур" .

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ҳам Амир Темур даврида Шаҳрисабзнинг янгича қиёфа касб эта боришини қуйидагича сифатлайди: "...Темурбекнинг туғилиб ўсган жойи Кеш бўлгани учун уни шаҳар ва пойтахт қилишга кўп саъй-ҳаракатлар қилди. Кешда юксак иморатлар бино қилди. Ўзига девонда бир улуғ пештоқ (айвон) ва яна ўнг ёнида ҳамда сўл ёнида вилоятлар беклари билан девон беклари маҳкамалари учун икки кичикроқ пештоқ қургандир. Яна арзга келган халойиқ учун бу девонхонанинг бурчак-бурчакларида кичик-кичик хоначалар бунёд этган. Бундай юксак иморатни оламда кам, деб айтадилар. Дейдиларки, бу Кисро

тоқи дан ҳам юксакроқдир. Яна Кешда мадраса ва мақбара тиклагандир. Жаҳонгир мирзо ва тағин баъзи авлодининг мақбаралари ўша ердадир. Кешнинг бош шаҳар бўлишга Самарқандчалик имконияти катта бўлмагани учун Темурбек охири пойтахт учун Самарқанднинг ўзини танлади" . Шунингдек, Бобур Кеш қўрғони йириклиги жиҳатидан Самарқанд қўрғонидан кейин Мовароуннаҳрдаги иккинчи қўрғон эканлигини ҳам таъкидлаган эди .

Хуллас, Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, Кеш вилоятининг маркази йирик бунёдкорлик майдонига айланди. Табиийки, бу катта маблағ, кўп миқдордаги малакали ишчи кучини талаб этар эди. Мазкур муаммо фақатгина маҳаллий уста-ҳунармандлар, меъморлар салоҳияти билан ҳал бўлмаслиги аниқ эди. Шунинг учун ҳам Темур бошқа ўлкалардан малакали уста-меъморларнинг катта-катта гуруҳини Шаҳрисабзга кўчира бошлаган. Эгалланган ҳудудлардан олинган ўлжа ва бойликлар мазкур шаҳарнинг янги қиёфа касб этиши учун молиялаштирилган эди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1379 йил Хоразмга юриш қилган Амир Темур ғалабага эришгач, кўплаб машҳур кишиларни у ердан Мовароуннаҳр марказига кўчирган . Темурийлар даврида яшаган муаррих Муиниддин Натанзий (XIV – XV аср боши)нинг ёзишича, Темур Кеш шаҳрини Хоразм намунасида янгича тарҳда қуриб, кўплаб хоразмликларни шу ерга жойлаштирган . Айнан шу даврдан бошлаб Кешдаги бунёдкорлик ишлари янги поғонага кўтарилган. Амир Темурнинг сарой тарихчиси Низомиддин Шомий (XIV аср охири – XV аср боши) ҳам Хоразм юришидан кейин, 1380 йил баҳоридан "Кеш шаҳри қайта қурилишига олий фармон берилган"лигидан гувоҳлик беради . Демак, юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Кеш XIV асрнинг 80-йилларидан янгича қиёфа касб эта бошлаган ҳамда бунинг ортида маҳаллий аҳолидан ташқари, кўплаб кўчириб келтирилган уста-ҳунармандлар меҳнати ётар эди.

Энди Шаҳрисабз сўзининг маъносини таҳлил қилсак. Маълумки, кўплаб тарихий манбалар ва тадқиқотларда Шаҳрисабз – "яшил шаҳар" маъносини англатиши эслатилади. Қизиқ томони шундаки, Амир Темур ва дастлабки темурийлар даври муаррихлари (Низомиддин Шомий, Клавихо, Муиниддин Натанзий, Шарафутдин Али Йаздий, Ибн Арабшоҳ, ғофизу Абрў, Фасиҳ Хавофий, Абдураззоқ Самарқандий ва ҳ.к.) Шаҳрисабз сўзининг маъноси ҳақида аниқ ҳеч қандай маълумот айтишмаган. Лекин кейинги давр муаррихлари, хусусан, биринчилардан бўлиб сулола вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур шаҳар номининг маъноси ҳақида "баҳорлар саҳроси, шаҳри, дала ва томи ям-яшил бўлгани учун Шаҳрисабз ҳам дейдилар" деган жумлани келтиради . Бу ерда Шаҳрисабз сўзи "яшил шаҳар" маъносини янглатади деган маъно яққол айтилмаган бўлса-да, шунга шаъма қилинган. Кейинги даврларда (XVII-XIX асрлар) яратилган асарларда Шаҳрисабз сўзи "яшил шаҳар" маъносини англатиши эслатилади. Шу боисдан кўплаб илмий, илмий-оммабоп ва назмий асарларда шаҳар

номининг маъноси "яшил шаҳар" деган маълумот оммалашган.

Шаҳар номи икки мустақил сўз – шаҳар+сабз ўзакларидан ясалганлиги маълум. Бу сўзнинг биринчи қисми барчага маълум маънода келган бўлса, сўзнинг иккинчи қисмини ташкил қилган "сабз" атамасининг маъноси бир нечта маъноларда қўлланилади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "сабз" сўзи форсийда уч хил маънони англатиши келтирилган: 1) яшил; 2) ғўр, хом; 3) янги, ёш . Сабз сўзи XVI аср манбаларида бунёдкор, қурувчи уста – банно маъноларини англатиши келтирилади. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида шоир Камолиддин Биноий (1453–1512)га таъриф бера туриб, унинг отаси Устод Муҳаммад сабз, яъни банно – уста-бинокор бўлганлиги, шу боис Камолиддин ота касбидан келиб чиқиб ўзига "Биноий" тахаллусини танлаганини келтиради . Ўша давр муаррихи Ғиёсиддин Хондамир ҳам Биноийнинг отаси устод Муҳаммад Шерали Сабз бўлганлигини, меъморлиги сабаб исмига "Сабз" сўзи қўшилганлигини қайд этади . Марҳум академик Б.Аҳмедов (1924–2002) ҳам манбалар таҳлили асосида Биноийга таъриф берар экан, унинг отаси Муҳаммад Сабз меъмор бўлганлиги, ғиротдаги XV аср охиридаги кўплаб иншоотларнинг қурилишида раҳбарлик қилганлигини таъкидлайди .

Юқоридаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Шаҳрисабз сўзи аксарият ҳолларда юқорида келтирганимиз, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"даги "сабз" сўзига берилган биринчи изоҳ, яъни, "яшил" маъноси билан кенг оммалашган. Сабз сўзининг яшилликни, баҳорни англатиши билан боғлиқ маълумотлар классик адабиётда, назда ҳам жуда кўп қўлланилган. Шу жиҳатлардан "яшиллик" Шаҳрисабз топонимига ҳам татбиқ этилган бўлиши мумкин. Мантиқан ёндашилса, баҳор ойларида барча шаҳарлар ўзида яшилликни мужассам этиб, у биргина шаҳарга хос хусусият бўлиб қолмайди.

Шаҳрисабз деган ном манбаларда XIV асрнинг 80-йилларидан, шаҳарнинг мутлақо янгича қиёфа касб этиб, кенг кўламли бунёдкорлик майдонига айланган даврдан тилга олина бошлаган. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да келтирилган "сабз" сўзининг учинчи изоҳи – "янги", "ёш" маънолари мазкур шаҳарнинг айнан XIV аср 80-йилларидан кейинги ҳолатига анча мос келади. Чунки юқорида, темурийлар даврида ёзилган бир қатор муаррихлар (Шомий, Натанзий, Али Йаздий, Хавофий) асарларида Кеш вилоятининг марказига кўплаб қурувчилар, уста-ҳунармандларнинг кўчирилганлигига оид фактларнинг келтирилганлиги, шунингдек, шоир Биноийнинг отасига берилган "сабз" сифатининг "бинокор" маъносини англатиши билан боғлиқ маълумотлар Шаҳрисабз топониминиг "бунёдкорлик шаҳри", "бунёд бўлаётган шаҳар", "янги шаҳар" маъноларини англатиши ўқувчини тарихий ва мантиқий ҳақиқатга етаклайди.

РЕЗУМЕ

Илмий тадқиқотлар ва оммабоп асарларда Шаҳрисабз топоними ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар ёзилиб келинган бўлса-да, уларда шаҳар номининг "яшил шаҳар" маъносини англатиши кўп бор таъкидланган. Мазкур мақолада Амир Темур ва темурийлар даври манбалари, тилшуносликка оид баъзи асарлар асосида Шаҳрисабзнинг темурийлар давридаги хусусиятлари ва шундан келиб чиқиб, шаҳарга берилган таъриф таҳлил қилинган. Шунингдек, Шаҳрисабз номининг "бунёд бўлаётган шаҳар", "янги шаҳар" маъноларини англатиши билан боғлиқ мулоҳазалар илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ

В научных исследованиях и популярных работах написано много сведений о топониме Шахрисабз, в них часто упоминается, что название города означает "зеленый город". В данной статье на основе источников эпохи Амира Темура и Тимуридов, и в некоторых работах по языкознанию анализируются особенности города Шахрисабза во времена Тимуридов, исходя из этого, даёт определение, данному городу. Также выдвигались соображения относительно значения слова Шахрисабз как "строящийся город", и "новый город".

RESUME

Although many opinions have been written about the toponym of Shakhrisabz in scientific research and popular works, they often emphasize that the name of the city means the 'green city.' This article analyzes the characteristics of Shakhrisabz during the Timurid era, exploring the city's description based on the sources of Amir Timur and the Timurid period, as well as some works on linguistics. Additionally, comments related to the meaning of Shakhrisabz as the 'city under construction' or the 'new city' are put forward.

TADQIQOT

# ARAB TILI SINTAKSISI HAQIDA QARASHLAR ("MIFTAHU-L-ULUM" ASARI ASOSIDA)

Акмалхон АКМАЛХОНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

**Калит сўзлар:** Абу Яъқуб Саккокий, "Мифтаҳу-л-улум", наҳв, сўз туркумлари, сифат, изоҳловчи, от кесимли гап, феъл кесимли гап.

Машҳур немис шарқшуноси Карл Броккелман араб тилшунослигида муҳим ўрин тутган, катта ҳисса қўшган олимларни санаб, Маҳмуд Замахшарийдан кейинги ўринда зикр қилган олим Абу Яъқуб Саккокий ҳисобланади [2:171]. Абу Яъқуб Саккокий араб тилшунослигида “Мифтаҳу-л-улум” асари билан машҳур. Мазкур асар араб тили грамматикасига оид қандай илмлар бўлса, барчасини қамраб олган. Шунинг учун ҳам муаллиф бу ҳақда: “Бу асарда жуда яхши билиб олиш керак бўлган илмларни жамлаб, “Мифтаҳу-л-улум” - مفتاح العلوم “Илмлар калити” деб номладим,” ёзилиш услуби ҳақида эса, “Замонамнинг фозил аҳллари, фазлни камолотга етказган зотлар мендан мухтасар қилиб, уларга [бир асар] тасниф қилиб беришимни қатъийлик билан сўрадилар. Бу каби гапларни эшитгач, бундан улар тўла хурсандчилик билан баҳраманд бўлишлари учун, ҳар бир закий тушунадиган услубда таснифладим” [1, 1б].

“Мифтаҳу-л-улум” асари уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми морфология (сарф); иккинчи қисми синтаксис (наҳв); учинчи қисмида балогъат илмлари баён қилинади.

Абу Яъқуб Саккокий асарнинг иккинчи бўлимида қолган асарлардан фарқ қиладиган, учрамайдиган ёндашув асосида қарашларини келтиради. Наҳв илми бўйича алоҳида кўплаб асарлар ёзилган. Саккокий бу илм ҳақида асарида келтирган қарашлари, ўзига хос усули билан алоҳида шу илмга бағишланган

асарлардан ажралиб туради. Бошқа асарлардан фарқли жиҳатларини кириш қисмининг ўзидаёқ кузатиш мумкин. Саккокий наҳв нима эканлигига таъриф берганидан кейин ўзига хос бўлган мантиқий изчилликни қамраб олган усулига ёндашиб, иккинчи фаслни “Наҳв илмида керак бўладиган унсур ҳақида” (في ضبط ما يفتقر إليه في ذلك) деб номлаган [1, 30б]. Бундай номланиш фақат Саккокий ва унинг асаридагина кузатиш мумкин. Номланиш мавзу нима ҳақида бўлишини очиқлаб келиши яна бир ўзига хослик
ҳисобланади. Бу фаслнинг мақсади ҳақида: “Бу фаслнинг мақсади учта унсур билан бўлганда намоён бўлади. Бу уч унсур: القابل - (қабул қилувчи), الفاعل - (амалга оширувчи), الأثر - (нишона),” деб айтган эди Саккокий [1, 30б].

Иккинчи бўлимни баён қилишда муқаддима ҳисобланган бу фасл ўз давригача бўлган асарларда учрамайдиган атамалар келтириш билан ҳарактерлидир. Саккокий томонидан келтирилган мазкур атамалар асар тўла ўзгача, чуқур илмий қарашларга асосланганлигини билдириб келади. Бу القابل - (қабул қилувчи), الفاعل - (амалга оширувчи), الأثر - (нишона) атамалар гапдаги барча синтактик ўзгаришларни қамраб олади.

Саккокий наҳв илми нима эканлиги, унда зарур унсурларни келтириб бўлгач, наҳв бўлимидаги биринчи бобда синтактик жиҳатдан ўзгариш ҳақида баҳс юритиб, синтактик жиҳатдан ўзгармайдиган сўзларни баён қилади ва бу борада: “Баъзисини баъзисидан ажратиш лозим [синтактик жиҳатдан ўзгарадиган сўзни ўзгармайдиган сўздан]. Бирини аниқлаштириш орқали иккинчиси маълум бўлади. Ўзгарувчанни аниқлаш учун ўзгармасни аниқлаш яқин ҳисобланади,” деб ёзган эди Саккокий [1, 31а]. Бу бобда синтактик жиҳатдан ўзгармайдиган сўзларни қолган асарларда учрамайдиган тизимли ҳолда, ҳар бирини баён қилган [1, 31а-32б].

Саккокий аниқловчи, изоҳловчи вазифасида келувчи иккинчи даражали гап бўлакларини алоҳида ном ва мавзу остида баён қилади. Қолган асарларда улар алоҳида мавзулар тарзида баён қилинган. Сибавайҳининг асарида мазкур

мавзулар “Сифат ва сифатланмиш, таъкид ва таъкидланувчи, изоҳловчи ва изоҳланмиш ва шу кабилар” ( مجرى النعت على المنعوت والشريك على الشريك والبدل على المبدل منه وما أشبه ذلك), “Сифат бўлмаган исм бўлган изоҳловчи” ( عطف البيان) боблари остида баён қилинган [3: 421-437; 4: 184-186, 190-193]. Маҳмуд Замахшарий “Эргашувчилар” (التوابع) доирасида таъкид (التأكيد), сифат ( الصفة), изоҳловчи ( البدل), сифат бўлмаган исм бўлган изоҳловчи ( عطف البيان), уюшиқ бўлак (العطف بالحروف) мавзуларини алоҳида келтирган [6: 91-101].

Саккокий гапда синтактик жиҳатдан ўзгариш икки хил бўлишини таъкидлаган ҳолда ушбу мавзуларни қамраб олган фаслни “Ўзгаришнинг икки тури” (وجها الإعراب) деб номлайди [1, 33a]. Мавзунинг бундай номланиши араб тилида икки хил синтактик ўзгариш бўлиши ҳақида яхлит хулоса беради. Бундай хулоса олиш мумкин бўлган мавзуларни қамраб олган асарлар тил соҳибларида ҳам кам кузатилади. Саккокий мазкур ўзгаришлар ҳақида: “Охирида ўзгариш содир бўладиган сўз ( معرب) ўзгаришни ( إعراب) қабул қилишида икки турли бўлиб, бирида ўзи ўзгаришни қабул қила олмайдиган, ўзидан бошқаси қабул қилгач қабул қиладиган сўзлар; иккинчисида ўзи ўзгаришни қабул қиладиган сўзлардир,” деб ёзган [1, 33a]. Иккинчи турга кирувчи гап бўлаклари биринчи турдаги бўлаклардан олдин келиб, кейингиларни ўзидаги ўзгаришни қабул қилишига сабабчи бўлиб келади.

Саккокий биринчи тур доирасида Сибавайҳи, Замахшарийларга эргашган ҳолда сифат (صفة), изоҳловчи [сифат бўлмаган исм билан изоҳлаш] (عطف البيان), ёрдамчи сўз билан боғланган уюшиқ бўлак ( معطوف بحرف), маънони таъкидловчи (تأكيد), изоҳловчи (بدل) мавзуларини бир ном остида батафсил баён қилган.

Саккокий мазкур мавзуларни синтактик ўзгарувчи гап бўлаклари сифатида ўрганиб, синтактик жиҳатдан ўзгарувчан сўзлар доирасида қамраб олиши қолган олимлар баён қилиш усулидан ўзгача усулга эга эканлигини намоён қилиб келган.

Биринчи бобда синтактик жиҳатдан ўзгарувчи ва ўзгармас гап бўлаклари, ўзгарувчан сўзларнинг келишикда турланишларини баён қилиб, феълларда ўзгаришлар сони учта эканлигини таъкидлаб: “Феъл кесимли гапларда (феълий гап) феъл учта тур бўлиб, ارتفع - рафъ [хабар майли], انتصب – насб [истак майли], انجزم - жазм [шарт майли] да келган феъллардир,” деб ёзган эди Саккокий [1, 34б].

Наҳв илмидаги муҳим қоидаларни олим уч боб ичида қамраб олганлигини юқоридаги таъкидланган уч унсурдан билиб олиш мумкин. Саккокий иккинчи бобда гап таркибида бирор синтактик ўзгариш қила оладиган сўзлар ҳақида баҳс қилиб, уни “бирор синтактик вазифани қила олувчи ҳақида” (في الفاعل) деб номлаган [1, 34б].

Саккокий иккинчи бобда гап таркибида синтактик ўзгаришларни содир қилувчи феъл туркуми эканлигини таъкидлаб: “Кўпчилик соҳибларимизнинг қатъий фикрларига кўра, феъл сўзлар ичида исм ёки ҳарфсиз амалда [синтактик вазифада] аслдир [бирламчи]. Улар таъсир қилувчи таъсир қилаоладигандан кучлироқ бўлишини таъкидлайдилар. Феъл замон, ҳаракат номи ифодалаши билан юқоридаги турлар ичида энг кучлиси ҳисобланади. Уларнинг кучли фикрларига биноан, амал [синтактик ўзгариш қила олиш] борасида феъл исм ва ҳарфдан олдинда турувчидир,” деб ёзган [1, 34б].

Саккокий “соҳибларимиз” деган сўзни бот-бот келтиради. Бу сўз Басра тилшунослик мактаби намояндаларига ишорадир. Асар давомида Саккокийнинг сўзнинг ясалиши борасидаги ихтилоф бор қарашларда Басра мактаби намояндаларининг фикрларига қўшилиши унинг шу мактабга мансублигини ифодалайди. Феъл ўзидан кейин келаётган сўзларда икки хил ўзгаришга сабаб бўлгани боисидан ҳам исм ва ҳарф туркумидан кучли эканлигини таъкидлаб, феъл кесимли гаплардаги бўлакларни баён қилган. Шунингдек, бу мавзу доирасида Саккокий жумлаларни уч турга бўлиб, батафсил баён қилади. Бу бўлиниш гапда биринчи қайси бўлак келишига кўра

амалга ошганлигини номланишидан билиб олиш мумкин. Саккокий ўзидан олдин ўтган олимларга эргашган ҳолда исм билан бошланган гапни “исмий жумла” ( جملة اسمية), феъл билан бошланган гапни “феълий жумла” (جملة فعلية), ўрин ҳоли билан бошланган гапни “зарфий жумла” ( جملة ظرفية) деб атаган [1, 35а].

Саккокий мазкур бобда синтактик ўзгаришларга олиб келувчи сўзлар ичида ҳарфга [ёрдамчи сўз туркумлари] алоҳида, батафсил тўхталади. Қолган манбаларда кам кузатиладиган жиҳатлардан яна бири ҳарфларнинг номланишидир. Бу номланишдан улар қандай синтактик ўзгаришга олиб келишини англаб олиш мумкин. Мисол учун: “Аввал насб [тушум келишиги] қилиб, кейин рафъ [бош келишик] қилувчи ҳарф” ( ما ينصب ثم يرفع من الحروف) [1, 43б], “Аввал рафъ қилиб, сўнг насб қилувчи ҳарф” (ما يرفع ثم ينصب من الحروف) [1, 45а].

Асарнинг иккинчи қисми, яъни наҳв бўлимида номсиз келган фаслларни кузатиш мумкин. Бундай ҳолат биринчи бўлимда кузатилмайди. Фаслга ном қўйиш олим ҳаёлидан кўтарилгандир, деган фикрни мавзулар батафсил ёритилганлини инкор қилади. Саккокий фаслни номламаганлиги борасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Биринчи, Саккокий фаслнинг номини бермаслиги ўқувчи эътиборини қаратишни кўзлаганлиги;

Иккинчи, номсиз фасллар аввалги фаслларнинг узвий давоми эканлиги;

Учинчи, аввалги фаслда баён қилинмай қолган муҳим қоидаларни алоҳида эътибор билан келтирилганлиги.

Номсиз фаслларнинг аксариятида муҳим бўлган аввалги фаслга тегишли маълумотлар келтирилади. Кейинги янги фикр эса алоҳида мавзуга оид бўлади. Бу ҳам мантиқий изчилликга эга бўлган усул эгаси бўлган Саккокийнинг маҳорати ҳисобланади. Номсиз келтирилган барча фасллар олдинги фаслларга бевосита мантиқий жиҳатдан узвий боғланганлигини

кузатиш мумкин.

Саккокий ўзгарувчи сўз, синтактик ўзгариш қила оладиган сўзларни баён қилганидан кейин учинчи бобни “Нишона, яъни ўзгариш ҳақида” ( في الأثر وهو الإعراب) деб номлаган [1, 54а]. Ўзгарувчи сўз, синтактик ўзгариш қила оладиган сўзларнинг ўзгариши нима эканлигини айнан мазкур бобда баён қилинган. Бу асар аввалдан то охиригача мантиқий ёндашув усулида ёзилганлигини кўрсатувчи энг ёрқин далил ҳисобланади. Мазкур бобда олим синтактик ўзгаришларни баён қилган. Синтактик ўзгаришларнинг кўриниб турган ва кўринмасдан яъни гап таркибидаги вазифасига кўра билиб олинадиган турларини батафсил ёритган.

Бошқа манбаларда кам кузатиладиган яна бир асарнинг хос жиҳати бу Саккокий Сибавайҳига эргашгани ҳолда синтактик жараёнларнинг содир бўлиш сабабларини келтириши ҳисобланади. Сибавайҳидан фарқли равишда Саккокий бу сабабларни алоҳида мавзу остида бирлаштириб, ҳар бир сабабга бир фасл ажратган. Сибавайҳида бундай ҳолат кузатилмайди. Сибавайҳи мазкур сабабларни боғлиқ мавзулар доирасида келтиради. Мисол учун, сўзнинг охирида бўладиган ўзгаришлар мавзуси доирасида феъллар билан боғлиқ синтактик жараён сабабларини [3: 14, 16, 17], муаннас сўзлар ҳақида мавзу доирасида فعالқолипининг касра [и] бўлиш сабабини келтирган [5: 272].

Асарнинг хотима қисмида ёзилишига доир муайян сабаблар келтирилса, Саккокий асарининг хотима қисмида синтактик жараёнларнинг сабабларини келтиради. Энг аҳамиятли жиҳати ҳар бир сабабни алоҳида фасл остида келтириб, боғлиқ бўлган ном билан атаган. Фаслларнинг сони ўнта эканлигидан ўнта сабаб ёритилганини билиб олиш мумкин. Саккокий баён қилган синтактик жараён сабаблари қуйидагилар:

Биринчи фасл: исмлардан ўзгармайдиганларида ўзгармаслик сабаби ҳақида ( الفصل الأول في علة بناء ما بني من الأسماء). Бу фаслда Саккокий ўзгармас ҳолатлар тўртта бўлиши, улар қайси ҳолатларда, қайси туркумларда

кузатилишини ва нима учун улар билан ўзгармас бўлишини ёритади. Масалан, сукун билан ўзгармаслик феълларга хос бўлиб, ҳаракатланиш зарур ўринларда касра билан ҳаракатланиши, фатҳа ва дамма феълга мос бўлмай, эшитилиши қулоққа оғир келишини таъкидлайди. Шу сабабли ҳам касра билан ҳаракатланади [1, 56б-57б].

Иккинчи фасл: турланишдан ман қилинганларнинг ман қилиниш сабаби ва улар билан боғлиқликлар ҳақида ( الفصل الثاني في علة امتناع ما يمتنع من الصرف وما يتصل بذلك). Бу фаслда икки келишикли сўзларнинг келишикларда турланишидан ман қилиниши танвин олмаганлиги эканлиги баён қилинган. Шунингдек, икки келишикли сўзларнинг хусусиятлари батафсил ёритилган [1, 58а-59а].

Учинчи фасл: музоф ҳолатида олтита исмнинг эъроби ҳарфлар билан бўлиши сабаби ҳақида ( الفصل الثالث في علة إعراب الأسماء الستة بالحروف مضافة). Саккокий бу фаслда наҳвда машҳур бўлган синтактик ўзгариши ҳаракат билан бўлмай, муайян ҳарфлар билан бўладиган олти исм ҳақида баҳс қилган [1, 59б]. Мазкур олти исм изофада музоф бўлганида ҳарфлар билан синтактик жиҳатдан ўзгариш сабаби араб тилида битта ҳарф сўз бўлишидан қайтарилгани деб айтган. Масалан: فم – (оғиз) сўзи мазкур синтактик жараёнда ف (“фу”) шаклида бўлиб қолади. Бундай ҳолат тилда кузатилиши ман қилинганлиги учун ҳам унга келишиклар эътиборидан “вāв”, “йā” ёки “алиф” бирикади. ف шаклида эмас, فو، في، فا (“фū”, “фī”, “фā”) шаклларида бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи шахс бирикма олмоши бириккан юқоридаги сўзлар синтактик ўзгариши ҳарфлар билан бўлмайди, юқоридаги шаклларда бўлмаслиги сабаби сўз бир эмас, икки ҳарфдан иборат бўлгани учундир.

Саккокий асардаги қоидаларни ёритиш қисқа, лўнда баён қилиш усулини қўллаган. Бу усул асар қийматини янада оширади. Мана шундай қисқа баён усулига мазкур фаслнинг биринчи жумласини мисол келтириш мумкин. Бу фаслда Саккокий: “ وهي إظهار الاجتناب بالألف وجه وأقربه عن أن يقوي خلاف قياس فيها” (сўзма сўз таржимаси: у [сабаб] “алиф” дан четланиб, намоён қилиш

қарашидир ва уни қиёс хилофида кучли бўлганига яқинлаштиришдир) [1, 59б]. Бу сўзма-сўз таржимасидан ўқувчи мазмунни тушиниб олиши учун анчайин тер тўкади. Бундай қисқа лекин маъноси кенг бўлган жумлалар асарда оз эмас. Бу жумладаги “алиф” дан четланиш” деган бирикма сўзда бир ҳарфни қолишига йўл қўймаслик маъносини беради. “Унга қиёсда хилофи кучли бўлгани” бирикмаси эса, битта ҳарфнинг ўзи сўзда қолмаслиги, камида сўз икки ҳарфдан иборат бўлишини ифода этади. Бу жумлада “алиф” сўзи ҳарф сифатида эмас, “бир” маъносида қўлланган.

Тўртинчи фасл: Иккилик ва кўплик ва унга тааллуқли эъробланиш сабаби ва унга хослик ҳақида ( الفصل الرابع في علة إعراب المثنى والمجموع على ما هو عليه). Бу фаслда Саккокий иккилик ва тўғри кўплик қўшимчалар орқали ҳосил қилиниши, бу фақат исмларга хос эканлигини ёритади. Бундай ўзгариш бўлганлиги сабаби ҳақида: “Қўшимча мад [чўзиқ унли] ҳарфларидан иборат бўлиб, унинг сўзларга жойлашуви енгил бўлади. Шунинг учун, тиллар бунга учиб ўтади, эшитувчилар унга боғланиб қолади. Ҳарактерлар бунга ўрганиб қолиб, жонлар бунга мойил бўлиб қолади. эъробини [синтактик ўзгариш] билдирувчи мадлар ҳаракатланишдан ман қилинганлиги учун сақлаб қолингандир,” деб айтган Саккокий [1, 60а].

Бешинчи фасл: كلا، كلتا - (иккови) сўзларининг олмош билан изофа ҳосил қилишида ўзгариш сабаби ва у билан боғлиқ хослик ҳақида الفصل الخامس في علة إعراب (كلا وكلتا) مضافين إلى الضمير على ما هو عليه). Мазкур фаслда олим бу икки сўз ҳақида қарашларни келтириб, сўз шакли бирликда, маъноси “иккилик” эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, далил ўлароқ шоирлар байтлари келтирган. Саккокий улар таркибидаги “алиф” иккиликни ифодаловчи “алиф” эмаслигини ўзгармаслик сабаби сифатида баён қилган [1, 60б].

Олтинчи фасл: مسلمات - (мусулмон аёллар) каби сўзлар эъроби [ўзгариш] сабаби ва ундаги хослик ҳақида ( الفصل السادس في علة إعراب نحو (مسلمات) على ما هو عليه). Саккокий муаннас тўғри кўплик икки келишикли бўлишининг сабаби

музаккарга эргашганлигидан деб айтган. Чунки, муаннаслик музаккардан ажралиб чиққандир. Аслга доим ажралиб чиққан бўлак эргашади [1, 61а].

Еттинчи фасл: феълларда ўзгарадиганларнинг эъроби сабаби ҳақида (الفصل السابع في علة إعراب ما أعرب من الأفعال). Мазкур фаслда Саккокий феълнинг шарт майлига тўхталиб, исм билан қиёслайди. Исмда бўлмаган жазм [шарт майли] ҳодисаси ва феълда бўлмаган жар [қаратқич келишиги] ҳодисалари ҳақида баҳс қилган [1, 61а].

Саккизинчи фасл: Синтактик вазифа бажарадиган ҳарфлар [ёрдамчи сўз туркумлари] вазифа бажариши сабаби ва бунга боғлиқ турли хилликлар кайфияти ҳақида (الفصل الثامن في علة عمل الحروف العاملة وكيفية اختلافها في ذلك). Саккокий исм, феъл туркумларидаги синтактик ўзгариш сабабларига тўхталиб бўлганидан кейин, учинчи туркум ҳарфдаги ҳодисаларни баён қилган. Саккокий мазкур фаслда исм ва феъл олдидан келувчи ҳарфларни баён қилиб, уларнинг исм ва феъл туркумларида ўзгаришларга сабаб бўлиши ҳақида баҳс қилган. Исм олдидан келувчиларни аввал, кейин феъл олдидан келувчи ҳарфларни батафсил ёритган. Маъно англатиб, синтактик вазифа бажармайдиган исм (“ал” – артикл ال) ва феъл (س، سوف) олдидан келувчи ҳарфларни қиёслаган [1, 62а].

Тўққизинчи фасл: Жар бўлмаган исмларнинг [синтактик] вазифаси сабаби ва уларнинг турли хиллиги кайфияти ҳақида (الفصل التاسع في علة عمل الأسماء غير الجر وكيفية اختلافها). Мазкур фасл феълдан ясалган ҳаракатноми ва аниқ нисбат сифатдошининг бош ва тушум келишигида келиш сабабларини баён қилади. Саккокий аниқ нисбат сифатдоши гап таркибида эга вазифасида келганда рафъ [бош келишик] да, тарз ҳоли вазифасида келганда насб [тушум келишик] да келиши ҳақида баҳс қилган [1, 62б].

Ўнинчи фасл: ҳозирги замон феъли, хабар ва мубтадо учун рафъ маъно жиҳатидан синтактик вазифа бўлиши сабаби ҳақида (الفصل العاشر في علة عمل

[1]

(المعنى الرفع للمبتدإ والخبر والفعل المضارع). Бу фаслда исмий жумлада биринчи келган сўз гап бошида жойлашгани сабабидан рафъ [бош келишик] да келиши, кесим унга эргашганлиги сабабидан бош келишикда келганлиги айтилган бўлса, феълнинг ҳозирги замон шакли рафъ [хабар майли] да келиши исм ўрнида кела олиши сабабидан эканлиги таъкидланган [1, 63а].

Саккокий чуқур илмий қарашлари асосида ўзидан олдинги олимлар асарларида кузатилмаган синтактик жараён сабабларини ўнта фаслда бирлаштирди. Уларнинг ҳар бирини оят, шеър байтлари билан далиллагани қанчалик чуқур илмга эга эканлигини исботи ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. МУ – Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаҳу-л-улум. Анқара Милли Кўтўпҳанеси. Қўлёзма 26 НК 192 рақам. – 244 в.

2. Броскелманн С. Гесчичте дер Арабисчен Литератур. – Леипзиг, 1909. 265 с.

3. أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق وشرح عبد السلام محمد هارون. كتاب سيبويه. الجزء الأول. –بيروت. دار الجيل. صفحة 446.

4. أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق عبد السلام محمد هارون. كتاب سبويه. الجزء الثاني. – القاهرة. مكتبة الخانجي. 1988. صفحة 432.

5. أبو بشر عمرو بن عثمان بن قنبر. تحقيق عبد السلام محمد هارون. كتاب سبويي الجزء الثالث. – القاهرة. مكتبة الخانجي. 1988. صفحة 664.

6. العلامة محمود بن عمر الزمخشري. تحقيق الشربيني شريدة. المفصل في صنعة الاعراب. – القاهرة. دار الحديث. 2013. صفحة 395.

**Аннотация:** Абу Яъқуб Саккокийнинг “Мифтаҳу-л-улум” асари араб тили грамматикасида ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолган нодир асарлардан бири ҳисобланади. Асар ёзилганидан кейин жуда машҳур бўлиши ўз ичига араб тили грамматикасининг бир неча соҳаларини қамраб олганлиги,

ўз ичига араб тили грамматикасининг бир неча соҳаларини қамраб олганлиги, такрорланмас усулда ёзилганлиги билан изоҳлаш мумкин. “Мифтаҳу-л-улум” асари уч асосий бўлим ва бир неча тўлдирувчи фасллардан иборат. Биринчи бўлим араб тили сарфи (морфология)га бағишланган бўлса, иккинчи бўлим навҳ (синтаксис) ҳақида. Асарнинг наҳв бўлими қолган соҳага оид манбалардан мавзуларнинг ўзига хос тизимли тузилиши, араб наҳви ҳақидаги янги қарашларни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради.

**Abstract**: Abu Ya'qub Sakkoki's work "Miftahu-l-ulum" is one of the rare works that have preserved their importance in Arabic grammar. The fact that the work became very popular after it was written can be explained by the fact that it covers several areas of Arabic grammar and is written in a unique way. The work "Miftahu-l-ulum" consists of three main sections and several supplementary chapters. The first section is devoted to Arabic usage (morphology), and the second section is to Nawh (syntax). The nahv section of the work differs from other sources related to the field in that it contains a unique systematic structure of topics and new views on Arabic nahv.

**Аннотация:** Произведение Абу Якуба Саккоки «Мифтаху-л-улум» является одним из редких произведений, сохранивших свое значение в арабской грамматике. Тот факт, что произведение стало очень популярным после его написания, можно объяснить тем, что оно охватывает несколько областей арабской грамматики и написано уникальным образом. Труд «Мифтаху-л-улум» состоит из трех основных разделов и нескольких дополнительных глав. Первый раздел посвящен использованию арабского языка (морфологии), а второй раздел — науху (синтаксису). Раздел работы о нахве отличается от других источников, относящихся к этой области, тем, что он содержит уникальную систематическую структуру тем и новые взгляды на арабский нахв.

# IKKINCHI JAHON URUSHIDAN SO'NG MISR TASHQI SIYOSATIDAGI O'ZGARISHLAR

Ваисова Нодирабегим Авазовна
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

**Калит сўзлар: Миср, Сувайш канали, Варшава битими, Яқин шарқ, Судан, БМТ.**

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Миср ташқи сиёсатининг шаклланиши осон кечмаган. Хусусан, Англия Мисрга янги битимни тиқиштиришга уринди, унга кўра инглизлар бу ерда ўз ҳарбий базаларини сақлаб қолар ва "фавқулодда ҳолатларда" қўшин киритиш ҳуқуқига эга бўлар эди. Қирол Форуқ ва унинг қўғирчоқ ҳукумати бу битимни имзолади. Мамлакатда қирол ва унинг ҳукумати хоинлигига қарши намойишлар тўлқини кенг ёйилди. Бу битимни имзолаган Сидқийпоша ҳукумати истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Қирол халқ ишончи ва қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлди. 1952 йилнинг 23-июлида Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги "Ёркин зобитлар" ватанпарварлик кайфиятидаги ҳарбийлар гуруҳи қирол ва ҳукуматни ағдарди. Мисрда миллий-ватанпарварлик инқилоби рўй берди.

Ғарб манбаларида Носирни араб мамлакатларини ўзига бўйсундириш мақсадида ҳаттоки Миср миллий қарашларидан воз кечишга тайёр шахс деб баҳолайдилар. Носир шунингдек Англия империялизмига қарши мардонавор курашди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозомки, Носир энг катта араб давлати ҳисобланган Мисрни бошқарган. Бу эса унинг Яқин Шарқда бўлаётган араб давлатларига таҳдидларига миллий йўлбошчи сифатида қараб тура олмаслигини билдирар эди. Шунинг билан Носир араб мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштиришга ҳаракат қилар экан, у ҳеч вақт бунга екстиримистик йўл билан эришишни мақсад қилиб қўймаган. "Нил водийси бирлиги" яъни Миср ва Судан давлатларини бирлаштириш ҳақида кўплаб мақолалар ёзилган. Ҳали 1950-1951 йиллардаёқ вафдистик ҳукумати ўз позициясини Миср-Суданни бирлаштиришга қаратди. Бир томондан олиб қарайдиган бўлсак, Миср ва Суданни бирлаштириш 1952 йил онаси Судан миллатига мансуб бўлган генерал Нажибнинг ҳокимиятга келиши билан амалга ошириши мумкин бўлгудек кўринганди. Носир Мисрни Судан билан бирлаштиришда Судан ичида айрим катта сиёсий ва диний кучлардан чўчиб турган. Бундан эса Миср рақиблари бўлган Ғарб кучлар фойдаланиши мумкин бўлган. Бунинг олдини олиш мақсадида 1953 йил 12-февралда Миср Англия билан Судан масаласида битим имзолайди. Унга кўра инглиз ва

Миср ҳарбий кучлари Судан ҳудудидан олиб чиқила бошланди. 1956 йил Судан тўлиқ мустақилликка эришди.[1] Биринчи бўлиб унинг мустақиллигини Миср тан олди. Энди Носир Суданни БАД га қўшишга интилмади. Унга эса Сурия ҳам қўшилган. Носирнинг олиб борган антиемпериал ва ватанпарварлик сиёсати Миср давлатига бошқа араб давлатларининг ўз ихтиёри билан бирлашишига олиб келди. Бунга мисол қилиб Қоҳирани айтиш мумкин

1954 йилда Носир президентликни эгаллагач, биринчи навбатда инглиз оккупациясига барҳам беришни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Бу масала юзасидан инглизлар билан музокара олиб борди ва ижобий натижаларга еришди. 1954 йил 19 октябрда Англия-Миср шартномаси имзоланди. Унга кўра Британия қўшинлари 20 ой ичида Миср заминини тарк этиши шарт эди. 1956 йилнинг июлида инглиз қўшинларининг охирги бўлими Порт-Саидни тарк етди.[2] Бу эса Мисрни улкан ғалабаси эди.

Ғарбга қарши кучлар устунлигига эришиш мақсадида Жамол Носир ўзига иттифоқчи қилиб СССРни танлайди. СССР эса яқин шарқда бундай иттифоқчиси бўлишига қарши эмас эди ва ғарб Мисрга нисбатан иқтисодий блокада эълон қилганида СССР Мисрни Нефт ва буғдой билан таъминлаб турди. 1950 йил охиридан СССР Мисрга иқтисодий ёрдам қўлини чўза бошлади ва ўз қулай шароитидан келиб чиқиб, Мисрга Ассуанс платинасини қуриб беради. Қоҳирани эса қурол билан таъминлайди.[3] Аммо Носир СССР ўрта ер денгизи ҳудудида ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилаётганлигини билар эди. Аммо Носир Мисрнинг ғарб ҳукумрон доираларидан ҳимояланишининг, мустақилликка еришишнинг ягона йўли СССР билан иттифоқ тузиш эканлигини жуда яхши тушинар эди. Шунинг учун у социалистик йўлни танлади. (Аммо у Марксизмнинг фақатгина иқтисодни маҳаллийлаштириш тарафдори эди). Москва Носирнинг ташқи сиёсатдаги ҳаракатларидан жуда чўчир эди. Чунки у бутун Араб давлатларини бир байроқ остида бирлаштиришга ҳаракат қилиб, бунинг йўлида биринчи дастлабки қадам сифатида Сурия ва Нисрни бирлаштришни олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бундай олдиндан натижасини билиб бўлмайдиган сиёсат олиб бориш натижасида Миср ва СССР ўртасидаги муносабатларга таъсир етмай қолмаган албатта. Аммо бу икки давлатнинг умумий рақиблари АҚШ ва Исроил бўлиши уларнинг иттифоқини янада мустаҳкамлаб турган. 1964 йил октябр ойида СССР раҳбари Н.С. Хрушёв ҳукумати ўзгартирилганч, Носир ўз армияси маршили Амерни СССРга юборади ва бундан мақсад эса бу пайтга келиб СССРнинг яқин шарққа хусусан Мисрга бўлган муносабатининг қай даражада еканлигини аниқлашдан иборат эд.[4]

Миср Сувайш каналини қуришда катта миқдорда қарз бўлиб кетади. Бу қарзлардан қутилиш мақсадида ўзининг ҳиссасини 4 млн фунт стерлинг эвазига Англияга сотишга мажбур бўлди. Бу ҳақида Лондон "еканомисти"

шундай ёзади: "Канал французлар меҳнати ва мисрликлар маблағи ҳисобига инглизлар фойдасига қазилди". [5] Каналнинг Англия учун стратегик муҳимлиги у томонидан 1882 йилда Мисрни окупация этилишига сабаб бўлди. 1954 йил Миср ҳукумати тўғон қуриш масаласида АҚШ ва Англия билан музокаралар бошлайди. 1956 йил АҚШ шу масалада 250 млн ёрдам берди. Лекин Мисрнинг мустақил ташқи сиёсат юритиши ғарб давлатларига ёқмайди. Миср томонидан социалистик давлатлардан қурол сотиб олиши ғарб давлатларини Мисрни ўз сиёсий мақсадлар билан ушлаб туриш ҳақидаги умидини йўқ қилишга олиб келади. Шунда АҚШ давлат котиби Даллес Мисрга Асуанс тўғонини қуришучун қарз беришни тўхтатишни айтди. Бунга қарши президент Носир 1956 йил 26-июлда Сувайш каналини миллийлаштириш ҳақидаги баёнотини эълон қилиб, ундан тушган маблағни тўғон қурилишига сарфлашини айтди.[6]

Бунга жавобан ғарб давлатлари Сувайш каналини ишини тўхтатиб қўйиш учун Мисрдан ўз мутахассисларини олиб чиқиб кетди. 1956 йил 2 августда Англия, Франция ва АҚШ канал бошқарувини халқаро ташкилотга топшириш ҳақида биргаликда қарор қабул қилиб, унга кўра Лондонда 16 августда каналдан фойдаланувчи 24 давлат бошчилигида конференция чақиришга келишиб олади. Унда канални интернационилизация қилиб, бошқарувни халқаро кенгашга топшириш кўзда тутилади. СССР бунга қарши чиқади. 10 сентабрда Даллес "Сувайш канали фойдаланувчилари ассоциацияси" тузиш дастурини таклиф этади. Уни вазифаси каналдан тушадиган маблағларни йиғиш эди. Бу дастурни ҳам СССР рад этади. 19-сентябрда Лондонда 18 давлат иштирокида (Миср ва СССР дан ташқари) конференция бўлади. Унда канални интернационализация этиш ҳақидаги дастурни қабул қилади. 5-13 октябрда Сувайш масаласи БМТда кўриб чиқилди. Ғарб давлатлар БМТ афтаритетидан фойдаланиб, юқоридаги дастурни амалга оширмоқчи бўлди. Лекин БМТ буни рад этиб канал устидан Миср суверинтетини тан олди. Барча режалари барбод бўлгач, Англия ва Франция Мисрга қарши интервинсияга тайёрланади. Бвунга сабаб қилиб, улар 1956 йил 30 октябрда Мисрни Исроилга юришидан фойдаланди. Ўша куни Миср ва Исроил ҳукуматига Англия ва Франция томонидан ультиматум қўйилади. Унга кўра ҳар иккала давлат ҳам 12 соат ичида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, Сувайш каналидан 10 мил нарига кетиб, англо-француз қўшинларини Порт-Саидга киришга рухсат бериши керак эди. Лекин Исроил бунга рози бўлиб, Миср рози бўлмайди.

1956 йил 22 октябрда Францияни Серви шаҳрида Англия, Франция, Исроил ўртасида махфий келишув имзоланади. Унга кўра Исроил Мисрга ҳужум қилиши уни орқасидан Англия ва Франция Сувайш каналини ҳимоя қилиш боҳонасида Мисрга юриш қилиши керак эди. Бундай вазиятда Мисрга Осиё, Африка ва СССР катта ёрдам берди. 30 октябрда БМТ ҳужумни тўхтатиш ҳақида резалуция қабул қилинди. БМТ 4 ноябрда

фавқулотда қўшинларини тузиб, уларни Миср ҳудудига киритиш ҳақида қарор қабул қилади. 4 ноябрда СССР агрессор давлатларга агар ҳужумни тўхтатмаса Яқин Шарқда куч билан тартиб ўрнатишни айтади. 7 ноябрда агрессор давлатлар ҳужумни тўхтатиб, Миср ҳудудини тарк этди.СССРни огоҳлантириши бу масалани ҳал қилишда асосий рол ўйнади.[7]

Учлар агрессиясининг асосий мақсади Яқин Шарқда Ғарб кураш лидерига айланиб бораётган Носир ҳукуматини ағдариш эди. 1957 йил 1 январда Носир 1954 йилда имзоланган келишувни ноқонуний деб эълон қилди. Ҳарбий агрессия барбод бўлгач, Ғарб давлатлари Мисрни иқтисодий қамал қила бошлайди. Улар томонидан Мисрни Лондон ва Вашингтандаги ҳисоб рақамлари музлатилиб, жаҳон бозорида Миср пахтаси нархини сунъий равишда туширади. АҚШ ҳам Миср пахтасини импортини тугатади. Бундай вазиятда Мисрга ёрдамга СССР келади. Бунга жавобан Миср ғарб давлатларидан импортини тўхтатиб, ўзини ташқи савдосини шарққа бурди.

Носир ташқи сиёсатида араб-исроил муаммоси хусусан Исроилнинг экспансионизмга қарши кураш алоҳида ўрин тутади. Носирнинг тириклик чоғидаёқ ғарб олами ва Исроил томонидан кўплаб танқидларга учради. У тўғри сиёсат олиб бормаётганликда Исроилни ҳарбий йўл билан йўқ қилишга интилганликда айблар эдилар. Аммо Носир араб-исроил муаммасини ҳал етиш кераклигини ҳам айтиб ўтган эди. Ҳиндистоннинг Қоҳирадаги элчиси тарихчи К.М.Паникарнинг таъкидлашича у Исроил бош вазири Шаретни Носир билан учраштирмоқчи бўлди. Бу учрашувни ташкил етиш 1955 йилнинг баҳоригача давом этади. Аммо Исроилликларнинг Ғазо ҳудудига қилган ҳужумини бу учрашувни тўхтатади. Бундай учрашувни уюштиришга инглиз парламенти аъзолари Марис Абрахон ва И.Хришмон томонидан ҳам ҳаракат қилинган. Ҳозирги кунга қадар СССР ҳаво кучларининг 1956 йилги Яқин Шарқда бўлиб ўтган урушларда қатнашган ёки қатнашмаганлиги кўпгина олимларнинг тортишувига сабаб бўлмоқда. 1948 йилда Исроил давлатини ташкил етиш масаласи. Бирлашган миллатлар ташкилоти олдига қўйилганда СССР бу мосаланинг барча жиҳатларини ўз жой-жойига қўяди. Биринчи Араб-Исроил уруши бошлангач СССР раҳбари Сталин Исроилликларни нафақат қурол-аслаҳа билан таъминлаб қолмасдан (чехославакия орқали) балки, бу ҳудудга улуғ ватан уруши қатнашчиларини ҳам ёрдам сифатида юборди.

1954-1955 йилларда Миср ва Исроил ўртасидаги муносабатлар янада ёмонлашади. Бу воқеалар Миср-Федиан жанглари ва Исроил ҳарбий акцияси билан боғлиқ эди. Бу муносабатларни ёмонлаштирган воқеалардан бири "Сусанна операцияси" эди.[8] Унга кўра Исроилнинг "Массад" разведкаси Мисрда ғарб мақсадларига терактлар уюштириб, буни Миср исломистларига тўнкамоқчи бўлди. Шу билан улар Мисрни Англия ва АҚШ билан алоқаларини узмоқчи бўлди. Бу операция муваффақиятсизликка учрагач Исроилда "Лавона иши"деб ном олган ички сиёсий можаро бошланади.

1955 йилда Англия ва АҚШ иккала давлат ўртасидаги муносабатни яхшилаш учун қуйидаги режани тақдим этишади. Унга кўра Миср ва Иордания ўртасида каридор ташкил етиш учун Исроил Мисрга Нагевни жанубий қисмини бериш керак эди. Бундан ташқари Исроил Фаластин қочоқларини бир қисмини қабул қилиб, қолганларига компенстация ажратиши керак эди.Бу режа"Алфа режаси" номини олди.Миср ўз навбатида бутун Нагевни талаб қилгач Исроил унинг ҳатто жанубий қисмини ҳам бермасликка қарор қилди.

1955 йил охирига келибоқ Мисрга Чехославакия орқали (қулай давлат сифатида) кўплаб миқдорда қурол-аслоҳалар юборилди. [9] Улар ичида 200 га яқин янги турдаги реактив қирувчилар, бомбардимонлар юборилди. Энди Миср ҳаво кучларини қайта ўқитиш ва қуроллантириш бошланди. Аммо буни қисқа вақт ичида амалга ошириб булмасди. Аммо Мисрда аҳвол оғирлаша боргач бу ҳудудга совет ва чех учувчи муҳандисларини юборишга келишиб олинди СССР да қабул қилинган совет Министрлигининг 1955 йил 29 сентябрдаги қарорида мувофиқ юқоридаги кучлар Мисрга Чехославакия орқали юборилиши керак эди. Шунинг учун кўпгина ўша пайтда МИСР ҳаво кучларида хизмат қилган учувчилар, чет эллардан келган учувчилар асли чехлар эди деб таъкидлашади. Бу учувчилар 1956 йилда 29 октябрида бошланган иккинчи араб-Исроил урушида қатнашишди.

Бу пайтда Миср ҳаво кучлари сафида бор йўғи 160 самалёт мавжуд бўлган. Бу самолетлардан фақатгина 69 таси ҳарбий учишга тайёр деб саналиб асосий рақиблари бўлган Исроилнинг ҳарбий ҳаво кучларига қарши чиқиши мумкин бўган. Шунда Носир Миср армияси самалётлари қудратини янада замонавийларига бойтиш мақсадида Совет ва Чехлардан янги тихникаларни сотиб олиб уларни ўз ҳудудида ва қўшни Сурия ва Саудия Арабистони ҳудудида жойлаштиради.

Чехославакия ҳам жаҳон бозорида ўша пайтда энг йирик қурол сотувчи давлатлардан бири бўлган. Айнан Чехларнинг қуроллари ёрдамида ёш Исроил Давлати 1948 йилги урушларда ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Шуниси қизиққи, шу бир пайитнинг ўзида Чех қурол-аслаҳалари Араб Давлатларига ҳам етказиб турилган. Чехославакия давлатда коммунистик мафкура ўрнатилгач енди чехославакия. СССР рухсат этган давлатларгагина қурол- аслаҳа сотиши мумкин бўлган 1950- йил ўрталаридан собиқ совет иттифоқи араб давлатлари биринчилардан Миср ва Сурияга қайта армиясини қуроллантиришда ёрдам бира бошлайди.[10] Бу чехларни ҳам қизиқтриб қўяди. 1955 йил август Миср ва Чехославакия ўртасида янги қурол билан Мисрни таминлаш борасида келишув битими имзоланди. Таминлашда бирнчи ўринда ҳарбий самалётлар турган. Чех ҳарбий ҳаво кучлари ўргатувчиларининг Миср ҳаво кучлари сафида бўлганликари сир тутилса-да бу ҳақида кўпчиликнинг хабари бўлган. Гап шундаки бу пайтда мамлакатда қирувчи самолятларни қабул қила олишга қодир аеродром

мавжуд бўлган. Келтирилган самалётлар ҳам миср авиабароси бўлгаан Дикхейкада йиғилган.

Миср Варшава битимига аъзо давлатлар томонидан янги қуролларга эга бўлишидан Исроил ҳам чўчиётган эди. 1955 йилда СССР рухсати билан Чехославакия ва Миср ўртасида келишув имзоланди. Булар ўртасида нейтрал давлат, кузатувчи давлатлардан Хитой премер-министри Чжо Енлай қатнашди. Келишувга кўра Миср: 120 дона Реактив қирувчи "Миг -15 самолётига, "Ил-28" русумли бомбардимончи самолётига, 230 дона -"Т-34" русумли танкларга бир неча ҳарбий кемаларга, 100 дона-юк ташувчи ЗИС-150 кемасига, эга бўлди. [11] Сал кейинроқ "Миг-17Ф" русумдаги янги турдаги қирувчи самалётларга эга бўлади. Бунинг натижасида 1956 йил бошига желиб Миср ҳарбий кучлари қудрати Исроил армиясидан 4 баробарга юқори даражага кўтарилди.[12] 1956 йилда Инглиз ва француз десанти қўшинлари Миср ҳудудига туширилгач араблар урушни бой берганлиги яққол кўриниб қолди. Фақатгина собиқ Совет иттифоқининг ғарбни ядро қуроли билан қўрқитиш натижасида Носир ҳукумати қулашдан қутилиб қолди. У бу мағлубиятни ютуққа айлантирди. Бу эса ўша пайтда бошланиб, ҳозирги кунгача давом этаётган Яқин Шарқдаги муносабатларни янада чигаллаштирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Беляев П., Примаков Е. М. Египет: время президента Насера. - М., 1981. - С. 39.

2. Б.Н.Гашев. Государственный сектор в экономике Арабской Республики Египет(1952-1972). - М.,1978. - С. 446.

3. Протопопов А. С. Советский Союз и Суэцкий кризис 1956 года (июль - ноябрь). - М., 1969. - С.522.

4. Протопопов А. С. Советский Союз и Суэцкий кризис 1956 года (июль - ноябрь). - М., 1969. - С. 528.

5. Беляев И.П., Примаков Е.М. Египет: время президента Насера. - М., 1981. - С. 54.

6. Хамруш А. Революция 23 июля 1952 г в Египте. - М., 1984. - С .105.

7. Суэцкий вопрос и империалистическая агрессия против Египта. - М.,1983, - С. 265.

8. Агарышев А. Гамаль Абдель Насер. - М., 1975. - С.25.

9. Беляев И.П., Примаков Е.М. Египет: время президента Насера. - М., 1981. - С. 36.

10. Б.Н.Гашев. Государственный сектор в экономике Арабской Республики Египет(1952-1972). - М.,1978. -С.424.

11. Агарышев А. Гамаль Абдель Насер. - М., 1975. - С.177.

12. Протопопов А. С. Советский Союз и Суэцкий кризис 1956 года (июль - ноябрь). - М., 1969, - С.555.

Аннотация

Ушбу мақолада иккинчи жаҳон урушидан сўнг Миср ташқи сиёсати. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бир нечта янги битимлар имзолашга тўғри келган. Мисрнинг мустақил ташқи сиёсат юритиши ғарб давлатларига ёқмайди. Миср томонидан социалистик давлатлардан қурол сотиб олиши ғарб давлатларини Мисрни ўз сиёсий мақсадлар билан ушлаб туриш ҳақидаги умидини йўқ қилишга олиб келади.

Аннотация

В статье раскрывается изменения во внешней политике Египта после Второй мировой войны. После Второй мировой войны пришлось подписать несколько новых соглашений. Западным странам не нравится независимая внешняя политика Египта. Закупка Египтом оружия у социалистических стран разрушит надежды западных стран на то, что Египет сможет добиться своих политических целей.

Ключевые слова: Египет, Суэцкий канал, Варшавский договор, Ближний Восток, Судан, ООН.

Annotation

The State reveals changes in Egyptian foreign policy after World War II. After World War II, several new agreements had to be signed. Western countries do not like Egypt's independent foreign policy. Egypt's purchase of weapons from the cialist countries will destroy the hopes of Western countries that Egypt will be able to achieve its political goals.

TADQIQOT

# OLIY TA'LIMDA PEDAGOGIK INNOVATSIYA -TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING MUHIM OMILI

Васиева Дилором Ибрагимовна.,
ҚарМИИ

**Таянч сўз ва тушунчалар:** рақобатбардош, таълим, олий таълим, янги тизим, инновацион таълим, инновацион иқтисодиёт, тенденция, таълим сифати, ижтимоий-иқтисодий, инсон омили, интеллектуал салоҳият, глобаллашув, Ҳаракатлар стратегияси, глобаллашув, ахборот технологиялари, модернизация, тамойил, концепция, илмий-тадқиқот, маданият, иқтисодиёт тармоқлари, мутахассис, бошқарув фаолияти, давлат ва жамият.

Бугунги кунда жаҳонда барча соҳаларда ривожланиш, такомиллашиш тенденцияси жуда юқори суръатда кечмоқда. Жумладан, республикамизда ҳам мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танланган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишига қодир мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, олий таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жадал ривожланаётган мамлакатимизда бугунги кескин рақобатчилик ва иқтисодий глобаллашув шароитида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг тайёргарлик сифати, уларнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар ўткир муаммога айланмоқда. Ундан ташқари, мамлакатимиз таълим тизимида, айниқса, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг эришилган даражаси халқаро майдонда эътироф этилди деган фикр-мулоҳазалар билан чегараланиб қолмасдан, унинг сифат жиҳатларини янада ошириш йўлида тўхтаб қолмаслигимиз, бу борадаги ишларимизни янада янги босқичга кўтаришимиз лозимдир. Мазкур масалалар бугунги кунда олий маълумотли кадрларга нисбатан меҳнат бозорида юзага келган вазият, халқаро глобаллашув жараёнлари кучайиши натижасида инновацион иқтисодиётни барпо этиш йўлида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар натижасида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бу тизимнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Мазкур вазифанинг нечоғлик самарали ҳал этилиши мамлакатимизда амалга ошириб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятимиз ҳаётини тубдан қайта қуриш борасидаги мақсадларга эришишни таъминлашга катта таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки, амалиётдан маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарадорлиги бу борада белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар қилинадиган мутахассисларнинг касбий етуклигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш муаммоси бўйича: "Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи - илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи - академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" деб таъкидлаб ўтганлар. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришда талабалар, педагоглар, олимлар, академикларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда яратилган шарт-шароитлар тенг аҳамиятга эга.

Мустақил, демократик Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида устувор соҳа деб эълон қилинган таълимнинг такомиллаштирилиши, энг аввало, унинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга йўналтирилган. Бу кўплаб йўналишлар бўйича ҳал этилаётган фавқулодда мураккаб, мажмуавий муаммодир. Улардан бири ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган таълим тизимини бошқариш механизмини такомиллаштириш ва қайта қуришни ўз ичига олади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 - сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасалари таълим сифатини ошириш ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли қўшимча чоратадбирлар" тўғрисидаги ПҚ-3775-сонли қарори алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамиз иқтисодиётини такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялаштириш учун мамлакатимиз олий ўкув юртларининг илмий потенциалидан ўринли фойдаланиш зарур. Ўз навбатида, бу масала регионал микёсларда амалга ошириладиган инновацион ва илмий-техник сиёсатни юритиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар тизимида олий

ўқув юртларининг инновацион потенциали тутган ўрнини белгилаб беради. Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир.

"Инновацион таълим" деганда одатда ўқув жараёнига янги, фойдали элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;
- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимига;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти кабиларга боғлиқ.

Таълим-тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлиги уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ. Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш билан белгиланади. Бундай янгиликни киритиш жараёни инновацион жараён бўлиб, илғор педагогик технологияларни жорий қилиб, таълимда сифат ва самарадорликка эришишдан иборат бўлади.

Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги муваффаққиятлар тобораётганлигидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар. Иқтисодий ривожланишни инновацион йўналтирилганлиги, технологик янгиланишнинг ўсиб бораётган заруриятини инновацион фаолиятда ташкил қилиш тамойиллари ва таркибий-ташкилий ўзаро алоқаларга аниқ ва мос келишнинг мумкинлигини таъкидлайди. Инновацияларни ташкил қилиш ўз ичига учта асосий жиҳатларни олади:

- инновацион фаолиятнинг янгиликларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва таълим-тарбия соҳасини биргаликда амалга оширувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган субъектни;
- олий таълим муассасаси инновацион фаолиятидаги зарурий вазифаларни бажаришга қаратилган жараёнлари харакатларининг мажмуасини;
- тизимни ички тартибга солинганлиги ва унинг элементлари ўртасидаги

ўзаро алоқаларни такомиллашувини таъминловчи тузилмаларини.

Ушбу нуқтаи назардан инновацияларни ташкил қилиш инновацион фаолиятни тартибга солиш жараёни сифатида, субъект, фирма, институт, инновацион корхона сифатида, бўлинмаларнинг таркиби ва ўрнини белгилаб берувчи, ҳамда инновацион фаолиятда амалга ошириладиган шакллар, усуллар, жараёнлар тадбирларини тартибга солувчи ташкилий тузилмалар сифатида тушуниш керак. Шунга кўра, инновацион бошқарув ғоятда мураккаб жараёндир.

Инновацияларни жорий этишда олий таълим муассасасининг обрўси шаклланишининг асосий омили ўқитиш сифати ва таълим хизматлари сифатига боғлиқ. Истеъмолчига (таълим олувчига) кўрсатилган сифатли таълим хизматигина унинг ижобий ўрнини шакллантиради. Олий таълим муассасасини самарали бошқариш ва ижобий имижини шакллантириш таълим хизмати бозорида рақобатбардош мавқени эгаллаш инновацион ёндашувни талаб этмоқда. Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш миқёсида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқиш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун илмий ва техник соҳа ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларни юқори малакали мутахассисларини илғор таълим муассасаларида ўқитишнинг лозимлигидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган бўлиб, концепияда ҳам таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолиятларга тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ4391-сон "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда таълим тизимида, айниқса олий таълим тизимида катта ўзгаришлар юз бериб келмоқда. Лекин шу билан бир қаторда, Олий таълим тизимида баъзи муаммолар кўзга ташланмоқда. Қуйидагиларни шу муаммолар қаторига кирита оламиз:

талабаларни билим даражаси талаб даражасида эмаслиги; барча соҳаларда билимли, малакали кадрларнинг етишмовчилиги; олий таълим муассасаларида талабаларни рағбатлантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи омилларнинг камлиги; талабалар фақат назария билан чекланиб қолаётгани ва ўз билимларини амалиётда қўллашда қийинчиликка дуч келаётгани; талабалар орасида ўзаро рақобат муҳити мавжуд эмаслиги; талабалар ўзининг устида ишлашга жуда кам эътибор қаратаётгани; олий таълим муассасаларида таълимни нисбатан зерикарлироқ ташкил қилингани.

Юқоридаги муаммолар сабабли ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида сифатли таълим жараёнини ташкил қилишга қийинчиликлар туғдирилмоқда. Бундан келиб чиқадики, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнига ўзгартириш киритиш зарурияти мавжуддир. Бу муаммолар ечими сифатида Республикамиздаги олий таълим муассасаларида инновацион таълимни ташкил этишни таклиф қилар эдик. Бу орқали мамлакатимизда малакали, билимли, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва таълим сифатини сезиларли даражада ошира оламиз.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожининг юқори суръатларини сақлаб қолиш, миқдор кўрсаткичлар билан бир қаторда тараққиётнинг сифат кўрсаткичларига эришиш мақсадида турли жалб этилмаган омиллар ва захираларни излаб топиш ва жорий этишимиз, шу жумладан олий таълим тизимининг кенг имкониятлари ва инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давр талаби бўлиб қолмоқда. Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса шуки, натижаларининг йўналганлиги бўйича таълим тизими сифатини ошириш илмий инструментарий сифатидаги инновацияларга, инновацион фаолият ва таълим тизимига бўлинади. Таълим сифатини оширишда инновациялар тўпламининг муҳимлиги даражасига баҳо бериш мақсадида шу тартибда ажратилади. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият ривожланиши ва инновацияларни бошқариш муаммоларининг методологик асосларини замонавий талабларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарур. Таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият самараси олий таълим тизимининг инновацион мақсадлари ва имкониятларига, ходимларнинг инновацион фикрлаш қобилиятларига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси". Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлар тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70- модда, 20-сон, 354- модда, 23-сон, 448-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 - сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли.

4. Абдурахмонов К.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Mehnat, 2004.

5. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари/ Статистик тўплам (2015-2016 ўқув йили), Т.: "Sano-standart", 2016.

6. www.edu.uz сайти маълумотлари асосида ёритилган.

Аннотация: Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг биринчи навбатда чуқур билимли, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқ эканлиги, таълим тизими сифатини оширишда инновацион фаолият ҳозирги ҳолати ва ривожланишини назарий асослари ёритилган бўлиб, унда таълим тизими сифатини оширишнинг моҳияти, инновацион фаолиятни ташкил этишнинг назарий асослари ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ахборот-коммуникация технология имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ҳозирги ҳолати ва ривожланиши баён этилган.

# O'ZBEKISTONDA HARBIY TA'LIM TUSHUNCHASI VA UNING MAZMUNI

Yaqubov G'ulom
O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti o'qituvchisi

**Kalit so'zlar:** harbiy ta'lim, ilmiylik, harbiy xizmatchi, doktrina, harbiy kafedra, harbiy ta'lim muassasa, Samarqand oliy avtomobil bilim yurti.

Dunyo hamjamiyatining globallashuvi jamiyat ijtimoiy hayotning barcha sohalarida rivojlanish bilan birga hal qilinishi lozim bo'lgan zamonaviy vazifalarni ham ustuvor qilib qo'ymoqda. Mazkur jarayon hodisalarning yuqori dinamikligi va o'zaro bog'liqligi bilan ajralib turadi. Zamonaviy ijtimoiy taraqqiyotning namunalaridan biri bo'lgan globallashuv, o'z mohiyatiga ko'ra, insonning o'z mavjud bo'lgan muhitini o'zgartirish jarayonidir; bu jarayon atrof-muhitga ham, jamiyatga ham, insonning o'ziga ham ta'sir qiladi.

Harbiy ta'lim tushunchasi insoniyat ta'lim jarayonlari bilan uzviy holda taraqqiy etib kelgan bo'lib, chuqur va keng bilimga ega, o'z kasbi bo'yicha mustahkam ko'nikmaga ega bo'lgan, o'z bilim va ko'nikmalari natijalarini eng ekstremal vaziyatlarda qo'llay oladigan harbiy mutaxassisni tayyorlashni ta'minlaydigan yo'naltirilgan, keng qamrovli jarayondir. Shunday qilib, harbiy ta'lim tushunchasi qurolli kuchlar va qo?shin turlari uchun kadrlar tayyorlashni nazarda tutadi. Mustaqil ta?lim yo'nalishi sifatida dastlab Yevropa mamlakatlarida XVII-asr oxiri - XVIII-asr boshida vujudga kelgan [1. 180-183].

Harbiy ta'lim ta'limiy tushuncha sifatida harbiy xizmatchilarga harbiy faoliyati uchun zarur bo'lgan harbiy bilim va ko'nikma, mahoratlar berish, mazkur bilimlarni o'zlashtirib olish, shuningdek, hamjihat jangovar harakatlar yuritish uchun harbiy jamoa (bo'linma), qism va qo'shilmalar tayyorgarligi va hamkorligini shakllantirishning tashkil etilgan va ma'lum maqsadga yo'naltirilgan jarayon tushuniladi [4. 335].

Harbiy ta'lim tashkil etilganidan buyon doimiy ravishda olimlar va amaliyotchilar, turli bilim sohalari, ijtimoiy sohalar va davlat idoralari vakillarining e'tiborini tortdi va ko'pchilik buni armiya kelajagiga ta'sir ko'rsatadigan boshqariladigan omillardan biri deb biladi va umuman davlat, ya'ni, jamiyat, global jarayonlar, sivilizatsiya, harbiy qurilish taraqqiyotining ma'lum bir yo'nalishini belgilab berdi.

Harbiy ta'lim tizimini takomillashtirish zarurati quyidagi omillar bilan belgilash mumkin. Aniq muvofiqlashtirilgan doktrina (kontseptsiya)ning ishlab chiqilishi. Harbiy ta'lim harbiy kafedraning ta'lim siyosatining maqsad va vazifalarini belgilovchi hal qiluvchi omil sifatida;

harbiy ta'lim muassasalarining ta'lim dasturlari harbiy-kasbiy yo'naltirishni takomillashtirish;

ofitserlar va o'qituvchilar tomonidan harbiy xizmatni o'tashning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, harbiy ta'lim muassasalarining professor-

o'qituvchilarini ta'minlash;

harbiy ta'lim muassasalarining o'quv-moddiy bazasining ilg'or fan va texnika yutuqlari asosida ofitserlar tayyorlashning talab qilinadigan sifatiga erishishni ta'minlamaydigan sifatini rivojlantirish;

Ma'lumki, mamlakatimiz harbiy xavfsizligini ta'minlash, Qurolli Kuchlarni yanada rivojlantirish borasida qabul qilinayotgan qarorlar, harbiy san'at nazariyasi va amaliyotining qoidalarini ilmiy jihatdan asoslash, harbiy ilmiy tadqiqotlarning zamonaviy metodologiyasi va harbiy hodisalarni tahliliy o'rganishga qaratilgan ilmiy muassasalar o'z faoliyati yildan-yilga takomillashib rivojlanib bormoqda. O?zbekiston Respublikasida harbiy ta?lim Qurolli Kuchlar qo?shin turlari uchun kadrlar tayyorlash, aholiga boshlang?ich ta?lim berish tizimi. Harbiy ta?lim 3 bosqich (boshlang?ich, oliy va akademik oliy ta?lim)da amalga oshiriladi. Boshlang?ich harbiy ta?lim umumta?lim maktablarida, o?rta maxsus va o?rta kasb-hunar ta?limi muassasalarida, harbiy litseylarda, O?zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko?maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining o?quv muassasalarida amalga oshiriladi.

1992-yildan e'tiboran respublikamiz hududidagibarcha harbiy ta'lim muassasalarining shtat tuzilmasi takomillashtirila boshlandi. Jumladan, Toshkent oliy umumqo'shin qo'mondonlik bilim yurti, Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislikbilim yurti, Samarqand oliy avtomobil qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti - ko'p tarmoqli o'quv muassasalariga aylandi.

O'zbekiston Respublikasidagi harbiy ta'limning asosiy tamoyillari quyidagilardan iborat:

Ilmiylik

qo'shinlarni urushda zarur bo'ladigan bilimlarga o'rgatish,

harbiy xizmatchilarning ongli va faol tehsil ko'rishlari,

ko'rgazmali, tushunarli, muayyan tizimga solingan va aniq izchillikka ega bo'lishi,

harbiy ta'limga jamoa tarkibida va shaxsiy yondashuvning uyg'unlashtirilishi [4. 335].

Oliy harbiy ta'lim muassasalarida kursantlarning harbiy ta'lim jarayonining asosiy tarkibiy qismlari ta'lim mazmuni, ta'limning tashkil etilishi va usullari hisoblanadi. Ta'lim mazmuni aniq ta'lim maqsadlarini amalga oshirishni o'z ichiga oladi va kursantlarda bo'lajak ofitserning harbiy kasbiy faoliyat vazifalarini muvaffaqiyatli bajarishi uchun zarur bo'lgan harbiy fazilatlar majmuasini shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan hisoblanadi.

O'zbekiston sharoitida zamonaviy harbiy ta'lim strategiyasining zamonaviy tizimlar asosida o'zgargarishi sababli yangi o'quv-jangovar vazifalar inobatga olinib, harbiy qismlar hamda harbiy o'quv muassasalari shtat tuzilishini takomillashtirish bo'yicha muayyan ishlar amalga oshirildi. Shaxsiy tarkibni o'qitish-tarbiyalash, milliy ofitser kadrlar tayyorlash tizimi vujudga keltirildi. O'zbekiston Respublikasi hududida faoliyat yuritayotgan oliy harbiy bilim yurtlarida yuqori malakali yosh ofitser kadrlarni tayyorlash yo'lga qo'yildi.

Bugungi harbiy ta'lim harbiy xizmatchilar va harbiy jamoalarni tayyorlash, harbiy qismlar va bo'linmalarning jangovar tayyorgarligini oshirishda ofitserlarning, komandir va tarbiyachilarning harbiy-pedagogik bilimlari darajasiga alohida e'tibor talab etmoqda [5. 34].

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi tasarrufidagi harbiy ta'lim muassasalari, muassasalarga rahbarlik qiladigan hamda ma'muriy boshqaruvni amalga oshiradigan, mudofaa va harbiy ta'lim sohasida davlat siyosati olib borilishini ta'minlaydigan ijro hokimiyati davlat organi hisoblanadi. Mudofaa Qo'shinlarni zamonaviy qurol-aslaha, harbiy texnika va moddiytexnik vositalar bilan ta'minlash, xalqaro harbiy hamkorlikni rivojlantirish, chaqiruv, jumladan, Qurolli Kuchlar uchun zaxiraga kadrlar tayyorlash masalalari ham Mudofaa vazirligiga yuklatildi. Pirovardida ushbu sohada qabul qilingan qarorlar oshkoraligi asosida Qurolli Kuchlarni rivojlantirish bo'yicha ustuvor yo'nalishlar belgilandi. Ayni davrda harbiy kadrlar tayyorlash masalasiga alohida e'tibor qaratildi. Qurolli Kuchlar islohotining galdagi bosqichida harbiy ta'limning yangi tartibi joriy etildi, bu jamiyatimizda bevosita harbiy xizmat nufuzining, harbiy xizmatchilar obro' - e'tiborining oshishiga ijobiy ta'sir o'tkazdi, bu esa o'z navbatida, aholida mudofaa tafakkurining rivojlanishiga asos bo'lib xizmat qilmoqda. O'zbekiston Respublikasida harbiy ta'lim yo'lga qo'yilishining zarurati va ta'lim jarayonlarining tashkil etilishi nafaqat ta'limiy balki, harbiy mazmun zaruratidan kelib chiqqan holda amalga oshirib kelinadi. Xususan, O'zbekiston Respublikasining "Mudofaa to'g'risida"gi qonunining 5-moddasida keltirilgan mudofaani tashkil etishning asosiy mazmun-mohiyatidan o'rin olgan bandlar jumladan, mudofaaning ilmiy, ilmiy-texnik, ma'rifiy bazasini takomillashtirish zarurligi keltirib o'tilgan [2. 3].

O'zbekiston sharoitida harbiy ta'limni modernizatsiya qilish va uni zamonaviy dunyo harbiy ta'limi standartlari asosida olib borish bir qator tamoyil va yondashuvlarni o'z ichiga oladi. Birinchidan, besh yil davomida asosiy oliy, maxsus harbiy kasb-hunar ta'limi va to'liq harbiy ma'lumotga ega bo'lish;

Harbiy ta'lim tahsil oluvchi ofitserga taktik boshqaruvda haqiqiy mavqeni egallashga yordam beradi, kasbiy bilimlarni o'rganish uchun asos yaratadi va harbiy xizmatda ijtimoiy xavfsizlikni ta'minlash uchun xizmat qiladi;

Keyingi yondashuv zobitlarni oliy harbiy, tezkor-taktik yoki tezkor-strategik tayyorgarlik kabi rejalashtirilgan dastur bo'yicha qo'shimcha kasbiy ta'lim tizimiga tayyorlashdan iborat. Majburiy yondashuv - bu yiliga bir marta davriy ravishda amalga oshiriladigan harbiy kurslarda malaka oshirish yoki kasbiy qayta tayyorlash va yangi harbiy lavozimni majburiy tayinlash. Ushbu yondashuv harbiy xizmatchilarni xizmatda davom ettirish va tayyorlash uchun harbiy ta'lim tizimini ishlab chiqadi. Bu har qanday harbiy mutaxassislik bo'yicha muvaffaqiyatli kasbiy faoliyat va martaba ko'tarilishi uchun belgilangan majburiy shartlaridan hisoblanadi [2].

2021-yilning 20-sentabrida esa O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan harbiy ta'lim sohasida oliy harbiy ta'lim muassasalarining ilmiy, o'quv-tarbiyaviy bo'linmalariga tarbiyaviy va o'quv-uslubiy ishlarni tashkil etish, nazorat va monitoring qilishda ko'maklashish, xorijiy davlatlar harbiy kadrlarini tayyorlashni tashkil etishning mazmuni, shakllari va texnologiyalarini takomillashtirish maqsadida respublikaning boshqa sohalardagi yetakchi ta'lim muassasalarining tarkibiy bo'linmalari bilan o'zaro hamkorlik qilishni ko'zda tutuvchi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining oliy harbiy ta'lim muassasalarida xorijiy davlatlar harbiy kadrlarini tayyorlash va o'qitish tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5247-son Qarori qabul qilindi [3]. Mazkur normativ-huquqiy hujjat asosida xorijiy davlatlar harbiy kadrlari va

O'zbekiston Respublikasi harbiy xizmatchilari o'rtasida madaniyatlararo almashinuv bo'yicha tadbirlar, shuningdek, madaniy va ma'naviy-ma'rifiy ishlarning sifatli o'tkazilishini muvofiqlashtirilgan holda olib borilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda harbiy ta'limning oliy bosqichi shakllanishi va rivojlanishi muhim tarixiy asoslarga ega bo'lib bugungi kunda mazkur soha butunlay zamonay ko'rinish kasb etib bormoqda. Ya'ni, mamlakatimizda oliy harbiy ta'lim muassasalarining soni yildan yilga ortib ta'limning mazmuni hamda tarkibiy tuzilishi jahon standartlari asosida rivojlanmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Uzoqov A.M., Nurullayev L.L., Nazarov T.T. Harbiy tarix. O'quv qo'llanma. – Buxoro: Sadriddin Salim Buxoriy. Durdona, 2022. – 244 b.

2. Алиев Б.А., Мелиқулов А.Н. Миллий армия – ватанпарварликнинг юксак намунаси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил. – В. 3. Яна қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги қонуни янги таҳрири", "Халқ сўзи" газетасининг 2001 йил 11 май сони.

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 20 сентябрь.

4. Ғарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. Масъул муҳаррир: Қаюмов Ш.Н. – Тошкент. 2007. – 394 в.

5. Ҳолиқова Д. Ҳарбий педогогика ва психология асослари. Қўлланма, 2019.

Annotatsiya: Mazkur ilmiy maqolada harbiy ta'lim tushunchasining shakllanishi, rivojlanishi, mazmun-mohiyati hamda xususiyatlari ochib berilgan. O'zbekistonda harbiy ta'limning shakllanishi, harbiy ta'lim tushunchasining ahamiyati, mahalliy va milliy xususiyatlari kabi masalalar tahlil qilingan.

Аннотация: В данной научной статье описываются становление, развитие, содержание и характеристики понятия военного образования. Анализируются такие вопросы, как формирование военного образования в Узбекистане, значение концепции военного образования, местные и национальные особенности.

Abstract: This scientific article describes the formation, development, content and characteristics of the concept of military education. Issues such as the formation of military education in Uzbekistan, the importance of the concept of military education, local and national characteristics are analyzed.

TADQIQOT

# O'RTA OSIYONING ILK O'RTA ASRLARDAGI XALQARO ALOQALARINING ARAB MUARRIXLARI MANBALARDA YORITILISHI

Нурбек Гуллиев
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
Қарши филиали

Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври тарихи бугунги жаҳон тарихшунослигида долзарб масалалардан бири саналади. Чунки Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври унинг қадимги даврига нисбатан бирмунча камроқ ўрганилган. Шундай экан, ҳали ўрганилиши керак бўлган муаммолар анчагина, хатто, ўз ечимини топган масалаларга ҳам ҳозирда янгича ёндашувлар талаб этилмоқда. Улардан бири Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлардаги халқаро алоқалари тарихи масаласидир.

Илк Олд Осиё ва Ўрта Осиё ҳақида ислом ёзма анъаналари доирасида яратилган араб тилидаги манбалар эса кўп ҳолларда бироз кейинги давр – IX – X асрларга оид маълумотларни беради.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг араблар томонидан эгалланиши минтақада ислом маданиятининг кенг ёйилишига олиб келди. Араблар босқини муносабати билан араб тарихчи ва географлари ушбу ҳудуддаги тарихий воқеликларни ўз асарларида ёритиб беришга харакат қилганлар. Марказий Осиё халқлари, жумладан, турклар ҳақида қимматли маълумотлар берувчи араб манбаларини умумий тарихий асарлар ва географик асарларга бўлиш мумкин. Умумий тарихий асарларга кирувчи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жаърир ат-Табарийнинг "Пайғамбарлар ва подшолар тарихи" ("Тарих ар-расул ва-л-мулук"; IX аср) асарида араблар босқини арафасида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, этник ва маданий ҳаёти кенг ёритилган. Ушбу асарнинг қимматли томони шундаки, муаллиф асарни ёзишда ўзидан аввал ёзилган асарлардан фойдаланиш билан бирга кўплаб воқеаларни ўз кўзлари билан кўрганн гувоҳларнинг сўзларига таяниб ёзганлигидадир . Айниқса, асарнинг исломдан олдинги даврлардаги Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазият™ Эрон-Турон зиддияти™ араб қўшинларининг Мовароуннаҳрга юриши™ арабларга қарши турк ва тургаш хоқонларининг Суғд™ Бухоро™ Шош™ Фарғона™ Тўхористон ҳукмдорлари билан биргаликдаги курашига доир маълумотлари ушбу тадқиқот учун аҳамиятлидир.

Араб географ ва сайёҳларининг асарларига эса Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Хўрдодбеҳнинг "Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб" ("Китоб ал-масолик ва-л-мамолик"; X аср), Аҳмад ибн Водих ал-Йақубийнинг "Мамлакатлар ҳақида китоб" ("Китоб ал-булдон"; IX аср), Аҳмад ибн

ал-Хамадоний (Ибн ал-Факих)нинг "Мамлакатлар ҳақида китоб" ("Китоб ахбор ал-булдон"; X аср), Қудама ибн Жа'фарнинг "Хирож ҳақида китоб" ("Китоб ал-хараж"; X аср), Абул-Хасан ал-Мас'удийнинг "Муруж аз-захаб ва масадин ал-жавохир" (X аср), Абу Исҳоқ ал-Истахрийнинг "Мамлакатлар йўллари ҳақида китоб" ("Китоб масолик ал-мамолик"; X аср), Абу Бакр ал-Муқаддасий (ал-Мақдисий)нинг "Мамлакатларни билишнинг энг аъло тақсимоти" ("Ахсан ат-тақасим фи марифт ал-аколим"; X аср), Абу Райҳон ал-Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ("Ал-асар ал-боқия"; X-XI аср), Абу Абдуллоҳ ал-Идрисийнинг "Нузхат ал-муштоқ" ёки "Китоб Рожер" номи билан машҳур бўлган асари (XII аср), Ёқут ал-Хамавийнинг "Мамлакатлар луғати" ("Мужам ал-булдон"; XII аср) каби асарлари киради .

Араб географларининг асарларида Мовароуннҳаҳр шаҳарлари ва савдо йўлларидан ташқари Ўрта Осиё ҳудудларидаги хом ашё, озиқ овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам батафсил тасвирланган. Ушбу бой маҳсулотлар минтақадан ташқи бозорга – Эрон, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Узоқ Шарққача тарқалгани ўша даврлардаги халқаро иқтисодий алоқаларнинг қанчалик кенгайганини тасдиқлайди.

Шу, номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзилган "Дунёнинг шарқдан ғарбгача бўлган чегараси" ("Ҳудуд ал-'олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб"; X аср) ва Муҳаммад ибн Жа'фар ан-Наршахийнинг "Бухоро тарихи" ("Тарихи Бухоро"; X аср) асари ҳам ўрганилаётган муаммони ёритишда қўл келади .

IX – XII асрларга оид араб ва форс тилли манбалар ичида саёҳатчиларнинг турли ҳисоботлари, қайдлари ва эсдаликлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Наср II Аҳмад саройида хизмат қилган сомонийлар вазири Абу Дулафнинг (914-943) туркий қабилалар ҳудудларидан ўтган илк саёҳати ҳақидаги ҳисоботи ҳамда Аббосийлар халифаси ал-Муқтадирнинг (908-932) Волга Булғориясига юборилган Ибн Фадланнинг Ўрта Осиё бўйлаб саёҳати алоҳида бироз кейинги даврларга алоқадор бўлса ҳам, қизиқ маълумотларни ўзида жамлаган .

IX – XII асрларда яратилган араб ва форс тилли тарихий ва тарихий-географик асарлар муаллифлари Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларнинг халқаро алоқалари тарихига бағишланган алоҳида асарлар яратишни мақсад қилмаганлар, албатта. Бироқ тарихий, тарихий-географик, биографик, генеалогик асарлар, луғатлар, саёҳатчиларнинг хотиралари, қомусий асарларнинг таҳлили орқали илк ўрта асрлардаги ҳарбий воқеалар ва сиёсий жараёнлар орасидан халқаро алоқалар масаласига доир маълумотларни ажратиб олиш ва уларни умумлаштириш мумкин.

Қисқаси, шу пайтгача Ўрта Осиё бўйича олиб борилган тадқиқотлар туфайли жаҳон илм-фани анчагина қимматли ёзма манбалар билан бойиди. Албатта, уларнинг ҳаммасини ҳам мазмунан ва илмий қиймати жиҳатидан бирдек тенг деб бўлмайди. Бироқ, шунга қарамай, улар Ўрта

Осиё халқлари тарихи ва маданияти, хусусан, халқаро алоқалари борасида қимматли маълумотларни бера олади. Тўғри, қайсидир ёзма манба йилма йил, кетма кетликда баён этилган бўлса (кўпинча бундай йилномалар ҳукмдор саройи котибларига тегишли бўлган), бошқалари эса сайёҳ, роҳиб ёки ҳарбий жосусларнинг хотиралари ёритилган асарлардир. Ҳар иккиси ҳам ўз ўрнида аҳамиятли бўлиб, бир бирини тўлдириш моҳиятидадир. Фақат тадқиқотчидан сабр ва зийракликни талаб этадиган олиб чиқилаётган муаммонинг манбашунослиги ушбу муаммони ёритишдаги бирламчи босқичдир.

Шундай экан, Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар даври халқаро алоқалари билан боғлиқ масалани ёритишда турли тиллардаги кенг ёзма манбалардан имкон борича фойдаланган ҳолда улардаги маълумотларни умумлаштириб, бошқа артефактлар билан қиёсий таққослаш зарур.

Аннотация: мақолада илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги халқаро алоқалар рус тарихчиларининг араб ёзма манбалари асосида олиб борган изланишлари таҳлил қилинган.

Аннотация. в статье анализируются исследования российских историков международных отношений в Центральной Азии в раннем средневековье на основе арабских письменных источников.

Annotation The article analyzes the research of Russian historians of international relations in Central Asia in the early Middle Ages based on Arabic written sources.

# BIOETIKA VA UNING TAMOYILLARI

Jumayeva Shaxlo Suyunovna
Iqtisodiyot va pedagogika universiteti NTM

**Kalit so'zlar:** bioethica, biologiya, tibbiyot

Bioethica atamasi ilk bor 1927-yilda nemis pastori Fritts Yar tomonidan ishlatilgan. U Immanuil Kantning qat'iy imperativiga qarshi bioetik imperativni ta'riflab bergan. Unga ko'ra, nafaqat insonga, balki, hayvonlar va o'simliklarga hurmat bilan munosabat qilish talab etiladi.

Bioetika - falsafa, huquq, meditsina, biologiya, jamiyatshunoslik, siyosatshunoslik, aholishunoslik, madaniyatshunoslik, dinshunoslik kabi fanlar chegarasida paydo bo'lgan va ilmning fanlararo sohasi hisoblanib, insonning ha?t va o'limga bo'lgan munosabatining axloqiy jihatlarini o'rganadi va zamonaviy tibbi?tning eng keng doiradagi ijtimoiy-iqtisodiy, odob-axloq va huquqiy muammolarini o'z ichiga oladi. Bu ma'noda bioetika insonning ha?t sifati, jismoniy va ruhiy daxlsizligi, insoniy qadr-qimmati, uning va umuman aholi sog'lig'i himoyasining odob va axloqiy asoslari kontseptsiyasini o'zida ifodalaydi. U inson sog'lig'i va ha?t sifatiga bevosita va bilvosita zarar yetkazishi mumkin bo'lgan biologiya, tibbi?t, farmatsiya va sog'liqni saqlash sohasida insonlar hamda ularning uyushmalari manfaatlari o'rtasidagi ziddiyatlarni o'rganadi. Bioetikaning bosh g'oyasiga ko'ra, inson tabiatning bir qismi bo'lib, unga sog'lom ovqat, musaffo havo, toza suv, tabiatning ?vvoyi go'shalari zarur. U nafaqat ekologik boylik hisoblangan, balki inson omon qolishining bosh sharti bo'lgan hayvonlar, o'rmonlar, dar? va 11 yerlarsiz ha?t kechira olmaydi. Bioetikaning maqsadi - fan va texnika yutuqlaridan faqat inson va tabiat ravnaqi uchun foydalanishni ta'minlaydigan odob-axloq normalari, talablari, printsiplari va boshqa mexanizmlarni ishlab chiqishdir.

Bugungi kunda falsafaning bahs-munozaraga sabab bo'layotgan masalalarini chuqur tadqiq etayotgan soha sifatida biz bioetikani keltirishimiz mumkin. Mazkur fan sohasi o'zining uzoq o'tmishiga ega bo'lmasa-da, uning muammolari doirasi qadimdan mavjud bo'lgan.

Qadimgi yunon tilidan olingan bioetika - inson faoliyatining hayotda, tibbiyot va biologiyada jonivorlarga nisbatan munosabati bo'lib, ilk marotaba mazkur tushunchani 1927 yili Frits Jaxr tilga olgan bo'lsa, 1969 yili amerikalik onkolog va biokimyogar V.Potter uni muomalaga kiritdi. 1999 yili Kosta-Rikada bioetika masalalariga bag'ishlangan anjumanda V.Potter nutq so'zlar ekan, "Men barchangizdan bioaxloqni mas'uliyat, kompetentlik talab qiluvchi hamda barcha madaniyatlarni o'zida mujassam etgan va gumanizmni targ'ib etayotgan yangi

etika ta'limoti sifatida qabul qilishingizni so'rardim", - dedi.

1978 yilda insonning biotibbiyotini va xulq-atvorini himoya qilish bo'yicha tadqiqotlar milliy qo'mitasi Permont hisobotini e'lon qildi, unda tibbiy va sog'liqni saqlash xizmatlarida o'zaro hurmat, foyda va adolat kabi uchta printsi va ularni bu tizimda keng qo'llash amaliyoti taklif qilingan. 1979 yilda Beochep va Chadris "Bioetika asoslari" kitobini nashr etdilar. Mazkur kitobda transgenik texnologiya, inson genomini tadqiq qilish, klonlash texnologiyasi, ildiz hujayralarini o'rganish va boshqa tibbiyot sohasidagi ma'naviy-axloqiy muammolar atroflicha tahlil qilingan[2]. So'nggi yillarda bioetika metodologiyasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Natijada bioetika sohasidagi tadqiqotlarni ilmiy asoslari yanada mustahkamlandi.

Shuningdek, bioetika sohasidagi tadqiqotlarni rivojlanishi natijasida inson hayotiga dahldor bo'lgan barcha narsalarni qadrlash, inson hayotini ma'naviy-axloqiy jihatdan boyitishga xizmat qiladigan ilmiy-amaliy kontseptsiyalar paydo bo'ldi. Inson hayotini har tomonlama qadrlash va asosan har bir insonning biologik mavjudligi va sog'liq uchun qayg'urish muhim ahamiyatga ega.

Bioetika salomatlikni saqlash sohasidagi xatti-harakat va munosabatlarni koorporativ boshqarishda jamiyat darajasida boshqarishga shunchaki o'tish emas, bu axloq umumiy nazariyasi rivojlanishidagi yangi bosqich hamdir. Biroq, bioetikaning intellektual hodisa sifatidagi ma'nosini tushunish uchun axloq nimaligini hamda axloq nazariyasi nima ekanligini bilish zarur.O'zining "Axloqi Kabir" ya'ni "Katta axloq kitobi" asarida Arastu axloqning mazmun-mohiyati haqida quyidagilarni yozadi: "Gapning lo'ndasini aytsak, axloq siyosatning tarkibiy qismidir. Chindan ham muayyan axloqiy fazilatlarga ega bo'lmagan, ya'ni munosib bo'lmagan odam (taniqli jamoat arbobi sifatida) faoliyat ko'rsatishi mumkin emas. Munosib odam bo'lmoq - fazilatlar egasi - fozil bo'lmoq, demakdir"[3].

Har bir inson o'zining ma'naviy jihatdan sog'lom ekanligiga ishonchi komilligiga qaramasdan, faqat kam sonli kishilargina axloq qayerdan paydo bo'lganligi, garchi bizni hech kim majburlamasada nima uchun axloq me'yorlariga rioya qilishimizni; nima uchun ezgulik,sadoqat, mas'uliyat singari fazilatlar pul va shon shuhratdan muximroqligini va nihoyat nima "yaxshi" va nima "yomon" ekanligi qayerdan ma'lumligini sodda qilib tushuntirib bera oladi. Ushbu savollarga javob berish uchun axloqning kelib chiqishi va mohiyati, uning tuzilmasi to'g'risida tasavvurga ega bo'lish zarur.O'z davrida Epikur "Yoqimli yashash aqlli yashashsiz bo'lmaydi, axloqiy va adolatli hayot, va teskarisi, aqlli yashash mumkin emas, axloqiy va adolatli, yoqimli yashashsiz"[4] degan edi. Bioetikada individlarning axloqiy sifatlarini shakllantirish shart-sharoitlari sifatida axloqiy his-tuyg'ular, amaliy idrok va erkin iroda alohida qayd etiladi. Bioetikada axloqiy ideallar madaniy guruhlar tasavvurlarida shakllangan, individlarni barkamollik sari yetaklaydigan olijanob xulq-atvor namunalari sifatida namoyon bo'ladi. Axloqiy me'yorlar esa, uzoq vaqt amal qiladigan, madaniy guruhlarda keng tarqalgan va qabul qilingan, boshqa madaniy guruhlarga xos namunalar bilan birgalikda mavjud bo'lgan xulq-atvor namunalari sifatida talqin qilinadi.

Amerikalik mashhur onkolog vrach Van Ranseler Potter (1911–2001) "Bioetika" atamasini ilk marotaba ilmiy muomalaga kiritgan. U o'zining "Bioetika – kelajakka ko'prik" kitobida "bioetika" atamasini ilmiy izohini berish bilan bir qatorda xalqaro amaliyotda keng quloch yoygan etika bo'yicha fanlararo qo'mitalar tashkil etish g'oyasini ham ilgari surgan. Bu olimning asosiyg'oyasi yer yuzida hayotni saqlab qolish maqsadida gumanitar fanlar va biologiya fani muammolarini o'zaro hamjihatlikda hal etishdan iborat bo'lgan. Uning fikricha, aynan "Normal va barqaror sivilizatsiyada insonning tur sifatida uzoq muddat yashab qolishi etika normalari tizimini rivojlantirish va qo'llab-quvvatlashni taqozo etadi"[5]. Etika normalarining mazkur tizimini V.R.Potter global bioetika deb nomlaydi. Global bioetikani tibbiyot etikasi, bioetika, atrof muhit etikasiga bo'linishini ilmiy jihatdan isbotlab beradi Potterning fikriga ko'ra, "Bioetika insoniyatning yashab qolishini ta'minlash va butun kishilik jamiyatining sog'lig'ini saqlash uchun tibbiyot etikasi bilan atrof muhit etikasi (ekoetika)ni jahon miqyosida birlashtiruvchi ko'prik bo'lishi lozim"[6].

Aytish joizki, bioetika ekologiya fanining rivojlanishi va yo'nalishlarining kelib chiqishiga katta ta'sir ko'rsatdi. Bugungi kunda bioetika masalalari insonning bizni o'rab turgan tabiatga, hayvonot va o'simlik dunyosiga bo'lgan munosabatida ham o'z aksini topmoqda. Bunda har bir tirik jonzot yashash huquqiga ega ekanligi, insoniyat o'zining jismoniy va ruhiy ehtiyojlarini qondirish maqsadida jonivorlar ustida tajribalar o'tkazish, ularni o'ldirish, qiynash, irsiyatini o'zgartirish masalalarida insof qilishi, besabab va behuda fojiali harakatlarga yo'l qo'ymasligi ta'kidlanadi. Bioetika masalalarini faqatgina shifokorlar, biologlargina o'rganmay, hozir ekologlar, faylasuflar, dinshunoslar, psixologlar, sotsiologlar, huquqshunoslar, siyosatchilar va boshqalar ham mavjud bioetik muammolarni hal etishda faol qatnashishmoqda. Demak, bioetika fanlararo fenomen bo'lib, biologiya va tibbiyotning jadal rivoji insoniyat oldida zudlik bilan yechilishi lozim bo'lgan muammolarni keltirib chiqarmoqda. Bu esa barcha kasbdagi odamlarni birlashishga chaqirayotir. Demak, bioetika ilmiy texnik taraqqiyot keltirib chiqarayotgan muammolar bilangina emas, balki bugungi kunda insoniyatni tashvishga solayotgan global siyosiy, ekologik muammolarni hal etishga ham qaratilgandir.

Aksariyat rivojlangan mamlakatlarda bioetika muammolari qonunchilik bilan boshqariladi. Bioetika me'yorlari esa tajriba uchun qo'llaniladigan hayvonlar o'rniga modellardan, ya'ni hujayra va mushaklardan foydalanish, agarda buning iloji bo'lmasa, xodimlarni laboratoriya hayvonlari bilan axloqiy me'yorlarga rioya qilgan holda ishlashga o'rgatish zarur. AQSh, Yevropaning qator mamlakatlari, Rossiyada bu borada maxsus ilmiy-axborot markazlari tashkil etilgan va "Hayvonlarni qiynoqlardan himoya qilish to'g'risida" qonun qabul qilingan. [7]. Qonunda hayvonlarni qiynoqlardan himoya qilish bilan birgalikda yovvoyi va uy hayvonlarini boqishda ularga nisbatan muomala me'yorlari, ularni qiynoqqa solish, o'ldirish, ko'chaga chiqarib tashlash, tajriba uchun boqiladigan hayvonlarga nisbatan axloqiy tamoyillarni qo'llash ko'rsatib o'tilish bilan birga davlat hokimiyati organlari, yuridik va jismoniy shaxslarning bu boradagi mas'uliyati oshirilgan. Xalqaro

bioetika qo'mitasi (XBQ) 1993 yilda tuzilgan bo'lib, uning tarkibi 6 nafar mustaqil ekspertdan iborat. Ular ilmiy yo'nalishlarda tajriba o'tkazishda har bir inson, hayvonlarning huquqlari himoya qilinishini nazorat qilib boradi.O'zbekiston, Gruziya, Moldova, Rossiya va Tojikistonda bioetika davlat o'quv standartiga kiritilgan. Ammo u asosan tibbiy oliy ta'lim muassasalarida bevosita inson huquqlari bilan bog'liq jihatlarni qamrab olgan. Milliy qonunchiligimizda, xususan, jinoyat kodeksining to'rtinchi - "Ekologiya sohasidagi jinoyatlar" bo'limi, ya'ni XIV bobi "Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohasidagi jinoyatlar"ga bag'ishlangan va uning "Hayvonot yoki o'simlik dunyosidan foydalanish tartibini buzish" deb nomlangan 202-moddasida "Ovchilik, baliqchilik yoki hayvonot dunyosining boshqa turlarini ushlash qoidalarini buzish, noyob hayvonlarni tutishning belgilangan tartibi yoki shartlarini yoxud o'simliklarning dori-darmon, oziq-ovqat va manzarali (dekorativ) turlarini yig'ish yoki tayyorlash, shuningdek, muhofaza etiladigan tabiiy hududlardagi hayvonot va o'simlik olamidan foydalanish tartibini buzish ancha miqdorda zarar yetkazilishiga sabab bo'lsa, eng kam oylik ish haqining ellik baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yilgacha axloq tuzatish ishlari yoxud olti oygacha qamoq bilan jazolanadi" deb belgilangan. "[8]. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining "Tabiiy muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohasidagi huquqbuzarliklar uchun ma'muriy javobgarlik" nomli VIII bobining 79, 83, 92, 93, 94, 95-moddalarida tabiatga, o'simlik va hayvonot dunyosiga zarar yetkazgan, ularni yo'q qilib yuborish, qirilib ketishiga, soni kamayishiga sabab bo'lish uchun jazolar belgilangan. Shunga qaramay, hayvonlarga nisbatan aholidagi munosabat hamon achinarli ahvolda. Chunki jinoyat va ma'muriy kodekslarida asosan davlat tomonidan muhofazalanadigan o'simlik va hayvonot dunyosi uchun jazo xususida gap ketadi. Ammo boshqa jonivorlar-chi? Ularga nisbatan do'stona munosabatda bo'lish shart emasmi? Bu haqda jiddiy bosh qotirish vaqti kelmadimikin.

Shunday qilib, bioetika bir qator chambarchas bog'liq faoliyat turlarini o'z ichiga oladi.Gumanizm tamoyillari ustuvor yo'nalish sifatida tan olinayotgan bugungi kunda aholi o'rtasida bioetika masalalarini tushuntirish, hayvonlarga nisbatan teng huquqli jonzot sifatida qarash, hayoti xavf ostida qolgan hayvonlarga yordam berish maqsadida boshpanalar tashkil etish, hayvonlarga besabab zarar yetkazgan, o'ldirgan fuqarolarga nisbatan ma'muriy va jinoiy jazoni qo'llash va albatta nazorat uchun ekologik profilaktika nozirlari shtatini ichki ishlar tarkibida joriy etish vaqti yetdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Михель И. В. Биоэтика в контексте истории: философские исследования биоэтического движения. Саратов Саратовский государственный технический университет 2015. 248 с.

2. Арасту. Поэтика. Ахло?и кабир. Риторика. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. - 130 б.

3. ?аранг: Ахелис Т. Этика. История этики и критика ее систем. Явления нравственности.Принципы нравственности. Этика Либроком 2011. – 112с.

4. POTTER, V. R. Bio?tica Global: Construindo a partir do Legado de Leopold. Tradu??o de Cec?lia Camargo Bartalotti. S?o Paulo: Loyola, 2018a

5. ЛоккДж., Бентам И. Этика процента :Дж. Локк и И. Бентам о природе ссудного процента и его регулировании Социум 2019. – 384с.

6. Нурматова, М. А. (2014). Духовные и нравственные ценности во взглядах и

деятельности джадидов. Credo new, (3), 17-17.

7. Mamajonova, G. K. (2019). Bioethics-Institutional Mechanism of Social Control of Criteria for Ethical Choice and Ethical Responsibility. Journal of Sources of Science, 5, 30-33.

8. Mamajonova, G. K. (2018). Bioethics is applied ethics. Теория и практика современной науки, (1), 29-31.__

Annotatsiya

Yshbu maqolada Bio'etika faning tarixiy rivojlanishi, amal qilish qonuniyatlari, ijtimoiy roli va bugungi dolzarb muammolai haqida fikr yuritiladi.

TADQIQOT

# O'ZBEKISTON VA TURKIYA DAVLATLARI O'RTASIDA SAN'ATNING TURLI SOHALARIDAGI ALOQALARI

Imamov B.X.
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

**Kalit so'zlar:** hamkorlik, munosabat, tashki siyosat, mas'uliyat, ma'rifat, ilm-fan, jaxon madaniyati, mustaqilliq, dunyoqarash, din, kadrlar tayyorlash.

Tarixdan ma'lumki, o'zbek va turk xalqlari nafaqat iqtisodiy, balki madaniy sohalarda ham aloqalar o'rnatib kelganlar. O'tgan davrda ikki qardosh xalq vakillari, ulamolari, olimlari, shoirlari, adiblari bir madrasalarda tahsil olganliklari, haj ziyoratlari, elchilik aloqalari, karvon savdogarlari o'zaro tashriflari mobaynida do'stona madaniy aloqalar bog'lab, bir-birlaridan ma'naviy ozuqa olganlar. Turkiston jadidlari Turkiya ilm-fan va madaniyatidan bahramand bo'lganlar va ko'plab yoshlar zamonaviy ilm olish uchun bu yurtga o'qishga yuborilgan. Sovet tuzumi davrida ikki qardosh xalq o'rtasidagi aloqalar ma'lum vaqt to'xtatilgan bo'lsada, XX asrning 70-80 yillarida ikki o'rtadagi aloqalarni tiklashga bag'ishlangan ko'plab maqolalar chop ettirilib, munosabatlar qayta tiklana boshlandi. Natijada 1990 yilda o'zaro badiiy jamoalar o'rtasida aloqalarni o'rnatish, kitoblar nashr etish, teleko'rsatuv va konsertlar ayriboshlash kabi hamkorlik aloqalari o'rnatishga muhim qadamlar qo'yildi.

Mustaqillik yillarida ikki xalq orasidagi madaniy aloqalarini to'la tiklanishida muhim ahamiyat kasb etdi.

O'zbekiston va Turkiya o'rtasida 1991 yil 19 dekabrda imzolangan "Madaniyat, ta'lim, sog'liqni saqlash, sport va turizm sohalarida hamkorlik to'g'risida"gi Bitimga[1] muvofiq ikki mamlakatning tegishli vazirliklari, xokimliklari, ijodiy tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari yordamida o'zbek va turk shoirlari, yozuvchilari, san'atkorlari, ijodkor yoshlari, jurnalistlari tomonidan amalga oshirib kelinmoqda.

Ayniqsa, musiqa, tasviriy san'at, xalq og'zaki ijodi, teatr va kino sohalarida ikki davlat san'atkorlari xalqaro anjumanlarda o'zaro tajriba almashib keldi. Turkiya o'zbek xalq og'zaki ijodi va baxshichilik san'atiga juda katta qiziqish bilan e'tibor qaratgan.

1993 yili oktabrda Turkiya Respublikasi Madaniyat vazirligi ilmiy tadqiqotlar bo'limi direktori Yahyo Aqsu boshchiligidagi folklorshunos olimlar O'zbekistonning turli hududlarida baxshichilik san'ati va uning namoyondalari faoliyati bilan tanishdi.[2]

1993 yilning sentabr oyida Turkiyada bo'lib o'tgan O'zbekiston madaniyati kunlarida 60 kishidan iborat delegatsiya ishtirok etdi. Delegatsiya tarkibida "Bahor"

raqs ansambli, O'zbekiston xalq artisti Nasiba Abdullayeva rahbarligidagi "Samarqand" guruhi, O'zbekiston Davlat teleradiokompaniyasining ijodiy jamoa a'zolari ham bor edi.[3] "Anqara plast" mehmonxonasida o'zbekistonlik san'atkorlar turkiyalik ijodkorlar bilan birgalikda konsert berdi. Konsertda N.Abdullayeva ijro etgan "Havoda yo'qdir bulut" nomli turkcha qo'shiq ko'pchillikka manzur bo'ldi.

O'zbekiston-Turkiya hamkorligida teatr san'ati muhim o'rin egalladi. Ikki davlatning teatr san'ati namoyandalari doimiy ravishda o'zaro tajriba almashib turdi. 1993 yil Toshkentda bo'lib o'tgan "Teatr: Sharq va G'arb" xalqaro festivalida Turkiyadan xususiy qo'g'irchoq teatri ijodkorlari ishtirok etib, G.Jelebi Xallining "Alvastilar" spektaklni namoyish qildi.

1993 yil Turkiyaning Izmir va Selchuki shaharlarida o'tkazilgan "Efes madaniyat, san'at va turizm" o'ttizinchi xalqaro festivalida O'zbekistondan ham vokal-xoreografik ansambl ishtirok etdi.[4]

O'zbekistonda qadimiy qo'shiqlar, raqslar juda yaxshi saqlanib qolgan hududlar ko'p. Qator shahar va tumanlarda hududning o'ziga xos san'atini o'zida mujassam etgan folklor-etnografik xalq dastalari sermahsul ijod qilib kelmoqda. Shunday dastalardan biri "Boysun" folklor-etnogrfik jamoasidir. "Boysun" folklor-etnografik jamoasi 1993 yili Turkiyaning Selchik shahrida bo'lib o'tgan xalqaro festivalda ishtirok etdi.[5]

Toshkent shahrining 20 kishidan iborat bo'lgan "Oltin vodiy" folklor guruhi 1993 yilning 14-24 iyul kunlari Turkiyaning Chorum viloyatida XIII Xalqaro "Chorum Xatit festivali"da ishtirok etdi. Festival ikki bosqichdan iborat bo'lib, birinchi bosqich 13-18 iyul kunlarda o'tkazilib, mahalliy va chet el folklor guruhlarining chiqishlari, ikkinchi bosqich esa 19-24 iyul kunlari o'tkazildi va musiqiy tomoshalar uyushtirildi.[6]

1994 yili Turkiyaning Chorum shahrida XIV Xalqaro festival uyushtirilib, unda Toshkent viloyati Zangiota tumanidagi "Hosil" xalq folklor-etnografik dastasining 25 kishilik guruhi ishtirok etdi. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi xalq ijodiyoti va madaniy-ma'rifiy ishlar ilmiy-uslubiy markazi folklor-etnografik guruhi Turkiyada uyushtirilgan Navro'z tadbirlarida ishtirok etdi.

1994 yil 18-25 fevralda Anqarada Yevroosiyo filmlari xaftaligida O'zbekistondan rejissor R. Muhammadjonovning "Adashganlar" ("Vatan" studiyasi), F.Xaydarovning "Gunox", ("Kinoaktyor" studiyasi), F. Davletshinning "Alif va Laylo" ("Me'mor" studiyasi) filmlari takdim etildi. Shuningdek, VI Xalkaro Anqara kinofestivalida O'zbekiston kinochilari rejissor Nozim To'laxo'jayev "Islom tarixi" turkumidan suratga olgan film bilan qatnashdi.[7] Shuningdek, 1994 yil oktabr oyida Respublika Qo'g'irchoq teatri Turkiyaning Bursa shahrida bo'lib o'tgan qo'g'irchoq teatrlari festivalida ishtirok etdi.

O'z o'rnida turkiyalik ijodkorlar O'zbekisonda uyushtirilgan halqaro san'at anjumanlarida ishtirok etib keldi. Masalan, 1997 yilning may oyida o'tkazilgan XII Xalqaro Toshkent kinofestivalida Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasi mamlakatlaridan san'atkorlar qatnashib, o'z ijod namunalarini namoyish qildi.

Jumladan Turkiya kino ijodkorlari ham ishtirok etdi. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov Xalqaro Toshkent kinofestivali ishtirokchilariga tabrigida shunday deydi: "Toshkent kinoanjumani kishilar qalbida yorug' umidlar uyg'otib, ozodlik, tinchlik, birdamlik, do'stlik va birodarlik g'oyalariga, o'zaro birlashishga, mamlakatlar va xalqlar madaniyati va ma'naviyatining yaqinlashuviga, yer yuzida o'zaro ishonch va hurmat-e'tiborning mustahkamlanishiga xizmat qiladi".[8] Festivalda 40 dan ortiq mamlakatdan vakillar qatnashdi. Turkiya ijodkorlari festivalda sovrinli o'rinni egalladi.

1997 yil 5-10 iyun kunlari Yalova shahrida bo'lib o'tgan "1-bolalar badiiy ijodiyot festivali"da Toshkent shahar "Umid" bolalar folklor raqs dastasi, shu yilning 7-12 iyul kunlari Bursa shahrida o'tkazilgan "Oltin Qaragyoz" 11-Xalqaro raqs tanlovida M. Turg'unboyeva nomidagi "O'zbekraqs" Milliy raqs birlashmasi ijrochilari, 1997 yil 6-15 sentabr kunlari Izmir shahrida tashkillashtirilgan 4-Xalqaro raqs festivalida Xorazm viloyati "Xorazm gullari" folklor raqs dastasi, 8-11 oktabr kunlari Izmir shahrida bo'lib o'tgan An'anaviy qo'g'irchoq teatrlar xalqaro festivalida Andijon viloyatining "Lola" qo'g'irchoq teatri jamoalari muvaffaqiyatli ishtirok etdi.[9]

Madaniyatning turli yo'nalishlaridagi hamkorlikda ikki davlat o'rtasida o'zgarmas bo'lib qolgan an'analar mavjud. Turk san'at ustalarining Samarqandda o'tkaziladigan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivalida muntazam qatnashishi, Turkiya davlat teleradiokompaniyasi (TRT) O'zbekistonda o'tkaziladigan rasmiy tantanalarni xorijiy mamlakatlarga teranslyatsiya qilishi an'anaga aylandi.[10]

1997 yilning 25 avgust - 2 sentabr kunlari Samarqand shahrida bo'lib o'tgan "Sharq taronalari" I Xalqaro musiqa festivalida bir guruh turkiyalik san'atkorlar qatnashdi.[11] Festivalda Turkiyadan Sertan Ayxan, Adlan Kilich, Tulay Shendere, Nadida Sulton, Deniz Seki, Ixsan Yilmaz, Ispemixan Talay, Barish Mancholar ishtirok etdilar.[12]

Turkiya Respublikasida 1997 yil 8-11 oktabr kunlari bo'lib o'tgan "An'anaviy teatr" xalqaro qo'g'irchoq teatrlari festivalida Andijon viloyati "Lola" qo'g'irchoq teatri ishtirok etdi.[13] Teatr ijodiy jamoasi tarkibida Abdurahmonov Ravshanbek, Jabborov Bahodir, Chuqqiyev Rashit, Qosimov Kamiljon, Qurbonova Gulnaraxon, Vahidov Qaharjon, Parpiyev Qurat, Mamadaliyev Madaminjon, Tashtemirov G'ulom, Sherbayev Faziljon, Tashtemirov Abulhakimlar faoliyat ko'rsatib, ular xalqaro festivalda ishtirok etdi.

1998 yil 8-14 iyun kunlari Turkiyaning Chorum shahrida o'tkazilgan 18-Xalqaro Xetta ko'rgazmasi va festivalida Surxondaryo viloyatining Abrayqulovlar oilaviy ansambli ishtirok etdi. Shuningdek, shu yili 27 oktabr - 1 noyabr kunlari Istambulda o'tkazilgan Turk opera kechasida A.Navoiy nomidagi opera va balet katta teatrining ijodiy jamoasi (4 kishi) qatnashdi.[14]

O'zbekistonning musiqiy hayotida 1998 yil 22 sentabrda Toshkent shahridagi muhtasham "Turkiston" saroyida bo'lib o'tgan Simfonik musiqa Xalqaro festivalida turkiyalik ijodkorlarning asarlari yuqori baholandi. Festival tashkilotchilari o'z oldiga hozirgi o'zbek kompozitorlari ijodini keng targ'ib qilish, ularning xorijiy

hamkasblari bilan yanada yaqinroq ijodiy hamkorlikni amalga oshirishni maqsad qilib qo'ydi. Festival doirasida "Milliy an'analar va zamonaviy kompozitorlar ijodi" mavzusida davra stoli atrofida anjuman ham bo'lib o'tdi.

1999 yil 26-30 avgust kunlari Samarqandda o'tkazilgan "Sharq taronalari" II-Xalqaro musiqa festivalida ham Turkiyalik bir guruh san'atkorlar, hay'at a'zolari va faxriy mehmonlar qatnashdi.[15]

Shuningdek, 2013 yili "Tantana" bolalar folklor ansambli Izmir xamda Istambulda o'tkazilgan xalqaro tadbirlarda qatnashdi. Jumladan, "Hunarmand" uyushmasi ustalari Anqarada uyushtirilgan xalq amaliy san'ati xalqaro ko'rgazmasida O'zbekiston san'atini namoyon etishdi.[16]

Madaniyat sohasida mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar va boshqa davlatlar bilan o'zaro samarali hamkorlik natijasida yurtimizdagi ko'plab milliy madaniy markazlarning samarali faoliyat ko'rsatib kelmoqda. O'zbekistonda Turk milliy madaniy markazi ham sermahsul faoliyat ko'rsatmoqda. Mazkur markaz rahbari, mohir shifokor-tadbirkor, "Do'stlik" ordeni sohibi Umar Salmonovning ta'kidlashicha, 1991 yilda dastlab Buxoroda, 1992 yilda esa Toshkent shahrida Turk milliy madaniy markazlari tashkil etilib, samarali faoliyat ko'rsata boshladi. 1997 yilning 26 martida tashkil etilgan O'zbekiston Turk milliy madaniyat markazi esa endilikda Buxoro, Samarqand viloyatlaridagi milliy madaniy markazlari faoliyatini birlashtirib, muvofiqlashtirib bormoqda.[17] Markaz qoshidagi "Sevinch", "Anadolu", "Istanbul" ansambllari hamda qizlar badiiy raqs jamoasi qadimiy musiqiy an'analarimiz, o'ziga xos maktab va yo'nalishlarini targ'ib etishda faol hissa qo'shib kelmoqda. Ushbu jamoalar "O'zbekiston - umumiy uyimiz", "Qudratimiz-birlik va hamjihatlikda", "Vatan yagonadir, Vatan bittadir" kabi ijodiy tanlovlar, do'stlik festivallarida muvaffaqiyatli ishtirok etib kelindi.

Madaniy aloqalar ikki mamlakat munosabatlarining ajralmas qismi hisoblanadi. 2016 yilning iyun oyida Anqarada O'zbekiston madaniyati kunlari bo'lib o'tdi, sentabr oyida esa o'zbek rassomlari Bodrumdagi haykaltarosh va rassomlar XIV xalqaro simpoziumida qatnashdi. O'sha yilning o'zida San'at galereyasida o'n kun davomida san'at muxlislari e'tiborini o'ziga jalb qilgan o'zbek rassomlari asarlarining ko'rgazmasi Istanbul madaniy hayotidagi muhim voqea bo'ldi.[18]

Jumladan, 2018 yil 22-24 iyun kunlari Farg'ona viloyatining Rishton tumanida ilk bor "Kulollar va kulolchilik mahsulotlari" xalqaro festivali bo'lib o'tdi. Festival doirasida 100 dan ortiq kulollar, 60 nafardan ortiq respublikamizni barcha xudutlaridan usta hunarmandlar xamda Ozarbayjon, Turkmaniston, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkiya singari 30 dan ziyod davlatdan hunarmandlar ishtirok etdi.[19]

Har ikki yilda bir marta Shahrisabz shahrida o'tkazilishi an'anaga aylangan Xalqaro maqom san'at anjumani ana shu yo'ldagi ezgu niyatlarni amaliy ifodasidir. Shahrisabzda 2018 yil 6-10 sentabr kunlari Xalqaro maqom san'ati anjumanida 73 davlatdan 300 ga yaqin san'atkorlar ishtirok etishdi. Turkiya Respublikasi madaniyat va turizm vazirinig birinchi o'rinbosari Axmat Xaluk Dursun ta'kidlaganidek, "Musiqa san'ati insonni hamisha ezgulikka chorlaydigan, har

qaysi odamni qalbidagi eng nozik, eng go'zal tuyg'ularni uyg'otadigan buyuk ilohiy kuch. Turli millat, til va e'tiqodga mansub odamlarni, elu-elatlarni hech qanday tarjimonsiz bir-biriga bog'laydigan mushtarak maqsadlar yo'lida birlashtiradigan musiqa san'ati kabi qudratli vositani topishning o'zi qiyin. Buning isboti Xalqaro maqom san'ati anjumani misolida hali ko'zga tashlanmoqda.[20]

Xalqlar, millatlar badiiy san'at asarlari merosi sirasiga zamonaviy san'at turi hisoblangan kino va serial mahsulotlarini ham kiritishimiz mumkin. Chunki olimlar teleseriallar orqali aholini tarbiyalash, jamiyatni ichkilikbozlik, fahsh, narkomaniya, xiyonat singari illatlardan tozalash mumkin, deb hisoblaydi. Ma'lumotlarga ko'ra, yuzdan ziyod mamlakatda translyatsiya qilingan bir serialda film bosh qahramoni tikishni o'rganib, o'z biznesini yo'lga qo'ygach, tikish mashinkalari sotib olgan, tikuvchilik kurslariga qatnagan, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish istagini bildirgan ayollar soni dunyo miqyosida keskin oshgan ekan.

Шунингдек, сўзларнинг тарихи, уларнинг келиб чиқишига оид изланишларини инобатга олиб Беҳбудийни ҳозирги замон атамаси билан маданий антропология соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришган, бу соҳада ҳам биринчилардан бўлиб изланишлар олиб борган олим деб хулоса беришга асос беради. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Беҳбудий ўзбек тилининг адабий тил сифатида шаклланиши борасида самарали фаолият олиб борган

тилшунос, социолог, шевашунос, этнограф, маданий антрополог сифатида гавдаланади.

Адабиётлар

1 Б.Косимов. Карвонбоши .- Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1997 й. 5-бет

2. Махмудхужа Беҳбудий. Падаркуш. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 1997.

3. Ингеборг Балдауф. Махмудхужа Бехбудий Фаластинда. "Узбекистон адабиёти ва санъати".1993 йил 21 май.

4. Махмудхужа Бехбудий. Танланган асарлар.-Т.: Академнашр,2021.

Аннотация

Мазкур мақолада Маҳмудхўжа Беҳбудийни ёшларни дунёқарашини шакллантиришда тилларни аҳамияти, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо мерос сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, нуфузини ошириш устувор вазифа эканлиги ёритилган.

Аннотация

В этой статье Махмудходжа Бехбудий объясняет важность языков в формировании мировоззрения молодежи, а также приоритет сохранения, обогащения и повышения престижа нашего родного языка как бесценного наследия, передаваемого от предков к поколениям.

Abstract

In this article, Mahmudhoja Behbudiy explains the importance of languages in shaping the worldview of young people, as well as the priority of preserving, enriching and enhancing the prestige of our native language as an invaluable heritage passed down from ancestors to generations.

TADQIQOT

# QORAQALPOG'ISTONDA TURIZMNING RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Сулайманов Саламат Арепбаевич,**
**Каюпова Малика Даутбай қизи,**
Қорақалпоқ давлат университети

**Калит сўзлар:** Қорақалпоғистон, Хоразм, экспедиция, туризм, Муйноқ, Орол денгизи, этнотуризм, зиёрат, музей, Савицкий.

Қорақалпоғистон минтақасида туризм соҳасини тарихий илдизлари ўтган аср бошларида шаклланган, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳудудга келувчилар бу ернинг машҳур музейларига ташриф буюрган ҳамда қадимий қадамжоларни зиёрат қилишган. Шу жиҳатдан аввало, музейлар қандай вужудга келганлигига эътибор қаратиш лозим. Қорақалпоғистон музейлари инсониятнинг бебаҳо жаҳон мероси хазинасининг ажралмас қисмидир. Улар ушбу ҳудуднинг маданий ва табиий меросини кенг намойиш этади. Қорақалпоғистонда музейларининг ривожланиши узоқ ва қизиқарли тарихга эга бўлган. Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда музей ишларини ташкил этиш XIX аср охирида Ўзбекистонда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар билан боғлиқ. Бу даврда илк музей кўргазмалари Тошкентда, биринчи кўргазма-экспозиция Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳрида ташкил этилган. Унда 1876-1880 йилларда Истемес кўлининг қуруқ қисмида топилган топилмалар кўрсатилган. Булар сопол ва металл буюмлар, масжид қурилиши ҳақидаги ёзувлари бор металл плиталар ва этнографик материаллар эди[1; 38 б].

Тарихчилар О.Юсупов ва Г.Хожаниязовлар архив материалларига асосланган ҳолда 1927 йили Қорақалпоғистонда ҳали музей йўқлиги, 1928 йили келажак пойтахти Чимбойда музей қуриш масаласи кўрилганлигини маълум қилган. Шу пайтда Ўлка бюросининг бошлиғи Солоцкиннинг ёзги таътил пайтида аҳоли меросларини йиғиштиришни ташкил этиш ҳақида Облонога илтимоси ва 1928 йили март ойида область ўлка съезди ўзининг 300 та экспонат билан қатнашгани ҳақидаги хабарлари тарқалди. Шу каби йўналишдаги манбалар Қалли Айимбетовнинг эсдаликларида ҳам келтирилади[2; 492 б].

1927-йили Ўрта Осиё университетининг Шарқ факультетини тамомлаган А.С.Морозова Қорақалпоғистонга келиб, вилоят халқ таълими бўлимида илмий ходим бўлди. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида Зайыр, Орол денгизи бўйларида қорақалпоқ овулларида этнографик материаллар тўплади, қорақалпоқ халқининг тарихини, бугунги ҳаётини ўрганди, "Қорақалпоқ библиографик кўрсатгичи" китобини нашр қилдирди. 1932-

йили Қорақалпоқ комплекс илмий тадқиқот институтида илмий котиб вазифасини бажарди. "Қорақалпоқ уй жойлари" деган мавзуда номзодлик диссертациясини химоя қилди[2; 416 б].

1928-йилда Қорақалпоғистон ўлкашунослик жамияти тузилиб, 1929-йилда Тўрткўл маданият уйида ўлкашунослик кўргазмаси ташкил этилди. Қорақалпоқларнинг миллий либослари, уй-рўзғор буюмлари, қўлёзмалари, Тўрткўл босмахонасида чоп этилган илк китоблар, фотосуратлар ва расмлари намойиш этилди. Бу кўргазма нафақат Амударёнинг қуйи оқими ва Оролбўйи, балки бутун Марказий Осиёдаги илк музейлардан бири бўлган Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейининг шаклланишига асос бўлди. Уни ташкил этишда Москва давлат университети битирувчилари Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская ва ёш қорақалпоқ олими К.Аимбетовлар фаол қатнашдилар. Музейнинг коллекцияси аҳолидан тўпланган ва С.П.Толстов, Т.А.Жданко, А.Л.Мелков, Я.Гуломов, А.С.Морозова каби машҳур олимлар бошчилигидаги археологик-этнографик экспедициялар натижасида топилган янги экспонатлар билан тўлдирилиб борилди[1; 42 б].

Айрим ҳужжатларда 1933 йили апрелда СССР Фанлар академиясида Қорақалпоғистонда янги музей тузиш масаласи кўрилганлиги, 1934 йили ўз олдига ўлкашунослик музейи бўлиб шаклланган 1935-йили СССР Фанлар академиясининг ёрдамида тарих ўлкашунослик музейи бўлиб такрорий тузилгани хусусида маълумотлар берилади. Қорақалпоғистон музейлар соҳаси жуда кам ривожланган давлат қаторида туради. Масалан, собиқ СССР да ҳам 2000 давлат музейлари, 12 мингта жамоат бирлашмаларига тегишли ва 150 мингдан ортиқ кичкина музейлар мавжуд эди. 1993 йилга келганда Қорақалпоғистонда 3 та республика ва 30 дан ортиқ жамоатчилик ташабббуси билан ташкил қилинган кичкина музейларгина ишлаб турган[3; 29 б].

1936-йил Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига ўтди. Бу воқеа халқ орасида маданий, иқтисодий ҳаётда алоҳида ўрин эгаллади. Мухтор республикани бутун иттифоқга таништириш мақсадида 1937-йили "Ўзбекфильм" киностудияси томонидан "Советская Каракалпакия" ҳужжатли овозли очерк таёрланди. Тарихда илк бор экранда қорақалпоқ тилида овоз янгради. Республиканинг иқтисодий ва маданий ҳаётини кенг тарғиб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, радиода эшиттиришлар таёрланди. Тошкент киностудияси қорақалпоқ халқининг ҳаётидан биринчи бадиий фильм ишлашга муваффақ бўлди. 1956-йили сентябрда Тошкент киностудияси Қоракалпоғистоннинг давлат ва жамоат арбоби Навруз Жапаковнинг Мелькумов билан бирга "Орол балиқчилари" номли бадиий фильми сценарийсини ёзди. Бадиий фильм 1957-йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон маданияти кунлари декадасида намоийш этилди[4; 30 б]. Бу фильмларнинги намоийш қилиниши республикага келувчи туристлар ва экскурсоводлар сонининг ортишига ёрдам берди.

Бутуниттифоқ таркибидаги бошқа халқларни санъатимиз билан яқиндан

таништириш мақсадида турли юбилей ва маросимлар баҳонасида бир қатор шаҳарларда қорақалпоқ маданияти кунларини ташкил қилинди. 1973-йили санъат усталари Москва шаҳри театрларида чиқиш қилишди. Бошқирдистон(1977 йил), Қизил Ўрда (1982 йил), Татаристон (1981 йил), Тошкент (1982 йил) ва Доғистонда (1984 йил) Қорақалпоқ адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди[5; 427 б].

1962 йил 20 июлда РЦСПС президиуми "Туризмни янада ривожлантириш тўғрисида" қарор қабул қилди ва шу қарор асосида туристик-экскурсия бошқармаси (ТЭУ) туризм Советига айлантирилди. 1961-1970 йиллар давомида Ўзбекистон вилоятларида туризмни ривожлантириш, секциялар ташкил этиш, туризмни кенг тарғибот килиш, кадрлар тайёрлашга эътибор кучаяди. 1968 йили Қорақалпоғистон АССРда туризм билан шуғулланаётганлар 346 нафарни ташкил қилиб, улардан судьялар 9 та, "СССР туристи" нишондорлари эса 36 нафарни ташкил қилган.

Республикада туризмнинг ривожланишига жисмоний тарбия жамоалари ва уларда ўтказиладиган барча тадбирлар, айниқса, ГТО комплекси меъёрларини топширишни уюштириш ишлари катта туртки бўлди. 1970 йили Қорақалпоғистон АССРда жисмоний тарбия жамоа сони 844 та, Жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар 188017 нафар, ГТО нишондорлари сони 90961 нафар, Туризм билан шуғулланувчилар сони 500 нафар, фоиз ҳисобида эса республикадаги улуши 2.7 % ни ташкил қилган.

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлимининг 1979 йил 29-майдаги 151 сонли "Туризм ва экскурсиялар кенгаши туристларининг йўналиши ҳақида"ги ахборотида Хўжайли тумани партия қўмитаси томонидан туристик хизматларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Меҳнаткашлар ва ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш, туризм ва экскурсияларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Хўжайли туман қўмитаси бюросининг 1976-йил 23-апрелдаги қарори билан сайёҳлик ва экскурсиялар бўйича 11 кишидан иборат туман кенгаши тузилган.

Туман кенгаши ўз ишини бошлади, Совет Иттифоқи бўйлаб туристик ва экскурсия саёҳатлари учун маршрутлар кўпайтирилди ва барча ташкилот ва муассасаларга, колхоз ва совхозларга йўлламаларни сотиб олиш тартибини кўрсатган ҳолда юборилди[6; 8 б].

Ўзбекистон Компартияси вилоят қўмитасининг 1979-йил 19-мартдаги ПА-4-сонли хати ва жадвали асосида вилоят партия қўмитасидан "Нукус ва Кегайли туманлари туристларни жўнатиш ишларини ташкил этишни такомиллашган, Мўйноқ тумани, Тўрткўл, Элликқалъа, Қораўзак туманлари бўйича ҳар бирига биттадан, ҳар бири икки кишидан - Ленинобод, Тахтакўпир, Мўйноқ, Қўнғирот туманларига бор-йўғи 6-12 фоизни ташкил этиб, юқорида қайд этилган хат талабларини тўлиқ қониқарсиз бажарганлиги танқид остига олинган[6; 19 б].

Қорақалпоғистон Кенгаши қўмитаси раиси Т.Садыков Туристларни жўнатиш ишларини янада такомиллаштиришда ёрдам сўрайди.

1979 йилнинг иккинчи чораги учун минтақалар бўйича сайёҳларнинг кетиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

1979-йилнинг иккинчи чорагида Иттифоқ ичидаги маршрутлар бўйича туристларни жўнатишни республика туманлари бўйича ташкил этиш тўғрисида маълумот:[6; 20 б]

| № | Туманлар | Режа | Амалда | бажарилди. % |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Нукус ш. | 36 | 62 | 172 |
| 2 | Тўрткул | 17 | 1 | 6 |
| 3 | Беруний | 17 | 4 | 23 |
| 4 | Амударьё | 17 | 4 | 23 |
| 5 | Хужайли | 28 | 32 | 114 |
| 6 | Қўнғирот | 16 | 2 | 12 |
| 7 | Шуманой | 12 | 2 | 16 |
| 8 | Кегайли | 13 | 13 | 100 |
| 9 | Чимбой | 16 | 11 | 68 |
| 10 | Тахтакўпир | 10 | 2 | 20 |
| 11 | Мўйноқ | 8 | | 0 |
| 12 | Ленинобод | 8 | 2 | 25 |
| 13 | Нукус тум. | 8 | 9 | 112 |
| 14 | Элликқаъла | 8 | 1 | 12 |
| 15 | Қораузак | 8 | 1 | 12 |

1979 йилда автоном республика вилоятлари бўйича авиация йўналишларида ишчиларнинг туристик дам олишини ташкил этиш якунлари тўғрисидаги кўрсаткичлар келтирилади[6; 26 б]. Унга кўра фақатгина Нукус шаҳрида 110%, Шуманай туманида 137%, Ленинобод туманида 182 % га бажарилганлигин кўриш мумкин. Амударё, Чимбой, Мўйноқ ва Бўзатов туманларида режа 50% дан ошган, холос. Қолган туманларда эса 50% га ҳам етмаган[6; 26 б].

1976-1977-1978 йилларда ва 1979 йилнинг тўрт ойи учун мухтор республиканинг вилоятлари бўйича чет элга туристик йўлланмаларни реализация қилиш тўғрисида маълумот 1976 йилда режадаги 219 та ўрнига амалда 84 та, 1977 йилда режадаги 251 та ўрнига амалда 176 та 1978 йилда режадаги 319 та ўрнига амалда 259 та 1979 йилнинг 4 ойида режадаги 107 та ўрнига амалда 68 та бажарилган[6; 28 б].

1980-йилларнинг охирида қорақалпоқ киносанъати соҳаси тарихида илк бор "Гум-гум", "Оролқум", "Илон йили" киноасарларининг яратилиши мухтор республиканинг Иттифоқда танилишига ва бу орқали республикага келадиган меҳмонларнинг сонининг ортишига таъсир қилди[7; 395 б].

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси, автоном республика комсомол қўмиталари халқаро ва иттифоқ ичидаги йўналишларда туризмни ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга

оширмди. 1976 йилда 9 та экскурсия гуруҳи таркибида 142 нафар сайёҳ чет элга чиққан бўлса, бу кўрсатгич 1977 йилда 146 кишини ташкил қилди. Икки йил ичида Қорақалпоқ комсомоллари ва ёшлари Чехословакия, Венгрия, Польша, Германия Демократик Республикасига юборилди, 1976 йилда эса 92% туристлар чет элга жўнатилди[8; 1 б].

Иттифоқ ичидаги маршрутлар бўйлаб турист сифатида илғор ёшлар юборилди, шундан 1976 йилда 618 та, 1977 йилда 2143 та. Қоида тариқасида, сайёҳлик гуруҳлари таркибида ишлаб чиқаришнинг илғор ишчилари ва новаторлари, социалистик мусобақа ғолиблари саёҳат қилишади. Кетма-кет икки йил давомида Москва ва Ленинградга сайёҳларни ташийдиган ихтисослаштирилган "Дўстлик" поездлари орқали 316 нафар сайёҳ юборилди. 1977 йилда ишлаб чиқариш раҳбарлари ва қишлоқ ёшлари Москва-Калуга-Тула-Қозон шаҳарларига саёҳат қилиб, Сибир дарёлари бўйлаб саёҳат қилишди.

Икки йил давомида 45 нафар сайёҳ халқаро ёшлар оромгоҳлари ва дам олиш уйларига, жумладан, 1976 ва 1977-йилларда "Юность", "Спутник" дам олиш уйларига йўлланма олди. Октябрь инқилобининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда мактаб туризмини ривожлантиришга катта эътибор берилди. 1976-1977 йилларда мактаб ўқувчилари шаҳарларга саёҳат қилишди. Совет Иттифоқининг Харьков, Волгоград, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Урганч ва бошқа шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар амалга оширилди[8; 2 б].

Республикада туризмни ривожлантириш мақсадида Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1996-йил 12-июльда №180/7 сонли "Қорақолпоғистон Республикасида туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Қарорда "Қорақалпоқ туризм" акционерлик жамияти томонидан Нукус-Хўжайли-Ургенч, Нукус-Қўнғирот-Мўйноқ, Нукус-Элликқала-Тўрткўл, Нукус-Беруний-Хива, Нукус-Чимбой-Тахтакўпир машрутлари ишлаб чиққанлигини хисобга олиб мазкур шахар ва туман хокимларига туристларни талаб даражасидаги мехмонларни, овқатланиш ўринлари билан таьминлаш масалалари топширилиши белгилаб қўйилди.[9; 11 б]

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Қорақалпоғистоннинг тарихий меросига маҳаллий ва хориждан қизиқувчилар кўпая бошлади. Бу борада Қорақалпоқ туризми Ўзбекистон Республикасининг энг истиқболли тармоқларидан бирига айланиб борди. Айниқса, бу борада "Аязқаъла" да туристик мажмуасининг ташкил қилиниши минтақанинг жаҳон туризмининг стандартларини йўлга қўйилишида дастлабки қадамларидан бири ҳисобланади. Бу эса республикада туризм соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни кенгроқ қулоч ёзилишига сабабчи бўлди. Ўз навбатида "Қорақалпоқтуризм"нинг туман филиалларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда Қорақалпоғистон Республикасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки минтақада соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд эди. Шунга қарамай мустақилликнинг дастлабки йилларида фақатгина музейлар фаолияти

орқали бунга эришилди. Сабаби тизимни замонавий усулларда тараққий этиши учун катта моддий ресурслар жалб этилиши лозим эди. 2016 йилдан кейинги даврда соҳага давлат эътиборининг ортиши ва қўллаб қувватланиши билан туризмнинг барча соҳаларини ривожлантиришга имкон яратилди.

**Адабиётлар рўйхати;**

1.Ягодин В.Н. Памятники истории и культуры в концепции устойчивого развития (Использование культурного наследия народов Южного Приаралья для развития туризма) //Вестник ККО АН РУз. 2006. №1. - С.38-42.

2. Айымбетов Қ. Халық даналығы. Н?кис "Қарақалпақстан", 1988, 492- б.

3.Караманова Г., Аллабергенов Н. Из истории музеев Каракалпакстана/ / Инновации в науке, научный журнал.№6(82).-Новосибирск 2018. С.29-31.

4.Тилеумуратов М. Қарақалпақ ҳ?м ?збек халықларыны? м?дений байланысларыны? тарийхынан. Н?кис, "Қарақалпақстан", 1993-ж. 30-б.

5.Камолов Қ. Эл хизматида. Нукус, "Билим", 2021, 427 б.

6.ҚРМДА Р-551 фонд, 2 рўйхат, 3875 иш, 8, 19, 20, варақ.

7.Қарақалпақстанны? жа?а тарийхы. Қарақалпақстан XIX ?сирди? екинши ярымынан XXI ?сирге шекем. Н?кис "Қарақалпақстан", 2003-ж. 395 б.

8.ҚРМДА Р-549 фонд, 1-рўйхат, 2731-иш, 1, 2 варақ

9.ҚРМДА Р-500 фонд, 1-рўйхат, 522-иш, 11-варақ.

**Аннотация**

Бу илмий мақола Қорақалпоғистонда туризм соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши, минтақада туризмнинг тарихий, маданий, этнографик, зиёрат турларининг ривожланиши ва ундаги муаммоларни ўрганишга бағишланган. Илмий мақолада халқ хўжалигини ривожлантиришда туризм соҳасининг минтақа учун аҳамияти, маҳаллий олимларнинг асарларига ҳамда архив фондлари материалларига таянган ҳолда ўрганилган.

Аннотация

Данная научная статья посвящена становлению и развитию туристической сферы Каракалпакстана, развитию историко-культурного, этнографического, паломнического видов туризма в регионе и проблемам в нем. Значение туризма для региона в развитии национальной экономики исследовано в научной статье, основанной на трудах отечественных ученых и материалах архивных фондов.

Summary.This scientific article is devoted to the formation and development of the tourism sector of Karakalpakstan, the development of historical, cultural, ethnographic, pilgrimage types of tourism in the region and the problems in it. The importance of tourism for the region in the development of the national economy is studied in a scientific article based on the works of domestic scientists and materials from archival funds.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Туркистонлик уламолар оиласига мансуб. Ота

# UBAYDULLOH IBN MAS'UD SADRUSH SHARI'ANING "TA'DILUL ULUM" ASARI HAQIDA

Неъматулло НАСРУЛЛАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

**Калит сўзлар:** Убайдуллоҳ ибн Масъуд, ҳанафий мазҳаби, усули фиққ, калом, мантиқ, фалсафа, "Таъдилул улум", "Шарҳи Таъдилул улум".

тарафдан бобоси "Садр аш-шариъа" Умар; Она томондан бобоси эса, "Бурҳон аш-шариъа" Масъуддир. Садр аш-шариъа ал-аввал - Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ҳам она ҳам ота томонидан бобосидир. У "Виқоя" китобининг муаллифи. Кейинчалик шарҳ ва маънoларини очиб, унга "Ниқоя" номини берган.

Садр аш-шариъа - Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Кирмоний; Садр аш-шариъа ас-соний Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Садр аш-шариъа Умар ибн Садр аш-шариъа ал-аввал Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф.747/1346) ҳанафий фақиҳи ва калом олими.

Манбаларда унинг қачон таваллуд топганига оид маълумотлар қайд этилмаса-да, вафоти санаси ҳижрий 747 йил деб ёритиб келинади.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъалар оиласи вакили сифатида ҳанафий фиққининг порлоқ юлдузига айланди. У бобосининг тарбиясида камол топиб, илми ҳикмат, калом ва табиатга оид фанларни ўзлаштириб, айниқса, фиққ илмида етук аллома сифатида танилди ва ҳанафий мазҳабининг атоқли ҳамда сермаҳсул давомчиларидан бири бўлиб ижод қилди.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Садр аш-шариъа машҳур ҳанафий мазҳаби олимларидан. У зот уламолар оиласига мансуб бўлиб, отаси ва бобосидан илм таҳсил қилган. Ақлий ва нақлий илмлардан, илми фиққ, усул ва дақиқ соҳиби эканидан унинг асарлари давр уламолари наздида мақбул ҳамда тарқалган. Садр аш-шариъа ва унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп ҳурмат ва иззат билан яшаганлар.

Садр аш-шариъа, усули фиққ, калом, мантиқ, фалсафага оид мўътазила ва ашъарийларнинг қарашларини ўрганиб, ўзининг қатор асарлари орқали илмий асослаб беришга ҳаракат қилди. Масалалар исботида Шарқ оламига донғи кетган ҳанафий мазҳаби соҳибларидан Даббусий, Ҳалвохий, Сарахсий, Баздавий, Самарқандий каби ва бошқа олимлар томонидан тасниф этилган оригинал манбаларга таянди. Шунингдек, масалаларга киришишда бошқа мазҳаб олимларининг қарашларини ҳам назардан четда

қолдирмади.

Садр аш-шариъа танловларида Абу Ҳанифа ва икки шогирдининг қарашларига устуворлик мавжуд. Бу ҳолат унинг ҳанафий мазҳабига мансуб фақиҳ эканига далилдир. Зеро, бу мазҳабга мансуб фақиҳлар асарларида Абу Ҳанифа ва шогирдларига оид усулий тушунчалар диққат марказида туради. Классик фиққий тадқиқотларда бир мазҳабга боғланиш эътиборга олинганда, Садр аш-шариъа ҳам ўзидан аввалгилар йўлини давом эттирган. Масаланинг ушбу жиҳати фақиҳнинг кейинги ишлари билан боғлиқ бўлиб, аксарият муаллифлар унинг илмий фаолиятини тадқиқ этишда фақат ўз соҳалари учун керакли асарларинигина тилга оладилар. Масалан, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг "Усулул фиққ" китобида Садр аш-шариъанинг "Мухтасар ал-Виқоя", "Вишоҳ", "Таъдилул улум", "Танқиҳ", "Тавзиҳ", асарлари келтириб ўтилади.

Ҳожи Халифа Садр аш-шариъанинг "Шарҳи ал-фусул ал-хамсин", "Таъдилул улум фил калом", "Танқиҳ ал-усул", "Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ", "Куллийатул фиққ", "Матну ан-Ниқоя Мухтасар ал-Виқоя фи масоил ал-Ҳидоя", "Шарҳи Мухтасар ал-Виқоя", "Муқаддиматул арбаъа", "Таъдилул улум", "Ал-Вишоҳ фил маоний вал баён" номли асарлари бизгача етиб келгани ҳақида маълумот беради. Албатта, ушбу асарлар ўз мавзусига қараб, кейинги асар таълиф этувчилар учун манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Садр аш-шариъа қаламига мансуб деб "Куллиятул фиққ" номли асар турк олими Мансур Кўжинкаг томонидан тилга олинади. Бу муаллиф мазкур асар айни номда моликий мазҳабига мансуб ал-Маккорий (ваф.758/1357) ва ал-Миқнасий (ваф.919/1514)ларга ҳам тегишли эканини айтиб ўтади. Табақот китобларида мазкур асар ва унинг Садр аш-шариъага тегишли экани ҳақида маълумот учратмадик. Муаллифга, Имом Кафавий ва Лакнавий томонидан "Аш-Шурут вал маҳозир" асари ҳам тегишли экани айтилади. Ҳожи Халифа бу асар номини "Шурут Садр аш-шариъа" деб келтиради. Унга кўра, шурут ва сижиллотлар ўрганиладиган илм тушунилади. Ўрта аср олимларининг баъзиси қозилик лавозимларида фаолият юритиб, мана шу йўналишда кўплаб китоблар таълиф этганлар. "Шарҳи ал-фусул ал-хамсин" ва "Таъдилул улум фил калом" номли асарлари ҳам Садр аш-шариъага нисбат берилади. Ҳозиргача, фақиҳнинг "Танқиҳ ал-усул", "Ат-Тавзиҳ фи ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ", "Куллийатул фиққ", "Матну ан-Ниқоя Мухтасар ал-Виқоя фи масоил ал-Ҳидоя", "Шарҳи Мухтасар ал-Виқоя", "Муқаддиматул арбаъа", "Таъдилул улум", "Ал-Вишоҳ фил маоний вал баён" номли асарлари етиб келган. Қуйида муаллифнинг "Таъдилул улум" асари ҳақида маълумот бериб ўтилади.

Садр аш-шариъанинг калом илмига оид машҳур асари "Таъдидул улум"нинг дастлабки бўлими мантиқ илмига тегишли бўлиб, унинг бу илм бўйича ҳам етук олимлардан эканига далолат қилади. Зотан, калом, фалсафа ва усули фиққ соҳаларида асар таълиф этган бир олимнинг мантиқ илмига кириб бормаслиги, бу илмда сўз соҳиби бўлмаслиги мумкин эмас.

Садр аш-шариъа фиққий тушунча ва масалаларни очиқлар экан баъзан мантиқ ва фалсафадан фойдаланиш орқали ҳам фиққда аввал тажрибада қўлланилмаган бир йўлни танлай билди.

Айниқса, бобоси Бурҳон аш-шариъанинг фиққни ўрганишга ёрдамчи бўлган "Виқоя" асари шарҳида қўлланилган хусусиятлар унинг "Тавзиҳ" асарида ҳам ўз ифодасини топган эди. Садр аш-шариъа "Тавзиҳ"нинг бир бўлими бўлган "Тўрт муқаддима"даги мавзулар диққатга сазовар шаклда мантиқий тушунча силсиласини бино қилган. Бу тушунчаларнинг мантиқий боғимига кўра, инсон ирода ва ихтиёрий равишда қилган феълларига масъул. Бу феъллар илоҳий ирода томонидан эмас, фақат бандaнинг иродаси жиҳатидан ҳусн ва қубуҳ билан сифатлантирилади. Фиққни анализ ва синтез қилишда Аристотель мантиқини татбиқ этган Садр аш-шариъа ўзаро аҳдларда, туйғулардан келиб чиққан феъллардан иборат ижоб ва қабулнинг бир-бирига ҳукмий боғлиқлигидан бошлаб илгари мавжуд бўлмаган шаръий бир маънони ўртага чиққанини ифода этади.

Садр аш-шариъанинг асарлари орасида машҳур бўлган "Таъдилул улум" номига кўра ҳам, ўзаро яқин илмларда тузатиш ва тўғирлашларга қаратилган. Бу асарда асосан мантиқ, калом ва ҳайъат илмлари ўрин олган. Қолган ахлоқ, фалсафа ва тасаввуфга оид қатор мавзуларга келиб тугатилган.

Муаллиф "Таъдилул улум"да ақлий илмларни китобларда изоҳлаб, кейин уларнинг ҳар бир қисмини шарҳлаб ўтган. Таҳқиқ ва тадқиқларини аввал тажрибада кўрилмаган усулда бажарган.

Аввалгилардан бўлиб "Таъдилул улум"га муаллифнинг ўзи шарҳ ёзди. Ва уни "Шарҳи Таъдилул улум" деб номлади. Садр аш-шариъа асарда мавжуд бутун илмларни ишга солгани кўриниб туради. "Тавзиҳ"да мутакаллимлар орқали усули фиққ ва мантиқ илмига оид бўлган "хад (таним), таъриф" тушунчаси ва билим моҳиятига тўхталади. Абу Ҳомид Ғаззолий "Ал-Мустасфа"сининг кириш қисмидан ўрин олган бу масалаларга Садр аш-шариъа ҳам қисқача тўхталган. Унингча, усули фиққнинг бир неча мавзуси мантиқ мавзуси бўлган тасдиқот ва тасаввуротлар билан боғлиқ.

"Таъдилул улум" асарини аввал Тошкўпризода ва бошқа табақот муаллифлари Садр аш-шариъага нисбат берадилар. Садр аш-шариъа, "Таъдилул улум"нинг сўнггида мантиқ, ахлоқ, фалсафа, тасаввуф ва ҳайъат каби бир неча ақлий билимларга ўрин ажратган ва китобини, "Фотиҳа" сурасининг ояти саноғи бўлган етти бўлимга тақсим этган. "Шарҳ Таъдил ал-улум фил калом" мужассам этган етти бўлимининг номлари қуйидагича:

Биринчи таъдил: Вужуд, моҳият ва у билан боғлиқ масалалар;

Иккинчи таъдил: Аллоҳнинг борлиги ва сифатлари;

Учинчи таъдил: Жавҳар ва у билан боғлиқ масалалар;

Тўртинчи таъдил: Араз ва у билан боғлиқ масалалар;

Бешинчи таъдил: Охират ва унга оид масалалар;

Олтинчи таъдил: Иймон ва у билан боғлиқ масалалар;

Еттинчи таъдил: Нубувват ва унга оид масалалар;

Асар мавзуларидан ҳам кўринадики, у кетма-кетлиги бўйича калом

масалаларини қамраб олган. Котиб Чалабийга кўра: "Таъдилул улум", мантиқ ва каломдан иборат икки қисмдан таркиб топган. Кейинги тадқиқотчилар эса, у мантиқ, калом ва ҳайъат илми шаклидаги уч қисмдан иборат. Бу қарашларнинг тамомила сабаби, Садр аш-шариъанинг мавзуларни етти бўлимга ажратгани асарини тамом эмаслигида эди. Зеро, Садр аш-шариъа бу асарда "мантиқ", "калом" ва "ҳайъат" илмларини таъдил этиб, бошқа илмларни қўшишга умри етмади. Вафоти сабабли ниҳоясига етмай қолган бу асар уч қисм: мантиқ, калом ва ҳайъат илмлари билан чекланиб қолди холос.

Садр аш-шариъа бир неча соҳаларда каби фалсафада ҳам теран олимдир. Зеро, у талабаларига ибн Сино (ваф.428/1037)нинг "ал-Ишорот" китобидан таълим берарди. Асарни ўқитар экан, шориҳларнинг баъзи қарашларини рад этади ва ўзининг шарҳларини келтиради. Бундан ташқари Садр аш-шариъа ўзининг "Таъдилул улум" номли асарида файласуфларнинг айниқса, Ибн Сино ва Носириддин ат-Тусий қарашларини танқид этади.

Албатта, катта бир тажрибага кўра ёзилган бу асар ва унинг муаллифи кучли зеҳн соҳиби эканини зикр этиш ўринли. Садр аш-шариъанинг усули фиққ мавзуларини, мантиқ ва тил эътиборига кўра тасниф этиши ва ўрни келгунча бошқа (тасаввуф ва фалсафа) илмлардан ҳам истифода қилгани, муаллиф ижодини кенг танитди ҳамда "Таъдилул улум"нинг бу йўналишда янги бир мавзуни очиб берганини яна бир карра исботлади.

## Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати

1.Ahmad Dallal. An Islamic Response to Greek Astronomy: Kit?b Ta?d?l hay?at al?afl?k of ?adr al?Shar??a. Leiden: E. J. Brill. 1995. – 472 p.

2.Ahmet Ozel. Hanefi Fikh Alimleri. Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari, 2006. 2. Baski. – 275 s.

3.Hadel Jarada. Determinism and Freedom in Islamic Theology: The ?anaf?-M?tur?d? Tradition, 900–1350 / PhD thesis. Harvard University, 2021.

4.Mehmet Boynukalin. F?k?h usul? alimleri ve eserleri. III–XIII. Hijri y?zy?l. – ?sk?dar – Istanbul: M.?.?lahiyat Fak?ltesi Vakf? Yayinlar?, 2017. – 638 s.

5.Muhammad Saifur Rahman Nawhami. 'Sadr al-Shariah (al-Asghar) – d. 747?. Islamic Studies Bulletin (DIBAJ), Issue 2.

6.Najib Muhsin SHAKIR. Sadru'?-?eri'a es-Sani'nin en-Nukaye adl? eserinin tahkiki / Y?ksek Lisans Tezi. – Bursa: Uluda? ?niversitesi, 2014.

7.Nasrullaev N. For participation in the II International Scientific-Practical Conference on "The Maturidiyya Teachings and Presents" that was held on May 27, 2022, in the Imam Maturidi International Scientific Research Center, Tashkent.

8.Nasrullaev, N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (104). – P. 564–567.

9.Philipp Bruckmayr. At the Intersection of u??l al-fiqh and kal?m: The Commentary Tradition on ?adr al-Shar??a al-Th?n?'s al-Muqaddim?t al-arba?. Journal of Islamic Philosophy 14:17-64 (2023).

10. Sezayi Bekdemir. Orta Asya'da Hanefiligin Gelisimi Sadrusseria Ubeydullah b. Mes'ud. – Istanbul: Lord Matbaasi, 2017. – 319 s.

11. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия // Аҳмад Заҳабий таҳрири остида. – 1-нашр. – Байрут: Дору-л-арқам ибн ал-арқам, 1419/1998. – 422 б.

12. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. (Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари). – Т.: "Тошкент ислом университети", 2002. – 256 б.

13.Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий ал-Қураший ал-Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия / Таҳқиқ муаллифи: Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв. Ж. I-V. – Қоҳира: Мактаба Ҳажр ли-т-тибоъат ва-н-нашр, 1413/ 1993. – Ж. II. – 3326 б.

14. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ Ибн Масъуд Ибн Садр аш-шариъа ва унинг "Мухтасар ал-Виқоя" асари // Илмий-таҳлилий ахборот. – Тошкент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – №1. – Б. 63.

15. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг "Тавзиҳ" асари манбалари ҳақида. Moturidiylik // ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 1-son, 2023. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси" нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2023. – Б. 29-40.

16. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. – Т.: Маҳалла ва оила нашриёти, 2022. – 70 б.

17. Насруллаев Н.Х. XIII аср охири XIV аср бошларида бухоро шаҳри илмий муҳити // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 46(222). URL: https://internauka.org/journal/science/internauka/222.

18. Насруллаев Неъматулло Ҳикматуллаевич. "Садр аш-шариъа - Убайдуллоҳ ибн Масъуд фаолияти ва унинг "Мухтасар ал-Виқоя" асари // Ислом зиёси. 4-сон. – Тошкент: "Ўзбекистон халқаро ислом академияси", нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – Б. 10-21.

19. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ват-Талвиҳ ила кашфи ҳақийиқ ат-Танқиҳ. Маъа ҳошия ат-Тавшиҳ. Лил Аллома Амир Али ибн Маъзум. – Покистон: Жамиатул Бушрий ал-Хайрия, 2021. – 621 б.

20. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий. Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Таҳқиқ: Али Мустафо ал-Мисбаҳий. – Байрут: Дорул Кутуб ал-илмиййа, 1971.

21. Садр аш-шариъа. Муқаддимату ал-Арбаъа маъа Ҳошиятин. Лил Аллома ал-Қазободий ва Аллома ал-Кафавий. Таҳқиқ: Доктор Саййид Абдуллатиф Фуда. – Урдун: Ал-Аслийн лид-дирасат ван нашр, 2021.– 132 б.

22. Садруш шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Умар ибн
Садруш шариъа Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ат-Тавзиҳ ли матн ат-Танқиҳ фи усул ал-фиққ. - Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. - Ж. II. - 432 б.
23. Салоҳ Муҳаммад Абу ал-Ҳожнинг "Мунтаҳий ал-Ниқоя аъла Шарҳ ал-Виқоя". Ж. III. - Уммон: Муасаса ал-вароқ, 2006. - 716 б.
24. Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. Талвиҳ ала ат-тавзиҳ. Ж. I-II. - Қоҳира: "Мактабату Шубайҳ".
25. Тошкўпризода. Исомиддин Аҳмад ибн Мустафо. Аш-Шақоиқун нуъмонииййа фий уламоид Давлатил Усмонииййа. - Байрут: Дарул китабил Араби. - 489 б.
26. Убайдуллоҳ ибн Масъуд. Ат-Тавзиҳ фиҳал ғавомиз ат-Танқиҳ. - Байрут: "Дору ал-кутуб ал-илмийя", 1996.
27. Ҳамидулла Аминов., Соатмурод Примов. Ҳанафий фиққи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. - Т.: "Movaraunnahr" нашриёти, 2017. - 400 б.
28. Шайх Содиқ Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Усулул фиққ. - Тошкент: "Hilol-Nashr" нашриёти, 2021. - 592 б.

Аннотация: Ушбу мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-шариъалар оиласи вакили сифатида ўрганилиб, унинг калом илмига оид "Таъдидул улум" асари ҳақида сўз боради. Муаллиф асарда "мантиқ", "калом" ва "ҳайъат" илмларига кириб боради.

Калит сўзлар: Убайдуллоҳ ибн Масъуд, ҳанафий мазҳаби, усули фиққ, калом, мантиқ, фалсафа, "Таъдилул улум", "Шарҳи Таъдилул улум".

Аннотация: В данной статье Убайдулла ибн Масуд Садр изучается как представитель аш-шариатской семьи, обсуждается его труд "Тадидул Улюм" по науке слова. В произведении автор углубляется в науки "логика", "слово" и "обязательство".

Ключевые слова: Убайдулла ибн Масуд, ханафитская школа, метод фикха, калам, логика, философия, "Тадилуль Улум", "Шархи Тадилул Улум".

Annotation: In this article, Ubaidullah ibn Mas'ud Sadr is studied as a representative of the ash-Sharia family, and his work "Ta'didul Ulum" on the science of the word is discussed. In the work, the author goes into the sciences of "logic", "word" and "commitment".

Keywords: Ubaidullah ibn Mas'ud, Hanafi school, method of fiqh, kalam, logic, philosophy, "Ta'dilul Ulum", "Sharhi Ta'dilul Ulum".

TADQIQOT

# ETNOLOGIYA VA ETNOFOLKLORISTIKA

**П.П.Норбўтаев,**
ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетининг
Қарши Ирригация ва агротехнологиялар институти

Этнология фанининг методологик масалаларига бағишланган асарларда келтирилишича, "этнология" фани этнос ҳақидаги барча маълумотларни назарий жиҳатдан таҳлил қилади ва бу хусусда умумий хулосалар чиқаради [1].

Этнология фанида этноснинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларни ўрганувчи (этноантропология, этносоциология, этнопсихология, этнолингвистика, этнофольклористика) йўналишлар мавжуд. Ана шу йўналишлар ичида муҳим ўрин тутувчи соҳа этнофольклористикадир. Ушбу йўналишга оид Б.Саримсоқов, О.Муродов, М.Жўраев, Ж.Эшонқул, А.Диваев, Б.Путилов, Г.Снесарев, О.Сухарева каби олимларнинг тадқиқотларида[2] этнографик принципларга мос келувчи фольклорнинг халқ турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари масалалари билан боғлиқ бадиий реликтлари таҳлилга тортилади.

Мазкур асарларда "этнофольклористика" йўналишига илмий-назарий таъриф берилмаган бўлса-да, бу йўналишнинг асосини белгиловчи илмий қараш ва маълумотлар учрайди[3]. Масалан, "Фольклор и этнография" номли асарни[4] таҳлил этиш этнофольклористика соҳасининг илмий моҳиятини белгиловчи хусусиятлар бўйича қуйидаги хулосаларни беради:

Биринчидан, этнофольклористика - фольклор материалларини этнология фани учун муҳим этнографик манба сифатидаги ўрнини илмий асослайди;

Иккинчидан, фольклор материалларидаги этнографик маълумотларни тарихий-этнологик манбалар билан қиёсий ўрганиб, уларда акс этган материаллар реал тарихий заминга эга эканлиги бўйича тўғри илмий хулосалар беради;

Учинчидан, этнофольклористика - маълум бир халқларнинг қўлёзма манба, ҳужжат ёки археологик ёдгорликларда қайд этилмай қолган тарихий-этник хусусиятлари, ўтмишдаги ижтимоий турмуши, диний эътиқодлари, ижтимоий психологияси ва моддий маданиятига оид қимматли маълумотларни ўзида акс эттирган фольклор материалларини этнология фани методологияси негизида тадқиқ этади;

Тўртинчидан, фольклор материалларида халқ турмуш тарзи, уруғ-қабилаларни ўтмишда ва ҳозирда яшаётган географик-ҳудудий жойлашуви, уларнинг хўжалик юритиш ва оилавий-маиший маросимларига оид маълумотларнинг акс этиши жараёнини аниқлайди.

Демак, этнофольклористика йўналишининг тадқиқот доирасини тасдиқловчи муҳим омиллар:

- ўзбек халқ достончилик анъаналари шаклланиши ва уларнинг тарихий-этнологик асосларини ўрганиш;

- ҳар бир халқ оғзаки ижодиёти намуналарида талқин этилган субэтник гуруҳлараро муносабатларга оид этнографик маълумотларни қиёсий таҳлил этиш;

- ўзбек халқ достонларида акс этган хўжалик юритиш анъаналари ҳамда оилавий-маиший маросимлар, урф-одат ва миллий қадриятларнинг тарихий-этнографик хусусиятларини тадқиқ этиш.

Этнофольклористика-этнологик ва фольклор материалларнинг бевосита ҳамда узвий боғлиқлигини белгиловчи етакчи мезонлар, яъни эпос ва маросим масалаларини ўрганишда ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Б.Путилов эпос ва маросим масалаларига тўхталиб, уларни бир-бирига боғлаб турувчи энг муҳим жиҳат, эпоснинг ўзига хос халқ ижоди намунаси сифатида маросим ва маросим фольклори билан бевосита алоқадорлигидадир[5],- дейди.

Ж.Эшонқул эса, қадимги маросимлар эпик тафаккурнинг тадрижий ривожи орқали достонлар таркибида сақланиб қолишини аниқлаб, ушбу эпик форманинг бевосита маросим билан алоқадор томонларини тадқиқ этиш эпоснинг туб асосларини ёритишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди[6]. Унинг фикрича, бу ўринда икки жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш керак:

Биринчидан, эпоснинг маросимдаги ўрни ва вазифаси. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ўзининг жонли ижро ҳолатини давом эттираётган қадимий анъаналар, тўй-томошалар ва бошқа маросимларнинг бахши иштирокида ўтказилиши;

Иккинчидан, маросимларнинг эпосда акс этиши, яъни маросимларнинг эпос сюжетида тутган ўрни. "Алпомиш" достонини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг кўҳна маросимлари, урф-одатлари, ирим-сирим ва табуларининг қомуси, деб аташ мумкин. Чунки, ҳеч бир эпосда халқнинг маиший ҳаёти бунчалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини топмаган.

Шунинг учун, "Алпомиш" достонида бола туғилиши, чақалоққа исм қўйиш, бешик тўйи, суннат тўйи, "бешиккерти" қилмоқ, "қаллиққа бормоқ", "совчи қўймоқ", "никоҳ шартлари", "қиз яширди", "ит ириллар", "ойна кўрсатар", "соч сийпатар" каби турли хил урф-одат ва маросимларнинг жой олиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, этнофольклористика йўналиши учун фундаментал тадқиқ талаб масалалардан биридир.

Этнофольклористика соҳасига оид маълумотлар интернет саҳифаларида ҳам келтириб ўтилади. Мазкур материалларнинг тасдиқлашича, этнофольклористика - бу халқ ўтмиши билан боғлиқ моддий ва маънавий маданиятнинг фольклор асарларида акс этиши ҳамда маросим фольклорига оид этнографик масалаларни илмий тадқиқ этиш демакдир[7].

Халқ достонларини этнофольклористик тадқиқ этишда уларда тавсиф

этилган тарихий ва этнографик фактларнинг туб моҳиятини илмий асосда яққол, теран идрок қилиш керак. Чунки, достонларни илмий тадқиқ этиш, унда акс этган тарихий-этнографик маълумотларнинг ҳақиқатга яқинлик даражасини белгилаш имконини беради. Этнофольклористика халқ достонларида ифодаланган этнографик маълумотларни этнологик аспектдаги тадқиқотлар билан қиёсий ўрганади ва мазкур маълумотларнинг:

- ҳақиқийлик даражаси (реальность);
- бўрттирилганлик даражаси (идеализированность);
- тарихийлик даражаси (историчность);
- ҳаёлий уйдирмалик даражаси (фантастичность) бўйича илмий хулосалар беради. Биз бу ҳолатни Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Алпомиш" достонидаги оилавий-маиший маросимлар таркибига кирувчи никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ "кампир ўлди" удуми мисолида қисқача таҳлил этишимиз мумкин.

Достонда акс этган "кампир ўлди" удуми[8] ҳам никоҳ тўйи таркибига кирувчи қадимий удум ҳисобланади. Бу удум баъзи жойларда келиннинг уйида, айрим ҳудудларда куёв хонадонида амалга оширилган[9]. "Алпомиш" достонида эса бу удум Барчиннинг уйида амалга оширилади: "Бахмал ўтовда чимилдиқ тутиб, куёв нўкарлари билан куёвни киргизмоқчи бўлиб, бир неча аёллар "кампир ўлди" бўлиб, ўлганига бир нима олиб, "ит ириллар" деган расмини қилиб, бунга ҳам бир нарса бериб, ҳар замон салом солиб, уйдан ичкари кириб, чимилдиқда ўтириб, олдига дастурхон солиб, қўйларнинг тўшини пиширив олиб келиб, буларнинг олдига қўйиб, хўп еб тўйиб, куёв нўкарларга тўппи, рўмол, сармой бериб, ҳаммаси ўз расми-қоидасини бажариб, куёв нўкарлар чиқиб кетади, булар ҳам ўз манзили жой-жойларига қараб кетади" [10].

Демак, достонда келтирилишича, куёв келин турган хонага кириши учун бир қанча тўсиқлардан ўтиши керак бўлган. Куёв келин турган хонага яқинлашганда аёллар эшикни ёпиб, уни ичкарига киритишмаган. Аёллардан биттаси эшик олдида ўтириб олиб, итдай ириллайди. Куёвнинг ёнидаги яқин ўртоғи ўша аёлга маълум миқдорда пул ёки совға бергандан кейин эшик очилган. Куёв очилган эшикдан кираман деганда бўсағада ёши катта ҳурмат-эътиборга сазовор бир кампир юзини рўмол билан ёпган ҳолда ўтирганини кўриб тўхтаган. Бу удум "кампир ўлди" деб аталган. Бўсағада турган кампир ўрнидан туриб, хонага киришга рухсат бермагунча, куёв ичкарига кира олмаган. Куёв кампирга пул бергандан кейингина у ўрнидан турган[11].

Бу удумлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида куёв чимилдиқ тутилган уйга кирмоқчи бўлаётганда бажарилган. Одатда куёв навкарларининг йўли тўсилиб, остонада турган бир кампир ит бўлиб "ириллайди". Ит бўлиб ириллайдиган кампир кайвони (ёши катта киши), ували-жували ва обрў-эътиборли, муҳими, келин томоннинг энг яқинларидан бири бўлиши керак. Кампирнинг "улуши" берилгач, куёв ичкарига киритилади. Шундан сўнг "кампир ўлди" удуми бошланади[12].

Унда яна ували-жували бир кампир келин-куёв учун солинган ўрин-тўшак устига ёш болани қучоқлаб ётиб олади. Атрофда турганлар "кампир ўлиб қолди", "кампир ўлиб қолди" дейишади.

"Кампир ўлди" удуми инсон ҳаётида бир фасл ўрнини иккинчи бир фасл олганлиги, яъни "кампир" ўлиб, янги оила дунёга келаётганлиги, ҳаётнинг мангу давомийлигини англатади. Н.А.Кисляковнинг фикрича, бу одат "ёшларга кўп яшанглар, жонимиз сизларга садақа бўлсин",-деган истакнинг рамзий белгисидир[13]. "Кампир ўлди" удуми ўтмишда ўтроқ ўзбек, тожик ва қозоқ каби бошқа Ўрта Осиё халқларида мавжуд бўлган[14].

Илмий таҳлилимиз шуни кўрсатадики, "Алпомиш" достонида келтириб ўтилган "ит ириллар" ва "кампир ўлди" удумини этнологик материаллар билан қиёсий ўрганганимизда, достонда бир нечта янгилишмовчиликлар мавжудлигини сезамиз. Яъни, достонда, "ит ириллар" удуми "кампир ўлди" удуми ўтказилганидан кейин келяпти, аслида эса, даставвал "ит ириллар" удуми бажарилгач, [15] "кампир ўлди" ўтказилган. Лекин бу ҳолат этнографик маълумотларнинг достонда акс этиши масаласига у даражада салбий таъсир кўрсатмайди.

Никоҳ маросими билан боғлиқ удумларнинг "Алпомиш" достонидаги ифодасини соф этнологик маълумотлар билан қиёсий ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, достонда ўз ифодасини топган удумларнинг аксарияти тарихий-этнографик асосларга эга. Достонда у ёки бу удумнинг бўрттирилган, тарихийлик даражаси сохталаштирилган хаёлий уйдирма асосидаги тасвири учрамайди.

Этнофольклористика соҳасининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда ва унга илмий таъриф бериш учун, унинг этнографик ва фольклористик жиҳатларини ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ана шу белгилар мажмуидан этнофольклористика келиб чиқади. Масалан, XX асрнинг бошларигача "бахши" атамаси икки маънода қўлланилган. Биринчиси, дўмбира, дутор чалиб, касал танасига ўрнашган деб тасаввур қилинган ёвуз жинларни қувувчи киши (яъни "знахарь"-"табиб", "колдун"- "жодугар") иккинчиси, халқ достонларини ижро этувчи киши (яъни эпик асар ижрочиси) маъноларини англатган[16].

"Бахши" атамаси асосан, ўзбек ва туркманларда "профессионал мусиқачи", "халқ достончиси", қозоқ ва қирғизларда (қоз. "баксі", қирғ. "бакши")-"шомон", "жодугар", "табиб" маъноларида қўлланилган[17]. "Бахши" атамасининг икки маънода қўлланиши хусусида илмий адабиётларда турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, Т.Мирзаев бу масалага ўз муносабатини билдириб, шундай дейди: "бахшичилик санъатини касал боқувчилик, парихонлик, дуохонлик, бадикхонлик билан қўшиб борувчилар ҳақида айрим маълумотлар борки, узоқ ўтмишда бошқа кўпчилик халқлар ижодкорлари каби ўзбек достончилари ҳам бу икки вазифани баровар бажарган бўлишлари керак"[18].

Академик А.Н.Веселовскийнинг фикрича, илк ибтидоий жамоа

тузумининг ривожланиш босқичида магик ирим-сирим ва маросимларни ўтказишда халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланилган. Қадимги одамлар ана шундай маросимлардан кейин уруғ ва қабилалар урушда, овда ва жамоа ишларида муваффақиятларга эришадилар деб ўйлашган. Шу аснода қўшиқнинг магик кучига ишониш ибтидоий жамоа даврида қўшиқчи ҳамда шомон тушунчаларининг уйғунлашувига олиб келган. Бу икки тушунчанинг жуда узоқ давр мобайнида халқ ижтимоий-маиший турмуш тарзида мазмунан бирикиши кейинчалик "бахши" атамасида шомон ҳамда эпик асар ижрочиси маънолари мужассамлашига олиб келган. Демак, "бахши" атамаси қадимий диний тасаввурлар асосида вужудга келган[19] дейиш мумкин. Шу жиҳатдан, этнофольклористика йўналиши этнологик ва фольклористик билимларни тарихий-қиёсий услубда тадқиқ этиб, этнология фани ва фольклористика соҳасининг бевосита боғлиқ жиҳатлари бўйича ўзига хос илмий-назарий хулосалар беради.

"Этнофольклористика" тушунчаси "этнос" ва "фольклор" атамаларини бирикиши натижасида юзага келган. Лекин биз "этнос" ва "фольклор" атамаларига тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки, тарихий-этнологик асарларда мазкур масалаларга оид маълумотлар тадқиқ этилган[20]. Этнофольклористика этнология, филология, тарих, социология ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган. У энг қадимги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги ривоятлар, табу ва меҳнат қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари[21] ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналарида талқин этилган ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йўқлов, бадик, ё рамазон, суст хотин каби этнографик характердаги маросимлар, урф-одат, ирим-сиримлар билан бевосита алоқадордир. Чунки, ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одати, оилавий-маиший маросимлар каби ижтимоий муносабатлари этнология фанини фольклористика билан боғлиқлик даражасини белгилайди.

Этнофольклористика - миллат таркибига кирувчи субэтник гуруҳларнинг маълум бир ҳудудда муқим ўтроқлашув жараёни (этник жараён) билан бирга уларда ўзига хос оғзаки бадиий ижод намуналарининг тарихий-этнографик жиҳатларини тадқиқ этади. Хусусан, халқ достонлари тарихий-этнологик ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ ҳолда тарихан шаклланган. Чунки, халқ достонларининг шаклланиш даври этник бирлик таркибига кирувчи этник гуруҳлараро ижтимоий-маиший муносабатларга боғлиқлиги фикримиз далилидир.

Маълумки, ҳар бир элат ўзига хос маданий хусусиятлари билан бошқа этнослардан ажралиб туради. Этноснинг маданий хусусияти[22] деганда фақат моддий ва маънавий маданият назарда тутилмайди. Бу масалага ёндашганда, ҳар бир этнос миллий маданиятининг барча тармоқлари бўйича эришилган ютуқлар ҳақида, хусусан, элат таркибига кирган ҳар бир этноснинг умумжаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси эътиборга олиниши керак. Янгидан ташкил топган этнос ўз аждодларидан мерос

бўлиб ўтган моддий ва маънавий маданиятнинг ижобий анъаналарини давом эттириб, бойитиб кейинги авлодларга қолдирадиган этник бирлик бўлиб қолиши керак.

Этноснинг этник бирлик бўлиб шаклланиши мазкур этноснинг маълум бир ҳудудда ўтроқлашув жараёни билан белгиланади. Бу ўтроқлашув ушбу этносга хос бўлган муқим этнофольклор маданиятнинг вужудга келишига асос бўлади. Бу ҳолатни ўзбек халқи[23] ва "Алпомиш" достонини шаклланиш даврлари[24] (X-XI асрлар)да умумийлик борлиги билан асослаш мумкин.

Хулоса қиламизки, этнофольклористика соҳасининг тадқиқот доираси ўзбек халқ достончилик анъаналарининг шаклланиш тарихи, достонларда талқин этилган халқ этник тарихи, уларнинг моддий ва маънавий маданият анъаналари ҳамда маросимларига оид этнографик материалларни этнологик манбалар асосида тарихий-қиёсий тадқиқ этиш билан белгиланиши аниқланди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Садохин А.П., Грушевская Т.Г. Этнология. - М., 2000. - С. 28; Этнология. Краткий этнологический словарь. - М.: фонд "Социальный мониторинг", 1994; Аширов А. Этнология. - Т.: "Ўзбекистон Миллий кутубхонаси", 2007. - Б. 276; Яна ўша. Этнология. - Т.: "Ўзбекистон Миллий кутубхонаси", 2007. - Б. 159.

2.Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т., 1986; Муродов О. Древние образы мифологии у таджиков долины Зеравшан. - Душанбе. 1979; Жўраев М. "Келин тушди" маросими. - Т., 2003; Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши. "Насаф", 1999; Диваев А.А. Легенды, былины, демонологические рассказы, приметы и пословицы туземного населения Сырдарынской области. Этнографические материалы. - Т., 1896; Путилов, Б.Н. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. - Л.: "Наука", 1976; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верования и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: "Наука", 1969; Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. - М., 1976.

3.Фольклор и этнография. - Л.: "Наука", 1970; Фольклор и этнография Русского Севера. - Л.: "Наука", 1973; Фольклор и этнография. - Л.: "Наука", 1977; Фольклор и этнография. - Л.: "Наука", 1984: Шамбинаго С.К. Древнерусское жилище по былинам. Юбилейный сборник в честь В.Ф. Миллера, - М., 1900; Пропп В.Я. Специфика фольклора. - Л., 1946; Евсеев В.Я. Исторические основы карело-финского эпоса, кн.. 1. - М.-Л., 1957; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. - М., 1958; Происхождение эпоса. Ранние формы

и архаические памятники. – М., 1963; Соколова В.К. Советская фольклористика к 50-летию Октября. // "Советская этнография", 1967, № 5.

4.Фольклор и этнография. – Л.: "Наука", 1970. – С. 3-15.

5.Путилов Б. Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л., 1974. – С. 76.

6. Эшонқулов Ж. Эпос ва маросим // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2002. № 5. – Б. 12.

7.Интернет сайт: Fayl format Microsoft Wort GTBT. 11.12.2007

8."Кампир ўлди" удуми ўзбек халқи тўйига хос хусусият бўлиб, аслида келиннинг хонадонида ўтказилган.

9.Кармышева Б.Х., Васильев Г.П. Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: "Наука", 1969. – С. 237.

10.Алпомиш. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Б. 166-167.

11.Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Т.: "Фан", 1974. – С. 319.

12.Лобачева Н.П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 302-320.

13.Кисляков Н.А. Очерки по истории семые и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: "Наука" 1969. – С. 103.

14.Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. стр. 206-207. Он же. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – С. 107.

15. Наливкин В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886; Наливкин, М. Туземцы раньше и теперь. Тш., Изд. А. Л. Киренева, 1913; Гребенкин А.Д. Узбеки, – С. 62-66; 81-88; Сухарева О.А. Некоторые вопросы брака и свадебные обряды у таджиков кишлаки Шахристана. "Сб. научного кружка при восточном факультете Среднеазиатского гос. университета". Вып. I. Ташкент, 1928 г., – С. 73-89; Сухарева О.А. Свадебные обряды таджиков г. Самарканда и некоторых других районов Средней Азии // "Советская этнография". Вып. III. 1940. – С. 172-176; Кисляков Н.А. Семья и браков у таджиков. "Труды Института этнографии АН СССР", т. – М.-Л., 1959. – С. 181-210; Сафаров О. "Келин ўтирсин" ва "куёв ўтирсин" маросим қўшиқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1989. № 5. – Б. 35-39; Сафаров О. "Куёв элтиш" ва "келин элтиш" удумлари ва жорлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1991. № 6. – Б. 35-39

16. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947. – С. 25.

17. Қаранг: Самойлович А.Н. Очерки по истории туркменской литературы, – С. 131. Радлов В. Опыт словаря тюркских наречий, Т.

IV, – С. 1445.

18. Мирзаев Т. Халқ бахшилари эпик репертуари.–Т.:"Фан",1979.– Б. 10.

19. Қаранг: Веселовский А.Н. Историчекая поэтика. – Л., 1940. – С. 208.

20. Токарев С.А. Проблемы типов этнических общностей // Вопросы философии. 1964. № 11; Козлов В.И. О понятии этнической общности // СЭ. 1967. № 2. – С. 100–110; Ўзбек совет фольклори масалалари. – Т.: "Фан", 1970. – Б. 219; Проблемы этнического самосознания и ее место в теории этноса // СЭ. 1974. № 2. – С. 79–92; Чистов К. В. Этническая общность, этническое сознание и некоторые проблемы духовной культуры // СЭ. 1976. № 3. – С. 73–85; Бромлей Ю.В. Этнос и этнология. – М., 1973; Очерки теории этноса. М., 1983; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: "Ўқитувчи", 1990. – Б. 4.

21. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: "Фан", 1981. – Б. 7.

22. Чебоксарев Н.Н., Чебаксарев И.А. Народы, расы и культура. – С. 164, 168; Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М., 1973. – С. 47–77; Козлов В.И. Этнос и культура // СЭ. 1979. № 3. – С. 71–86.

23. Аҳмедов Б.А. Ўзбек улуси. – Т.: "Мерос", 1992; Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи. – Т.: "Шарқ", 2001.

24. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: "Фан", 1981. – Б. 49.

Р Е З Ю М И

Мазкур мақолада этнология фани аспектида фольклор материалларини ўрганишнинг назарий жиҳатлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, этнология ва этнофольклористика фанларининг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари, уларни тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари, этнография фанида халқ оғзаки ижодиёти ҳодисалари умумий ҳолатда, унинг бошқа факторлари билан биргаликда ўрганилганлиги, халқ оғзаки ижоди материаллари тарихий тадқиқотларда, тарихий адабий ва тилшунослик ишларида кенг ёритилганлиги, бироқ у халқ табобати, тарих, адабиёт, тил ва ҳоказоларнинг айрим аспектларининг дастлабки босқичларини илмий тавсифлаш учун ишлатилганлиги, аслида халқ оғзаки ижодиёти мазмунан этнография фанидаги йўналиш сифатида фаолият юритганлиги каби маълумотлар тадқиқ этилган.

Р Е З Ю М И

В статье анализируются теоретические аспекты изучения фольклорных материалов с точки зрения этнологии. Также взаимосвязь этнологии и этнофольклористика, особенности их изучения, изучение явлений фольклора в целом в области этнографии, наряду с другими факторами, материалы фольклора широко освещаются в исторических исследованиях, исторической литературе и языкознании. ... использовалось для научного

описания ранних этапов некоторых аспектов народной медицины, истории, литературы, языка и т. д. Фактически, народное устное искусство функционировало как направление в науке этнографии с точки зрения содержания.

SUMMARY

This article analyzes the theoretical aspects of the study of folklore materials in terms of ethnology. He also noted that the interrelationships of ethnology and ethnofolklore, the peculiarities of their study, the study of the phenomena of folklore in general, along with other factors, the materials of folklore are widely covered in historical research, historical literature and linguistics. used to scientifically describe the early stages of some aspects of folk medicine, history, literature, language, etc., in fact, folk oral art functioned as a direction in the science of ethnography in terms of content.

TADQIQOT

# ILK O'RTA ASRLAR SUG'DDA MUSIQA VA RAQS SAN'ATI

**Жаҳонгир Турдиалиев,**
СамДУ тадқиқотчиси

Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа ва рақс санъати бугунги Ўзбекистон ҳудудларида ўз тараққиётининг юқори чўққисига қиққан. Марказий Осиёнинг муҳим географик ва сиёсий нуқтаси ҳисобланган Суғд тарихий-маданий давлат уюшмаси, хусусан, унинг маркази Самарқанд қадимий Шарқ мусиқа санъатининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб келган.

Бу даврда суғдийлар Буюк Ипак йўлида тўла ўз ҳукмронликларини ўрнатганлар. Бу йўл орқали суғдийларнинг ҳунармандчилик буюмлари, турли-туман савдо маҳсулотлари, маданияти ва шу билан бирга мусиқа маданияти ҳам Шарқий Туркистон, Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача етиб борган. Хитойлик олим Сун Сяннинг ёзишича V асрдан X асргача Самарқандлик суғдийларнинг қўшиқлари, рақслари ва мусиқа асбоблари доимий равишда Хитой императорларининг саройлари, шаҳар ва қишлоқлари кўчалари бўйлаб таралиб турган .

Хитой императори ва юқори мансабдорларнинг саройларида Трансоксиана (Ўрта Осиё) ва Шарқий Туркистондан келган мусиқачиларга юксак санъатлари боис юқори даражада ҳурмат кўрсатилган. Т.Ширинов, А.Бердимуродов ва А.Раимқуловларнинг келтиришича, Япониялик олим Кисибэ Тан империяси саройида фаолият кўрсатган ғарблик, яъни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонлик ўттиз битта мусиқачининг номини аниқлаган .

Бир сўз билан айтганда, илк ўрта асрлар Суғддаги санъатнинг мусиқа ва рақс соҳалари Хитой императорлари саройида намойиш этилиб, юксак баҳоланган. "Чарх ураётган қизлар гирдоби"да чочлик, кумедлик, кешлик, маймурғлик ва самарқандлик раққосаларнинг маҳорати акс этди. Бу рақс намуналари турк ва хитой раққосалари томонидан ўзлаштирилиб, ижро этилган. Турклар ва хитойлар орасида кўплаб суғдий мусиқа асбоблари, жумладан Бухоро мусиқа асбобларининг ўнга яқин хили маълум эди. Қўшиқларни якка ва жўр ижро этиш расм бўлган. VII асрда Ўрта Осиё қўғирчоқ театри Хитойга кириб бориб, хитойликлар томонидан унинг ютуқлари ўзлаштирилган эди .

Суғдда қўлга киритилган мусиқа рақс ютуқлари Шарқий Туркистон, Хитой, Узоқ Шарққа доимий равишда "экспорт" қилиниб, бу мамлакатларнинг мусиқа, қўшиқчилик ва рақс санъатининг ривожига катта таъсир кўрсатган. Хитойшунос Э.Шефер бу ҳақда маълумотлар келтиради. Унда келтиришича, суғдийларнинг мусиқа асбоблари, ижроси, кийимлари, рақс

турлари Шарқий Туркистон орқали Хитой ва Узоқ Шарққача борган. Унинг маълумотларида "Суғдликлар вино ичаяптилар", "Тўп ўйинда мусиқаси", "Қордаги сув билан чўмилиш рақси" каби алоҳида мусиқа ва рақс номлари келтирилиб, уларнинг Хитой ва унга қўшни минтақаларда машҳур бўлганлигининг келтирилтирилиши бунинг исботи десак муболаға бўлмайди.

Хитой йилномаларида келтирилган бундай маълумотларнинг тўғрилигини бу ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шимолий Хитойда олиб борилган археологик қазишмалар даврида VI – VII асрларга оид бадавлат суғдий аслзоданинг қабри топилган бўлиб, бу қабрдан чиққан мармар тоштахтанинг юқори қисмида суғдий аслзода ва унинг хотини хизматкорлари қуршовида базм уюштираётганлиги саҳнаси, пастки планда эса Хитойга бориб ўзларининг санъатларини намойиш этаётган суғдлар мусиқа ансамбли тасвирланган. Ансамблда ўнтача машшоқ иштирок этган. Улардан бир нечтаси уд, иккитаси най, иккитаси бир қўли билан ушлаб иккинчи қўли билан уриб чалинадиган ноғорасимон асбоб ушлаб олган. Битта созанда эса арфа чалаяпти. Созандаларнинг ўртасида эса раққос. Раққоснинг ҳаракатидан, аниқроғи қўлларининг тепага қаратиб тик ҳолатда ушлаб туришидан унинг силтаниб рақсга тушаётганлигини англаш мумкин. Бундай рақсга тушиш кўпроқ эркаклар учун хослигини ҳисобга олсак, бу ерда эркак раққос тасвирланганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Шу ўринда мавзуга доир яна бир мисол. Юқорида таъкидланган Шимолий Хитойдан топилган суғдий этнос вакилига тегишли бўлган қабр тошида келтирилган лавҳа суғдийларнинг Хитойдаги маданий ҳаётига доир муҳим маълумот беради. Япониянинг Шига префектурасининг Кого шаҳри Михо музейида сақланаётган ушбу мармар тош лавҳа (баландлиги 61,5 см)да бой суғдий оиланинг базм жараёни акс этган бўлиб, юқори саҳнада хонадон соҳиби бўлган суғдий аслзода ва пастдаги саҳнада мусиқачилар акс эттирилган. 7–8 нафар мусиқачи арфа ва найда мусиқа чалаётган жараёнда раққосалар шўх куйга рақс тушаётган ҳолати маҳорат билан ишланган.

Ўз ишини маҳорат билан бажарётган ушбу раққосалар "суғд рақси"ни амалга оширишмоқда. Бу рақс Тан империяси даврида Хитойда машҳур бўлган рақс бўлиб, айни давр шериятида машҳур суғдий раққос Анрокузан император Генсо қаршисида ушбу рақсни ижро этганлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, манбалардан маълум яна бир ҳолат Тан империяси даврида суғдий мусиқаларнинг хитой императорлари саройи мусиқа репертуарига киритилгани ҳам эътирофлидир .

Ўрта Осиё халқларининг мусиқаси арабларни ҳам ҳайратда қолдирган. Халифа Волид II Хуросон ноибидан (бу даврда ноиб Наср ибн-Саййор бўлган) Хуросондан зиёфат учун машшоқларни юборишни сўраган.

Аксарият ҳолларда ёзма манбалардаги малумотларни археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Муғ қалъаси харобаларида олиб борилган қазишмалар чоғида узунлиги 27 см бўлган най топилган. Лайлак суягидан ясалган бу найнинг тешиклар 6 та бўлиб улар турли масофада жойлашган. Ушбу най қалъанинг хазина қисмида олиб борилган тадқиқотлар натижасида

топилган .

Илк ўрта асрларга доир юқорида келтирилган топилма ягона материал эмас. Суғдда унга қадар ҳам мусиқа ва рақснинг ҳамоҳанг ривожланганлиги тўғрисида маълумот берувчи турли артефактлар топилган. Жумладан, Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидаги бронза даврига оид қабрдан топилган ҳайвон суягидан ясалган мўъжазгина сивизғи – найдир. Унинг сақланиб қолган узунлиги 4,2 см бўлиб ташқи томони ҳафсала билан силлиқланган, икки томони кўндалангига кесилган, ўртасида ромб шаклида тешик бор. Шу хилдаги бошқа топилмалар эса Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбдан топилган милоддан аввалги I асрларда оид бир нечта уд чалаётган аёл акс этган терракота ҳайкалчаларидир. Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёб ва Панжикент шаҳар харобаларида очиб ўрганилган саройлар, хонадонларнинг деворларида кўплаб мусиқачилар тасвирлари мавжуд. Улардан бирида арфа чалаётган, ғоятда башанг кийинган аслзода аёл тасвирланган бўлса, бошқа бир суратда мусиқачилар гуруҳи ўз аксини топган. Бу деворий суратлар ниҳоятда жонли, ҳаққоний тарзда берилганлиги улар ўз даврининг машҳур мусаввирлари томонидан чизилганлигидан далолат беради .

Ўрта Осиёнинг яна бир тарихий вилояти Суғдга қўшни Уструшона ҳудудида ҳам мусиқа тарихига оид топилмалар қўлга киритилган. Уструшонанинг марказий шаҳри харобалари бўлмиш Шаҳристон ёдгорлигида очилган илк ўрта асрларга оид сарой хоналаридан бирининг деворида мусиқачилар тасвирланган. Бошқа бир ёдгорлик – илк ўрта асрларга оид маҳобатли қаср харобалари бўлган Чилҳужрадан қамишдан ва ёнғоқ ёғочидан ясалган иккита найнинг парчалари топилган эди .

Илк ўрта асрлар суғддаги рақс санъати излари ҳунармандчиликда ҳам акс этгани билан муҳим аҳамиятга касб этади. Хусусан, Суғд ҳайкалторошлиги намуналарида кўплаб мусиқа рақсга оид артефактлар мавжуд. Ҳайкалтарошлик деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида тошга ўйилган ҳайкалларни ясаш намоён бўлади. Панжикент ҳайкалтарошлигида кўпроқ ёғоч ва ганчдан керакли қиёфа ясалган. Буни ўзига хос ўймакорлик деса ҳам бўлади. Панжикентда ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик уйғунликда ривожланган. Уларнинг етиб келган намуналари намлик натижасида ўз ҳолатини йўқотган ҳамда шаҳарга ёнғин кетган вақтда нобуд бўлган. Маъмурий биноларнинг қарийб ҳаммасида ёғоч ҳайкалтарошлигининг парчалари топилиб, улар асосида Панжикент ҳайкалтарошлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ёғоч ҳайкалтарошлиги намуналари III/47, VII/11 рақамли бинолардан кўпроқ топилган. Улар орасида раққоса қизнинг ўйинга тушаётган ҳолатдаги ҳайкали диққатга сазовор. Унинг чап қўли биқинида, оёқлари эса ўйинга мос равишда қўйилган. Тананинг қуйи қисмини раққосани безаб турган тақинчоқлари ёпиб турибди. Ушбу ҳайкалтарошлик намунаси ҳинд ҳайкалтарошлигини эслатади. Бу ёғоч ҳайкал 722 йилдаги ёнғин натижасида ёниб асл ҳолатини йўқотган. Унинг бўйин қисми тақинчоқлар билан ёпилган. Ҳайкалтарош ўймакор унга шундай

табиийлик берганки, раққоса қизнинг рақс авжидаги ҳолда эканлигини англаш қийин эмас. Рақс авжига чиққан вақтда раққоса баданининг юқори қисмини ёпиб турувчи мато тушиб кетади ва томошабинлар ярим ялонғоч ҳолатдаги раққосани кўришлари мумкин бўлган . Ҳайкалча айни ўша рақс авжига чиққан бир сониядаги ҳолатда акс эттирилган .

Суғднинг Панч вилояти маркази бўлган Панжикент шаҳри мусиқа ва санъатга доир кўплаб материаллар берди. Панжикентдан топилган турар-жойлар орасида қурилиши жиҳатдан бошқа иншоотларга ўхшамайдиган, майдони (81 м?) жиҳатдан ҳам бошқаларидан каттароқ бино харобаси топилган. Залнинг шарқий девори томонида йирик саҳна жойлашган бўлиб, шимолий девор томонидан иккита катта эшик топилган. Тадқиқотчи бу иншоотнинг шаҳар аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган томоша зали бўлганлигини тахмин қилади . Бу ердан ибодатхона, сарой ёки тураржой биносини эслатадиган топилмалар аниқланмаганлиги учун шундай хулоса чиқарилган. Агарда ҳар м? майдонга икки кишидан тўғри келса, 160 кишини бу томоша зали ўз бағрига сиғдирган. Томоша залининг катта қисмини саҳна ташкил этганлигини инобатга оладиган бўлсак, ўртача ҳисобда ундан 100 томошабин жой олган . Бу томоша залида маҳаллий аҳоли ҳордиқ чиқарган. Раққосалар рақсга тушиб, мусиқачилар куй чалишган.

VIII асрда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши бу ўлка халқларининг, айниқса суғдийларнинг асрлар давомида яратилган оламшумул маданиятига, бадиий ва амалий санъатига ва шу жумладан мусиқа санъатига ҳам қаттиқ зарба берди. Асосан сиёсий ҳукмронликка даъво қилган араб истилочилари суғдийларнинг ёзув маданиятини, тилини ва динини тамоман йўқ қилган бўлсаларда, оддий халқ ичида кенг тарқалган мусиқа маданияти тамоман йўқолиб кетмади. Иккинчи томондан Ўрта Осиё халқларининг арабларга қарши олиб борган ва қарийб юз йил давом этган курашлари ниҳоя топиб бу ўлкада бошланган тинчлик шароитида, умумий давлатлар ва ягона дин остида бирлашган Ўрта Осиё, Эрон ва Олд Осиё халқларининг мусиқа маданиятлари бир-бирларига яқинлашди. Мисол тариқасида, қадимдан Ўрта Осиё ва Эрон ўлкалари учун хос бўлган уд чолғу асбоби Олд Осиё, Шимолий Африка ва ҳатто Испания (Андалузия)гача тарқалганини келтириш мумкин .

Илк ўрта асрларда Суғдда тараққий этган мусиқа ва рақс санъати ривожланган ўрта асрлар даврида янада равнақ топиб, дастлабки уйғониш (IX-XII) даврида маданиятнинг муҳим тармоғига айланган эди. Бу даврда ижод қилган қомусий олим Абу Наср Фаробий (870-950) мусиқа санъатининг муҳим фан йўналиши эканлигини янада аниқлаштириб, бу борада ўзининг "Мусиқа асбоблари тўғрисида"ги рисоласини ёзди.

Форобийнинг "Мусиқа асбоблари тўғрисида" деб номланган китобидан маълумки, Ўрта Осиёда қадимданоқ ўнлаб турдаги мусиқа асбобларидан фойдаланилган. Бу мусиқа асбоблари жўрлигида ансамбли ижроси амалга оширилган ва ансамб ижросида ҳам бошловчилик ролини уд бажарган. Форобий танбур, рубоб ва арфани уд жўрлигига қандай созлаш кераклиги

тўғрисида ҳам кўрсатмалар берган. Чолғу асбобларининг турлари, ансамбл ижроси тўғрисидаги тарихий фактларни археологик топилмалар ҳам қувватлайдилар . Мисол тариқасида Амударё бўйида жойлашган Айртом ёдгорлигидан топилган милоднинг I-II асрларига оид фризда уд, арфа ва барабан чалаётган аёллардан ташкил топган ансамблни, шарқий Суғдда жойлашган Панжикент, Сурхон воҳасидаги Болаликтепа ва қадимги Уструшонанинг марказий шаҳри Шаҳристон ёдгорликларидан топилган деворий суратларда юксак маҳорат билан ишланган ансамблар тасвирларини келтиришимиз мумкин.

Хуллас, илк ўрта асрларда Суғдда мусиқа ва рақс санъати эмперик билимларнинг муҳим соҳаси сифатида тараққий этиб, бу археологик артефактлар, деворий суратлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари, халқ оғзаки ижоди, шеърият ва адабиётда ҳам акс этгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Масаланинг муҳим жиҳати шуки, илк ўрта асрларда ривож топган ушбу санъат соҳалари Буюк Ипак йўли орқали Шарқий Туркистон, Хитой ва Ҳатто Японияга қадар кириб борган. Араблар орқали эса Суғд мусиқаси ва санъати Испанияга қадар етиб борган ва уларнинг маданиятига таъсир кўрсатган. Ушбу таъсирлар ўз навбатида ривожланган ўрта асрлар даврига келиб мусиқа санъатининг юқори босқичига кўтарилишига ҳамда уйғониш (IX-XII) даврида алоҳида билим тармоғи сифатида ривожланишида замин бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сунь Сян. Самарканд и Древний Китай // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. Б. 118.

2. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Раимқулов А.А. Шарқ мусиқасини улғайтирган юрт. Самарқанд, 2009. Б. 17.

3. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLEX, 2010. Б. 63.

4. Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. Москва: Наука, 1981. С. 80-82.

5. Когучи Ясуо. Согдийская культура и согдийцы в Японии // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро симпозиум материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. Б. 124.

6. стория ат-Табари / Перевод с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. Ташкент: Фан, 1987. С. 278.

7. Эргашева Б.С. Суғд ва Уструшона заргарлик санъати ҳунармандчилиги асбоблари ва буюмларини археология манбаларида ёритилиши / Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида. Конференция материаллари. Самарқанд, 2010 йил 25-26 ноябр. Б. 80.

8. Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панч мулкининг тутган ўрни (илк ўрта асрлар мисолида): тарих фанлари номзоди диссертацияси.

Тошкент: ФА Тарих институти, 2011. Б. 141-142

9. Воронина В.Л. К вопросу о типе общественных сооружений раннесредневекового города Средней Азии // СА. Москва, 1957. №4. С. 83-92.

10. Беленицкий А.М. Вопросы идеологии и культов Согда (по материалам пянджикенских храмов) // Живопись древного Пянджикента. Москва: Искусство, 1954. С. 25-83; Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. Москва: Искусство, 1973. 65 с.; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Ленинград: Наука ЛО, 1973. 389 с.

TADQIQOT

# AMIR MUZAFFARNING IJODKOR FARZANDLARI VA BUXORO ADABIY MUHITI TARIXI

**Шерхон ҚОРАЕВ,**
"ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университетининг
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

**Калит сўзлар:** Нозим, девон, шеърий баҳслар, тазкиралар, тарихчилар.

Бухоро амирлиги ҳукмдори Амир Музаффарнинг ўн тўрт нафар ўғли бўлиб, шуларнинг тўрт нафари ижод билан шуғулланган.

Манғитлар сулоласининг ижодкор вакилларидан бири шоир Саййид Нуриддин тўра Амир Музаффарнинг иккинчи ўғлидир. Манбаларга кўра, "чор истилоси даврида ота (Амир Музаффар) ва тўнғич ўғил Абдумалик тўра ўртасида ихтилоф чиқиши натижасида Амир Музаффар уни тожу тахт вориси ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этади. Айни пайтда Чоржўй беги вазифасида турган бошқа ўғли – Нуриддинни тожу тахт вориси этиб тайинламоқчи бўлиб турганда, у тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг бошқа ўғли – Абдулфаттоҳни тахт вориси этиб тайинлайди. Уни ҳатто 1869 йилда рус императори Александр III ҳузурига юбориб, тахт ворислигига унинг розилигини олади.

Аммо бу ўғли ҳам тусатдан вафот этади. Амир Музаффар бу жудоликлардан сўнг суюкли ўғли – Абдулаҳадни тахт вориси этиб тайинлайди".

Тарихчи Зиё Садр "Шарифжон Махдумнинг шахсий кутубхонаси" асарида манғитларнинг мазкур шоир шаҳзодаси – Саййид Нуриддин Тўра ҳақида сўз юритиб, мадҳ этади: "Фасоҳат ва чечанлик майдони чавандози ва заковат ўлкаси ҳукмдори, хушбаёнлик тўпининг байроқдори, сухандонлик осмонининг юлдуз минган шоҳсувори, дилга ёқар шеърлар нозими ва олий байтлар шоири, кўпни билувчи фозил ва ширинзабон донишманд, бошдан – оёқ оқил саналган шаҳзода, яъни Чаҳоржўй (Чоржўй) волийси, салтанат меваси, одоб эгаси Саййид Нуриддин Тўрадир". Бундан маълум бўладики, шаҳзода бадиий ижод билан шуғулланган. Ҳатто шеърларини тўплаб, девон тузган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Амир Музаффархоннинг яна бир ўғли зуллисонайн шоир Бухоро ҳукмдори Абдулаҳадхон ҳам "Ожиз" тахаллуси билан форсча-тожикча ҳамда ўзбекча шеърлар битган:

Қил мурувват ҳолима эй хўбларнинг сарвари,
Токи бўлғай меҳнату андуҳ ҳижрондин нари,
Ожизи бечораға кўрсат юзингнинг ахтари,

Чеҳра кўрсат қилма истиғно Амирға эй пари,
Кўрмаса бир дам қачон сабру қарори бор экан.

Ўзбекча шеърлар ёзган Абдулаҳадхон Умархон Амирийнинг қатор ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Муҳаммад Али Балжувоний "Тарихи нофеий" асарида ҳукмдор шоирни "султони замон, шоири офоқ ва даврон, булбули бўстон" деб атаган. Девон тузган, "Абдуаҳадхон "Ожиз" тахаллуси билан танилган соҳибидевон шоир эди". Аммо тарихчилар Ҳ. Тўраев ва Б. Болтаевлар ҳукмдор шоирнинг махсус девон тузмаган, деб таъкидлашган. "Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана" номли китобда ҳам унинг девон тузмагани айтилган.

Қуйида Ожизнинг Мулло Шариф Анбарга ёзган шеърий жавоб ғазалининг матнини (парчани) келтирамиз:

Ҳалли мушкилҳо, зи лутфи ҳаййи акбар ёфтам,
Ҳосили мақсуд аз роҳи паёмбар ёфтам.
Ў зи рўйи осмон гуфто – вумо тахти фалак,
Соли таърихаш чунун аз машқи Анбар ёфтам.

(Мазмуни: Мушкуллар ҳаллини Худо лутфидан топдим, Мақсадларим ҳосилини пайғамбар йўлидан топдим. У осмон юзидан айтдию, биз фалак остида, Таърих йилини Анбар машқидан топдим.)

Афтидан шоир Анбарнинг шеърида абжад усулида бирор бир сана берилганки, амир зийраклик ва дид билан буни назмда ифода этган.

Албатта, Бухоро амири Абдуаҳадхон ажойиб шеърлар ёзган:

Дўстлар, айланг дуо бу дийдаи хунбор учун,
Айрилибман хонумонимдин, билинг, дилдор учун!

""Фазилат ва сухан гулистонининг булбули" бўлган мазкур амир ўз замонасининг баландпоя, баландпарвоз шоири бўлиб, у яхши шеър ёзар, кўнгилга яқин гаплар айта олар, воқеанависликда ўз даврининг ягонаси эди. Унинг мисра ва рубоийлари бизгача етиб келган. Чунончи, Ҳожи Неъматилло Муҳтарам томонидан мазкур амир топшириғи билан тузилган "Тазкират уш-шуаро"да "Ожиз" тахаллусли амир Абдулаҳадхон шеърларидан намуналар келтирилади. Бухоролик шоир Қори Раҳматулло Возеҳ (1818-1894)нинг "Туҳфат ул-аҳбоб фит тазкират ул-асҳоб" номли китобида Амир Абдулаҳадхон "Ожиз" тахаллуси билан шеърлар битгани қайд этилиб, шеърлари ҳавола қилинган.

Манбаларда ёзилишича, Амир Саййид Абдулаҳад фиқҳ, мантиқ, фалсафа илмларини замон устозларидан ўрганиб, адабиёт соҳасида ҳам чуқур билимга эга бўлган. Унинг саройи фозиллар, шоирлар, ёзувчилар билан доим тўла эди". Абдулаҳаднинг тарбиячиси бўлган Ҳамид Маъқул унда илмий қизиқишларни уйғотишга муваффақ бўлган. Унинг таъсирида бўлса керак, Абдулаҳад адабиётни, айниқса, назмни севадиган бўлиб қолади. Ҳатто ўзи ҳам (болалигидан) шеърлар битади. Амир Абдулаҳадхон жуда ўқимишли ва зиёли бўлган. Ўзбек тилидан ташқари форс ва рус тилини мукаммал билган. Фаранг тилида ҳам гапира олган. Араб тилида Қуръонни яхши ўқиган. Амир Абдулаҳадхоннинг маданиятли, маърифатли ва одил

раҳбар бўлганлигини Садриддин Айнийнинг "Эсдаликлар" китобида, Афзал Пирмастийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарларида ҳам ёритилган (Бухорода битилган байтлар, Т.:1962. -Б.110).

У ҳаёти давомида доим зиёли, илм - фан намояндаларини ўз атрофига тўплаган. Адабий базмлар ташкил этган. Мушоиралар ва шеърий баҳслар уюштирган. Аҳмад Дониш адабий базмларни "ашула ва рақс" йиғинлари деб атаган. У ҳукмдорнинг отаси амир Музаффар ҳам ўғли каби айшу ишрат билан машғул бўлганини ёзган: "Кеч киргач бир жамоа эркак ва аёл раққосалар, амир хизматидаги эркагу аёллар ўрда саҳнига рақс ва ашула билан кириб келарди. Шаҳар аҳолиси эшитсин деб қўшиқ нақоратига баланд овоз билан "Ҳазрати олийлари саломат бўлсинлар" деб куйлайлар. Бу мажлиснинг бошланиши хуфтон намозига азон айтилиш вақтига тўғри келарди". Тарихчи Ҳалим Тўраевнинг ёзишича, Амир Абдулаҳадхон Карманада турган вақтида ўзининг Чармгар чорбоғидаги саройида ҳам худди шундай адабий кечалар ўтказиб, унга маҳаллий шоирлар ва шеърият ихлосмандлари, олим ва фозилларни таклиф қилган. Бундай мушоираларда Рудакий, Фирдавсий, Бедил, Ҳофиз, Алишер Навоий ва бошқа таниқли Шарқ шоирларининг ғазаллари ва рубоийлари билан биргаликда сарой шоирларининг шеърлари ҳам ўқилган. Бундай йиғинларда Абдулаҳадхон Ожиз ўз шеърларини ўқиб берар, адабиёт соҳасида чуқур билимга эга эканлигини намойиш қиларди.

Амирнинг севган шоири Шоҳин Малик бўлиб, у сарой шоири ҳисобланар эди. У амирга бағишлаб қатор қасидалар ёзган ва Чармгар чорбоғидаги адабий кечаларда доимо қатнашган.

Амир Абдулаҳад адабиёт ва санъат ихлосмандларидан моддий ва маънавий кўмагини дариғ тутмаган. Бухоро шаҳрида энг бой шахсий кутубхона амирнинг қозикалони Шарифжон Махдум кутубхонаси ҳисобланган. Яна бири Абдулаҳаднинг укаси Сиддиқхон тўра (тахаллуси Ҳашмат)га қарашли бўлган. Ҳашмат Карманада яшаган ва шахсан Амирнинг топшириғи ҳамда унинг тарафидан ажратилган маблағларга қимматбаҳо қўлёзма китоблар йиққан.

Афзал Пирмастий, Мулло Шариф Анбар, Мирза Шамсиддин Дойи, Муҳаммад Аминхўжа Эшон каби кўплаб шоирлар амир ҳомийлиги ижод қилган. Уларнинг ижодида Оллоҳ таолога илтижо, маъшуқани тасвирлаш, (ҳукмдорни) мадҳ этиш яққол кўзга ташланади. Қаҳрамон Ражабов Амир Абдулаҳадхон даврида унинг Бухоро ва Карманадаги саройларида тарихчи олимлар Аҳмад Дониш, Мирзо Азим Сомий Бўстоний, Мирзо Салимбек (Салимий), Муҳаммад Шарифхон (Садр Зиё), Ҳамид ибн Бақохўжа, шоирлар Афзал Пирмастий, Шоҳин Малик, Ҳожи Неъматулло Махдум (Муҳтарам), Мулло Абдураҳмон (Тамкин), Муҳаммад Содиқ Хўжа Гулшаний, Қори Раҳматуллоҳ Бухорий (Возеҳ)лар яшаб ижод қилишганини ёзган. Сарой шоири Туғрул ўз қасидасида бошқа назм аҳли каби амирни шундай мадҳ этган:

Подшоҳо, дар замини давлатат,

Кам шуда расм тазаллум аз замон.
Манаояд нолаи дар гўши кас,
Жуз фиғони булбул андар гулистон.

(Мазмуни: Эй подшоҳ, сенинг ҳукмронлигинг даврида замонда зулм камайди. Кишилар қулоғига нола – афғон етмасдан, боғ – бўстонлардан булбул навоси тараладиган бўлди.)

Маълумки, "Бухоро адабий муҳитида анъанавий икки тиллилик бу даврда ҳам давом этди. Амир Абдулаҳадхон (1859–1910) сиёсий ҳаётнингтина эмас, адабий ҳаётнинг ҳам энг эътиборли вакили эди. Айниқса бу унинг амирлик даври (1885–1910)да яққол намоён бўлди. Соҳибдевон ҳукмдор шоирнинг адабиётга яқинлиги шу даражада эдики, айрим туман ҳокимлари, масалан, Ҳисор ҳокими Авлиёқулибек "Ҳусайний" тахаллуси билан девон тартиб қилган эди.

Абдулаҳадхоннинг рағбат ва ҳиммати билан Афзал Пирмастий (1915 й. в.э.), Неъматулла Муҳтарам (1920 й. в.э.), Мирсиддиқ Ҳашмат (Амирнинг укаси), Абди кабилар тазкиралар тузиб, анъанавий тазкирачиликни янги-янги асарлар билан бойитдилар". Маълумотларга кўра, "Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг тавсияси билан Бухорода XX аср бошида Афзал Махдум Пирмастий тузган "Афзали ут тазкор фи зикриш шуаро вал ашъор" ("Шоирлар ва шеърлар ҳақида Афзал тазкираси") деб номланган тазкирада XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб, ижод қилган 135 нафар шоир ҳақидаги маълумотлар жамланган. Бу даврда яна қатор тазкиралар тузилиб, анъанавий тазкиранавислик янги асарлар билан бойитилган.

Хусусан, (Абдулаҳаднинг укаси) шаҳзода Саид Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат тузган "Тазкират уш – шуаро" номли тазкирада Бухорода яшаб ижод қилган 60 дан ортиқ шоир, уларнинг тахаллуси, таржимаи ҳоли, машҳур шеърлари ҳақида сўз боради. Ҳожи Абдулазим Шаръий тузган "Тазкираи шуарои Абдулазим Шаръий" номли тазкирада XIX аср охирида Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда яшаб ижод қилган шоирлар ва олимлар ҳақида сўз юритилади. Неъматулла Муҳтарамнинг насрий матнда форс тилида ёзган "Тазкираи Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарам" номли тазкирасида XIX аср ва XX аср бошида Бухорода яшаб ижод қилган шоирларнинг тахаллуси, исми, насаби, ёзган асарлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ожиз тахаллусли амирнинг шеърларидан ҳам намуналар келтирилган. Чунончи унинг қуйидаги тўртлиги ҳам ана шу тўпламда берилган:

Муҳтарам он ки умдат фузало,
Хаст маддоҳи Хисрави доно.
Рухсаташ дод ҳам ба тарихаш,
Кард ижозат ба Муҳтарам гуфто.

(Мазмуни: Муҳтарам фозиллар пешқадами бўлгани билан замон ҳукмдорига мадҳ айтгувчидир. Ҳукмдор тарихини битмакка рухсат этганидан сўнг Муҳтарам ҳам ишга киришди.)

Абдий Мирабдуллахўжанинг "Тазкираи Абдий" (Ёки "Тазкират уш-

шуарои мутааххирини Бухоро") ҳамда "Тазкират уш-шуаро" (1904) номли тазкираларида Амир Абдулаҳад даврида яшаб ижод қилган 118 нафар шоир ҳақида маълумотлар жамланган".

Нақл қилинишича, шоир ва тарихчи Мирзо Сомий "қариган чоғида Абдулаҳадхоннинг саройида қувилади. У саройга қайтиш ва олдинги мавқеини тиклашга анча ҳаракат қилган. Саёҳат қилишни хуш кўрадиган ва саёҳатлари ҳақида китоблар ёзган Амир Абдулаҳад назарига тушиш учун араб ёзувчиси Ҳусайн ат-Тавиронийнинг саёҳатга бағишланган асарини таржима қилиб, таржимасини Абдулаҳадга бағишлайди. Бундан ташқари, ўзининг "Миърот ал-хаёл" асари билан ҳам худди шундай йўл тутади. Асарининг бошида, охирида ва махсус бобларда Амир Абдулаҳадни хушомадгўйлик билан мақтайди:

Вале махдуми ман шахсест доно,
Суханро назди у қадрест воло.
Дилаш аз гармийи маъни ба чўш аст,
Рауф асту ҳалиму айбпўш аст.

"Миръот ал-хаёл"нинг хотимасида Сомий амирга мурожаат этиб: "Ёмғиру шамол таъсир этмайдиган устувор бино ижод қилиб, унинг қабулига ҳавола қилаётганини" таъкидлайди ҳамда подшоҳдан ўзини авф этишини сўрайди:

Талаб фи ризойи шаҳриёрам,
Ба хабари афву ризо матлаб надорам.

(Мазмуни: "Шаҳриёрим ризонинг талабгориман, Унинг кечирими ва ризолиги хабаридан бошқа мақсадим йўқ".)

Хуллас, шоир Мирзо Сомий саройдан четлатилганидан то "Миръот ал-хаёл" ёзиб тугалланган 1904 йилга қадар амир Абдулаҳадга узрхоҳлик билан қасидаю шеърлар битиб, ундан кечирим сўрайди ва ўзининг оғир аҳволини баён қилади, бир неча асарлари ва таржималарини унга бағишлайди".

Саёҳат қилишни хуш кўрадиган Амир Абдулаҳадхоннинг Россияга навбатдаги сафари 1892 йилнинг декабрида бошланган бўлиб, бунда у ўғли Мир Саййид Олимхонни Петербургдаги ҳарбий олий мактабга ўқишга жойлаштириш мақсадида борган ва ўзининг 1892 йил декабрь - 1893 йил февраль ойлари давомидаги сафари тафсилотларини кундалик тарзида ёзиб борган. Тарихчи Шарифа Эсонованинг ёзишича, бугунги кунда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида амирнинг Петербург сафарлари хотираларини ўз ичига олган иккита кундалиги сақланмоқда. Бу асарлар ўз даврининг ёзма ёдгорлиги бўлиб, Амир Абдулаҳад ижодининг янги қирраларини очишга ёрдам беради. Абдулаҳадхоннинг 1892 - 1893 йиллардаги Петербургга сафари ҳақида маълумот берувчи "Рўзномаи сафари Фитербурх" ("Петурбург сафари кундалиги", №2869) 72 варақдан иборат бўлиб, унда амирнинг Бухородаги кузатув маросимидан бошлаб то Петербург ва Москвада уюштирилган қабул маросимлари, император Александр III ва Россия империясининг йирик давлат арбоблари билан ўтказилган

учрашувларигача батафсил баён қилинади. Ушбу кундалик Исмоилбек Гаспринский томонидан 1894 йилда Қозонда "Бухоро амири ҳазратларининг кундалиги" сарлавҳаси остида нашр қилинган. Мазкур асар 1998 йилда "Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг 3-4 сонларида ўзбек тилида чоп этилган. 2023 йилда эса Амир Абдулаҳадхоннинг "Фетербурғ сафари" номли китоби нашр этилди.

1893 йилнинг февраль ойида амир Боғчасарой, сўнгра Севастополь шаҳрига боради ва у ерда Исмоилбек Гаспринскийни қабул қилиб, суҳбатлашади ҳамда Бухорога таклиф қилади. Бухорога келганда, Амир Абдулаҳад ҳузурида бўлиб, унга Бухорода янги усул мактаблари очишни таклиф қилади. Таклиф амир томонидан қабул қилиниб, отаси номи билан аталувчи "Музаффария" жадид мактабини очишга рухсат беради. Мактаб 1904 йилда Бухорода очилади. Амир билан учрашувларда Исмоилбек "Сафарномаи олия" (Амирнинг саёҳатномаси)ни китоб ҳолида нашр қилишга ва Бухоро аҳолиси учун "Муаллими лисони русий" номли бир дарслик ёзишга ваъда беради. Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг "Кундалиги" ва Исмоил Гаспиринскийнинг (Бухоро амирлигига сафарга оид) "Туркистон саёҳатномаси" ни ўқир эканмиз, XIX аср охирида Бухоро амирлиги ва Россия, шунингдек, ҳозирги Туркманистон, Озарбайжон, Грузия давлатларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз.

Тарихий манбаларда Сиддиқхон Тўра Ҳашмат акаси амир Абдулаҳадхон саройининг машҳур тарихчиси бўлгани ёзилган. Айрим асарларга кўра, Чоржўй беги бўлган Сиддиқхон отаси Амир Музаффар вафот этган 1885 йилдан сўнг 35 йил (1885 – 1920) давомида сиёсий ҳаётдан четлаштирилиб, фан ва адабиёт билан шуғулланган. Уч – тўрт йил ичида Ҳашмат тахаллуси билан шеърлар ёзиб, Бухоро аҳлига танилиб қолган. "Худди шу даврда Чоржўй беги бўлган Сиддиқхон отасининг ўлимини билмаган ҳолда рухсатсиз у билан учрашиш мақсадида Бухорога келади. Отасининг ўлимини ундан яширадилар. Чунки Сиддиқхон ҳам тахт даъвогари эди". Дарҳақиқат, бу шаҳзода ўттиз беш йил қаттиқ назорат остида уй қамоғида яшаган. Албатта, "Айнийнинг манғитлар сулоласи хонадонининг вакилларидан бўлган, бойлик, шон-шуҳрат ва тожу тахтга қизиқмай ўзининг бутун умрини илм – маърифатга бағишлаган Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат Бухорийга оид фикри анча қизиқарлидир: "Муҳаммад Сиддиқхон Бухорий – биродари Абдулаҳадхон ва жияни Олимхон даврида 35 йил (ҳижрий 1303-1338) маҳбусликда эди. Шу давр мобайнида ўзини илмий ижодга ва китобдорликка бағишлади. Бухорода Ҳашматнинг хусусий кутубхонасидек бирор машҳурроқ кутубхона йўқ эди". Ҳашмат Бухорий форсий, туркий ва арабий тилда шеърлар битар эди. Турли рисолалар ёзди, таҳрир этди. Жумладан, "Номаи Хусравон" номли тазкирага таълиф берган эди. Ҳашмат Бухоро инқилобидан кейин 1339 ҳижрийда 35 йиллик маҳбусликдан озод этилиб, Бухоро шўролар жумҳурияти ҳукуматида кутубхоначи бўлиб хизмат қиларди. Лекин 1341 ҳижрийда (милодий 1923 йилда) ўзининг айрим

авлодлари (амирзодалар) ва амир хонадони вакиллари қатори Афғонистонга жўнатилди".

Садриддин Айний эса ўзининг "Намунаи адабиёти тожик" номли тазкирасидаги "Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат валади Амир Музаффар" зикрида Бухоро амирининг бу ўғли араб, тожик ва ўзбекча шеърлар битганини қайд этган. Шаҳзода "Ҳашмат" ва "Воҳид" тахаллуслари билан шеърлар ёзган.

Диламро бо ҳама кори жаҳон кор аст, пиндорй,
Аз ин савдо димоғам гармбозор аст, пиндорй.
Маро меърожи Мансур аз аналҳақ мешавад равшан,
Ту ўро з-ин гунаҳ шоистаи дор аст, пиндорй.
Чу дар коло касод афтод, Ҳашмат, мекунй тоқат,
Ки жинси нораворо ҳақ харидор аст.

(Мазмуни: Менинг дилим дунёнинг барча ишлари билан банд деб ўйлайсиз. Мансур гуноҳи менга аён, аналҳақ деган сўз учун жазога лойиқ деб ўйлайсиз. Бирор муаммо бўлса, Ҳашмат сабр қил, Охир оқибат харидор касодга учрайди.)

Шаҳзода "Девон" тузган бўлиб, у 68 та ғазал, 2 та қасида, 9 та мухаммас, 1 та маснавий, 1 та марсия - таркибанд ва бошқа шеърлардан иборат.

Бинобарин, Зиё Садрнинг "Шарифжон маҳдумнинг шахсий кутубхонаси" китобида ёзилишича, "Ҳашмат" тахаллусли тўра бўлмиш Саййид Мир Сиддиқ тўрамиз мағфират маконли Амир Музаффар Баҳодирхоннинг азиз ўғли бўлиб, бу саодатли тўра ўттиз икки йил (Юқорида айтиб ўтганимиздек, Айний 35 йил деган) тутқунлик ва банд асирлигида турган, ўша муддат мобайнида замонасида расм бўлган барча илму ҳунар ва фазилатларни ҳеч кимдан таълим олмасдан туриб, фақат ўз тиришқоқлиги орқасидан ўзлаштирган.

Айниқса, нужум, хаттотлик соҳаси ва олий даражалиги барчага маълум ҳандаса фанини ўзида мавжуд фазлу камол билан ўрганиб, яхши китоблар ва ҳуснихатда битилган қўлёзма асарлар йиққан. Унинг қўлёзма китобларининг кўп қисми ноёб асарлар бўлиб, ул ягонаи фарзона тўранинг кутубхонасидан жой олган". Саййид Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат тузган "Тазкират уш-шуаро" номли тазкирада Бухорода яшаб ижод қилган 60 нафардан ортиқ шоир, уларнинг тахаллуси, таржимаи ҳоли, машҳур шеърлари ҳақида маълумотлар жамланган. Тарихчи олим Ҳалим Тўраев Сиддиқхонтўра Ҳашмат "Тазкират уш-шуаро" номли антология тартиб берганини айтиб ўтган. Маълумотларга қараганда, ""Тазкират уш-шуаро муосир"да Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган 92 нафар шоир ҳақида маълумот берилади. "Тазкират уш-шуаро муқаддимин"да эса XVIII - XIX асрларда фаолият кўрсатган 89 шоир ижоди ҳақида сўз боради. Йигирма йиллик меҳнат маҳсули бўлган "Тазкират ус-салотин" Шарқ ҳукмдорлари тарихига бағишланади. Бухоро шаҳзодаси

забардаст хушнавис ва маҳоратли хаттотлардан бўлган. Тарихчилар Ш.Воҳидов ва Ш.Темировларга кўра, ижодкор шаҳзоданинг "Аҳдномаи мусолиҳаи давлати Бухоро ва Русия дар соли 1280", "Зикри Мир Остонқул ибни Аббосбий", "Баёни аҳволи салотини ўзбакия", "Санъатли хатлар ва қитъалар", "Қоидаи хат навиштан", "Жадвали қуръа ва истихрожи фол", "Дафтари мусаввада", "Мажмўаи аҳкоми зоижа ва ашъор", "Вазоиф-ал-ашъор", "Муножати манзума", "Муножоти таржума", "Таржумаи аҳволи Хожа амир Муҳаммад ал-мутахаллис ба Дардо", "Таржумаи аҳволи Сиддиқхон ибн амир Музаффар", "Адъия", "Силки дурар ли акмали расул-ил-атҳар", "Маснавии интабаҳ жамеъ ал-матъун ва матъуна" каби асарлари мавжуд. Ҳашматнинг асарлари орасида "Баёни аҳволи салотини ўзбакия" ("Зайли тарихи Муқимхоний") номли тарихий асар, ғазал, мухаммас, қасидалардан тузилган девон, тазкиралар ("Тазкират уш-шуаро"), "Мажмуаи зоижа аҳкоми нужум" ("Юлдузлар ҳолати асосида толеъномалар мажмуи"), "Мажмуаи ал-баёз" (Адабий - тарихий тўплам), каби рисолалари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, Ҳашмат хаттотлик билан шуғулланган ва бир қанча асарларни кўчирган.

Амир Музаффарнинг ижодкор фарзандларидан яна бири ўзбек тарихчиси Саййид Муҳаммад Носир (Носириддин тўра) тўрадир. Унинг номи манбаларда Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳусайний ал-Бухорий ёки Муҳаммад Носир, ёхуд Саййид Носириддин Саййид Амир Музаффариддин тарзида учрайди. Носириддин тўранинг ҳаётига оид маълумотлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. У бир умр Бухоро аркида яшаган ва ўзининг қўрғони, шахсий кутубхонасига эга бўлган. Қаҳрамон Ражабовга кўра эса, Мир Носирхон Тўра тарихчи сифатида акаси Бухоро амири Абдулаҳадхон саройида хизмат қилган. Тарихчи Ҳалим Тўраевнинг ёзишича, "Саййид Муҳаммад Носир "Тўраи жилав" (Жиловланган тўра) номи билан бир умр аркда, унинг кутубхонасида ижод билан шуғулланган.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам унинг ижоди ва тадқиқот ишлари давом этган. 1912 йил Бухорода ташкил топган дастлабки илмий ўлкашунослик жамияти - "Тарихи анжуман" ўз таркибига В.Бартольд, А.Семенов, П.Солиев сингари атоқли олимлардан ташқари, бир гуруҳ маҳаллий зиёли маърифатпарварларни бирлаштирган эдики, улар сафида Саййид Муҳаммад Носир ҳам бор эди".

"Тарихи анжуман" жамияти вазифаси доирасида амалга оширилган ягона иш, назаримизда Саййид Муҳаммад Носир томонидан тайёрланган "Тадқиқоти арки Бухоро" асаридир. Ўз даври учун интеллектуал салоҳиятга эгалиги ва бир неча мустақил асарлар, жумладан, "Туҳфат аз-зойирин" ("Зиёратчиларга туҳфа"), "Ҳоди ул-зойирин" ("Зиёратчиларни ҳидоят қилувчи"), "Кунуз ал-атқиё" ("Тақводорлар хазинаси"), "Осор ус-салотин" ("Султонлар ҳақида хабарлар") каби рисолалар муаллифи бўлганлиги ва энг асосийси, Бухоро аркининг тарихи, тарихий топографиясини яхши билганлиги туфайли, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар "Тарихи

анжуман"га қабул қилинади ва унга Бухоро арки тарихи, тарихий топографияси бўйича рисола тайёрлаш вазифаси топширилади.

Бухоро аркининг тарихи, тарихий топографияси тўғрисида муаллиф маълумотлари қанчалик қисқа, оддий ва компилятив бўлмасин, ушбу маълумотлар аркнинг кейинги тадқиқоти ва малакали олимлар томонидан юқори профессионал даражада ўрганиш учун кенг йўл очиб берди. Саййид Муҳаммад Носирнинг ёзишича, "Ҳозирги ҳукумат фармонига мувофиқ, жумҳурият шўроси томонидан биз – етти нафар кишини, яъни Ҳожи Мулло Абдурауф афанди "Фитрат", Саййид Муҳаммад Сиддиқ, қози ул-қуззот, олам аҳли муллозодаси домулло Муҳаммад Шариф Зиё, Мулло Салимбек, жаноб Ҳожи Мулло Саййид Маҳмуд муфтий ва бу фозиллар хизматкори Саййид Муҳаммад Носир "Анжумани тарих" ("Тарих анжумани") аъзолари сифатида ҳар куни арки олийга бориш ва унинг ободлигию вайроналиклари сабаблари борасида олий мадрасада тадқиқотлар ўтказишга тайинланган эдик.

Алҳамдуллоҳ, (масалани) назардан ўтказиш ва кенгашувдан сўнг кўп нуқсонлар эгаси бўлган бу ожиз банда, яъни Мир Муҳаммад Носир ибн Музаффархон (қабри нурга тўлсин) ушбу азизлар кўмагида ҳамда Аллоҳ таоло мадади ва Ҳақ субҳонаҳу ўз фазли ва карами билан муваффақ этиши туфайли (тегишли маълумотларни) бир мухтасар ва мўъжаз рисолага тўплаб, у "Бухоро арки ҳақида таҳқиқот" деб номланди".

Носириддин тўра "Туҳфат уз-зоирин" китобини 1906 йилда тамомлаган. Мир Садр Шарифжон Махдумнинг қайд этишича, "Саййид Музаффар Баҳодирхоннинг ўғли Саййид Носирхон ўзининг "Туҳфат ил-зойирин" номли китобида шундай ёзган: Анча йиллар ул жаноб (Қори Абдураҳим)нинг ҳузурида турдим ва ул зотдан содир бўлган ҳайратга солувчи одатдан ташқари ҳодисани кўрдим. Аниқроғи, ул зот башоратидан сўнг ўша кечаси сарвари анбиёнинг чеҳраларини мушоҳада этиш давлатига муяссар бўлдим. Қарангки, тонг оттунча бир эмас, икки марта бундай шарафга мушарраф бўлдим ва тонгда пирим хизматига етишгач, мусофаҳа қилиб, табрикладилар". Демак, бу маълумотнинг ўзи Носирхон тўранинг сўфий олимлардан бири бўлганини кўрсатади. "Осор ус-салотин" китоби эса шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар сулолалари тарихига бағишланган.

Мухтасар айтганда, Амир Музаффарнинг барча фарзандлари истеъдодли бўлиб, адабиёт ва санъатни қадрлашган, атрофларига шоирларни тўплаб, шеърият кечалари ташкил этишган. Биз юқорида Амир Музаффарнинг фақат тўрт ижодкор ўғли – Нуриддин, Абдулаҳад, Сиддиқхон ва Носириддинлар ижоди ҳақида тўхталдик, холос. Бизнингча, унинг бошқа фарзандлари ҳам ижод билан шуғулланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Келгуси тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақола Бухоро амири Музаффарнинг Нуриддин, Абдулаҳад, Сиддиқхон ва Носириддин сингари шоир фарзандларининг ижодига бағишланади.

Манғитлар сулоласи вакили бўлган мазкур ижодкор шаҳзодалар ўз атрофига шоирларни тўплаб, шеърият кечалари ташкил этганлар.

Энг, муҳими амир Музаффарнинг ўғилларидан бизга қатор тарихий ва бадиий асарлар мерос бўлиб қолган.

АННОТАЦИЯ

Данная научная статья посвящена творчеству поэтов – детей бухарского эмира Музаффара, таких как Нуриддин, Абдулахад, Сиддик-хан и Насириддин.

Эти творцы, представлявшие династию Мангит, собирали вокруг себя поэтов и устраивали поэтические вечера.

Самое главное, что мы унаследовали ряд исторических и художественных произведений от этих сыновей Амира Музаффара.

ABSTRAKT

This scientific article is devoted to the work of poet children of Buhara emir Muzaffar, such as Nuriddin, Abdulahad, Siddiq Khan and Nasiriddin.

These creators, representing the Mangit dynasty, garhered poets around them and organized poetry nights.

Most importantly, we inherited a number of historical and artistic works from these sons of Amir Muzaffar.

# O‘ZBEKISTONDA TARIXIY-MADANIY TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR

**Ergasheva Yulduz Alimovna,**
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

**Kalit so'zlar:** raqamli texnologiyalar, turizm, tarixiy-madaniy meros obyektlari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

XXI asr voqeligida zamonaviy sivilizatsiyaning globallashuvi va universallashuvi yangi vazifalarni qo'ymoqda va har bir davlatning yaxlit va alohida holda faoliyat yuritishi va yanada rivojlanishida yangi qarama-qarshiliklarni keltirib chiqarmoqda. Har qanday davlat mamlakatning intellektual va ma'naviy salohiyatini rivojlantirishdan manfaatdor. Zero, globallashuv davrida ta'lim mamlakatning iqtisodiy rivojlanishi va milliy boyligini to'plashning eng muhim tarkibiy qismiga aylanib, aholining yuksak ma'naviy saviyasi huquqiy madaniyatini, millatning yashash va mehnat qilish qobiliyatini uzviy shakllantiradi. Erkin, demokratik davlatda zamonaviy inson juda to'yingan axborot maydonida yashaydi, unda ma'lumotni idrok etishni tezlashtirish jarayoni sodir bo'ladi. Bu jarayonga ommaviy axborot vositalarining tarqalishi va albatta, kompyuter texnologiyalari kuchli ta'sir ko'rsatmoqda. Yangi aloqa va multimedia texnologiyalarining rivojlanishi, ulardan foydalangan holda mahsulot ishlab chiqarish tannarxining kamayishi, kompyuterlar va kompyuter tarmoqlarining kengayishi dunyoni yanada zichroq qilib, mamlakatlar va xalqlarni bir-biriga yaqinlashtirmoqda.

Har kuni o'sib borayotgan "elektron muhit"ning texnik imkoniyatlari zamonaviy insonning mentalitetiga bevosita ta'sir qiladi, qiziqarli ma'lumotlarga deyarli cheksiz kirish va to'liq tanlash erkinligini ta'minlaydi. Madaniyatning yangi turi - axborot jamiyati madaniyati shakllanmoqda, u foydalanuvchining o'zi tomonidan o'z maqsadlari va ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda tuziladigan yagona tabaqalanmagan sohadir. Asta-sekin har qanday qiymat ierarxiyasi va tuzilishini yo'qotib, madaniyat ham global bo'ladi.

Tabiiyki, bunday sharoitda milliy tarix va madaniy merosni asrab- avaylash, o'rganish va ommalashtirish madaniy o'zlikni anglash, milliy o'zlikni anglash, shuningdek, millat va davlatning madaniy birligini rivojlantirish vositasiga aylanadi. Bu ayniqsa, ommaviy globallashuv, etnik assimilyatsiya, tillar va kichik millatlarning nobud bo'lishi fonida muhim ahamiyat kasb etadi. Madaniy meros haqidagi bilimlarni, madaniy xotirani va axborotni ommalashtirish milliy madaniyatlarni muhofaza qilishga, madaniy xilma-xillikni saqlashga va pirovardida,

insoniyat sivilizatsiyasining gumanistik asoslarini saqlashga yordam berishi mumkin. Axborot texnologiyalari, "virtual voqelik" texnologiyalari esa har kimga inson hayotining ushbu eng muhim jihati haqida imkon qadar ko'proq ma'lumot olish uchun noyob imkoniyat yaratadi.

Madaniy siyosatni shakllantiruvchi xalqaro tashkilotlar, xususan, YUNESKO hududiy madaniyat tizimlarining yangi modelini yaratish, muzey kolleksiyalarini boshqarishni takomillashtirish, madaniy meros obyektlaridan foydalanishni ta'minlash va yagona xalqaro portalga ega hududiy xizmat ko'rsatish markazlarini tashkil etish kabi muammolarni hal etishga intilmoqda. Bunday loyihalardan ko'zlangan maqsad ham muzeylar, tijorat korxonalari va hududiy hukumatlar o'rtasida o'zaro hamkorlik mexanizmlarini yaratish orqali madaniy turizmni rivojlantirish va hududlarda ishbilarmonlik faolligini rag'batlantirishdan iborat. Natijada ochiq axborot makonida madaniy merosni namoyish etish uslublari va tuzilmalari ishlab chiqildi. Bugungi kunda ko'plab davlatlar o'z imijini yaxshilash, turizmni rivojlantirish va sarmoyalarni jalb qilish uchun madaniy meros, turli tadbirlar va muassasalardan foydalanmoqda. Ipak yo'li chorrahasida joylashgan, inson ongining ilmiy-texnikaviy, madaniy, ma'naviy sohalardagi yutuqlariga dirijyor bo'lgan o'zbek zamini jahon sivilizatsiyasi rivojida muhim o'rin tutgan. 1993 yilda mamlakat Birlashgan Millatlar Tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha xalqaro tashkiloti (YUNESKO)ga a'zo bo'ldi. O'zbekiston boy tarixiy, madaniy va tabiiy merosga ega mamlakat sifatida tanilgan. Tarixiy Ipak yo'lida joylashgan ko'p millatli davlat sifatida bu yerda asrlar davomida madaniyat gullab-yashnagan. Turizm ko'lami va tarixiy ziyoratgohlar soni bo'yicha O'zbekiston dunyoning yetakchi o'nta davlati qatoriga kiradi. O'zbekiston rahbariyati madaniyatni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratmoqda. Qolaversa, O'zbekistonning madaniy merosi milliy o'ziga xoslik va g'urur manbai bo'lib, uni muhofaza qilish va targ'ib etishga davlatimiz tomonidan e'tibor qaratilmoqda. 2023 yil holatiga ko'ra, respublikada jami 8138 ta moddiy va nomoddiy madaniyat obyektlari mavjud. Ulardan 4732 tasi me'moriy yodgorliklar, 682 tasi monumental san'at obyektlari, 580 tasi ziyoratgohlar va boshqalardir. Bu obyektlarning barchasini avlodlar uchun asrab-avaylash nafaqat davlatning, balki respublika fuqarolarining ham asosiy vazifasidir.

O'zbekistonning 5 ta obyekti YUNESKO Jahon merosi ro'yxatiga kiritilgan: Ichanqal'a (1990 yilda kiritilgan), Buxoroning tarixiy markazi (1993), Shahrisabzning tarixiy markazi (2000), Samarqand – madaniyatlar chorrahasi (2001), shuningdek, Ugom-Chotqol milliy bog'i (2016). Hozirgikunda qo'shilish bosqichida 30 dan ortiq obyektlar mavjud. Demak, bu joylar butun insoniyat mulki maqomini olgan. Bundan tashqari, YUNESKO ro'yxatiga O'zbekistonning nomoddiy madaniy merosi obidalari – Navro'z bayrami, "Shoshmakom" xalq qo'shiqlari to'plami, "Katta ashula" an'anaviy qo'shiqlari, zukko askiya san'ati, Boysun madaniy makoni, Xorazm raqsi- "Lazgi", milliy taom – palov, o'zbek atlasi va adrasi hamda

miniatyura san'ati shular jumlasidandir.

O'zbekistonda turizm biznesi, asosan, Buxoro, Samarqand, Xiva, Toshkent kabi tarixiy va qadimiy shaharlarda rivojlanib borayotgani sari yangi tarixiy qimmatli hududlar, yangi madaniy obidalar paydo bo'lmoqda. Har bir madaniy-tarixiy, arxeologik, sayyohlik markazi va obyekti o'zining milliy o'ziga xosligi va tarixiy qiyofasiga mos kelishi, turistlarning qiziqishini oshiradi. Buning natijasida milliy, mahalliy madaniy va tarixiy yodgorlik va obyektlarni yagona tarixiy-ma'rifiy, arxitektura, landshaft va ijodiy-madaniy majmua sifatida asrab-avaylash, qadimiy va o'lkamiz hayoti haqida tasavvur beradi. Tarixiy-madaniy meros obyektlarini raqamlashtirishni amalga oshirish zamonaviy o'zbek xalqiga xizmat qilishi mumkin.

Mamlakat va tarixiy hududlarning madaniy salohiyati madaniy-tarixiy merosda o'z ifodasini topgan. Shuning uchun ko'plab turistik dasturlar va marshrutlar turistlar oqimining lokomotivi va harakatlantiruvchi kuchi sifatida o'zining qadimiy tarixini saqlab qolgan. Somoniylar, Qoraxoniylar, Temuriylar, Shayboniylar va boshqa o'rta asrlar xonliklari va sulolalari davrida qurilgan noyob mahalliy tarixiy-madaniy obidalarning mavjudligi bu sohada turizm va umuman iqtisodiyotning rivojlanishini belgilab berishi mumkin. Madaniy, mahalliy va tarixiy joylarni tanishtirish va o'rganish O'zbekiston uchun kuchli turizm salohiyatidir. Ma'lumki, globallashuv davrida postindustrial sivilizatsiya tarixiy-madaniy merosning yuksak salohiyati uni asrab-avaylash, rivojlantirish va jahon iqtisodiyotining asosiy resurslaridan biridan samarali foydalanishda ekanligini tushunadi. Xalqimizning har qanday tarixiy-madaniy merosini yo'qotish hozirgi va kelajak avlodlar hayotining barcha jabhalariga salbiy ta'sir ko'rsatib, o'zbek xalqining ma'naviy tanazzuliga, tarixiy xotirasining unutilishiga olib keladi. Faqat zamonaviy madaniyatni rivojlantirish bilan ularni yengib bo'lmaydi, shu sabab, unutilgan ma'naviy va moddiy madaniy qadriyatlarni tiklash zarur. Mahalliy madaniy merosni moliyalashtirish, himoya qilish va muhofaza qilish sivilizatsiya rivojlanishining asosidir. Binobarin, milliy mahalliy turizm sohalarini rivojlantirish, madaniy qadriyatlarni tiklash orqali biz iqtisodiy taraqqiyotning kalitiga ega bo'lamiz.

O'zbekistonda Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Kompyuter va axborot texnologiyalarini rivojlantirish va joriy etish markazi UZINFOCOM tomonidan Toshkent, Xiva kabi yirik sayyohlik shaharlarida yuqori tezlikdagi internetga ulangan "Wi-Fi" zonalari joriy etilmoqda. Buxoro, Qashqadaryo va Toshkent viloyatlari o'z hududida ko'plab qadimiy manzilgohlarga ega. 2019-yildan buyon Samarqand shahrida ilmiy-ma'rifiy loyiha faoliyat ko'rsatmoqda, uning doirasida mutaxassislar jamoasi "aqlli muzey" konsepsiyasi va uni raqamli rivojlantirish strategiyasini tadqiq qiladi va shakllantiradi, ushbu ish doirasida to'plangan bilim va mulohazalar bilan o'rtoqlashadi. Hozirdan boshlab qo'yilayotgan yechimlarni ko'p jihatdan O'zbekistonning milliy merosi bo'lgan qadimiy manzilgohlarni ko'z oldiga

keltirishga urinish deyish mumkin. IT tizimlari orqali faol o'zaro ta'sir qiluvchi so'nggi Smart texnologiyalardan foydalaniladi: narsalar interneti (IoT), kengaytirilgan, virtual, aralash reallik (VR/AR/MR), katta ma'lumotlarga asoslangan foydalanish va prognozlash (Big Data), iBeacon va boshqa mahalliy. texnologiyalarning o'zaro ta'siri (Bluetooth, WiFi, Push, NFC)

So'nggi yillarda O'zbekistonda va jahonda turizm sanoati raqamli texnologiyalarning rivojlanishi natijasida yuzaga kelgan omillar ta'sirida shakllanmoqda. Bu turizm bozori ishtirokchilaridan aloqa, hamkorlik va axborot almashish usulini o'zgartirish orqali ushbu sohani o'zgartiruvchi yangi tendensiyalar va harakatlarni tushunishni talab qiladi. Raqamli texnologiyalar turmush tarzi, dam olish, harakatlanish va turizmni barcha ko'rinishlarida tubdan o'zgartirdi. Mamlakatimiz rahbariyati taraqqiyotning hozirgi bosqichida O'zbekistonda Vatanimiz tarixini o'rganish, xalqimiz madaniy qadriyatlarini asrab-avaylash, turizm sohasini rivojlantirishda axborot va raqamli texnologiyalarning rolini oshirishga alohida e'tibor qaratmoqda. Davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Buyuk tarix izsiz yo'q bo'lib ketmaydi. U xalqning genetik kodida, tarixiy xotirasida, ishlarida saqlanadi va ko'paytiriladi. Aynan shu yerda uning kuchli kuchi yotadi. Tarixiy merosni asrab-avaylash va o'rganish, avloddan-avlodga yetkazish davlatimizning asosiy ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Bu nihoyatda muhim, chunki hozirgi globallashuv sharoitida yangi muammolar, jumladan, "ommaviy madaniyat"ning tobora kengayib borishi tahdidi, iste'molchilik kulti, axloq va qadriyatlarning yo'q bo'lib ketish xavfi kabi muammolar paydo bo'lmoqda. Shuning uchun ham, nazarimda, insonning ma'naviy olamini, xalq madaniyatini belgilab beruvchi hamma narsani asrab-avaylash va takomillashtirish bugun har qachongidan ham zarurdir".

Bugungi kunda masofa va vaqtni qisqartirish, O'zbekiston madaniy hamjamiyatiga o'z o'tmishining buyuk merosi bilan tanishish imkoniyatini berish muhim vazifadir. Bu davlatimiz rahbarining 2017-yil 24-maydagi "Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq etish va targ'ibot qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 24-maydagi "Yozma manbalarni saqlash, targ'ib etish va targ'ibot qilish tizimini tashkil etish to'g'risida"gi qarorlarida belgilab berilgan tashabbuslari bilan hamohangdir. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Xorijda joylashgan O'zbekiston madaniy boyliklarini tadqiq qilish markazining 2017-yil 20-iyundagi "Respublika Turizm va sport vazirligi huzuridagi Madaniy meros agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 19-iyundagi "Turizm, sport va madaniy meros sohalarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori, shuningdek, sohani innovatsion rivojlantirishga qaratilgan.

Madaniy meros agentligining vazifalariga obyektlarni aniqlash, ro'yxatga olish, muhofaza qilish, targ'ibot qilish, davlat reyestrini, elektron katalogni, pasport va

davlat kadastrlarini yuritish, moddiy madaniy meros obyektlarining qo'riqlash chegaralarini belgilash, Milliy muzey fondining davlat katalogini yuritish, muzey eksponatlari va muzey kolleksiyalarini milliy muzey fondiga kiritish, shuningdek, bu borada davlat nazoratini amalga oshirish kiradi. Shuningdek, moddiy madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish, muzeylar faoliyatini rivojlantirish va sohani raqamlashtirish bo'yicha "Yo'l xaritasi"ga muvofiq har bir muzey uchun "Muzey brendi kitobi"ni yaratish; mashhur ochiq ensiklopediya Vikipediyaga har bir muzey haqida oltita dunyo tilida ma'lumotni joylashtirish; har bir muzeyning rasmiy veb-saytlarini to'liq yangilash, ularning mobil ilovasini yaratish; Youtube, Facebook, Twitter va boshqa ijtimoiy tarmoqlarda tasdiqlangan muzey akkauntlarini yaratish va yuritish; madaniy meros obyektlari, jumladan, muzey eksponatlari va kolleksiyalari, madaniy boyliklar to'g'risidagi barcha ma'lumotlarni to'plash va qayta ishlash uchun maxsus server sotib olish va undan samarali foydalanishni ta'minlash; "Virtual muzey" (virtual muzey) loyihasini ishlab chiqish va amalga oshirish, Xalqaro muzeylar kengashining (ICOM) virtual muzeylar bo'yicha ilg'or tajribasini o'rganish va undan O'zbekistonda foydalanish bo'yicha takliflar tayyorlash; monitoring davomida to'plangan video va fotomateriallarni yagona axborot bazasida to'plash; innovatsion texnologiyalar asosida eng muhim yodgorliklarning 3D modellarini yaratish; takroriy tarixiy-madaniy ekspertiza o'tkazish kabi vazifalar belgilanib hayotda keng tadbiq etilmoqda.

Madaniy meros agentligidan ma'lum qilishlaricha, O'zbekistonda madaniy meros va ijodkorlik uchun raqamli platforma ishga tushirilgan. Platformaning ishga tushirilishi vazirliklar, YUNESKOning mamlakatimizdagi vakolatxonasi hamda madaniyat va turizm sohasida faoliyat yurituvchi tashkilotlar vakillari tomonidan muhokama qilingan. Elektron platformadan ko'zlangan maqsad - O'zbekistonda madaniy va tabiiy merosni muhofaza qilish va ijodkorlikni rivojlantirish, barqaror turizmni rivojlantirishdan iborat. Mazkur platforma madaniy meros obyektlari, tabiat yodgorliklarini muhofaza qilishni kuchaytirishga qaratilgan bo'lib, turizmni rivojlantirishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, uning faoliyati madaniy dastur va tashabbuslarni, jumladan, BMTning Barqaror rivojlanish bo'yicha hamkorlik asoslarini, 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasini amalga oshirishga xizmat qiladi.

Ta'kidlash kerakki, Janubiy Koreya Respublikasi Axborot texnologiyalarini rivojlantirish milliy agentligining umumiy qiymati 150 ming AQSH dollari bo'lgan grant loyihasi asosida Buxoro shahridagi Ismoil Somoniy maqbarasining raqamli nusxasi Digital Twin texnologiyalari, 3D va geografik texnologiyalar yordamida yaratilgan. Ma'lumotlar Google tizimi xaritalariga integratsiya qilingan. Ismoil Somoniy maqbarasining 3D nusxasini yaratish bo'yicha tajriba loyihasini yakunlash bo'yicha hamkorlikda ish olib borilmoqda. Asosiy loyihani amalga oshirish uchun - Buxoro shahrining tarixiy qismining 3D-nusxalarini yaratish va onlayn monitoring tizimini yo'lga qo'ygan holda "O'zbekiston raqamli merosi rejasi"

platformasini ishga tushirish, Respublika Yer, infratuzilma va transport vazirligi grantiga arizalar qabul qilish maqsad qilingan. Loyihaning umumiy qiymati 6 million AQSH dollarini tashkil etadi.

Mazkur loyiha doirasida Madaniy meros agentligi qoshida ham O'zbekistondagi tarixiy va arxeologik obyektlarni raqamlashtirish bo'yicha alohida xizmat tashkil etilgan bo'lib, u barcha zarur texnologiya va jihozlar bilan to'liq ta'minlangan, kelgusida ushbu obyektlarni mustaqil ravishda raqamlashtirishni amalga oshiradi.

O'zbekistonda madaniy merosni asrab-avaylash va ommalashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar keng ko'lamlidir. Yaratilgan shart-sharoitlar, davlat va jamoat tashkilotlari, ijtimoiy mas'uliyatli tadbirkorlik subyektlarining birlashmasi, shubhasiz, nafaqat olimlar uchun ilmiy material, balki yosh avlodga o'ziga xos ma'naviy ozuqa bo'ladigan loyihalarni amalga oshirish imkonini bermoqda. Birgina 2022 yilning o'zida moddiy madaniy meros obyektlarining 98 foizi Davlat kadastrlarining yagona tizimiga kiritildi, ularga qo'shimcha ravishda 829 ta yo'l belgilari (ingliz, rus va boshqa tillarda) o'rnatildi va 219 ta bepul Wi-Fi zonalari, tashrif buyuruvchilar uchun qo'shimcha qulaylik tashkil etildi.

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning Uchinchi Renessans poydevorini yaratish g'oyasi o'zbek xalqi va jahon hamjamiyati hamda ekspertlar orasida o'z aksini topdi. Yoshlarni o'z ildizlari, tarixi, madaniyati, an'analarini o'rganishga jalb etish, aholisining 60 foizdan ortig'ini yoshlar tashkil etayotgan mamlakatimiz uchun muhim va dolzarbdir. Hozirgi O'zbekiston yoshlari o'z mamlakati tarixi va madaniyatiga qanchalik qiziqishmoqda? Yoshlarni ular qiziqqan texnologiyalar orqali jalb etish muhim, ularning tilida gapirish lozim. Shu bois, bugungi kunda smartfon kamerani yo'naltirish mumkin bo'lgan maxsus QR kodli kitoblar mashhur bo'lib, kitoblardagi suratlar jonlanadi va ular ma'lum bir tarixiy davr yoki artefakt haqida yorqin ranglarda hikoya qiladi. Shu qatorda mamlakatda Amerika Global meros jamg'armasi bilan qo'shma loyiha amalga oshirilmoqda, u foydalanuvchilarni O'zbekiston obidalari bo'ylab virtual sayohatga olib chiqadi. Bugungi kunda 3D sayohat juda mashhur amaliyotga aylanib borayotganligi bois yoshlar juda katta qiziqish uyg'otmoqda.

Milliy meros haqidagi ma'lumotlardan erkin foydalanishni ta'minlash, milliy madaniy merosni ochiq axborot makonida taqdim etish va zamonaviy telekommunikatsiya infratuzilmasi asosida keng ko'lamli axborot xizmatlarini ko'rsatish, madaniy boyliklarning asosiy saqlovchilari - muzeylar kolleksiyalari uchun elektron ommaviy internet-kataloglarni yaratish; galereyalar, kutubxonalar va arxivlar fuqarolarning madaniy saviyasini yuksaltirish, milliy madaniyatni ommalashtirishga xizmat qilmoqda. Bundan tashqari, rivojlanish jarayonida tarmoqlar asta-sekin har qanday Internet foydalanuvchisi foydalanishi mumkin bo'lgan dinamik multimedia ma'lumotlar bazasiga aylanmoqda. Kataloglar, qo'llanmalar va onlayn ma'lumotlar bazalari tarmoqlar ma'lumotlarni qidirishni osonlashtirish uchun mo'ljallangan turli xizmatlar bilan jihozlanganligi sababli

foydalanish mumkin bo'ladi. Madaniy meros tarmoqlari zarur ma'lumotlarni olishdan tashqari, kommunikativ funksiyani ham bajaradi: aksariyat portallarda muhokama bo'limlari va onlayn chatlar mavjud. Muayyan mavzular yoki ilmiy muammolar bo'yicha munozaralar muhokama qilinadi.

"Madaniy meros tarmoqlari" loyihalari ham hududiy va mahalliy darajada rivojlanmoqda. Milliy va mahalliy madaniy merosni, mintaqaning zamonaviy madaniy hayotini aks ettiruvchi turli xil manbalar - kutubxonalar, arxivlar, muzeylar va galereyalarning veb-ko'rgazmalari, virtual muzey kolleksiyalari va madaniy-tarixiy joylarga sayyohlik marshrutlari, muzey kolleksiyalari yaratilmoqda. Hududlarning ijobiy imidjini shakllantirishga hissa qo'shadigan va o'z mintaqasi, uning tarixi va madaniyati haqida ma'lumot beruvchi manbalar raqamlashtirilgan.

Alohida ta'kidlash joizki, turizmni rivojlantirish, uning tarixi va merosini asrab-avaylash, o'rganish va ommalashtirishdan manfaatdor bo'lgan har qanday davlatning zamonaviy rivojlanishini innovatsion kompyuter texnologiyalarisiz amalga oshirib bo'lmaydi. Shu bois, madaniy merosni raqamlashtirishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish - fan, texnika, ta'lim, ijtimoiy boshqaruv, qadriyatlar va boshqalar kabi omillar bilan bir qatorda mamlakat taraqqiyotini belgilovchi omillardan biridir.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, madaniy meros obyektlarini asrab-avaylashda axborot texnologiyalaridan foydalanishning afzalliklari va paydo bo'layotgan imkoniyatlari, muzey va tarixiy yodgorliklarni raqamlashtirish, muzey kolleksiyalarini raqamlashtirish, muzey faoliyatining yagona innovatsion raqamli platformasini yaratish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekistonda mazkur sohada amalga oshirilayotgan izchil ishlar pirovardida barcha tarixiy obidalarni, muzey eksponatlarini asl holida asrab-avaylash, kelajak avlodlar uchun xizmat qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Turizm, sport va madaniy meros sohalarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni, 2021-yil 6-apreldagi PF-6199-son. // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, https://lex.uz.

2. Валиев С., Рахимов К. Применение smart технологий на древних городах Узбекистана. Жамият ва инновациялар - Общество и инновации - Society and innovations Journal home page: https://inscience.uz/index.php/socinov/index. 2021.

3. Ergasheva Yuldduz, Eralov Azamat. The importance of Kashkadarya Region in the Development of Pilsrimage Tourism // Eurasian Scientific Herald. №6, март, 2022

4. Эргашева Ю.А. Роль цифровых технологий в развитии туризма и популяризации историко-культурного наследия Узбекистана. // Значение

цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 1(01), 2022. https://doi.org/10.47689/.vli01.13366

Annotatsiya. Maqolada O'zbekistonning tarixiy-madaniy turizmni rivojlantirish va ommalashtirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari tahlil qilingan. Raqamli texnologiyalarning fan, texnika va texnologiya, iqtisodiyot va madaniyat sohasidagi zamonaviy jahon yutuqlariga mos kelishi muammolari o'rganilgan.

Аннотация. В статье анализируются возможности использования цифровых технологий в популяризации и развитии историко-культурного туризма. Исследованы проблемы соответствия цифровых технологий современным мировым достижениям в области науки, техники и технологий, экономики и культуры.

Abstract. The article analyzes the possibilities of using digital technologies in the development and popularization of historical and cultural tourism in Uzbekistan. The problems of the compatibility of digital technologies with modern world achievements in the field of science, technology and technology, economy and culture are studied.

# ISTIQLOL SHAROITIDA XALQ TABOBATI VAKILLARI FAOLIYATI

Oydinoy Ochilova,
QarDU

**Kalit so'zlar:** O'zbekistonda xalq tabobati, kitoblar, Sog'liqni saqlash tizimi, tabib, tabiblar faoliyati, kasallik, Sharq tabobati, Xalq tabobati akademiyasi, O'zbekiston Tabobat Akademiyasi, O'zbekiston Xalq tabobati Assotsiatsiyasi, Gippokrat.

O'zbekistonda sog'liqni saqlash tizimidagi yangilanish va o'zgarishlar, milliy qadriyatlarning muhim tarkibiy qismi hisoblangan xalq tabobati sohasida ham o'z aksini topib bordi. Ammo mustaqillikning dastlabki yillarida sog'liqni saqlash tizimi qonunchiligiga bu sohaga doir moddalarning kiritilmaganligi, xalq tabobati boshqaruvida xilma-xil shakllar va ular asosan nodavlat tashkilotlar bo'lganligi tufayli sohani tartibga solish ishlari talab darajasida bo'lmadi. Xalq salomatligini saqlash tadbirlarida faol ishtirok etib, omma orasida katta obro' va e'tiborga loyiq tabiblar bilan birga "soxta" tabiblar ham ko'payib bordi. Faqat yangi O'zbekiston sharoitida ushbu sohani huquqiy maqomini mustahkamlash, tabiblarni o'qitish va malakasini oshirish, dorivor giyohlardan foydalanib davolash usullarini qo'llash bo'yicha targ'ibot ishlari kuchaytirildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 10 apreldagi "O'zbekiston Respublikasida xalq tabobatini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarorida xalq tabobati usullaridan, shu jumladan, o'zbek xalq tabobatining tarixiy an'analari va o'ziga xos merosidan foydalangan holda kasalliklarni profilaktika qilish, tashxis qo'yish va davolash, shuningdek, boshqa tibbiy xizmatlar ko'rsatishning samaradorligini tahlil qilish va o'rganish qayd etilgan .

O'zbekistonda mustaqillik yillarida qator viloyatlarda xalq tabobati vakillari sog'liqni saqlash xodimlari bilan yonma-yon turib, aholi salomatligini saqlash tadbirlarida faol ishtirok etdi. Masalan, bel churrasi va suyak bo'g'ini kasalligini davolashda Andijonda Raimov Obidjon, Isaqov Ilhomjon, Ibragimov Sardorbek, Sirdaryo viloyatida Batalov Oleg, Namangan viloyatida Lukash Sergey, Farg'onada Yusupov Sobirjon, Surxondaryoda Davlatov Jo'raboy, Farg'onada Sobirov Abdurahmon, o'sma kasalliklarni Namanganda Abdullayev Murodjon, Toshkent viloyatida Yakubov Mirrashid, Odilov Zokir, Samarqandda Ergasheva Fotima, gijja asab va ichki kasalliklarni Toshkent viloyatida G'aybullayev Alijon, Karimov Damir kabi xalq tabobati vakillari davolab keldi. Tutqanoq va ruhiy kasalliklarni Qoraqalpog'iston Respublikasida Mullaboyev Aminboy, Farg'ona viloyatida Xolmatov Ergashboy, Xorazmda Xasanov Olimboy, Xasanov Abdulla, Toshkent

viloyatida Isroilov Egamqul, Buxoroda Shukurov Muhammad, buyrak toshlari kasalligi Surxondaryoda Xushbaqov Qahhor, dorivor o'simliklarni o'stirish bilan Jizzax viloyatida Xolmurotov Abduraxmon, Parkentda Umarov Zuxriddin, jigar sirrozi kasalliklarini Andijonda Bazarov Jahongir, jigar sirrozi, bezi kasalliklarini Farg'onada Tursunov Raim, Sobirov Abduraxmon, bachadon miomasi kasalliklarini Saidbekova Nasiba, teri va ichki kasalliklarini Andijon viloyatida Yoqubjon Qodirov, Marhabo Rahmonova, Toshkent shahrida Nodirjon Rayimboyev, Toshkent viloyatida Imanov Manop, ichki kasalliklar va bo'qoqni Marg'ilonda Abduraxmonov Abdusalim va boshqa tabiblar xalq tabobati uslublari yordamida shifokorlar bilan hamkorlikda samarali davoladi .

O'zbekistonda mustaqillik yillarida xalq tabobati vakillari ro'yxatini shakllantirishda qator qiyinchiliklarga duch kelindi. Bu sohada O'zbekiston Xalq tabobati akademiyasi, O'zbekiston Tabobat Akademiyasi, O'zbekiston Xalq tabobati Assotsiatsiyasi kabi tuzilmalar bo'lib, ularning har biri o'zicha mustaqil faoliyat ko'rsatdi. Bu nodavlat tashkilotlari o'quv kurslarini tashkil etib, tabiblar faoliyatiga ruxsatnomalar berdi. Qolaversa, ularning har birida tabiblarning ro'yxati alohida-alohida shakllantirildi.

O'zbekiston Xalq tabobati akademiyasini tashkil etishda Muhammadjon Hamrayev katta rol uynadi. U 1952 yil 17 sentabrda Buxoro viloyati Jondor tumanida ziyolilar oilasida tavvalud topdi. Toshkent davlat universitetining kimyo fakultetini tugatgan. U o'z faoliyatini O'z FAning Kimyo institutida spektrofotometrik tahliliyot sohasida ish boshlab, Moskva davlat universiteti kimyo fakultetining kolloid kimyo kafedrasi huzuridagi kimyo tarixi bo'limida professor N.A. Figurovskiyning assistenti lavozimida o'z faoliyatini davom ettiradi. Shu bilan birga RF FA Texnika va tabiatshunoslik tarixi ilmiy-tadqiqot institutining kimyo va meditsina tarixi sektorida, Toshkent Politexnika institutining kolloid kimyo kafedrasida akademik K.S. Ahmedov rahbarligida "O'zbekistonda kolloid kimyo ilmining rivojlanishi tarixi" mavzusida ilmiy izlanishlar olib bordi .

M.Hamrayevning tashabbusi bilan 1996 yili O'zbekiston Xalq tabobati akademiyasi tashkil etildi. Uning zimmasiga haqiqiy tabiblarni topib, saviyalarini aniqlab, Akademiyaga a'zo qilish, ikkinchi tomondan, soxta tabiblarning faoliyatiga chek qo'yishdek murakkab vazifa tushdi . Bemorlarni meditsina yo'li bilan emas, xalq tabobatining turli uslublari bilan bilib-bilmay davolashga jur'at etib yurgan tabiblarni Akademiyada imtihondan o'tkazib, ularning bilim va tajribalariga ishonch hosil qilib xalq xizmatiga qo'yish mas'uliyati ham oson kechmayotgani haqida Muhammadjon aka bizga ko'p marta gapirib bergan edi." .

Muhammadjon Hamrayev Xitoy tabiblarining davolash usullarini qunt bilan o'rgandi. Moskva televideniyasi sog'lom turmush tarzining targ'ibotchilaridan bo'lgan Genadiy Malaxov bilan qo'hna Sharq tabobatining inson salomatligini saqlashdagi ulkan imkoniyatlarini targ'ib qildi. U o'z ishining ustasi sifatida xalq tabobati imkoniyatlaridan g'arazli maqsadlarda foydalanmoqchi bo'lgan kishilarga

nisbatan murosasiz bo'ldi .

Ro'zimuhammad Xonnazarov Abdiqaharovich – Yakkabog' tumani tog'li Muchin qishlog'ida, tabib Abduqahhor oilasida tug'ildi. Xalq tabobati bo'yicha 130 dan ortiq mamlakatlar tajribasini o'rganib, sohaga oid 100 dan ortiq ilmiy maqolalarini e'lon qildi. 2018 yili O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi davlat boshqaruvi akademiyasida "Xalq tabobati sohasini davlat tomonidan huquqiy tartibga solish va boshqarish" mavzusida doktorlik dissertatsiyasini himoya qildi. 2019 yildan boshlab O'zbekiston xalq tabobati assotsiatsiyasi boshqaruv raisi lavozimida faoliyat ko'rsatmoqda. U bu sohada rahbar bo'lib ishlash bilan birga bemorlarni davolash ishlari bilan ham shug'ullanadi. U xalq tabobati xususida shunday deydi: "Xalq tabobati sohasi qadimgi Sharq tibbiyotining uzviy davomi sifatida rivojlanib kelmoqda. Bu soha asrlar mobaynida ta'qiblarga uchrab kelgan. Hattoki O'zbekiston mustaqilligining dastlabki davrida ham hech qanday o'zgarish bo'lmadi. Xususan, xalq tabobati bo'yicha normativ hujjatlar ishlab chiqilmadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 12 oktabrdagi qaroriga kelsak, bunday qaror O'zbekiston tarixida uchramagan. O'zbekistonda boshqa tiklangan qadriyatlar qatorida xalq tabobatini ham tiklash tadbirlari olib borildi. Xalq Tabobati Assotsiatsiyasi tashkil etildi. Bugungi kunda tabiblarning huquqlari himoya qilinib, ularga tabiblik sertifikatini faqat tabiblikka arziganlargagina berish, bemorlarni davolash imtiyozlari yaratildi. Bugungi kunda sog'liqni saqlash tizimida ma'lum yutuq va kamchiliklar ham bor. Dunyo miqyosida ham rasmiy tibbiyot va an'anaviy tibbiyot degan tushuncha bor. Bugungi kunda jahonning ko'plab rivojlangan mamlakatlarida tibbiyot rivojlangan bo'lsada, xalq tabobatiga murojaat qilishmoqda va keng miqyosda foydalanib kelinmoqda. Xalq tabobati usullari orqali davolash oson, arzon, xavfsiz va dori vositalari butunlay tabiiy vositalardan foydalaniladi. Bundan 2000 yil muqaddam yashagan Buqrot (Gippokrat, eramizgacha 460–355 y.) aytadiki: Ovqating dori bo'lsin, doring ovqat bo'lsin" .

Xalq tabobatini rivojlantirishda O'zbekiston Tabobat Akademiyasi a'zolari faol ishtirok etishdi. Masalan, tibbiyot fanlari doktori, professor, O'zbekiston Tabobat Akademiyasi haqiqiy a'zosi, akademik N.S.Mamasoliyev Andijon davlat tibbiyot instituti terapiya va kardiologiya kafedrasi mudiri lavozimida faoliyat ko'rsatib kelgan, O'zbekiston sog'liqni saqlash a'lochisi edi. U xalqaro miqyosda 74 ta va Respublika miqyosida 396 ta ilmiy maqolalar mullifi bo'ldi. Shuningdek, 19 ta darslik 19 ta monografiya hamda 609 ta ilmiy–uslubiy qo'llanma va tavsiyanomalar chop ettirdi. N.S.Mamasoliyev tashabbusi bilan "Xalq tabobati" ixtisosligi va fani yo'nalishi O'zbekiston OAK ro'yxatiga kiritildi. Professor I.R. Asqarov bilan hamkorlikda xalq tabobati yo'nalishida istiqbolli yo'nalishlarni yaratgan, rivojlantirgan va samarali yutuqlarga erishdi. U o'z faoliyati davomida tabobat va tibbiyotni uyg'un holda olib borib, sohani ilmiy va amaliy jihatdan takomillashtirishga harakat qildi. U O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasining eksperti sifatida faoliyat ko'rsatmoqda.

**Foydalanilgan manba va adabiyotlar:**

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil apreldagi PQ-4668-son "O'zbekiston Respublikasida xalq tabobatini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 10.04.2020-y., 07/20/4668/0412-son.

2.Asqarov I. O'zbekiston tabobat akademiyasi a'zolari. - T.: "Fan va texnologiya", 2019. - B.5-9.

3.Yuksak salohiyatli olim edi // Sharq tabobati. - 2017. - №3. - B 3.

4.Yunusov H. Jonkuyar do'stini xotirlab.. // Sharq tabobati.-2017.- №3.-B. 5.

5.Shayx Abdulaziz Mansur. Hakimi hoziq edi. // Sharq tabobati. - 2017. - №3. - B. 4.

6.Muallifning shaxsiy muloqoti materiallari, Ro'zimuhammad Xonnazarov bilan suhbat, Toshkent shahri. 2021 yil 12 iyul.

Annotatsiya: O'zbekistonda mustaqillik yillarida qator viloyatlarda xalq tabobati vakillari sog'liqni saqlash xodimlari bilan yonma-yon turib, aholi salomatligini saqlash tadbirlarida faol ishtirok etdi. Xalq salomatligini saqlash tadbirlarida faol ishtirok etib, omma orasida katta obro' va e'tiborga loyiq tabiblar bilan birga "soxta" tabiblar ham ko'payib bordi.

Абстрактный: В годы независимости Узбекистана в ряде регионов представители народной медицины стояли бок о бок с работниками здравоохранения и принимали активное участие в мероприятиях по охране здоровья населения. Активно участвуя в деятельности общественного здравоохранения, наряду с врачами, пользующимися большой репутацией и вниманием среди населения, возросло и количество "фальшивых" врачей.

Annotation: During the years of independence of Uzbekistan, in a number of regions, representatives of traditional medicine stood side by side with health workers and took an active part in measures to protect public health. Actively participating in public health activities, along with doctors enjoying great reputation and attention among the population, the number of "fake" doctors has also increased.

TADQIQOT

# O'ZBEKISTON SUD TIZIMI TARIXIDAN

**Qodirjonov Omadjon,**
Andijon davlat universiteti

**Kalit so'zlar:** sud, qatag'on, partiya, kotib, prokuror, Ittifoqdosh Respublika

Mustaqillik sharofati bilan dunyodagi yetakchi demokratik davlatlarning eng ilg'or tajriba va yutuqlarini o'zida mujassam etgan hamda O'zbekiston xalqi manfaatlariga xizmat qiluvchi milliy boshqaruv tizimi joriy etildi. Demokratik tamoyillar asosida respublikamizda davlat boshqaruv tizimi qaytadan yaratilishi bilan qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimyati qaror topdi. Bunda sud hokimyati boshqa ikki hokimyatdan farqli o'laroq siyosiy partiya va tashkilotlardan mustaqil qilib shakllantirildi. Sobiq sovet davrida esa sudlarning to'la mustaqil organga aylanishiga va siyosiy kuchlarning sud organidan siyosiy raqiblardan qutulish quroliga aylanishi oldi olinmaganligi sababli ko'plab qatag'onlar amalga oshirilgan edi. O'zbekiston Respublikasida esa o'tmishning bunday "tajriba"ga barham berilib, fuqarolarning siyosiy qarashlari erkinligi to'la ta'minlandi.

Tadqiqot metodlari.

Ushbu maqola tarixiy tadqiqotlarning ilmiy obyektivlik, mantiqiy izchillik, qiyosiy tahlil, xronologik izchillik kabi usullari asosida yozildi.

Natijalar.

Sud xalqaro miqyosda tan olinuvchi alohida hokimyat o'rgani hisoblanadi. Shu o'rinda sud terminiga to'xtaladigan bo'lsak, jahon miqyosida, unga turlicha izohlar beriladi. Xususan, "Encyclop?dia Britannica" ingliz universal ensiklopediyasiga ko'ra, sud termini quyidagicha izoh ta'rif beriladi: sud – bu sud, fuqarolik, jinoiy, diniy yoki harbiy ishlar bo'yicha nizolarni ko'rish va hal qilish uchun sud vakolatiga ega bo'lgan shaxs yoki shaxslar organi [1]. "Oxsford Languages" lug'ati esa quyidagicha ta'rif beradi. Birinchi ta'rifda "fuqarolik va jinoiy holatlar bo'yicha sud vazifasini bajaruvchi sudya raisligidagi guruh, sudya yoki hakam" [2].

"Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarninhg izohli lug'ati"da esa sudga ikki xil ta'rif beriladi. Birinchi ta'rif: "Jinoiy ishlarni yoki fuqarolarning da'volari ko 'rib chiqib qonun asosida tegishli hukm chiqaruvchi amaldagi qonunchilik organi va u joylashgan bino". Ikkinchi ta'rif: "Fuqarolik yoki jinoiy ishning shunday organ majlisida ko'rilishi" [3].

Har bir davlatning o'z sud hokimyati mavjud bo'lib ularning vazifasi, ushbu davlatlar qonunlariga asosan protsessual tartibda jinoiy, fuqarolik, ma'muriy, va boshqa toifadagi ishlarni ko'rib chiqadi va hal qiladi. Sud bu alohida hokimyat

bo'lgani, odil sudlovni amalga oshirishi uchun turli partiya va guruhlardan holi va mustaqil bo'lishi kerak.

Sud hokimyati o'zining uzoq tarixiy rivoji davomida turli muommolarga duch kelgan bo'lib bular orasida eng katta muommo bu sud ishiga turli siyosiy guruhlarning tasir o'tkazish uchun amalga oshirgan ishlari edi. Bu ayniqsa SSSR davlati tashkil topgach mamlakatda yakka partiyaning hukmronligi o'rnatilgandan so'ng, suddan partiyaning siyosiy raqiblaridan qutulish quroliga aylantirgani yaqqol misol bo'la oladi. Sobiq Sovet hukumati sud organini o'zining terror quroliga aylantirish uchun barcha amaldorlarning yagona partiya azosi bo'lishlarini kerakligi to'g'risidagi talabni kiritdi, bu esa sudya, prokuror, advokat singari sud ishini amalga oshiruvchi ishchilarning partiya mafkurasi bilan bog'lanishiga va partiya buyrug'ini amalga oshiruvchi tashkilotga aylanishiga olib keldi [4].

Sovet hukumatining butun umri davomida sud hukumati "qatag'onlar"ni amalga oshiruvchi mashinaga aylandi. Partiyaning g'oyalariga qarshi chiqqan rahbarlar esa, turli soxta ayblovlar bilan prokuror tergovi asosida sudning tergovisiz ham javobgarlikka tortildi.

Sovetlar tomonidan amalga oshirilgan oxirgi qatag'onlardan bir bo'lgan "paxta ishi" ham partiya hokimyatini mustahkamlash uchun amalga oshirilgan edi. Bunda ularga sud huquq tizimi hodimlarining kommunistik partiya azolari ekanligi qo'l keldi. Sobiq Sovet Ittifoqida barcha rahbar lavozimidagi shaxslar partiyada azolari orasidan olingan jumladan sudyalar, prokurorlar va boshqa sud organida faoliyat olib boruvchi hodimlar ham partiya azosi bo'lishlariga qaramay aksar "Ittifoqdosh Respublikalar"dagi ushbu organ vakillarining fikrlashlari doim ham "markaz"dagilarning g'oyalariga mos emas edi. Bu esa bazida Ittifoqdosh Respublikalardagi sud va prokuratura organlarida tozalovlar o'tkazilishiga sabab bo'lar edi.

Buning natijasida ko'plab tajribali hodimlar o'rniga yevropalik yoki arman hodimlari qo'yilar edi. Ular odatda mahalliy aholi so'zlashuvchi tillarni bilmas edi. Bu esa ko'p xollarda sud ishining sudlanuvchi tushunmaydigan rus tilida olib borilishiga olib kelar edi. Sud tizimidagi bu kamchilik mahalliy aholining muommolarini ko'payishiga olib kelar edi.

Yuqoridagilarga misol bo'la oluvchi holat Leonid Brejnez (1964–1982–yillar SSSR bosh kotibi) desentrilizatsiyalashdan yani markazsizlashtirish – federatsiya azolarinining ichki huquqlarini kengaytirishdan voz kechgach, KGB boshlig'i Yuri Andryopovning Markaziy Osiyodagi korrupsiyaga qarshi kurashish bahonasida mahalliy rahbar hodimlarga qarshi yangi qatag'onlarni boshlaydi. Ularning nishoniga dastlab Buxoro ijroiya qo'mitasi raisi Muzaffarov va paxta xarit qilish agentligi, O'zbekistonlik partiya azolari, yuzlab turli darajadagi rahbar xodimlar tushdi [5].

Bu ishni taftish qilish uchun kommunistik partiyaning g'oyalariga sodiq va

partiya manfaati uchun har qanday qonunlarni aylanib o'tishga tayyor Gdlyan va Ivanov boshchiligida ishchi guruh yuboriladi. Keyinroq esa hammaga ma'lum bo'lgan "Paxta ishi", "qo'shib yozishlar" masalasi o'ylab topilib kommunistik partiya rahbarlarining topshrig'iga ko'ra aybdorlarni topish bahonasida O'zbekistonni mahalliy kadrlardan tozalash ishlari olib borildi. Vazifasidan olingan rahbar hodimlar o'rniga, markazdan yuborilgan hodimlar qo'yildi [6].

Bundan shu ko'rinadiki sud-huquq tizimi hodimlari holis bo'lishlari uchun turli partiya va guruhlarning siyosiy qarashlaridan holi bo'lishlari zarur. O'zbekiston Respublikasida 1993-yil 2-sentyabr Oliy Kengashning XI sessiyasida qabul qilingan "sudlar to'g'risida"gi qonunning 2-moddasida "O'zbekiston Respublikasida sud hokimiyati qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyatlardan, siyosiy partiyalardan va boshqa jamoat birlashmalaridan mustaqil holda ish yuritadi." deb belgilab qo'yilgan [7]. Bu esa Sobiq Sovet Ittifoqidan farqli ravishda O'zbekiston Respublikasida qisqa vaqt ichida haqqoniy, holis va boshqa davlat aparaturalaridan mustaqil, kuchli sud hokimyati yaratilganligini ko'rsatib beradi.

Bu omil sababli O'zbekistonda turli xil guruhlar tomonidan sud ishiga g'oyaviy ta'sir o'tkazishga urunishlar butunlay cheklanadi. Sudning haq-huquqlari kengaytirilib Sovet Ittifoqi davridagi Prokuraturaga tegishli aksar imkoniyatlar sudga o'tkaziladi yoki prokuraturadan bu huquqlar olib qo'yiladi. Bu esa tergov jarayonining holis bo 'lishini ham ta'minlaydi.

1993-yildagi sudlar to'g'risidagi qonunning 7-moddasiga ko'ra "O'zbekiston Respublikasida sud ishlari o'zbek tilida, qoraqalpoq tilida yoki muayyan joydagi ko'pchilik aholi so'zlashadigan tilda yuritiladi.

Sudlov olib borilayotgan tilni bilmaydigan sudda qatnashuvchi shaxslarning tarjimon orqali ish materiallari bilan to'la tanishish va sudlov harakatlarida ishtirok etish huquqi hamda sudda ona tilida so'zlash huquqi ta'minlanadi" - deb ko'rsatilgan. O'zbekiston Respublikasining qonunchiligidagi fuqarolarga yaratilgan bu imkoniyatlar fuqarolarning sudga murojaatlarini osonlashtirish bilan birgalikda odamlarning huquqiy madaniyatining ham oshiradi.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. https://www.britannica.com/search?query=court

2. https://languages.oup.com/google-dictionary-en

3. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarninhg izohli lug'ati. - Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyodorlik kompaniyasi bosh tahririyati. 2001. -B.234.

4. Абдулин Роберт Семенович. Судебное управление как структурно-функциональный элемент в системе советского государственного управления // Genesis: исторические исследования. - 2014. - № 3. - С. 16 - 36. DOI: 10.7256/2306-420X.2014.3.11044 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=11044

5. Nicklas Norling. Party Problems and Factionalism in Soviet Uzbekistan:

Evidence from the Communist Party Archives. – Lithuania: Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program, 2017. -P.98.

6. Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi. -Toshkent: Akademnashr 2019. -B.416.

7. Lex Uz. URL: https://lex.uz/ru/docs/-68425

8. Shamsutdinov R., Mo'minov H. O'zbekiston tarixi: O'quv qo'llanma. Toshkent: Fan, 2020.

9. Мўминов Х. Рақамли тарих [Матн): дарслик / Х. МҒминов. – Тошкент: "Nurafshon business", 2022.

**Abstrak:** O'zbekiston Respublikasi mustaqil bo'lgan vaqtdan boshlab sud hokimiyatini alohida, mustaqil hokimiyat qilib shakllantirildi. Bu orqali esa faqat qonunga bo'ysunuvchi va fuqarolar manfaatlarini himoya qiluvchi mustaqil organ yaratildi.

**Abstract:** Since the independence of the Republic of Uzbekistan, the judiciary has been formed as a separate, independent authority. Through this, an independent body was created that obeys only the law and protects the interests of citizens.

**Аннотация:** С момента обретения независимости Республики Узбекистан судебная власть сформировалась как отдельный, независимый орган власти. Благодаря этому был создан независимый орган, подчиняющийся только закону и защищающий интересы граждан.

TADQIQOT

# O‘RTA OSIYO XALQLARI SHAKLLANISHIDA BUYUK IPAK YO‘LINING AHAMIYATI

**Qodirova Malakat Mo`minovna,**
Qarshi davlat universiteti

**Kalit so'zlar:** millat, xalq, til, aholi, etnologiya, etnografiya, etnogenez, vatan, kelajak, istiqbol, sotsial hayot.

## KIRISH

Qadimgi xalqlar, jumladan O'rta Osiyo xududida iste'qomat qilgan aholi hayoti va turmush tarzining har tomonlama rivojlanishida savdo hamda tranzit yo'llarning ahamiyati nihoyatda katta bo'lgan. Miloddan avvalgi III ming yillikka kelib, O'rta Osiyoning ko'pgina hududlari qadimgi aholi tomonidan o'zlashtirib bo'lingan edi. Cho'l va dasht hududlardagi ko'chmanchi chorvador aholi vohalardagi o'troq aholi bilan o'zaro aloqalarni bronza davriga kelib yanada rivojlantiradi. Tarixiy manbalardan ma'lumki, Buyuk ipak yo'li tashkil topmasdan ancha avvalroq Qadimgi Sharq va O'rta Osiyo hududlarida o'zaro tovar almashinuv yo'llari mavjud edi.

Antropologik va yozma manbalarga ko'ra miloddan avvalgi IX–VIII asr–larda O'rta Osiyoda eng qadimgi elatlarning shakllanishi va etnik hudud–larning ajralashi yakuniga yetgan davr hisoblanadi. Ushbu masalaning o'rganish juda murakkab muammo bo'lsada shubhasiz aytib o'tish kerakki, miloddan avvalgi VI asrning ikkinchi yarmida Eron ahmoniylari sulolasi–ning O'rta Osiyoga yurishlari aynan shu davrga to'g'ri kelgani bu borada yahamyatlidir. [1].

## ADABIYOTLAR SHARHI

Miloddan avvalgi 138 yilda Xitoy imperatori U–Di Chjan syanni O'rta Osiyoga elchi sifatida jo'natdi, elchining vazifasi Xitoyning xunnlarga qarshi kurashida ittifoqchi topish edi. Miloddan avvalgi II–I asrlarga kelib, Chjan syan yurgan yo'llar bo'ylab, Xitoyning O'rta va G'arbiy Osiyo bilan bog'lagan karvon yo'li paydo bo'ladi. Keyinchalik, Buyuk ipak yo'li nomi bilan mashhur bo'lgan yo'lning umumiy uzunligi 12 000 km tashkil etgan. O'z davrida o'lkan ahamiyat kasb etgan Buyuk Ipak yo'li, Xitoyning Sian shahridan boshlanib, Sharqiy Turkiston, O'rta Osiyo, Eron va Bobil (Mesopotamiya) orqali O'rta Yer dengizigacha cho'zilgan. [2].

## TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

Xitoyni O'rta Osiyo bilan bog'lovchi Buyuk ipak yo'li karvonini Sharqiy

Turkiston orqali o'tgan bo'lib, yerlik aholi uyg'urlar, O'rta Osiyoda yashovchi aholi bilan til va etnik jihatdan yaqin bo'lgan, keyinchalik Islom dinini keng tarqalishi tufayli, diniy e'tiqod birligi ham yuzaga keldi. Buyuk ipak yo'li karvoni o'tgan xududlarda iste'qomat qilgan xalqlar hayotiga bevosita savdo karvonining gohida ijobiy goho salbiy ta'siri bo'lgan. Savdo-sotiq aloqalari tufayli O'rta Osiyo aholisi o'zga xalq, millatlarning madaniy hayoti va ijtimoiy turmush tarzi bilan tanishib, ularning ijobiy jihatlarini o'zlashtirdi. Shu sabab, o'zga til va dinga e'tiqod qiluvchi Xitoyliklar hayoti bilan qisman tanishuv imkoniyati yaraldi.

Kun xaqonligi ta'sirida bo'lgan Xitoyda G'arbiy va Sharqiy Xan imperiyasini zabt etish, o'lkani ishg'ol qilish hamda Xitoydan G'arbga boradigan Buyuk ipak yo'lini o'z nazorati ostiga olish uchun tinmay xarakat qildi, ayrim yillarda o'z maksadlariga vaktincha bo'lsada erishgan, lekin uni butunlay Xunlardan tortib ololmagan. [3].

Buyuk Ipak yo'li o'tgan xududda iste'qomat qilgan aholi hayotiga u faqat ijobiy ta'sir o'tkazgan fikrni olg'a surish, biroz mubolag'ali bo'ladi. Kezi kelganda ta'kidlash joizki, sharqiy Turkiston Sharq va G'arbni bog'lagan Buyuk ipak yo'lidagi muxim xudud hisoblangani sababli, doimo yirik davlatlar hamda jaxongirlar e'tiborini o'ziga tortgan. Shu bois ham o'lka xalkdarining ko'chish (migrasiya) jarayoni jiddiy tus olgan va bu yerdagi davlatchilik tarixining rivojlanishi doimo tashqi ta'sirlar ostida bo'lgan.

Jumladan, uyg'urlar tarixiga ko'ra hozirgi Shinjon-Uyg'ur muxtor rayoni 1955 yil 1 oktabrdan boshlab rasmiy joriy etilgan. Shungacha mazkur o'lka rus va g'arb adabiyotida Sharqiy Turkiston, Xitoy Turkistoni, Turkiya adabiyotida Do'g'i Turkiston, Xitoy adabiyotida Shinjon (ruscha trans-kripsiyada Sinszyan). Qadimgi xitoy manbalarida Shiyuy (Shiyuy-G'arbiy zamin, G'arbiy yurt, G'arbiy mamlakatlar), XIV-asr va XVI-XVII asrlarda bitilgan forsizabon qo'lyozmalarda Uyg'uriya, Uyg'uriston nomi bilan yuritilgan. [4]. Buyuk ipak yo'li chorahasida isteqomat qilgan millatlar nafaqat til jixatdan balki diniy e'tiqodida ham o'hshash jihatlar bo'lgani bois, turmush tarzida ham madaniy transformasiya jarayoni yuzaga kelgan. XVIII asrdan boshlab, uyg'urlarning Farg'ona vodiysiga ommaviy ko'chishlari ro'y bergan. 150 yil davomida Torim vodiysida manjur ma'muriyatiga qarshi ko'p ko'zg'olonlar yuz berdi. Har gal ular bostirilganda minglab uyg'urlar Ko'qon xonligi xududlariga ko'chib ketdilar. Ayniqsa, 1826-1828 yilarda Jahon-girxo'ja rahbarligida manjurlar ma'muriyati zulmiga qarshi ko'tarilgan ko'zg'olon bostirilganda Torim vodiysidan O'zbekistonga ko'chib keluvchilar ko'p bo'ldi. Kozok, olimi Cho'kon Valixonovning ma'lumotiga ko'ra, "Farg'ona o'lkasining Qo'qon, Shaxrixon va boshka shaharlariga 70 mingga yakin uyg'urlar ko'chib kelib joylashgan. O'sha davrda Turkistonga ko'chib kelgan uyg'urlarning umumiy soni 300 ming kishidan iborat bo'lgan".

Sharqiy Turkistonda yashagan Islom diniga e'tiqod qiluvchi uyg'ur va dungan kabi milliy ozchilikni tashkil qiluvchi millatlar, taqdiri yurtimiz bilan shu tariqa

bog'langan. Shuningdek, O'zbekistonga qirg'iz millatining joylashuviga ham ma'lum bir sabablar bor. Shu tariqa, turkiy tilda so'zlashuvchi aholi, taqdir taqazosi bilan xududimizni vatan tutdi. Ularning achchiq bo'lsada o'z o'tmishi, tarixi, tili, milliy an'ana va urf-odatlari bor lekin, mayishiy hayotning o'zaro yaqinligi natijasida o'hshashlik yoki o'zaro uyg'unlik ro'y bergan. Chunki, xalq yoki millatning tipologik belgilariga umumiy til, turmush tarzi, madaniyat, axloqiy qadriyatlar kabilari bilan birga "xalq ruxi" yoki "xalq qalbi" kabi psixologik xususiyatlar ham kiradi.

ўриндиқлар ва тахт безагининг турли қисмлари ишланган. Бундай буюмлар орасида Мирзо Улуғбекка атаб сандал дарахтидан тайёрланган ўйма қути алоҳида ажралиб туради. Бу қутича XV асрнинг бошларида тайёрланган бўлиб, четлари ислимий нақшлар билан безатилган, тутқичлари ва қулфлари олтиндан ясалган. Қутичанинг безакларида мусулмон дунёсининг нақшинкор услуб анъаналари ва Хитой услублари қоришуви намоён бўлади. Қути қопқоғига Мирзо Улуғбек номи ёзилган, қутининг устки ва пастки қисмлари орасида аждар тасвири туширилган. Бу қути бугунги кунда Туркиядаги Тўпқопи Саройи музейида сақланмоқда [13:237]. Темурийлар салтанатида яшаган ҳунармандлар томонидан тайёрланган Самарқанддаги Гўри Амир ва Шаҳрисабздаги Шамсиддин Кулол мақбарасининг ўйма эшиклари, Метрополитен музейида сақланаётган ўйма эшик, Мозондорондаги ал-Мулк Валаддин Абулқосимнинг ўйма ёғочлар билан безатилган қабри Темурийлар даври ёғоч ўймакорлиги санъатининг қай даражада ривожланганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва унинг авлодлари давридаги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт барча соҳалар қатори ҳунармандчиликнинг равнақига сабаб бўлди. Темурий ҳукмдорларнинг ҳунармандларга алоҳида эҳтиром эътибор кўрсатиши натижасида ҳунармандчилик жадал ривожланиб, янги турдаги маҳсулотлар ҳам вужудга келди. Бу даврда ўзбек миллий ҳунармандчигида муҳим ўрин тутган услублар вужудга келди. Турли ўлкалардан олиб келинган ҳунармандлар темурийлар давлатида ҳунармандчиликнинг ҳар хил услублари қоришувига олиб келди. Натижада ҳунармандчиликнинг темурийлар давлатига хос шакли пайдо бўлиб, уларнинг намуналари бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Бу услублар ва аньаналардан кейинги давр ҳунармандлари ҳам фойдаланганлиги тарихий манбаларда ўз исботини топган.

## Foydalanilgan adabiyotlar


1. Bobur. Z.M. Boburnoma. – Тошкент:O'qituvchi. 2008.
2. History of Civilizations of Central Asia. MultipleHistory SeriesUNESCO Publishing.Volume V. Azimov M.S. –Bosworth, 2013.
3. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул мухаррир: Х. Кароматов. – Тошкент:Шарқ, 2001.
4. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр Тарихи. – Т: Ғафур Ғулом. 1990.
5. Гумилев Л.Н., Қадимги турклар .–Тошкент:Фан, 2007.
6. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи (ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур) I китоб. –Тошкент: Меҳнат, 1992.
7. Клавихо Р.Г. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент: O'zbekiston, 2010.

8. Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар, 1994.
9. Никбоев Ў. Х. Амир Темурнинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари. дис. ... иктисод фан. номзоди –Тошкент:1997.
10.Темур тузуклари. – Тошкент:Ғафур Ғулом, 1991.
11. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошкаруви ташки сиёсат. Дипломатия:Тошкент:Akademnashr, 2017.
12. Халмуминов У. Р. Амир Темур ва темурийлар даври тоғ-кончилиги ва металлургия ҳунармандчилиги//Мавераннахр в эпоху Амир Темура:археология, история культура. – Тошкент:Adabiyot uchqunlari, 2018.
13. Ҳакимов А. Ўзбекистон саньати тарихи. Қадимги, давр, ўрта асрлар, ҳозирги замон. –Тошкент:Zilol buloq, 2022.
14. Шарафиддин А. Я. Зафарнома. – Тошкент:Шарқ, 1997.

Аннотация:Ушбу мақолада Темур ва унинг авлодлари давридаги ҳунармандчилик, у билан боғлиқ анъаналар, ҳукмдор табақа ва ҳунармандлар ўтасидаги алоқалар баён этилади. Темурий даври ҳунармандчилиги анъаналарининг бугунги кун ҳунармандчилиги билан умумий жиҳатлар ёртилади.

Annotation: This article describes the crafts, traditions related to it, the relations between the ruling class and craftsmen during the time of Temur and his descendants. Common aspects of the handicraft traditions of the Timurid period with today's handicrafts will be highlighted.

# O'ZBEKISTONDA YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI OLISH BO'YICHA DAVLAT SIYOSATI

**Турдибоева Гулмира Дилмуратовна,**
Қашқадарё вилоят ИИБ Тергов бошқармаси
катта терговчиси майор

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади . Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканидан дарак беради. Бу жараёнда ота-она, маҳалла-кўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юкланади. Хусусан, мустақиллик қўлга киритилганидан 3 ой ўтмасдан, яъни 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 2016 йилга келиб "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди . Бундан ташқари, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Бинобарин, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш орқали вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш ва уни барвақт профилактикасини ташкил этишга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида "....Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг

асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз " деган сўзлари ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш, уни таҳлил этиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Статистика маълумотларида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир етиш 1996 йилда 1995 йилга нисбатдан республика бўйича 9,5% ёки, 3243 дан 3558 тага камайгани ҳолда Самарқанд вилоятида 18,9 % 271 228, ташкил етган .

1996 йилда республика бўйича вояга етмаганлар томонидан 3243 та жиноятга қўл ўрган бўлса, 1997 йилда 3189 тани ташкил этиб умумий жиноятлар 1,7 % , шу билан бирга жиноятни содир этишга иштирок этган вояга етмаганлар 3045 тадан 3025 тага ёки 0,7 % камайган .

Бироқ вояга етмаганлар томонидан жиноят Сирдарёдарё вилоятида 3% Тошкент вилоятида 17,6%, Наманган вилоятида 25,6 % , Жиззах 42,4 % ўсиб кетишига йўл қуйгани ҳуқуқий тартибот ходимларининг жиддий камчилига йўл қуйганлиги сабаб бўлган .

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси 1997 йил 28 май куни 5-сонли "Вояга етмаганларни ички ишлар идораоарига олиб келиш ва ҳисобга олишнинг ҳамда уларни қабул қилиш ва тақсимлаш бўлимига жойлаштиришнинг қонунийлиги" муаммоси ўрганиб чиқилиб умумлаштирилди .

Барча вилоятларда вояга етмаганлар жиноятлар сони 1% фоиздан 39 % га камайган . Фақат Тошкент вилилоятида 17,6% бу кўрсаткичдан кўпайган. (323-380), Жиззахах 42.2 (66-94), Наманган вилоятида 25 % 172-216 .

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда 1999 йилнинг 8 ойида ҳуқуқбўзарлик содир етган 35644 та вояга етмаганлар ИИБга олиб келинди, уларнинг 7438 нафари ВЕН ҳисобига олинган. Уларнинг 20497 нафари мактаб, 1279 коллеж ўқувчилари, 162 таси олий таълим талабаси, 5212 нафар ҳеч қайерда ишламайди .

Шунингдек, 2000 йилнинг 8 ойида ҳуқуқбўзарлик содир етган 32303 та вояга етмаганлар ИИБга олиб келинди, уларнинг 6557 нафари ВЕН ҳисобига олинган. Уларнинг 15733 нафари мактаб, 1995 нафари коллеж ўқувчилари, 319 таси олий таълим талабаси .

Ўзбекистонда 2000 йилнинг 8 ойида вояга етмаганлар томонидан жиноят содир етиш 1999 йилнинг шу даврига нисбатдан 2095-1849 17,7 % га камайган бўлса, жиноятни содир этишга иштирок этган вояга етмаганлар1953-2046 4,8%, кўпайган .

2001 йилда вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жноятлар сони ўтган йилга нисбатдан, 32(53), шундан 28(49) таси ҳеч қайерда

ишламайдиган ва ўқимайдиган , 3 (3) таси мактаб ўқувчиси ва талаба, 1 (1) таси турли идораларда ишлайдиган томонидан содир етилган .

Ички ишлар вазирлиги тизимида вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича шуғулланувчи ходимлар томонидан ўқимасдан ва ишламасдан юрган ўсмирларни аниқлаш, уларнинг профилактика тизими қамровига олиш вазифалари лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли 2002 йил 6 ойида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар республика бўйича ўтган йилга нисбатдан 1,7%, хусусан, Хоразм вилоятида 41%, Тошкент шаҳрида 14%, Фарғонада вилоятида 12 % кўпайганлиги кўзатилмоқда .

Вояга етмаганлар томонидан ёки улар иштирокида қасдан одам ўлдириш жиноятлари мамлакат бўйича 2002 йилда 23,5 % камайган бўлса, оғир тан жароғати етказиш 53,3%, босқинчилик 32%, талончилик 7.5 %, безорилик 8.7% кўпайиб кетган .

2002 йилда вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони 56,5 % (10-23), барча вилоятларда ҳам бу кўрсаткич камайиб борган ҳолда, Самарқанд вилоятида бу турдаги жиноятларни содир етиш 33,3 % (4-3) кўпайганлигига йўл қўйилган .

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги ЎРҚ-263-сонли қонуни Ўзбекистонда вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини либераллаштириш муносабати билан вояга етмаганларнинг жавобгарлик масаласини инсонпарварлик ва адолатли тамоиллардан келиб чиққан ҳолатда ҳал қилишг алоҳида еэтибор қаратилиши натижасида республикада 2013 йилга нисбатан 2017 йилда содир этилган жами жиноятлар 18,3%га камайган, шундан: вояга етмганларнинг ҳиссаси 30,2%га камайган. Жиноятларни содир этган шахслар 17,0%га, вояга етмаганлар 35%га камайган. Мактаб ўқувчилари 10 %га, коллеж ва лицей ўқувчилари 24,5%га камайган. Бироқ, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 4,0%га ошган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг умумий жиноят содир этган шахслардаги улуши деярли камаймаган, бу кўрсаткич 2016 йилда 2,2%, 2017 йилда ҳам 2,2 %ни ташкил этган. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар 2013 йилдан 2017 йилга қадар атига 10 % камайган .

Вояга етмаганлар жиноий фаоллигининг энг катта даражаси сўнгги беш йилда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида энг паст кўрсаткичлар - Жиззах, Хоразм, Навоий, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда .

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 2013 йилда 2,8 фоиз, 2014 йилда 2,7 фоиз, 2015 йилда 2,4 фоиз, 2016 йилда 2,2 фоиз, 2017

йилда 2,1 фоизни ташкил этган ҳамда сўнгги беш йил давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 31,5 фоизга камайган .

Шунингдек 2013 йилга нисбатан 2017 йилда содир этилган жами жиноятлар 18,3%га камайган, шундан: вояга етмганларнинг ҳиссаси 30,2%га камайган, жиноятларни содир этган шахслар 17,0%га, шундан: вояга етмаганлар 35%га камайган, шундан: мактаб ўқувчилари 10 %га, коллеж ва лицей ўқувчилари 24,5%га камайган, бироқ, мактаб ўқувчилари содир этилган жиноятлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 4,0%га ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, вояга етмаганларнинг умумий жиноят содир этган шахслардаги улуши деярли камаймаган бу кўрсаткич 2016 йилда 2,2%, 2017 йилда ҳам 2,2 %ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар 2013 йилдан 2017 йилга қадар атига 10 % камайганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилда 14 март куни республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирларни, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилаш мақсадида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида"ги қарори қабул қилинди .

Қарорга асосан, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил давомида жами 1276 нафар вояга етмаган шахслар томонидан турли кўринишдаги жиноятлар содир этилган. Вояга етмаган шахслар томонидан ўтган 2019 йил давомида жами 739 та жиноят содир этилган. Вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг 49 фоизи ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ҳамда 25 фоизи мактаб ўқувчилари ташкил қилади .

Амалга оширилган ишлар натижасида 2019 йилнинг июль ойи ҳолатига кўра ёшлар жиноятчилиги 4 549 марта кузатилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 39,1 фоизга камайган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 78,9, Андижон вилоятида 67,3 фоиз, Самарқанд вилоятида 51,9 фоиз, Жиззах вилоятида 46,5 фоиз, Наманган вилоятида 44,4 фоизга, Сирдарё вилоятида 39 фоиз, Хоразм вилоятида 38,7 фоиз, Навоий вилоятида 33,7 фоиз, Фарғона вилоятида 33,3 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 25,7 фоиз, Тошкент вилоятида 20,8 фоиз, Бухоро вилоятида 14,5 фоиз, Қашқадарё вилоятида 9,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида эска 3,1 фоизга камайган.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги эса ўтган даврга нисбатан 32,9 фоизга камайган бўлиб, ҳудудлар кесимида Хоразм вилоятида 76,9 фоиз, Навоий вилоятида 75 фоиз, Наманган вилоятида 62,7 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 56 фоиз,Бухоро вилоятида 46,9 фоиз, Самарқанд вилояти 46,7 фоиз, Тошкент шаҳрида 38,5 фоиз, Андижон вилоятида 36,6 фоиз, Сирдарё вилоятида 33 фоиз, Қашқадарё вилоятида 11,8 фоиз, Сурхондарё

вилоятида 10 фоизга, Жиззах вилоятида 8 фоиз, Фарғона вилоятида 5,1 фоизга камайган бўлса, жойларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қониқарли ташкил этилмаганлиги, вояга етмаганлар жиноятчилигини жиловлашдаги ишларнинг самарасизлиги сабабли Тошкент вилоятида 4,1 фоизга ошган .

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1505-иш, 1-варақ
2.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1115-иш, 27-варақ
3.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1001-иш, 142-варақ
4.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1001-иш, 140-варақ.
5.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1000-иш, 10-варақ
6.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 999-иш, 41-варақ
7.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1508-иш, 35-варақ
8.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1876-иш, 34-варақ
9.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1874-иш, 74-варақ
10.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1874-иш, 9-варақ
11.Ўз МА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 1874-иш, 10-варақ
12.Мирзиёев.Ш. Ислоҳотлар самарасини, дастурлар натижасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак. Халқ сўзи.2018 йил 30 июнь, №132(7090).
13.Гофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. - 2017. - №3. - Б.64.
14.Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш: Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 45 б.
15. Холов А.Т. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси.- 2018.-№2. - Б. 59-60.
16. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот-тахлил марказининг 2013-2017 йиллардаги статистик маълумотлари.
17. https://lex.uz/docs/3141186?ONDATE=07.07.2021%2000
18. https://xs.uz/uzkr/post/yoshlar-zhinoyatchiligi-39-1-foizga-kamajdi-qandaj-qilib
19. https://uzmarkaz.uz/uzc/news/voyaga-etmaganlar-ortasida-huquqbuzarliklarning-oldini-olish-bojicha-ajrim-fikrlar
20. https://www.gov.uz/uz/news/view/6953
21. https://lex.uz/docs/1685726?twolang=1


Резюме

Маскур мақолада шуни таъкилаш лозимки, юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаган жиноят содир этган шахслар билан ишлаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, жазони ўтаган

вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишида кўмаклашиш, уларнинг турли оқимларга кириб қолишини олдини олиш ҳамда ушбу соҳага масъул бўлган органлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва ушбу органларнинг иш самарадорлигини тўлиқ таъминлашга ҳизмат қилади.

Резюме

В статье Маскура следует подчеркнуть, что вышеназванные нормативно-правовые документы работают с несовершеннолетними, совершившими преступления, предупреждают преступность среди них, помогают несовершеннолетним, отбывшим наказание, адаптироваться к общественной жизни, препятствуют их вхождению в различные потоки. , а ответственные за это направление служат для координации усилий органов и обеспечения полной эффективности работы этих органов.

Resume

In the Maskur article, it should be noted that the above-mentioned normative legal documents work with minors who have committed crimes, prevent crime among them, help minors who have served their sentences to adapt to social life, prevent their involvement in various currents, and those responsible for this area serves to coordinate the efforts of the bodies and ensure the full efficiency of the work of these bodies.

# SOHIBQIRON AMIR TEMURNING OLTIN O‘RDA XONI TO‘XTAMISH BILAN JANGI PANORAMASI

**Баходир Мамадиев,**
Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи директори

**Kalit so'zlar:** Амир Темур, Тухтамишхон, Олтин Ўрда, ҳарбий санъати, музей панорамаси, ҳарбий тактика ва қўшин тузилишлари.

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жамиятнинг барча жабҳаларида тубдан янгиланиш, тараққий этиш, миллат ўтмиши ва маданий меросини ҳаққоний англаш жараёни бошланган. Бу йўлда кўп миллатли халқимиз собит қадамлик билан тараққиёт йўлидан одимламоқда.

Тарихан қисқа фурсатда янги давлатчиликка асос солинди, чегараларимиз дахлсизлигини одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қодир замонавий миллий Қуролли кучлар ташкил этилди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, маънавиятнинг жамиятдаги ўрни тикланди, иқтисодиёт барқарор ўсиш йўлига кирди.

Ўзбекистон катта иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, бугун дунёдаги барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлардан биридир. У Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Давлатимизнинг жаҳонда тинчликни мустаҳкам-лаш, халқлар ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган аниқ сиёсати ва сама-рали ташаббуслари туфайли мамлакатимизнинг халқаро миқёсидаги обрў - эътибори муттасил ортиб бормоқда. Ҳарбий иш тарихи мазмунан жуда кенг қамровли соҳа сифатида ҳарбий сохага тегишли барча тушунчаларни ҳарбий сиёсат, жанг маҳорати, қурол-яроғлар, мудофаа тизими, ҳарбий санъат, айни пайтда урушлар тарихини ҳам қамраб олади.[1.184] Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи жуда чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, инсоният тарихида қадимий цивилизация ўчоқларидан бирига асос солган халкимизнинг серқирра ва бой ўтмиш маданиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади.

Айниқса, қарийб уч минг йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтган ўзбек давлатчилиги тарихида ҳарбий санъатнинг ўрни беқиёс. Зеро, бутун ўтмиш мобайнида давлат ва жамиятнинг хавфсизлиги, юрт тинчлиги ва осойишталига, чегаралар дахлсизлиги, халкнинг эрки ва озодлиги, маданий тараққиётини таъминлаши учун ҳарбий кучларга эҳтиёж катта бўлган. Шу сабабли ҳарбий ишга давлатнинг муҳим вазифаси сифатида жуда катта

эътибор қаратилган.

Ҳали давлатчилик пайдо бўлмаган, жамият тўла шаклланмаган ибтидоий даврлардаёк, чек-чегарасиз бепоён ўлкаларда яшаган турли уруғ ва қабилалар ташқи хавфлардан ўзларини ҳимоялаш мақсадида иттифоқ ва бирлашмаларга уюшганлар, дастлаб овчилик мақсадларида кашф этилган ўқ-ёйлар, пичоқ, чўқмор ва ойболталардан ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида қурол сифатида фойдалана бошлаганлар. Айнан шу даврдан бошлаб дастлабки қуроллар, ўзаро жанг усуллари пайдо бўлиб, ҳарбий санъатнинг илк куртаклари шакллана бошлаган.

Жамият ҳаётида илк давлатлар юзага келиши билан уларнинг чегараларини, аҳолининг тинчлигини таъминлаш, ташки ҳужумлардан ҳимоялаш мақсадида мудофаа иншоотлари барпо этила бошланди, ҳарбий қўшин тузиш, қурол-яроғларни такомиллаштириш давлатнинг муҳим функциясига айланди. Шу сабабли ҳарбий санъат тарихи давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди.

Тарихий тадқикотларнинг кўрсатишича, ватанимиз ҳудудида давлатчилик ривожланиб, жадал тараққиёт содир бўлган даврларда ҳарбий санъат хам ривожланиб, юксалган. Ёки аксинча, сиёсий парокандалик ва тарқоклик даврларида ҳарбий санъат ҳам турғунликка учраган. Мустамлакачилик даврларида эса ўз ҳукмронлигини қурол кучи билан сақлаб турган мустабид ҳукумат халқни ҳарбий сохага умуман яқинлаштирмаган.[6.25]

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз ҳамиша ўз жасорати, шижоати ва ватан ҳимояси учун фидоийлиги билан ажралиб турган, уларнинг ҳарбий маҳорати ва матонати эса ўнлаб мамлакатларни забт этиб, йирик салтанатлар барпо этган Аҳамонийлар, Александр Македонский, Араб Халифалиги ва Чингизхон қўшинларига ҳам панд бериб, ҳайратга солган.

Аждодларимиз жаҳон ҳарбий санъати ривожига хам муносиб ҳисса қўшганлар. Хусусан, милоддан аввалги даврларда отлиқ суворийнинг ўқ-ёйдан моҳирона фойдаланиши ва душманни ҳамла билан кучсизлантириб, тўсатдан чекиниш оркали чалғитиш ва тўсатдан яна кайта ҳужумга ўтиш орқали мағлуб этиш усули, ғилдираклари пичоқли жанговар аравалар, кичик-кичик тўдаларнинг тусатдан ҳужум қилувчи партизанлик кураш усуллари, милодий аср бошларида оғир қуролланган отлиқ қисмларга асос солиниши, уларнинг жанг тактикалари, қурол-аслаҳалари, ҳозирга қадар колдиклари сақланиб қолган, катта меҳнат билан қўрилган мудофаа деворлари, қалъа-истеҳкомлари, Амир Темур қўллаган ҳарбий тактика ва қўшин тузилишлари нафақат минтақа, балки жаҳон ҳарбий санъати ривожида катта ўрин тўтган.

Қарши шаҳридаги "Ватанпарварлар" боғида ташкил этилаётган музейда Соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан жанги панорамасини яратиш мақсадида, музейлардан маълумотлар тўплаш, жанг майдони рельефини ўрганиш ва ҳозирги даврдаги энг илғор технологиялар асосида яратилган Санкт-Петербургдаги "Прорыв" музейи панорамаси

ҳамда Москва шаҳридаги "Зарядье" ва "Победа" боғ-музейлари тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Юқоридаги музейларни ташкил этиш тажрибасидан келиб чиқиб, Қарши шаҳридаги "Ватанпарварлар" боғидаги музейда замонавий ва илғор интерактив муьтимедиа технологияларини жорий этиш орқали Амир Темур ва Тухтамишхон ўртасида бўлиб ўтган жанг манзараси ва унда иштирок этган тарихий шахслар номини тиклаш мақсад қилинмоқда. Ушбу жанг манзараси ва тафсилотлари, Амир Темур давлатининг ҳарбий кучлари, унинг тузилиши, вазифалари, ҳарбий лавозим поғоналари, армиянинг давлатдаги ўрни ҳақидаги кўплаб маълумотлар "Темур тузуклари"да ва ўша даврга мансуб бошка манбаларда сақланиб қолган. Хусусан, Шарофиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг асарларида, Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" асарида, ўарб мамлакатларидан келган элчилар ва ҳарбийларнинг эсдаликларида, жумладан, Амир Темур саройига юборилган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ва европалик рицар Шильтбергернинг "Кундаликлари"да ҳамда кейинги маҳаллий тарихчилар-Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандий-ларнинг тарихий асарлари асосида дастлабки тадқиқот ишлари амалга оширилди. Қўйида Амир Темур ва Тухтамишхон ўртасидаги Самара вилоятининг Қундузча қишлоғида бўлган жанг тафсилотлари ҳақида.

Маълумки, Жўжихон авлодидан бўлган Тўхтамишхон отаси Тўйхўжа ўғлон Ўрисхон томонидан қатл қилингандан сўнг Оқ Ўрдадан қочиб, 1376 йили Самарқандга, Амир Темур ҳузурига мадад ва паноҳ излаб келади. Амир Темур унга зарур қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, от-улов ва қўшин билан таъминлаб, Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда тахтига эга бўлиш йўлида қилган барча юришларида кўмак беради.

Яқиндан берилган мадад туфайли Тўхтамишхон 1378 йили Оқ Ўрдани қўлга киритади, 1380 йили Калка дарёси бўйида Мамайни мағлуб этган Тўхтамишхон Сарой ал-Жадид, Сарой Боту, Саройчик, Ҳожитархон сингари шаҳарларни забт этади ва ўзини Олтин Ўрданинг мутлақ ҳокими деб эълон қилади. Жўжи улуси раҳбарлигини куч билан қўлга олган Тўхтамишхон олиб борган сиёсат ва ҳарбий ҳаракатларнинг асосий йўналиши жанубга, яъни қачонлардир Чиғатойхон ва Хулагухон улуслари ҳисобланган Мовараннаҳр ҳамда Хуросонга қаратилган эди. Тўхтамишхон бир умр миннатдор бўлиши лозим бўлган ҳомийси ва мададкори Амир Темур билан очиқдан-очиқ муносабатларни ёмонлаштириш, муҳолифатчилик қилиш кўчасига қадам қўяди. 1387 йили Тўхтамишхон Амир Темурнинг Эрондалигидан фойдаланиб, Соҳибқирон салтанатининг марказий қисмларига ҳужум қилиш қарорига келади. Дастлабки зарба Оқ Ўрданинг марказий Сиғноқ томонидан берилади. Сарбонни эгаллай олмаган қўшин Ўтрорга йўл олади ва у ерда унча катта бўлмаган Амир Темурка тегишли аскарий гуруҳини мағлуб этиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудига бостириб киради. Тўхтамишхон иккинчи йўналишдаги зарбани

Хоразм орқали амалга оширади. Самарқанд ва Бухоро қуршовда қолишига қарамай, Тўхтамишхон бу шаҳарларни олишни уддасидан чиқолмайди. Асосий қуролли кучлар билан Широзда турган Амир Темур қамалда қолганларга 30 минг кишилик мадад жўнатади. 1388 йилнинг февралида Соҳибқирон бор армиясини бошлаб, душманга қарши йўлга чиқади. Тўхтамиш Амир Темур билан юзма-юз тўқнашишдан воз кечиб, зудлик билан Дашти Қипчоққа қайтиб кетади.

Тўхтамишнинг Олтин Ўрдадан бир неча чақирим масофада жойлашган Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қилган ҳужуми, унинг муайян бир ҳудуд учун эмас, балки умуман Амир Темурка қарши олиб бораётган сиёсатининг натижаси эканлигини Соҳибқирон англаб етган эди.

1383 йилнинг сўнггида ўз қўшинини рус, булғор, бошқирд ва бошқа халқлар ҳисобига мустаҳкамлаган Тўхтамиш яна Амир Темурга қарши отланади. Қозоғистон чўллари ва Сирдарё бўйлаб ҳаракат қилган улкан қўшиннинг илғор қисми 1389 йил бошида Арис дарёсининг этагида жойлашган Зарнуқ шаҳри яқинида Амир Темур томонидан исканжага олиниб, тор-мор этилади. Бу вақтда Тўхтамиш қўшиннинг асосий қисмлари билан Сирнинг ўнг соҳилидаги Саброн шаҳрини эгаллашга беҳуда уринмоқда эди.[4.221]

Амир Темур Тўхтамишхон томонидан амалга оширилаётган ғанимлик ва ғаразгўйлик саъи ҳаракатларга чек қўйишга ҳамда Соҳибқироннинг Эрон заминидаги мавқеининг кучайиб кетаётганлигини олдини олиш учун Олтин Ўрда ва Миср ўртасида тузилиши режалаштирилаётган иттифоққа барҳам беришга мажбур бўлади. Натижада Амир Темур 1391 йилнинг қиш фаслида Тўхтамишхонга қарши юришга азм қилади. Салтанатнинг турли вилоятларига тавачи ва чопарлар юборилиб, оммавий сафарбарлик ҳақида формони олий эълон қилинади. Бир йилга етадиган озиқ-овқат, ем-хашак йиғиш ва ҳозирлаш чоралари кўрилади. Ҳар бир жангчи бир ёй ва ўттиз дона ўқ, тиркаш ўқдони билан, бир қалқон, битта қўшимча от, ҳар ўн аскарда бир чодир, икки бел, бир кетмон, бир ўроқ, бир арра, бир теша, юз игна, ярим ботмон арқон, бир тери ва қозон бўлиш шарти қўйилади. Темур буйруғига биноан улови бўлмаган навкарларга отлар берилади. Давлат хазинасининг эшиклари очилиб, амирлар, беклар, лашкарбошиларга сафар олдидан тортиқлар қилинади. Лашкарнинг жанговор руҳини кўтариш мақсадида аскарларга совғалар улашилади.

Жам бўлган қўшин Самарқанддан йўлга чиқади ва Сирдарёдан кўприк орқали ўтиб, Тошкентга қараб юради. Амир Темур Дашти Қипчоқ юришига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Йўлбошловчилик қилиш вазифаси чингизий шаҳзода Темур қутлуғ ўғлон ҳамда Идигуй ўзбек, яъни, Едигей зиммасига юкланади. Шу аснода Мироншоҳ кўрагон мирзо Хуросон лашкари билан келиб қўшилади.

Мамлакат ишларини идора қилиш вазифаси вақтинчалик Шоҳруҳ мирзо ва Жаҳонгир мирзоларга топширилади. Амир Лаъл билан амир Милкат

амирзодаларга ноиб этиб тайинланади.

1391 йил ҳут ойи охирларида икки юз минг кишилик қўшин Яса, Қорачуқ, Саброн орқали Сариқ ўзан (Сари сув) мавзеига чиқади. Кучли сел келиши туфайли қўшин бир неча кун шу ерда макон топади. Сел камайганидан сўнг Соҳибқирон қўшини дарёдан гузар орқали ўтади. Бир кун кечаси Идигуй ўзбекнинг икки навкари қочиб, Тўхтамишхон урдугоҳига кетганлиги маълум бўлади. Қочоқларни тутиш мақсадида юборилган таъқибчилар уларни тополмай, қайтиб келади. Соҳибқирон икки кеча-кундуз йўл юриб толиққан қўшинни Улуғ тоғ (ҳозирги Қозоғистондаги Қарсақпай кони яқинидаги Олтин чўку номли тоғ) ёнбағрига ҳордиқ олиш учун туширади. Ўзи эса хослари ҳамроҳлигида тоғ бошига чиқиб, теварак-атрофга, ястаниб ётган даштга назар ташлайди ва бу ерда мазкур юриш ҳақида хотира қолдиришга қарор қилади. Фармони олийга кўра жангчилар атроф жавонибдан харсанг тошлар ташиб келиб, белгиланган жойга тўплайдилар. Уста тоштарошлар ишга тушиб, Соҳибқироннинг Тўхтамишхонга қарши қўшин тортиб, ушбу мавзега етганлиги тарихини тошга битадилар.

Туркий ёзувда нашқ қилинган хотиранинг матни қуйидагичадир: "Тарих етти юз тўқсон учта, қўй йил ёзнинг ора ой Туроннинг султони Амир Темур икки юз минг черик била ислом учун Тўхтамишхоннинг хониға йўриди. Бу ерга етиб белгу булсин теб бу йўбани қўпарди.Тангри нисфат бергай, Иншооллоҳ. Тангри эл кишига рахмат қилғай, Бизни дуо билан ёд қилғай".

Ёдгорлик битгач, қўшин яна йўлга чиқади: Илончуқ, дарёсини убур қилгач, саккиз кеча ва кундуз тинимсиз от суриб толиққан Амир Темур сипоҳни Анақарғуй ( Қозоғистондаги ҳозирги Анақарқуюн) мавзеига туширади

Беш-олти ойдан бери ғаним кетидан изма-из келаётган қўшиннинг озиқ-овқати деярли тугаш арафасида эди. Соҳибқирон қўшин бекларига иложи борича ун, буғдой, арпа каби озиқ-овқат маҳсулотларини тежашни буюради. Аскарлар биёбондаги қушларнинг тухумларини пишириб ейиш ҳамда атала ичиш билан қаноатланади.

Оғир вазиятдан чиқиш, яъни қаҳатдан халос бўлишнинг бирдан бир иложи чарга ови қилишга амр қилинади. Ов жуда муваффақиятли бўлади, кўплаб жайрон, ёввойи эчки, кийик ва бошқа сахро жониворлари ўлжа қилинади. Емиш муаммосини ҳал қилган Амир Темур сафарни давом эттиради. Лашкар денгизмонанд жўш ва хурушга келиб, тартиб ва қоида билан фавж -фавж, гуруҳ -гуруҳ бўлиб ёғи томон мутаважжиҳ бўлади. Тобол, Ёйиқ (Урал), Самар дарёларидан кечиб ўтган қўшин Ийк дарёси яқинида қўнишга қарор қилади. Амирзода Муҳаммад Султон баҳодир тутиб келтирилган тилдан душманнинг яқиндалиги тўғрисида малумотга эга бўлган Соҳибқирон ражаб ойининг душанба куни қўшинни зудлик билан Ийкни кечиб ўтишга бошлайди. Кўпкаридан дастлаб манғлай, сўнг қўл-марказ

ўтади. Баранғар ва жуванғар лашкарига сувдан сузиб ўтишга буйруқ берилади.[2.205]

Бу орада душман қароргоҳини аниқлаш мақсадида жўнатилган разведкачи гуруҳ –қаравулнинг сардори амир Ику Темур қарши томон қаравулари, билан бўлган тенгсиз тўқнашув пайитида қатлга етади. Икки тарафнинг соқчи бўлиммалари тез – тез юзма –юз кела бошлайди. Бироқ, ёвнинг асосий кучлари ҳа деганда кўзга ташланавермайди.

Озиқ – овқатнинг соат сайин камайиб бориши, узоқ йўл босган аскарларнинг ҳолдан тойиши ҳисобига Амир Темур армиясининг тинкасини қуритиб, унинг жанговор руҳини сусайтириш тактикасини усталик билан қўллаётган Тўхтамишхонни Умаршайх мирзо, амир Суюнчак, Султон Санжар, амир Ҳожи Сайфуддин ва амир Аббоснинг ўғли Усмон қўмондонлигидаги йигирма минг жаррор отлиқ аскарлардан иборат илғор қисим – манғлай, охир оқибат тўхташга ва жангга киришга мажбур этади.

1391 йилнинг 18 июнида Самара вилоятининг Қундузча мавзеида Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида, икки томондан таҳминан 400 минг аскар иштирок этган, ўша даврдаги энг дахшатли ва йирик жанглардан бири бўлади.

Ушбу жанг саҳнаси, Амир Темур қўшинининг жанговор тартиби Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздий асарларида муфассал тасвирланган.

Ясолни тузишга бевосита Соҳибқироннинг ўзи раҳбарлик қилади. У қўшиннинг қисмларини жанг майдонига жойлаштиришда янги усулни қўллайди ва уларни етти қўлга ажратади. Султон Маҳмуднинг номи билан ораста қилинган ва марказга қўйилган қўлга бевосита амир Сулаймоншоҳ қумондонлик қилади. Бу қўлнинг кетидан Амир Темурнинг иккинчи қўли туради, унга бошчилик қилиш Муҳаммад Султон мирзога буюрилади.Унинг ортидан бевосита Амир Темур ихтиёрида бўлган 20 қўшун эҳтиёт қисм қилиб жойлаштирилади. Баранғарга Амироншоҳ мирзонинг қўли қўйилади, амир Ҳожи Сайфуддиннинг қўли кунбил – қанот қўриқчиси вазифасини ўтайди. Жуванғарга  Умар Шайх мирзонинг қўли жойлаштирилади. Унга қунбул тарзида Бердибек , Сайибўға раҳбарлигидаги қўл туради. Бу қисмга ҳам жуванғар, ҳам қўлни қўриқлаш вазифаси юклатилади. Марказ –қўл манғлай – авангард билан таъминланади. Қўлнинг орқа томонида олий бош қўмондон, яъни, Амир Темур қароргоҳи ўрнатилган чағдавул жойлаштирилади. Шу ерда бўлган эҳтиёт кучлар жангнинг тақдирини Амир Темур фойдасига ҳал бўлишида катта ролъ ўйнайди.

Ул тарафда Тўхтамишхон ҳам ўз сипоҳини беш қўлга бўлиб, уларга хонзодалардан Тош Темур ўғлон, Бек Бориқ ўғлон, Элтиқмиш ўғлон, Али ўғлон, Жўжихон улуси умаросидан Алибек, Сулаймон, Қўнғирот Наврўз, Оқбўта, бийлардан Айсаек, Ҳасанбек, Кўка ва Ёғли сингари Дашти Қипчоқнинг номдор саркардаларини бошлиқ қилиб, саф чекиб турарди.

Амир Темур жанг олдидан аскарий қисмларга чодирлар тикиб, овқат

пиширишни, емак билан машғул бўлишини буюради. Жангчилар ўт ёқиш ва емак пиширишга тутинади. Нусратпаноҳ қўшинининг бу даражадаги виқор ва саботи Тўхтамишхон лашкарини нафақат таажжубга, балки ғулғулага солади.

Соҳибқирон жидол ва қитолга шуру қилмасдан аввал отидан ерга тушади.Сидқ ва ниёз юзидан икки ракъат номоз ўқиб, Тангридан нусрат ҳамда зафар тилайдилар. Шундан сўнг ҳар икки қўшиннинг диловарлари ва икки мамлакатнинг сафдорлари жалодал майдонига қадам қўйиб, тўқиш бошлайдилар. Даставвал амир Ҳожи Сайфуддин ўз рўпарасида турган ғанимнинг жуванғарига ҳамла қилади ва уни синдиришга муяссар бўлади.[7.196]

Душман қисмнинг сафи бир-биридан айрилиб қочмоққа юз тутади.Шу пайт душманнинг бир неча бўлимлари амир Ҳожи Сайфуддин аскарларига ҳужум қилиш ниятида унинг изига тушади. Душман режасини ўз пайтида англаб етган амир Жаҳоншоҳ ўзининг лашкари билан тебраб, бу гуруҳнинг йулини тўсади.

Амирзода Умаршайх баҳодир журъат шамширин ғилофидан суғириб, ўз аскарлари билан хасм баранғарига ташланади.

Тўхтамишхон Соҳибқирон қўли билан жанг қилишга ботинолмай, у ердан юз ўгиради ва амирзода унга Умаршайх қисмларига қараб юзланади. Бироқ амирзода унга қаттиқ қаршилик кўрсатади ва у ердан тебранмакни хаёлига ҳам келтирмайди. Иш чиқмаганини кўрган Тўхтамишхон Шайх Темур ва Салдуз қўмондонлигидаги қисмларга ҳужум қилади. Темурийларнинг кучли тирборонига дуч келишига қарамай Тўхтамишхон Салдуз фавжини яксон қилиб, ўртасидан ёриб ўтади. Шундан сўнг мирзо Умаршайх ўз одамлари билан хон қаршисига чиқиб, уруш бошлайди. Жанггоҳнинг барча жойларида Амир Темур аскарларининг қўли баланд кела бошлайди.[1.95]

Жанг Амир Темурнинг тўла устунлигида ўтади. Бутунлай тор-мор этилган Тўхтамишхон қўшини қолдиқлари Волгага қадар таъқиб қилинади. Катта миқдордаги ғаниматни қўлга киритган музаффар қўшин жангдан кейинги йигирма олти кунлик ҳордиқдан сўнг келган йўли билан юртига қайтади. Ўн бир ой давом этган ҳарбий сафар ниҳоясига етади.

Олтин Ўрданинг ушбу мағлубияти унинг иқтисодиётига, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига унчалик зарар етказмади, салтанатнинг тақдирини узил-кесил ҳал қилмади. Тўхтамишхон Соҳибқирон билан олиб бораётган сиёсий курашини давом эттириш учун ҳали етарли куч-қувватга эга эди.

Жанг тафсилотлари ва тарихий шахсларни номини аниқлашда илмий нуқтаи назардан ёндашилиб, асосан тарихий манбаларда номлари келтирилган шахсларга эътибор қаратилди. Музей панорамасини яратишда Амир Темур ва Тухтамишхон ўртасидаги 1394 йилги жанг тафсилотлари ва тарихий шахсларга ҳам ўрин бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Кейинги

изланишларимизда айнан шу мавзуни ёритишга эътибор қаратамиз. Чунки ушбу жанг тақдири Олтин Урда ва Тухтамишхоннинг сиёсий қарашларига якуний нуқта қўйганлиги билан аҳамиятлидир,

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Темур тузуклари. / А. Темур. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – 184 б.

2. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: "Ўзбекистон", 1996–205.

3. Ибн Арабшох Амир Темур тарихи. Т.: "Меҳнат", 1992–189.

4. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Т.: "Ўзбекистон", 2011.–221

5. Иванин М. Икки Буюк саркарда. Тошкент, 2017.–235

6. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т.: "Ёзувчи", 1996.–166

7. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. Т.: "А. Қодирий номидаги халқ мероси", 1999.–196

8. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли ҳақида. Тошкент, 1960.–55

9. Раимкулов А.А. Куликово жанги, Амир Темур ва Олтин Ўрда. Ўзбекистон музейларининг долзарб муаммолари. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallar to'plami. Shahrisabz. 2024.

**Аннотация.** Амир Темур қўллаган ҳарбий тактика ва қўшин тузилишлари нафақат минтақа, балки жаҳон ҳарбий санъати ривожида катта ўрин тўтган.

**Аннотация.** Военная тактика и стратегия Амира Темура имеет огромное значение не только на нашем регионе, но и мировом военном искусстве.

**Abstract.** Amir Temur's military tactics and strategy are of great importance not only in our region, but also in the global military art.

# O‘ZBEKISTON JANUBIY XUDUDLARIDAGI ZIYORATGOHLARNING MANBASHUNOSLIK TARIXI

**Джураева Санабар Нурматовна,**
Ўзбекистон Миллий университети
тарих фанлари доктори.

**Kalit so'zlar:** шаҳар, аллома, зиёратгоҳ, тарихчи, географ, этнограф, манба, асар, қўлёзма, адабиёт, сайёҳ, элчи, аҳоли.

## КИРИШ

Жаҳон туризмининг бир қисми бўлган зиёрат туризми халқаро миқёсда кенг ривожланмоқда. Зиёрат туризми объектлари деганда, мамлакат ичида одамлар диққатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари каби тарихий, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик объектларни ўз ичида бирлаштиради. Зиёрат туризми республикамизда қадимдан ривожланиб келган.

Туризм объектларининг шаклланиш тарихини ўрганиш давомида таъкидлаш керакки, Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёратгоҳлар масаласи ва уларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамияти борасида турлича муносабатлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Умуман олганда, тарихий манбалар бу тарихий жараёнлар, алоҳида фактлар, содир бўлган ҳодисаларни ўзида мужассам этган моддий маданиятга тегишли ҳужжат ва предметларнинг бир-бирини тўлдирувчи мажмуидир. Уларнинг асосида у ёки бу тарихий давр ҳақидаги тасаввурлар шакллантирилиб, турли тарихий воқеаларни келтириб чиқарган сабаб ва оқибатлар ҳақидаги илмий гипотезалар илгари сурилади.

Тарихий манбалар сифатида хизмат қиладиган археологик ва ёзма манбаларнинг вазифасига караб таснифлаган олимлар уларнинг орасида қабрлар, ибодатхоналар, ғорлар, петроглифлар (қояларга чизилган расмлар) ва аҳоли турмуши билан боғлиқ алоҳида топилмаларни ажратиб кўрсатишган [1:21-27].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Жанубий Ўзбекистон худудида зиёратгоҳлар масаласига доир маълумотларни ёзма манбалар бўлган эсдалик, хотира, ҳисобот, сайёҳатнома, қозилик ва вақф ҳужжатлари орқали аниқлаш ҳам мумкин. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё худудидаги зиёратгоҳлар тарихини ёритувчи манба ва адабиётларни характерига кўра, куйидагича тасниф қилиш мумкин:

### I.Ўрта асрлар тарихига оид манбалар.

Таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда, Қашқадарё воҳаси тарихини ёритувчи маълумотлар худуд топонимикаси, географияси, аҳоли турмуш тарзи ва жой номлари билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Жумладан,

дастлабки маълумотлар X асрда Кешга (ҳозирги Шаҳрисабз) келган араб сайёҳи Ибн Ҳавқал асарида келтирилиб, унда Кеш шаҳри кўхандиз, ҳисна ва работдан ташкил топганлиги, шаҳар Мадина работ билан туташиб кетганлиги айтилади. Ички шаҳар ва куҳандиз хароба ҳолатда бўлиб, шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан курилган [2:65-66]. Кеш шаҳридаги қишлоқларнинг аҳолиси хақидаги маълумотлар, бу ерга ташриф буюрган яна бир араб сайёҳи Муқаддасий (X аср), Табарий (839-923) ва Истахрий (ваф. тах. 957) асарларида ҳам учрайди [3:18-30].

Абдулкарим ас-Самъоний XII аср ўрталарида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф, Кеш ва Термиз шаҳарларига ташриф буюриб,Қарши воҳасида бўлган вақтида, у ернинг шаҳар ва қишлоқларини, олим ва фузалоларини ўрганган, улар билан танишиб, суҳбат қурган. Унинг "Насабнома" ("ал Ансоб") номли қимматли асарида, Самарқанд, Насаф ва кешлик 90 та алломанинг номи зикр этилади. Жумладан, Қарши туманидаги ҳозирги Қовчин (аввалги Ибсан қишлоғи)дан етишиб чиққан алломалар ҳақида ҳам маълумот беради [4:225-226]. Абдулкарим ас-Самъонийнинг маълумотига кўра, 834 йил Насафда биринчи марта шайх Абу Абд ар-Раҳмон Муоз ибн Ёқуб Косоний жомеъ масжиди, унга яқин жойда сўфийлар учун работ, қудуқ ва таҳоратхоналар қурдирилган [3:52-53].

Маълумки, ислом дини ривожига ҳисса қўшган тасаввуф шайхларининг давлат подшоҳлари олдида ҳам обрўйи баланд бўлган, улар ислом уламоларини жуда ҳурмат қилиб ўзларига пир деб билган, пир-муридлик даражаси ривожланган. Айнан шу асосда, машҳур авлиёларнинг қабрлари вафотларидан кейин ҳам катта зиёратгоҳ бўлиб колган. Уларнинг халқ орасидаги обрўйи, кўрсатган кароматларига қараб, зиёратгоҳнинг мавкеи кўринган. Бошқа давлатлардан келган элчи, сайёҳлар ҳам ислом оламида машҳур бўлган шахс ҳурмати учун уларнинг қабрларини зиёрат қилган.

IX-X асрларда араб тарихчи ва географлари Ибн Хурдодбех,Табарий [5:658-663].Балазурий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Мақдисий, Ибн Фақих, Жайхуний ва бошқалар эски Термиз ва у ердаги маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз асарларида қимматли маълумотларни келтирганлар. Масалан, ғX асрда Термизга келган Абдулқосим Убайдуллоҳ ибн Хурдодбех (820-913) "Китаб масолик ул-мамолик" асарида Термизни Балх билан Амударё ўзаро боғлаб туриши, у ердан ҳар икки томонга сув орқали ўтиш жойи борлигини қайд этади [6:66].

Мақдисий (947-990) Термизга сув йўли орқали кемалар келишини, бу даврда четга совун, елим ва қайиқ сотилганини қайд этади [7:291]. Ибн Ҳавқал ҳам бу маълумотни тасдиқлаб, Термиз работларида саёҳатчиларнинг тўхтовсиз оқими туфайли у шаҳарга кўп даромад келтирганини ёзади [3:18]. Термизда бўлган Жайхуний (X аср) "Ашқол ул-олам" асарида Термиз қаъла, мадина, работдан иборат эканлигини, шаҳарда уйлар пахсадан қурилганлиги, кўчалар майдонлар ва бозорлар эса пишган ғишт билан қопланганини таъкидлайди [8:18]. Жайхуний ва Истаҳрий (ваф. 957) Термизни деярли бир хил таърифлаган, иккаласи ҳам шаҳарда жоме масжид борлигини,

бозор ва кўчаларга ғишт тушалганини ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумотлар келтиради [9:298]. Мазкур маълумотлар Термизнинг ўрта асрлар савдо ва маданиятдаги аҳамияти юқори бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, Табарий (839–923) ва Балазурий (ваф. 892) Термиз ёнидаги орол ҳақида маълумот берса [10:154]. Тарихчи Хофиз Абру (1362–1431) "Ашқол ал-Ақолим" (Иқлимлар шаклу суратлари) асарида Пайғамбар оролидаги кечув гузаргоҳи бўлган Келиф хакида маълумот берган [11:290].

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Термиз ва унинг атрофида ўрта асрларда ислом маданияти шаклланган. Бу даврда шаҳарлар қурилишида ишлатилган хом ғишт бевосита мақбара ва қабр атрофида ҳам мавдуд бўлганлигини тасдиқлайди.

XVI асрда яшаган турк адмирали сайёҳ Сейди Али Раиснинг "Мирьотул мамолик" (Мамлакатлар кўзгуси) асарида ҳам Мовароуннаҳрга ташрифи чоғида, Хожа Яъкуб Чархийнинг қабрини зиёрат қилганини, ундан Чағониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга ўтганини, у ердан Темур Султон номи қўйилган жойга келиб, Сангардак тоғидан ошганини, тоғдан ёмғир ёққандек, сув томчилаб тинмай оқиб туришини томоша қилганини айтади. Сейди Али Раиснинг келтирган маълумотларидан шу нарса аниқ бўладики, бу даврда Хожа Яъкуб Чархий қабри, Чағониёндаги [12:97], яъни Сурхондарё худуди Сангардак тоғидаги Сангардак шаршараси, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухородаги азиз-авлиёларнинг қабрлари мунтазам равишда аҳоли томонидан зиёрат қилиб турилган. Мазкур маълумотлардан саёҳатчи, ташрифидан олдин бу тўғрида маълумот олган ва у ерга борган бўлиши керак деган хулосага келишимиз мумкин. Бу ўша даврда ҳам зиёратгоҳларнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

**II. Тарихий-бадиий асарлар:**

Тарихий-географик асарлар. Маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган сиёсий, биографик асарлар ҳамда хорижлик сайёҳларнинг хисоботларида, зиёратгоҳлар ва уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни тўгрисида маълумотлар келтирилади. Бундай турдаги манбаларда биографик шахслар номи ҳамда авлиё, пир, сиғиниш масканлари тарихини ёритувчи номлар қайд этилади. Зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ уламолар тарихи, биографияси, олимларнинг асарлари ҳамда ўлкадаги аҳолининг маданий ҳаётини ёритувчи манбалар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик кўлёзмалар институти фондида [11:290] Ҳофизи Абрунинг "Ашқол ал-ақолим", "География", "Худуд ул-олам", Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" қўлёзма манбалари [13:65] сақланади. Мазкур манбалар ҳам ўлка аҳолиси тарихига оид манбаларни сақлаши билан қимматли ҳисобланади. Шарқшунослик институти жамғармаси, унда сақланаётган ёзма ёдгорликлар миқдори ва уларнинг илмий-тарихий аҳамияти жиҳатидан дунёда энг бой ва бетакрор хазина ҳисобланади. Унинг таркибида ягона ва нодир асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Ёқут Ҳамавийнинг (XII аср охири -XIII аср боши) "Муъжам ал-булдон" асарида, Ўрта Осиё шаҳарлари, жумладан, Насаф, Кеш ва Термизга борганининг

изоҳи билан бирга, аҳолига доир шу ерда яшаган атоқли шахслар, зиёратгоҳлар, ёдгорликлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади [10:143].

Темурийлар даврида сарой тарихчиси бўлган Ҳофизи Абру (1362–1431) кўп марта саёҳатга чиққан ва кўп жойларни кўрган. Унинг "Зубдат ат-таворих" асари тарихий-географик манба бўлиб, унда Кеш-Шаҳрисабз. Нақшаб-Кеш атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар қурдилар [13:4а; 10:154]. деб қайд этса, Захриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"сида [14:54], XVII асрда яшаган тарихчи Маҳмуд ибн Вали асарида, Қарши ҳақида маълумотлар келтирганлигини [15:37] кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, зиёратгоҳлар номи турли авлиё ва валийлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, авлиёлар ҳаёти ва кароматларига доир Фаридиддун Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асарида, 72 авлиё тўғрисида маълумот келтирилса, Рушдий тазкирасида 95 авлиё зикр этилади [16:240]. Мазкур манба ҳам айнан Қашқадарё воҳаси авлиёлари номи билан боғлиқ маълумотларни ўзида бирлаштиради.

Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб "Нафоҳат ул-унс"да 618 авлиё зикри берилган [17:584]. Авлиёлар ва уларнинг ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қарашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал вазифасини бажара олади. Шунингдек, 1496 йилда Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" номли тазкирасида 770 авлиёнинг таъриф ва тавсифини келтирган [18:590]. Мазкур асар ҳам Ўрта Осиё худудида авлиёлар номи билан боғлиқ топонимика, агиография ва персонификаsия таҳлилига қўшимча манба вазифасини бажаради. Манбада Термиз, Кеш алломалари ҳақида ҳам сўз боради.

Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳлар масаласини ўрганишда зиёратгоҳ таъмири билан боғлиқ вақф хўжалиги маълумотлари ҳам муҳим ҳисобланади. Шу маънода, Хожа Аҳрор Валийнинг вақф ҳужжатлари ҳам қимматли манба вазифасини ўтайди. Мазкур китобда Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Афғонистонда жойлашган ер мулки, шаҳар атрофидаги боғлар, савдо-ҳунармандчилик расталари (тим), ҳаммомлар, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар сифатида берилган. Мазкур мулклар масжид, мадрасалар қуриш ва авлиёлар қабри учун вақф қилингани таъкидлаб ўтилган [19: 631].

Тарихий манбаларда айнан Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар масаласининг барча жиҳатларини қамраб олган материаллар ёритилмасада, бироқ ушбу маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, кейинги давр манбалари бўлган Рузбехоннинг "Меҳмонномайи Бухоро" асарида [20:352], Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асарида [21:334] географик ва этнографик маълумотларда Бухоро таркибидаги Қоракўл, Қарши ва ўузор аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

б) Илмий-оммабоп, биографик характердаги рисолалар.

Бу туркумдаги манбалар ўз ичига шеър, ҳикоя ва насрий асарларни олади. Кўриб ўтилаётган даврда яратилган айрим бадиий асарларда Диний культ билан боғлиқ воқеалар, урф-одатлар ва уларнинг асл ҳикоялари, авлиёларнинг шахсий ҳаётини ёритувчи мисоллар кўрсатиб берилган. А.Чориевнинг "Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир моноқиби" асари [22:178-179], Садриддин Салим Бухорийнинг "Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир" [23:35], Ж.Мирзонинг "Термиз саййидлари" [24:27], Идрис Шоҳнинг Нақшбандия тариқатини ёритувчи рисоласи, И.Райҳоновнинг Қашқадарё воҳасида ижод қилган Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг ҳаёти ва меросига доир асари, Ш.Шарипов, И.Хошёровнинг "Исҳоқ бува зиёраттоҳи", Муҳаммад Усмон Жамолнинг "Буюк донишманд", Менқул Ханжарнинг Вахшивор ва Сўфи Оллоёр шахсига доир асари, Мирзо Аҳмад Хушназарнинг "Қабристон зиёрати одоби" шулар жумласидандир.

в) Эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар.

Мазкур турдаги адабиётларнинг асосини этнограф, географ ва тарихчиларнинг эсдалик кўринишида ёзилган хотира ва ҳисоботлари ташкил этади.

Маълумки, XV-XVI асрларда Ўрта Осиёга Рус ва Европа давлатларидан элчилар келиши кўпайган. Мазкур элчилар ўз маълумотларида, зиёраттоҳлар ёки ислом оламидаги шахслар бўлган авлиё, пирлар тўғрисида батафсил тўхталмасада, аммо Ўзбекистон жанубий ҳудудларининг этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумот келтириб ўтганлар. Албатта, бундай маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларидаги деталларни аниқлашга ёрдам беради.

Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалиги"да айтилишича XV аср бошларида Испаниядан келган элчига Амир Темур давлати ва Усмонли Турк султонлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Элчи Руи Гонсалес ўз асарида, Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида маълумот берса [ 25:224 ], Е.К. Мейендорфнинг, "Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорога 1820 йилги саёхати" (Путешествия Российского посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году) номли монографик тавсифида, Бухоро, Янги Урганч, Хива, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли шарҳлар келтирган [26:182]. Ҳусусан, унда Кешдаги Темурбек томонидан қурилган масжид ва унинг отаси дафн этилган мақбара борлиги ҳамда Амир Темур амри билан қурилаётган бу мақбара ҳали битмагани айтилган. Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо шу масжидда дафн этилгани ҳамда масжидда ҳар куни отаси ва ўғлининг хотирасига атаб, элга худойи ош берилгани қайд этилган [25:146-147].

Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг яна бири XVII асрдан бошлаб, минтақага ташриф буюрган сайёҳларнинг сафарномалари бўлиб, уларнинг катта қисми рус, инглиз, немис, франsуз тилларида ёзилган. Мазкур минтқага қизиқиш, айниқса, XIX асрда кучайиб, бу даврда хориждан турли мақсадларда кўплаб экспедисиялар уюштирилган, тадқиқотчи, сайёҳлар

ташриф буюрганлар.

Марказий Осиёни ўрганиш учун юборилган йирик тадқиқотчилардан яна бири бу Шарл Эжен де Южфальви де Мезо-Ковезддир (1842-1904)[27:176]. Франsуз ҳукумати томонидан Ш.Южвальфи раҳбарлигида Туркистонга 1876 ва 1887 йилларда икки маротаба махсус илмий экспедиsия жўнатилган. Бу икки экспедиsиянинг натижалари "Франsуз илмий экспедиsияси Россия, Сибир ва Туркистонда" номли олти жилддан иборат асарда Туркистонни ўтган икки йил давомида этнографик нуқтаи назардан, урф-одатлари, анъаналари ва

эътиқодларини ўрганган. Бунинг натижасида, Марказий Осиё этник атамаси яратилган.

1867 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг шахсий топшириғи билан Россия империяси бошқарув аппаратини Туркистон ўлкаси ҳаётига оид турли хил маълумотлар билан таништириб бориш мақсадида "Туркистон тўплами" - тарихий хорижий нашрлар жамланмаси тузилиб [28:30], унинг 555, 566-569, 584, 589- жилдларни этнография қисмини ҳудуд аҳолиси зиёратгоҳларига ташрифи масаласига доир мақолаларни қайд этади.

Шунингдек, ўлкада яшаган рус шарқшунос олимлари, асосан, маҳаллий аҳоли ҳаёти турмуш тарзи, жумладан, уларнинг авлиё пирларга муносабати, аҳоли турмуш тарзида ибодатнинг аҳамияти, зиёратгоҳларга ташриф масалаларини кенгроқ ёритганлар. Мазкур масала юзасидан А.Г.Арендаренко, А.И.Брянов, В.Духовская, А.Н.Куропаткин, П.С.Лыкошин, Г.П.Федоров, В.Наливкин, М.Наливкина, Н.П.Остроумов, Н.Маллиsкий, В.А. Парфентьев асарларида ҳам кенг маълумотлар учрайди.

Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган "Ислам в Туркестане" асарида [29:4-6], аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз хоҳишлари билан рус тиббиётчиларнинг хизматларидан фойдаланмокда, бироқ даволаниш тугаши билан улар (Туркистон мусулмонлари С.Ж.) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта "муқаддас жой"ларга ташриф буюришади. Бундай жойлардан маҳаллий аҳоли ўз дардларидан фориғ бўлишни исташади.

Эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар ҳам ўлка аҳолиси турмуш тарзи, дин амалларининг бажарилиши, зиёратгоҳларга ташриф масаласида қизиқарли маълумотларни бирлаштиради.

## ХУЛОСА

Умуман, зиёратгоҳлар тарихи ва ислом дини культининг аҳоли турмуш тарзи, маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишда юқорида келтирилган қўлёзма асарлар,тарихий-бадиий адабиётлар,саёҳатчилар,элчиларнинг эсдалик хотира китоблари муҳим манба вазифасини бажаради. Маълумотларнинг аксариятини этнографик кузатувлар асосид амалга ошириш, манба ва адабиётларда келтирилган маълумотларни солиштириш ва объектив маълумотларни аниқлаб олиш имкони пайдо бўлади. Бунда

cосиологик сўров, кузатиш (эксперимент), анкета саволлари билан текшириш, маросим иштирокчилари билан суҳбат (интервью) усулларидан фойдаланиш муаммонинг янги жиҳатларини очишга, манбаларда келтирилан маълумотларни факт билан мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Айтиш мумкинки, ислом манбалари орқали зиёрат термини, унинг мазмун-моҳияти, дин қонун-қоидаларида мазкур ибодатнинг келиб чиқиши ва шаклланишига муносабат кўрсатиб берилади. Бошқа томондан, жанубий Ўзбекистон худудида яшаб, ижод қилган ислом уламоларининг асарлари орқали тарихий жараёнларни баҳолайди ва зиёрат тарихининг янги қирраларини очиб беради. Шу маънода, ислом манбалари диний эътикод культининг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятининг ахлоқий- тарбиявий жиҳатларини ўрганиш имкониятини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1.Источниковедение: Теория. История. Метод: Учебное пособие / И.Н.Данилевский, В. В.Кабанов и др. - Москва, 1998. - С. 21-27.

2.Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. - Тошкент: Мовароуннаҳр. 2011. - Б. 65-66.

3.Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южнога Согда и Тохаристана арабоязычным источникам гХ- начала XIII вв. - Ташкент, 1996. - С.18-30.

4.Самъоний Абдулкарим. Насабнома (ал-Ансоб). Бухоро,2003.-Б.225-226.

5.Абу Жафар Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ул-умам ва-л-мулук. Байрут: Дор ул-кутуб ул-илмийя, 1407/1986. V. Биринчи нашр. - Б. 658-663.

6.Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Изд..Н. Велихановой. -Баку, 1986. - Б. 66.

7.Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр Банно Башшорий Мақдисий. Ахсан ут- такосим фий маърифати-л-ақолим. М.Ж.Де Гуе нашри асосида. - Кохира: Мактабат ул-мадбулий, 1411/1991. Учинчи нашр. - Б. 291.

8.Мухтаров А.М. Джейхани о городах Мавераннахра // Позднефеодалный город в Средней Азии. -Тошкент, 1958. -Б. 18.

9.Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Форсий Истахрий Кархий. Китоб масолик ул-мамолик. -Лейден: Брилл, 1870. -Б. 298.

10.Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1981. -Б. 154.

11.Ҳофиз Абру. Ашқол ал ақолим. -ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма. №5361.-290 б.

12. Сейди Али Раис. Миръотил мамолик. -Тошкент, Ўз Фан акаднашр, 1963. -Б. 97.

13. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 2 ж. -Тошкент: Фан, 1969. - 310 б.; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома ("Шарафномайи шоҳий"). Биринчи китоб; Форс тилидан С. Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. -Тошкент: Шарқ, 1999. -Б. 65.

14. Бобур З. М. Бобурнома. -Тошкент: Фан, 2018. -Б. 54.

15.Ахмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. -Тошкент: Фан нашриёти, 1966.- Б. 37.

16.Фаридуддин Аттор. Ибодати исломия. -Тошкент: ўафур ўулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. - 464 б.; Тазкират ал- аулийа, или

Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. - Москва: САМПО, 2005. - 240 с.
17.Абдураҳмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафоҳат ул-унс. -Душанбе: Адиб, 1990. -554 б.
18.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17- том. -Тошкент, 2001. -590 б.
19.Самаркандские документы XV-XVI вв. ( О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистана). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О. Д. Чехович. -М.: Наука, 1974. -631 с.
20.Ахмедов Б. А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент, 2001.-352 б.
21.Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома.-Тошкент: F. Ғулом нашриёти, 1989. -334 с.
22.Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби. - Тошкент: Шарқ, 1996. -Б. 178-179.
23.Садриддин Салим Бухорий. Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. - Тошкент: Ёзувчи, 1993. -35 б.
24.Мирзо Ж.Термиз саййидлари. -Самарқанд-Термиз, 2001. - 27 б.
25.Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муалл. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. - Тошкент: O'zbekiston, 2010. -264 б.
26.Мейендорф Е К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. Предисл. Н. А. Халфина. - Москва, Главная редаксия восточной литературы издательства Наука, 1975. -182.с.
27.Nebenzahl Kenneth. Mapping the Silk Road and Beyond. 2000 years of Exploring the East. - New York, 2005. - 176 p.
28.Касымова А.Г. Туркестанский сборник. - Тошкент: Фан, 1984. - 30 с.
29.Духовский С.М. Ислам в Туркестане. - Спб, 1899. - С. 4-6.

**Аннотасия.** Мазкур мақолада ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бўлган Қашқадарё ва Сурхон воҳаси тарихи, худуд топонимикаси,географияси,аҳоли турмуш тарзи ва жой номлари, аллома, авлиё, пирлар билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихи ҳақидаги бирламчи маълумотлар қўлёзма манбалар, тарихий-бадиий асарлар, саёҳатчилар, элчилар, тарихчи олимларнинг асарлари асосида ўрганилиб, илмий таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада қадимги Насаф, Кеш, Шаҳрэсабз ва Термиз каби шаҳарлар қурилиши, маданияти, олиму фузалолари, маҳаллий аҳоли ҳаёти, уларнинг зиёратгоҳларга ташрифи масалалари ҳам кенг ёритиб берилган.

**Annotation.** In this article, the history of Kashkadarya and Surkhan oasis, which are the southern regions of Uzbekistan in the middle ages, the toponymy of the region, geography, lifestyle of the population and place names, the history of the formation of shrines related to saints, saints, pirs, manuscript sources, historical-artistic works, travelers, ambassadors, studied and scientifically analyzed based on the works of historical scientists. At the same time, the article highlights the construction of such ancient cities as Nasaf, Kesh, Shahresabz and Termez, culture, scientists, the way of life of local residents, and their visits to places of pilgrimage.

# MUSTAQILLIK DAVRIDA O'ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARI SANOAT SOHASI TARIXINING O'RGANILISHI

**Abbos Qurbonov,**
Qarshi Iqtisodiyot va pedagogika universiteti.

**Kalit so'zlar:** O'zbekiston SSR, sanoat, fabrika, zavod, islohot, paxta sanoati, Surxondaryo, Qashqadaryo, tarix fani, ish haqi, hunar maktablari, ayollar maktablari.

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotida insoniyat taraqqiyotining avvalgi davrlariga xos bo'lmagan yangi tendensiyalar vujudga keldi. Iqtisodiyotning ma'no-mazmuni va xarakteri tubdan o'zgardi. Jahon mamlakatlarida sanoatning jadal taraqqiy etishi, davlatlararo iqtisodiy munosabatlar sohasining chuqurlashishi, xalqaro miqyosida faoliyat ko'rsatuvchi BMTning Sanoatni rivojlantirish tashkiloti faoliyati va soha tarixiga qiziqish ortib, u bilan bo'lgan tadqiqotlar keng ko'lamda olib borilmoqda. Jahonning turli ilmiy-tadqiqot markazlari, ixtisoslashgan ilmiy muassasa hamda oliy o'quv yurtlarida sanoat sohasi tarixi va uning yangi tarmoqlari bo'yicha keng ko'lamdagi ilmiy izlanishlar, tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekistonda so'nggi yillarda iqtisodiy islohotlar tufayli mamlakat sanoat ishlab chiqarish tizimida tarkibiy o'zgarishlar amalga oshirilib, zamonaviy sanoat taraqqiyoti uchun keng yo'l ochildi. Iqtisodiy hayotni demokratlashtirish, soha siyosiy tizimida tub o'zgarishlar yasash, boshqarishda yangi shaklni tashkil etish va sanoat korxonalariga egalik qilishning turli shakllarini tarkib toptirish, soha kadrlarini tayyorlash borasida qator muvaffaqiyatlar qo'lga kiritilmoqda.

Hozirgi kunda qo'yilayotgan murakkab vazifalarning ijobiy hal etilishi ko'p jihatdan uning tarixiga ham bog'liq hisoblanadi. Shuning uchun soha tarixini chuqur o'rganib, har tomonlama chuqur tahlil qilib, umumlashgan xulosalar yordamida ertangi kun istiqbollarini belgilash O'zbekiston tarixi fanining dolzarb masalalaridan biriga aylanmoqda. Jumladan, sanoat sohasining 1925 - 1941-yillardagi tarixi eng murakkab va shu bilan bir qatorda qiziqarli mavzulardan biri sifatida e'tirof etiladi. Bu davrda sovet davlati sanoat sohasida ham "sotsialistik qurilish" g'oyasini ilgari surib, tizim faoliyatini yo'lga qo'yishida jiddiy o'zgarishlar qilindi. Ammo bu o'zgarishlar Markaz manfaatlariga muvofiq amalga oshirilib, O'zbekistonning paxta xom ashyosi bazasi sifatida ixtisoslashuvi jarayoni yanada kuchaytirildi. Sanoat qurilishidagi zarur nisbatlar buzilishi, ma'muriy buyruqbozlik, noaniq topshiriqlar, mutaxassis kadrlar tanqisligi, besh yilliklarda asossiz va amalda bajarib bo'lmaydigan vazifalarning belgilanishi kabi holatlar soha faoliyatida salbiy oqibatlarni keltirib chiqardi.

Istiqlol tufayli O'zbekiston tarixining har bir davri va sohalarini chuqur ilmiy tahlil etish imkoniyati vujudga keldi. Jumladan, sovet davrida O'zbekiston siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy hamda madaniy hayoti tarixini keng qamrovli o'rganib, yakuniy

xulosalar chiqarish dolzarb masalalardan biriga aylandi. O'zbekiston janubiy viloyatlarida amalga oshirilgan sanoatlashtirish siyosati, uning maqsadi, mohiyati hamda tarixiy ahamiyati sovet davri adabiyotlarida to'liq o'z aksini topmadi.

O'zbekistonda mustaqillik qo'lga kiritilgach, tarix fanining barcha sohalarida chuqur mulohaza bilan xolisona fikr yuritish imkoni tug'ildi. O'zbekiston tarixini haqqoniy tahlil etish uchun keng yo'l ochildi.

O'zbekistonda real dunyoqarash shakllanib, umuminsoniy qadriyatlar qaror topa boshladi. Sobiq Ittifoq davrida O'zbekiston tarixi, umuman ma'naviy qadriyatlarni tiklash maqsadida ilm-fan, uning rivoji, ma'naviy hayotining muhim sohalarini rivojlantirish islohotlari amalga oshirilmadi.

Sovet davrida tarixning eng kam o'rganilgan sahifalaridan biri - O'zbekiston janubiy viloyatlarda amalga oshirilgan sanoatlashtirish siyosatidir. Bu mavzu istiqlolning dastlabki yillaridayoq siyosatchilar, iqtisodchilar hamda tarixchilarning diqqat markazidagi mavzularidan biriga aylandi. Tarixni haqqoniy va xolisona tarzda tahlil etish O'zbekiston tarixshunosligining bosh tamoyiliga aylandi.

O'zbekistonda sanoat sohasi tarixini tadqiq qilish borasida qator ilmiy-tadqiqot ishlari olib borildi. Mustaqillik yillarida O'zbekistonda sovet davri sanoati tarixi mavzusi yuzasidan O.Jo'raqulov, E.Qobulov, J.Ergasheva, M.Xudoyberganov, Q.Turopov, B.Mamatqulov kabi olimlarining risola va monografiyalari e'lon qilindi.

O.Jo'raqulov va J.Ergashevalarning risolasida Qashqadaryo viloyatida o'tgan asrning 20 - 40 yillarda sanoat sohasida amalga oshirilgan ishlar yangi nazariy metodologiyaga asoslangan holda bayon etilib, asosiy e'tibor mayda kustar sanoati faoliyatini tahlil etishga qaratiladi. Chunki viloyatda 20-yillarda yagona sanoat korxonasi 79-sonli paxta tozalash zavodi bo'lib, mazkur korxona faoliyati risolada atroflicha tahlil etiladi. Mualliflar zavod faoliyatida ta'rif berib shunday deydi: "1926-yilda ishchi-dehqon inspeksiyasi zavodning bir yillik faoliyatini tekshirganda korxona jamoasi orasida tartib-intizom bo'shligi, ishchi kadrlarning qo'nimsizligi, korxona rahbarlari o'rtasida turli kelishmovchiliklar borligi aniqlandi. 1925-yilda korxona direktori uch marta o'zgargan. Zavodga paxta yetkazib berish uchun Yakkabog', G'uzor, Chiroqchi tumanlarida paxta qabul punkti ochilgan bo'lib, ularda ham qator kamchiliklarga yo'l qo'yilgan" [1, 37].

Shuningdek, risolada 1927-yil Qashqadaryo okrugidagi kustarchilik artellarining to'liq ro'yxati, a'zolarining soni, ishlab chiqarish turlari haqida ham ma'lumotlar beriladi. Ushbu risolada mualliflar tomonidan Qashqadaryo okrugida amalga oshirilgan sanoatlashtirish siyosatining mohiyati bir qadar asoslangan.

Keyingi yillarda viloyatlarda sanoat sohasining ayrim tarmoqlari tarixiga bag'ishlangan risola va monografiyalar ham yaratildi. B. Mamatqulov tomonidan Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarii paxta tozalash sanoati tarixi tadqiq qilinib, muallif mazkur viloyatlarda turli tarixiy davrda paxta sanoatinig yo'lga qo'yilishi, paxta tozalash zavodlari faoliyati, ular tomonidan ishlab chiqarilgan yalpi mahsulot, ishchilar tarkibi, ularning moddiy ahvoli to'g'risidagi ma'lumotlar beriladi [2, 26].

H. Turopovning "O'zbekiston paxta tozalash sanoati mustaqillikning o'n yilida"

nomli tadqiqotida O'zbekiston paxta tozalash sanoatida 1991–2000–yillarda amalga oshirilgan ishlar xususida fikrlar umumlashtiriladi [3, 101].

Oziq–ovqat sanoatining ayrim tarmoqlari tarixini tadqiq etish yuzasidan ham amaliy ishlar olib borildi.[4, 42] Masalan, 2001–yilda nashr etilgan "История отрасли хлебо продуктов Узбекистана" monografiyasida non va non mahsulotlarini sanoat usulida ishlab chiqarish masalasi tahlil etiladi.

A. Hamidovning "История энергетика и энергетических предприниятий Узбекистана" risolasida sanoatning eng asosiy tarmoqlaridan biri bo'lgan energetika sohasi va uning korxonalar faoliyatini tahlil etish yuzasidan statistik ma'lumotlar keltiriladi.[5, 53]

Istiqlol davrida sanoat sohasi tarixi bo'yicha qator ilmiy maqolalar ham e'lon qilindi.

X.R.Raupovning maqolasida O'zbekistonda ishchilar o'rtasidagi ixtirochi va ratsionalizatorlik harakati tarixini sanoatning yengil va oziq–ovqat sanoati misolida yoritishga harakat qiladi.

O'zbekistonda sovet davrining dastlabki o'n yillarida mayda kustar sanoati, turli hunarmandchilik artellari, ularning a'zolari, yalpi sanoat mahsuloti ishlab chiqarishda kooperatsiyalarning o'rni masalasi A.K.To'xtayevning maqolasida o'z aksini topdi.

J.Ergashevaning O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga oshirilishiga doir maqolasida mintaqada gaz sanoatining ahvoli to'g'risidagi ma'lumotlar umumlashgan holda beriladi.

Sanoat sohasi tarixi iqtisodiy sohaning asosiy tarmog'i sifatida har doim tarixchilar diqqat markazida turdi. Shuningdek, istiqlol yillarida bu mavzuda bir necha dissertatsiya ishlari tayyorlanib, himoya qilindi. O'zbekistonda sanoatlashtirish muammosining tarixiy adabiyotlarda yoritilish masalasi U.Temirovning tadqiqotlarida o'z aksini topdi [6, 24].

U.Temirovning dissertatsiyasida sovet davrida sanoat sohasi tarixiga oid nashr etilgan ilmiy maqola, risola va monografiyalar hamda dissertatsiya ishlari uchta tarixiy davrga ajratilgan holda tahlil etiladi. Respublikada yuqori rahbarlik lavozimlarida faoliyat olib borgan F.Xo'jayev, A.Ikromov kabilarning nutqlari, asarlari, maqolalarida sanoat sohasiga tegishli fikr–mulohazalar o'rganiladi. Shuningdek, B.A. Desyatichkov, K.CH. Bedrinsev, N.Mo'minov, V.Y. Nepomnin, T.S. Melnikova, A.K. Oqilovlarning sanoatning turli yo'nalishlari tarixiga oid risola va monografiyalari tarixshunoslik nuqtayi nazaridan ilmiy tahlil etiladi.

Keyingi yillarda ishchilar sinfining sovet davri tarixini o'rganish yuzasidan qator dissertatsiya ishlari ham himoya qilindi. A.S. Asriyevaning 1992–yili himoya qilingan "Проблема формирование и развитие рабочего класса Узбекистана в исторической литературе (1920 – 1980 гг)" mavzusidagi dissertatsiyasida O'zbekistonda ishchilar tabaqasining shakllanishi va rivojlanishi mavzusining ilmiy adabiyotlarda o'rganilishi yuzasidan izlanish olib bordi [7, 141].

20 – 30 yillarda O'zbekistonda ishchilar tabaqasi, jumladan, sanoat ishchilarining madaniyat rivojlanishidagi o'rni masalasi Y.X. Haydarov tadqiqotlarida o'rganiladi [8, 4].

B.M. Burxonovning "Обеспечение народного хозяйство Узбекистана кадрами руководящих работников: опыт и уроки (20 – 30-е гг)" mavzusidagi dissertatsiyasida xalq xo'jaligining boshqa sohalari qatori sanoat korxonalarini rahbar kadrlar bilan ta'minlash muammosi tadqiq etiladi [9, 49].

Mustaqillik yillarida sanoatda milliy kadrlar tayyorlash mavzusini tadqiq etish borasida ham izlanishlar olib borildi. N.Y. Qodirovaning "Подготовке национальных промышленных кадров в Узбекистане (30-е годы)" mavzusidagi dissertatsiyasi shular jumlasidandir. Dissertatsiyada O'zbekistonda 30- yillarda milliy ishchi kadrlarning shakllanish muammosi, sanoat korxonalarini oliy malakali muhandis-texnik kadrlar bilan ta'minlash masalasi yangi ilmiy qarashlar asosida tadqiq etiladi.[10, 67]

J. Ergashevaning 1998-yil himoya qilingan dissertatsiyasida O'zbekistonda sanoat sohasining yo'lga qo'yilishi va uning turli tarmoqlari faoliyati Qashqadaryo viloyati misolida tadqiq etiladi. Dissertatsiyaning birinchi bobi "Начало создания промышленных предприятий в Кашкадарье (1920 – 1945 гг)" deb nomlanib, bunda viloyatda faoliyat olib borgan yagona paxta tozalash zavodi (Shahrisabzda), mayda kustar hunarmandchilik artellari, ularning a'zolari, ishlab chiqargan mahsulot turlari va hajmi to'g'risida ma'lumot umumlashtiriladi. Ammo dissertatsiyada O'zbekiston viloyatlarida 20 – 30 yillarda sanoat sohasida olib borilgan siyosat to'g'ri asoslanmagan. Masalan, O'zbekiston sanoat ishlab chiqarishda Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari hissasi juda past edi. Bu jarayonning kelib chiqish sabablari, oqibatlari dissertatsiyada deyarli tahlil etilmadi. Shunday bo'lsada, dissertatsiyada biz tadqiq qilayotgan mavzuga tegishli ko'plab tarixiy dalillar arxiv hujjatlariga tayangan holda yoritib beriladi.

1925 – 1941-yillarda O'zbekiston sanoat ishlab chiqarishida milliy hunarmandchilikning salmog'i yuqori edi. Aholining sanoat mahsulotlariga bo'lgan ehtiyoji mayda kustar hunarmandlar tomonidan qondirildi. Mustaqillik yillarida "1917 – 1941-yillari O'zbekiston milliy hunarmandchilik va uning sotsialistik asosda sanoatlashtirish" mavzusi A.Q. To'xtayev tomonidan maxsus tadqiq etildi. Dissertatsiyada O'zbekistonda bolsheviklar tomonidan milliy hunarmandchilik sohasida amalga oshirilgan ishlarga mazmun-mohiyati jihatdan yangicha baho beriladi. Muallif birinchi marta yangi manbalar asosida O'zbekistonning janubiy viloyatlari hunarmandchiligi va uning tarmoqlaridagi o'zgarishlar jarayoni va o'ziga xos muammolarini mamlakat tarixshunosligida yaxlit tarzda xolisona o'rganishga harakat qiladi. Shuningdek, dissertatsiyada hunarmandchilik kooperatsiyalarining vujudga kelishi va ular faoliyatidagi ijobiy va salbiy o'zgarishlar, hunarmandchilik artellarining tarixiy o'rni va ahamiyati, hunarmandchilik sanoatini yangi texnika va zamonaviy texnologiya bilan jihozlashdan ko'zlangan maqsad, bu soha uchun kadrlar tayorlash, ularning malakasini oshirish, turmush darajasini yaxshilash tajribalarini tahlil qilishga harakat qilinadi.[12, 74]

Mustaqillik davrida O'zbekistonda amalga oshirilgan sanoatlashtirish siyosati tarixi tarixshunosligini o'rganish natijasida shunday xulosaga kelindiki, shu kunga qadar ham ushbu mavzuda fundamental ishlarni yaratilish ko'lami kam. Qolaversa, bu mavzuda dissertatsiya ishlari ham kam himoya qilinmoqda.

O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosati sovet davri iqtisodiy hayotini o'rganish natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki, bu davrda yaratilgan ilmiy maqolalar, adabiyotlar va dissertatsiya ishlarida asosiy e'tibor sanoat sohasidagi jadallashtirish siyosati, sohadagi o'sish sur'atlari, ishchilar sonining ortishi, fabrika va korxonalar sonining yildan yilga ko'payganligi bilan izohlanib, sanoatlashtirish siyosati mohiyati xolislik va haqqoniylik nuqtayi nazardan o'rganilmagan. Mustaqillik davrida barcha sohalar tarixi ilmiy jihatdan yangi nazariy metodologiyaga tayangan holda talqin etishga kirishilib, soha tarixi bo'yicha ilmiy maqolalar, yangi adabiyotlar, dissertatsiya ishlari bajarildi. O'zbekiston iqtisodiy hayoti, jumladan, sanoat sohasi tarixiga bag'ishlangan ishlar salmog'i ko'p bo'lsada, ammo ularda ayrim kamchiliklar ham mavjud bo'ldi. Shuningdek, tadqiqotlarning birortasida 1920–1940–yillarda O'zbekiston sanoat sohasi tarixi maxsus tadqiqot obyekti sifatida tanlab olinmagan. Sovet davri tadqiqotlarida besh yillik rejalar davrida amalga oshirilgan ishlar bo'yicha tarixchilar mamlakatning sanoatlashuviga baho berilgan.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:


1. Jo'raqulov O., Ergasheva J. Qashqadaryo sanoati tarixi. – Qarshi: Nasaf, 1996. – B. 32.

2. Mamatqulov B. O'zbekiston gaz–oltingugurt sanoatining yuzaga kelishi va uning rivojlanish tarixi (Qashqadaryo viloyati misolida) // Ижтимоий–гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – №12/1(3)–2023. ISSN: 2181–1342 (Online) https://scienceproblems.uz

3. Mamatqulov B.SH.O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga oshirilishi va uning oqibatlari (1925–1941–yy.); Monografiya. T.: "Lesson Press" MCHJ nashriyoti. – 2023. –134 b.

4. Mamatqulov B.Sh. O'zbekistonda 1925–1954 –yillarda sanoat sohasida amalga oshirilgan tadbirlar va ularning natijalari // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. ? Xiva, 2023. ? №12/5. –B. 61–65. http://mamun.uz/uz/page/56

5. Mamatqulov B.SH.O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga oshirilishi va uning oqibatlari (1925–1941–yy.); Monografiya. T.:"Lesson Press" MCHJ nashriyoti. – 2023. –134 b.

6. Mamatqulov B.Sh. O'zbekistonda 1925–1954 –yillarda sanoat sohasida amalga oshirilgan tadbirlar va ularning natijalari // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. Xiva, 2023. ? №12/5. –B. 61 – 65. http://mamun.uz/uz/page/56

7. Mamatqulov B. O'zbekiston gaz–oltingugurt sanoatining yuzaga kelishi va uning rivojlanish tarixi (Qashqadaryo viloyati misolida) // Ижтимоий–гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – №12/1(3)–2023. ISSN: 2181–1342 (Online) https://scienceproblems.uz

8. Mamatqulov B.SH.O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga

oshirilishi va uning oqibatlari (1925–1941–yy.); Monografiya. T.: "Lesson Press" MCHJ nashriyoti. – 2023. –134 b.

9. Mamatqulov B.Sh. O'zbekistonda 1925–1954 –yillarda sanoat sohasida amalga oshirilgan tadbirlar va ularning natijalari // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. ? Xiva, 2023. ? №12/5. – B. 61 – 65. http://mamun.uz/uz/page/56 10. Mamatqulov B.SH.O'zbekistonda sanoatlashtirish siyosatining amalga oshirilishi va uning oqibatlari (1925–1941–yy.); Monografiya. T.: "Lesson Press" MCHJ nashriyoti. – 2023. –134 b.

11. Mamatqulov B. O'zbekiston gaz–oltingugurt sanoatining yuzaga kelishi va uning rivojlanish tarixi (Qashqadaryo viloyati misolida) // Ижтимоий–гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – №12/1(3)–2023. ISSN: 2181–1342 (Online) https://scienceproblems.uz

12.To'xtayev A.Q. O'zbekistonda milliy hunarmandchilik va uni sotsialistik asosda sanoatlashtirishning ijtimoiy oqibatlari (1917 – 1941–yillar) // Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. – T., 2001.

**Annotatsiya.** O'zbekiston janubiy viloyatlarida 1925–1941 yillarda amalga oshirilgan iqtisodiy siyosatning asl mohiyati xolis yoritilib, sanoat taraqqiyotining bir tomonlama ixtisoslashuvi, ishlab chiqarishning sun'iy ravishda jadallashtirilishi, sanoat ishchilar tarkibini shakllantirish hamda kadrlar tayyorlash jarayonidagi ziddiyatli holatlar ilmiy asosda tahlil qilingan.

**Abstract.** The true nature of the economic policy implemented in the southern regions of Uzbekistan in 1925–1941 is objectively covered, and the conflicting situations in the process of one–sided specialization of industrial development, artificial acceleration of production, the formation of the industrial workforce and the process of personnel training are analyzed on a scientific basis.

# MAMLAKATIMIZDA INTELLEKTUAL MULK HUQUQINI TA'MINLASHDA XORIJIY TASHKILOTLAR VA KONVENSIYALAR O‘RNI

**Muhabbat Zokirova,**
Qashqadaryo viloyati yuridik texnikum o`qituvchisi.

**Kalit so'zlar:** intellektual mulk muhofazasi, Butunjahon intellektual mulk tashkiloti (BIMT), SIZAK, Texnologiyalar va innovasiyalarni qo'llab-quvvatlash markazi (TIQQM), Intellektual mulkni rivojlantirish sohasida O'zbekiston Respublikasining milliy strategiyasi.

KIRISH. Bugungi raqamli iqtisodiyot va jadal rivojlanayotgan O`zbekiston huquq tizimida intelektual mulk huquqi alohida bir bo`lim sifatida o`rganilib kelinmoqda. Ushbu huquq tizimini keng miqiyosda o`rganish uchun xorijiy davlatlarning tajribasi joriy etilmoqda. Rivojlangan davlatlardan biri sifatida Singapur huquq tizimiga yondashsak, dunyo bo'ylab ishlab chiqarish, innovatsiya va intellektual mulkni muhofaza qilishda xususan tashkilotlashgan yangi texnologiyalar va strategiyalar bilan tanilgan. Mamlakatning intellektual mulk huquqi tizimi juda samarali va muvaffaqiyatli hisoblanadi. Singapurda intellektual mulkni himoya qilishga oid yosh bo'shliqlar, izchil patentlarni ro'yxatga olish, brendlar va biznes belgilarini ro'yxat o'tkazish, to'lov shartnomalarini va shaxsiy mulkchilikning boshqa xususiyatlari bilan bog'liq tartibotlar mavjud.

Singapur mamlakati, innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash va to'lov belgilarini himoya qilish maqsadida innovatsionlik talabalarini o'rgatish, brendlar va to'lov belgilari haqida xavfsizlik ma'lumotlarini tarqatish, intellektual mulkni tijorat qilish va istiqbolli rivojlanishini rag'batlantirish kabi xizmatlarni taklif etish bilan hamkorlik qiladi.

O'zbekiston ham intellektual mulk huquqi muhofazasiga katta e'tibor beradi va bir qator xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qiladi. O'zbekistonda intellektual mulk huquqi qonunlarining amalga oshirilishi va ulardan samarali foydalanilishi uchun Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) intellektual mulk huquqi to'g'risidagi normativ hujjat va BMT tomonidan qo'llanilgan boshqa hujjatlar jismoniy shaxslar va tashkilotlarga yordam beradi. O'zbekistonda intellektual mulk huquqi muhofazasi yuqori saviyada olib borilmoqda va soha bo'ylab rivojlanmoqda.

O'zbekiston Respublikasi 1991-yilning o'zidayoq Butunjahon intellektual mulk tashkilotiga a'zo bo'lib kirdi. Butunjahon intellektual mulk tashkiloti (BIMT) intellektual mulk (IP) xizmatlari, siyosati, axborot va hamkorlik sohasidagi global forumdir. BIMT Birlashgan Millatlar Tashkilotining o'z-o'zini

moliyalashtiruvchi tuzilmasi bo'lib, unga 193 davlat hisoblanadi. BIMT 1970-yil 26-aprelda Butunjahon intellektual mulk tashkiloti konvensiyasi (1967-yil 14-iyul, Stokgolm) kuchga kirgandan so'ng tashkil etilgan.

O'zbekiston Respublikasi mazkur tashkilotga a'zo bo'lib kirgach intellektual mulkning turli yo'nalishlari bo'yicha hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yishga kirishildi. O'tgan davr mobaynida O'zbekiston BIMTning 20 ga yaqin shartnomalarini ratifikatsiya qilgan:

-Butunjahon intellektual mulk tashkilotini ta'sis etish Konvensiyasi;

-Sanoat mulkini muhofaza qilish to'g'risidagi Parij konvensiyasi;

-Patent kooperatsiyasi to'g'risidagi shartnoma;

-Tovar belgilari bo'yicha qonunchilik to'g'risidagi shartnoma;

-Patent jarayondari maqsadlari uchun mikroorganizmlarni deponenlashtirishni tan olish to'g'risidagi Budapesht shartnomasi;

-Xalqaro patent klassifikatsiyasi to'g'risidagi Strasburg bitimi;

-Belgilarni ro'yxatdan o'tkazish uchun tovar va xizmatlarning xalqaro klassifikatsiyasi to'g'risidagi Nitssa bitimi;

-O'simliklarning yangi navlarini muhofazalash bo'yicha Konvensiya;

-Adabiy va badiiy asarlarni himoya qilish to'g'risidagi Bern konvensiyasi;

-Sanoat namunalarining xalqaro klassifikatsiyasini ta'sis etish to'g'risidagi

-Lokarno bitimi;

-Patent qonunlari to'g'risidagi shartnoma;

-Belgilarni xalqaro ro'yxatga olish to'g'risida Madrid Bitimiga Bayonnoma;

-Mualliflik huquqi bo'yicha shartnoma;

-Ijrolar va fonogrammalar bo'yicha shartnoma;

-Ko'zi ojiz, ko'rishda nuqsoni bo'lgan va bosma axborotni idrok etishda boshqa jihatdan qobiliyati cheklangan shaxslarning nashr etilgan asarlardan foydalanishini yengillashtirish to'g'risidagi Marokash shartnomasi.

O'zbekiston Respublikasi mazkur shartnoma va konvensiyalarni ratifikatsiya qilish asnosida ularning talab va tavsiyalaridan kelib chiqqan holda turli intellektual mulk obyektlarini muhofaza qilishga qilishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilingan hamda ilgari qabul qilinganlari milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda ushbu shartnoma va konvensiyalarga muvofiqlashtirilgan. Bularga misol sifatida "Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to'g'risida"gi qonun, "Tovar belgilari, xizmat ko'rsatish belgilari va tovar kelib chiqqan joy nomlari to'g'risida"gi qonun, "Ixtirolar, foydali modellar va sanoat namunalari to'g'risida"gi qonun, "Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma'lumotlar bazalarining huquqiy himoyasi to'g'risida"gi qonun, "Integral mikrosxemalar topologiyalarini huquqiy muhofaza qilish to'g'risida"gi qonun va boshqalarni ko'rsatishimiz mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-fevraldagi "Intellektual mulk sohasida davlat boshqaruvini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4168-son Qaroriga asosan tasdiqlangan "yo'l xaritasi"da Butunjahon intellektual mulk tashkiloti bilan hamkorlikni yanada kengaytirish

vazifasi qo'yilgan. Xususan, quyidagi masalalar bo'yicha BIMT bilan hamkorlikni amalga oshirish choratadbirlari belgilangan: "Tashkent Law Spring" xalqaro yuridik forumi doirasida intellektual mulkni huquqiy muhofaza qilishning dolzarb tendensiyalarini muhokama qilish;

– Xalqaro normativ-huquqiy hujjatlar, BIMTning texnik qo'llanmalari va ilmiy kitoblarini tarjima qilish va moslashtirish bo'yicha BIMTning texnik ko'magini oshirish;

– Intellektual mulk, shu jumladan uning huquqiy himoyasi sohasidagi milliy mutaxassislarni JIMTning shtab-kvartirasiga stajirovkaga yuborish;

– Jamiyatda intellektual mulk obyektlariga bo'lgan huquqqa nisbatan hurmat bilan qarash madaniyatini shakllantirishga qaratilgan targ'ibot choralari va ishlarini o'tkazish.

Mazku Mazkur qarorda belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash yuzasidan Intellektual mulk agentligi tomonidan bir qator ishlar amalga oshirildi. Masalan, 2019-yil 11-12-sentyabr kunlari Agentlik tomonidan BIMT bilan hamkorlikda "Intellektual mulkka nisbatan hurmat munosabatini oshirish" mavzusida seminar tashkil etildi. Mazkur seminarda BIMT, Estoniya, Belgiya va boshqa davlatlardan vakillar ishtirok etishdi.

Ushbu seminar davomida intellektual mulk obyektlariga nisbatan hurmat bilan qarash madaniyatini shaktlantirish va oshirishning konsepsual asoslari, mazkur sohada

BIMTning tutgan roli, intellektual mulk sohasida huquqbuzarliklarning oldini olish bo'yicha xalqaro hamkorlik va bu boradagi rivojlangan davlatlarning tajribasi muhokama qilindi. Seminar yakunida "Intellektual mulk sohasida huquqbuzarliklarning oldini olish bo'yicha bo'yicha strategik hamkorlik" mavzusida davra suhbati tashkil etildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-yanvardagi "Intellektual mulk obyektlarini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4965-son Qaroriga asosan Butunjahon intellektual mulk tashkiloti bilan hamkorlikda "Intellektual mulkni rivojlantirish sohasida O'zbekiston Respublikasining milliy strategiyasi"ni ishlab chiqish belgilangan.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, Butunjahon intellektual mulk tashkiloti bilan hamkorlik munosabatlari O'zbekistonda intellektual mulk muhofazasini ta'minlash, uning huquqiy asoslarini yaratish hamda ushbu sohada davlat boshqaruvini takomillashtirib borilishida muhim ahamiyat kasb etdi. O'zbekiston tomonidan BIMTning 20ga yaqin xalqaro konvensiya va shartnomalari ratifikatsiya qilindi. Mazkur xalqaro hujjatlar asosida intellektual mulkni tartibga solish, uning huquqiy muhofazasini ta'minlashga qaratilgan bir qator normativ – huquqiy hujjatlar qabul qilindi va BIMTning taklif va tavsiyalari asosida takomillashtirib borildi. Bu esa intellektual mulk huquqining buzilishining oldini olish, intellektual mulk subyektlarining buzilgan huquqlarini tiklashda muhim rol o'ynadi. Shuningdek, O'zbekiston tarafi tashabbusi bilan BIMT

bilan hamkorlikda turli tadbir va konferensi yalar tashkil etildi.

Amalga oshirilgan ushbu chora-tadbirlar xalqaro hamjamiyat ko'z o'ngida O'zbekiston mavqeyini oshirib, intellektual mulk sohasida boshqa tashkilotlar va davlatlar bilan hamkorlik aloqalarining o'rnatilishiga imkon yaratdi.

**Foydalanilgan internet manbalari:**

1. Karimov I.A. Yangicha ishlash va fikrlash - davr talabi. T.5. - T.: "O'zbekiston", 1997. - B. 61-bet;

2. Intellektual mulk huquqi: rivojlantirish istiqbollari / Ma'sul muharrir: A. G'afurov. -T.: "Adolat", 2012. 68-bet;

3. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари / хорижий экспертлар иштирокида (видеоконференция шаклида) Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮУ, 2020. - 336 бет;

4. Интеллектуал мулк. Дарслик. Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф.,О.Оқюлов, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент Н.Э.Гафурова // Муаллифлар жамоаси. -Т.: ТДЮУ нашриёти, 2019. - 588 бет.

5. Рустамбеков И.Р., Мусаев С.Ф. Международное авторское и патентное право. - Т.: ТГЮУ, 2016. - 280 стр.

1. https://lex.uz/

2. https://www.wipo.int/about-wipo/en/

3. https://ima.uz/uz/services/idoralararo-hamkorlik/

4. https://ima.uz/uz/nashrlar/yillik-hisobot/

5. https://ima.uz/uz/exhibition/rahbariyatning-chiqish-va-bayonnomalari/

6.https://guldu.uz/uz/universitet/tuzilma/markazlar/innovation-supportcenter/18596-texnologiyalar-va-innovatsiyalarni-qollab-quvvatlash-markazi.html

**ANNOTATSIYA:** Mazkur maqolada O'zbekiston Respublikasining intellektual mulk muhofazasi bo'yicha Butunjahon intellektual mulk tashkiloti bilan hamkorlik aloqalarining yo'lga qo'yilishi, uning rivojlanib borishi hamda o'zaro hamkorlikda amalga oshirilgan ishlar tahlil etilgan. Shuningdek, so'nggi yillarda O'zbekiston Respublikasi tomonidan intellektual mulk muhofazasini ta'minlashda Butunjahon intellektual mulk tashkiloti bilan hamkorlikni yanada kengaytirish bo'yicha belgilangan chora-tadbirlar va uning tahliliga to'xtalib o'tilgan.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье проводится анализ становления, развития и сотрудничества Республики Узбекистан со Всемирной организацией интеллектуальной собственности в сфере защиты интеллектуальной собственности. Он также коснулся мер, предпринимаемых Республикой Узбекистан в последние годы по дальнейшему расширению сотрудничества со Всемирной организацией интеллектуальной собственности в сфере защиты интеллектуальной собственности и ее анализа.